ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ

Д.Б.РАХИМОВ

МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

МОНОГРАФИЯ

Тошкент
“MUMTOZ SO‘Z”
2021

УЎК: 347.135.224(575.1)
КБК 67.3
Р-29

Мазкур монографияда мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш тушунчаси, цивилистик аҳамияти ва роли, таъминлаш усулларига илмий докторинал ёндошувлар ва турланишининг ўзига хос жиҳатлари, таъминлашнинг қарздорни рағбатлантирувчи ва уни ўз мажбуриятини лозим даражада ижросига йўналтирувчи усуллари сифатида неустойка ва закалат; қарздор томонидан мажбурият бузилганида кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида кафиллик, кафолат; универсал усуллар сифатида гаров ва қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш; бошқа усуллар сифатида эса товар неустойкаси, суғурта, делькредере ва факторинг, рақамли реаллик шароитида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларини такомиллаштиришнинг замонавий истиқболларини белгилашда, қонунлар ишлаб чиқиш, "таъминловчи битимлар", интеллектуал мулк объектлари, м*утлақ ҳуқуқлар гарови, бренддан фойдаланиш, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг замонавий усуллари бўлган "Астрент", "Эскроу", "Indemnity", "Warranty", "Estoppel" билан боғлиқ масалалар назарий ва амалий жиҳатдан ёритиб берилган.*

Монография юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотларнинг ходимлари, тадқиқотчилар, талабалар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Ю.ф.д., профессор Ш.Рўзиназаров

Тақризчилар:
Ю.ф.д., профессор Б.Тошев
Ю.ф.н., профессор В.Топилдиев

Монография Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгашининг 2021 йил 21 июндаги 21-сонли мажлис баённомаси билан нашрга тавсия этилган

ISBN 978-9943-6085-6-6

© Рахимов Д.Б., 2021
© "MUMTOZ SO'Z", 2021

Мазкур монография устозимиз –
юридик фанлар номзоди, доцент
Исмоил Анортоевнинг
порлоқ хотирасига бағишланади.

КИРИШ

Дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тараққиёти, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш жараёнида иштирок этувчи тарафларнинг манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун неустойка, гаров, кафиллик, закалат каби анъанавий таъминлаш усулларининг рақамли ўхшашлигидан фойдаланишга мажбур этмоқда. Албатта, булар мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг келгуси истиқболини белгилашга ўз таъсирини ўтказмоқда. Шунингдек, 2005 йил 23 ноябрда электрон шартномалар тузиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи “Халқаро шартномаларда электрон хабарномадан фойдаланиш ҳақидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияси” қабул қилинганлиги ва амалда кенг қўлланилиб келаётганлиги, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда битимларни электрон муҳитда ва электрон имзодан фойдаланган ҳолда тузиш ва унда таъминлаш усулларини белгилашнинг самарадорлигини ўрганишни тақозо этади.

Жаҳонда ҳозирги кунда мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг шаклланиши ва ривожланишининг илмий-назарий жиҳатлари, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тенденцияларига таъсир этувчи замонавий омиллар, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга оид “Астрент”, “Эскроу”, “Indemnity”, “Warranty” ва “Estoppel” каби конценциялар, таъминлаш усулларини ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли жо-

рий этиш механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, мажбуриятларни бажариш жараёнида иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ролини ўрганиш бўйича янги ёндошувларни шакллантириш юзасидан чуқур илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда мажбуриятни бажариш жараёнида иштирок этувчи тарафлар ҳуқуқ ва манфаатини самарали ҳимоя қилиш мақсадида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнини тартибга солишга қаратилган кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган мақсад ва вазифаларга эришиш, шунингдек фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепцияда фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик мажбуриятларини виждонан ва муносиб амалга оширишни таъминлашга қаратилган чора ва воситаларни такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан таъминлашнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олмасдан, барча мажбуриятлар бажарилишини “бир хил қолип” яратиш орқали таъминлашни “механик” тарзда қўллаш расмиятчилик учун амалга оширилаётганлиги иқтисодий судлар томонидан адолатсиз қарорлар қабул қилинишига, тарафнинг ўз мажбуриятини бажаришига нисбатан “лаёқатсиз” бўлиб қолишига, усулларнинг таъминлаш кучи йўқолишига олиб келаётганлиги, бу борада маълум бир асослар, мезонлар ва шартларга таянган ҳолда тизимли равишда таъминлаш усулларини қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Жаҳонда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда давлатлараро уйғунлашуви, айни пайтда тадбиркорлар ўртасида шартномалар тузиш ва унинг бажарилиши мадания-тининг кун сайин ошиб бориши, ўз навбатида, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган халқаро ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Иқтисодий муносабатлар ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш юридик фан олдида турган долзарб вазифалар қаторига киради. Ушбу монографик тадқиқот натижасида эришилган хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилиши фуқаролик ҳуқуқининг бу борадаги муаммоли масалаларини илмий-назарий жиҳатдан ечишга, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш соҳаси билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади деган умиддамиз.

I-боб. ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИСТИК ТАВСИФИ

1.1. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш тушунчаси, цивилистик аҳамияти ва роли

Мажбурият бажарилишини таъминлаш муаммоси кишилик жамиятининг дастлабки пайтлариданоқ долзарб ва муҳим аҳамиятга эга бўлган[1]. Шу боис,таъминлашнинг кўплаб усуллари Рим ҳуқуқидаёқ маълум бўлган. Масалан, Гай институтларида битимни ташкил этувчи далил сифатида закалат (arra confirmatoria) ҳақида эслатиб ўтилган бўлса, Юстиниан даврида, закалат (arra poenalis) ўзининг классик маъносига эга бўлган, яъни мажбурият бажарилмаган тақдирда закалат берувчининг закалат суммаси икки баравар миқдорида қайтарилиши тўғрисида қоидалар қўлланилган. Закалат тўғрисидаги қоидалардан ташқари, Рим ҳуқуқида мажбуриятлар неустойка қўллаш (stipulatio poenae), гаров, шу жумладан, фидуция ва кафилликни қўллаш орқали таъминланган.

Таъкидлаш жоизки, мусулмон ҳуқуқида ҳам мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш масаласи тартибга солинган. Хусусан, шариат қонунларига шарҳ ҳисобланган “МУХТАСАР”да “Кафил бўлмоқ шулки, устида ҳақи йўқ бегона кишининг яхшилик этуб мутолабада, яъни сўраш-излаш вақтида, бирга жавоб беришмоқ учун устида ҳақи бор киши билан бир тарафда туриб гувоҳ бўлмоқи. Гўёки иккиси бир ҳукминда бир зарурий иш тўғрисида биргалашиб, жавоб бериш учун қўшилмоқлари. Ўзини қўшувчи кафил бўлади. Қўшув жараёни кафолат, яъни кафил бўлиш деб аталади”[2].

---

[1] Эшонқулов С.Ю. Қарз мажбурияти, унинг ижросини таъминлаш усуллари // Ҳуқуқ ва бурч – Тошкент, 2011. -№5, -Б.50.

[2] МУХТАСАР (Шариат қонунларига қисқача шарҳ) Убайдуллоҳ Мақсъуд ўғли Масъуд тожушшариат ўғли. -Т.: Чўлпон, 1994, -Б.214-215.

Назаримизда, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ тушунчалар янада кўҳнароқ. Масалан, Авестонинг “Шартномалар ва жиноятлар”га бағишланган 4-Фрагарди “Іа” қисмида олтита, яъни биринчи шартнома – сўз билан мустаҳкамланган; иккинчиси – қўлни сиқиш билан; учинчиси қўйни гаровга қўйиш; тўртинчиси – ҳўкизни гаровга қўйиш; бешинчиси – инсонни гаровга қўйиш; олтинчиси – ҳосилдор ерни гаровга қўйиш билан боғлиқ шартномалар мавжудлиги эътироф этилган[1]. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилояти ҳудудида қарийб 3000 йил муқаддам яратилган “Авестода” қайд қилинган 6 та шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилиши бир қатор усуллар билан таъминланган.

Ҳуқуқий билимларнинг ва тасаввурнинг ривожланиб бориши натижасида мажбурият бажарилишини таъминлашнинг янгидан-янги усуллари, воситалари, механизмлари ишлаб чиқилаётганлиги эса мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усул ва воситалари доимий такомиллаштириб боришни тақозо этишини кўрсатади[2].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 234-моддаси 2-қисмида қайд қилинишича, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда мазкур кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади[3]. Ушбу Кодексда мажбуриятлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган моддалар сони 900 дан ортиқ бўлиб, ўз ичига шартнома, зиён етказиш ва бошқа асослардан вужудга келадиган муносабатларни қамраб олади. Бу эса қайд қилинган муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг қайси

---

[1] Авеста «Закон против дэвов» (Видевдат). СПб.: Изд-во Политехи, ун-та, 2008. -С.97

[2] Имомов Н. Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларига нисбатан янгича ёндашувларнинг таҳлили. //Юридик фанлар ахборотномаси. 2/2020. -Б.40-41.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/docs/111189

бирларини таъминлаш усулларини қўллаш орқали ҳимоялаш зарурияти мавжудлиги юзасидан чегараларни аниқлашни тақозо қилади. Бундан кўзланган мақсад, аниқланган чегарадаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш орқали унда иштирок этувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Зеро, ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари шу жумладан, шартномали ёки шартномадан ташқари юзага келадиган мажбуриятлар лозим даражада бажарилиши учун ҳимоя қилиш усулларига муҳтож бўлади.

Бу борада тадқиқот олиб борар эканмиз, нафақат шартномавий муносабатларга оид, балки бошқа хусусан деликт каби тушунчаларни ҳам ўрганиш зарур бўлади. Зеро, жабрланувчининг шахсига ёхуд мол-мулкига қандайдир муайян шартнома билан боғлиқ бўлмаган ҳолда зиён етказиш деликт ҳисобланади. Деликтлар бош ва махсус деликтларга бўлинади. Бош деликт стандарт қоидаларига киритилган ҳар қандай зиённи қоплаш учун асос бўладиган умумий қоидалардан иборат. Махсус деликтлар зиённинг алоҳида характери (мулкий зиён, маънавий зиён, шахсга етказилган зиён, соғлиққа етказилган зиён), зарар етказиш манбаи (оширилган хавф манбаи), айби (айбли ёхуд айбсиз жавобгарлик), зарар етказувчининг шахси (масалан, ёлланма ходим, давлат хизматчиси) ва бошқа ҳолатлар бўйича ўз хусусиятига эга[1].

Н.А.Қўлдашевнинг фикрича, “...деликт мажбурият деганда, кўпроқ ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар тушунилса, шартномадан ташқари мажбуриятлар эса кенгроқ мазмун касб этиб, нафақат ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар, балки юқорида таъкидланган шартномасиз мажбуриятларнинг барча турларини назарда тутади”[2].

---

[1] Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. –Т.: ТДЮИ, 2009. –Б.71.

[2] Қўлдашев Н.А. Деликт мажбуриятлар ҳақида айрим мулоҳазалар. // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. -2012. -№3. –Б.46.

Ушбу фикрдан англаш мумкинки, мажбуриятларнинг вужудга келиш доираси ғоятда кенг ва назаримизда улар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида таъминлаш усуллари орқали ҳимояланишга зарурият сезади. Мазкур зарурият қонунчилик ҳужжатларига бу борада тегишли нормалар киритилишига олиб келади. Масалан, зарар етказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси "Ипотека тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида қайд қилинган, ипотека билан зарар етказилиши оқибатида вужудга келадиган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкинлиги[1] ҳақидаги қоидаларни келтириш мумкин.

Шунингдек, оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятли муносабатларни таъминлаш усуллари орқали тартибга солинишини кузатиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 142-моддаси 2-қисмида, "Суднинг ҳал қилув қарорига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдорида алимент олувчига неустойка тўлайди"[2] тарзида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-сонли қарори билан тасдиқланган "Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-бандида, давлат ижрочилари иш юритувида бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича алимент тўловларини ихтиёрий равишда тўлаётган жисмоний шахслар муайян давр учун алиментни олдиндан тўлаш ёки алимент олувчи билан келишилган ҳолда алимент тўлаш мажбурия-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Ипотека тўғрисидаги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/acts/1063359

[2] Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий /https://www.lex.uz/docs/104720

тини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузишга ҳақли бўлди[1].

Солиқ соҳасидаги мажбуриятли муносабатлар ҳам таъминлаш усуллари орқали тартибга солиниши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 106-моддаси 1-қисмида “Солиқ мажбуриятининг бажарилиши мол-мулк гарови, кафиллик, банк кафолати, пенялар, банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларнинг тўхтатилиши ва солиқ тўловчининг мол-мулкини хатлаш билан таъминланиши мумкин[2].

Демак, бажарилиши фуқаролик-ҳуқуқий таъминланиши лозим бўлган муносабатлар чегараси ўз ичига шартномали, деликт ҳамда шартномадан ташқари мажбуриятли муносабатларни ҳам қамраб олар экан. Бу каби муносабатлар чегараси аниқ белгиланиб, унда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқлари ҳимояланмаслиги турли ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро, амалдаги Фуқаролик кодексининг 325, 326-моддаларида неустойка ва зарарнинг юқори чегараси ўрнатилмаганлиги оқибатида амалиётда, айрим виждонсиз тадбиркорлик субъектлари томонидан юқори миқдорда неустойкани белгилаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу уларнинг асоссиз бойишига сабаб бўлмоқда ва шартноманинг “заиф” томони учун (якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар ва бошқалар) ноқулайликлар келтириб чиқармоқда[3].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-сонли қарор билан тасдиқланган “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /www.lex.uz

[2] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/4674902

[3] Абдуқодиров А. Фуқаролик кодекси лойиҳасида тадбиркорлар учун қандай муҳим ўзгаришлар бор?/ http://hudud24.uz/fu%D2%9Barolik-kodeksi-loyi%D2%B3asida-tadbirkorlar-uchun-%D2%9Banday-mu%D2%B3im-%D1%9Ezgarishlar-bor/

Айни пайтда, таъминланиши лозим бўлган мажбуриятлар чегарасида содир бўладиган манфаатлар тўқнашувидан тарафлар айниқса, “шартноманинг заиф тарафи” ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилиш зарурияти мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, мажбуриятлар бажарилмасдан тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўқнашувига олиб келувчи бир қатор омиллар мавжуд. Булар қаторига “коррупциявий омиллар”ни киритиш мумкин. “Коррупциявий омил – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган ҳуқуқий нормаларни”[1] ташкил этади.

“Коррупциявий омиллар” хусусан, коррупция *кўплаб давлатларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилиги* билан ҳуқуққа қарши ҳаракат сифатида таъқиб қилинади. Бироқ, у жамиятда янада кенг қамровли ўринни эгаллайди.

Н.Имомов бу масалага ўз муносабатини билдирар экан, у нафақат жиноий, балки маъмурий, фуқаролик, корпоратив, меҳнат, аграр ва шу каби бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар жамланмаси кўзга ташланади. Масалан, корпоратив муносабатларда аффилланган шахслар билан битим тузиш қоидаларини бузиш ёки йирик битимга нисбатан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этмаслик[2] деб таъкидлайди.

Баён этилган фикрга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, коррупция нафақат жиноий, маъмурий, шу билан биргаликда фуқаролик ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликни ҳам ташкил этади. Ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби фуқаролик ҳуқуқида ҳам шартномалар тузишда йўл қўйилган бу каби

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2021 йил 24 февралда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2-мҳ-сон-буйруғи./ https://lex.uz/docs/5306922.

[2] Имомов Н. Коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситалари. //Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2019., №9, -83б.

ҳуқуқбузарликлар мажбуриятлар бажарилмасдан қолишига, уларнинг бажарилишини таъминлаш учун қўлланилган усулларнинг самара бермаслигига, унда иштирок этадиган тараф-лар манфаатларининг тўқнашувига олиб келиши мумкин.

Манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган коррупциявий омилларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор вазирликларда “Сиёсат” ишлаб чиқилган. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” шулар жумласидандир. Мазкур сиёсатнинг 25-бандига кўра, “Адлия органлари ва муассасалари ушбу Сиёсатининг тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун маҳсулот етказиб берувчиларни, пудратчиларни ва бошқа учинчи томонларни жалб қилмайдилар”[1].

Шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ишлаб чиқилган агентлик тизимида коррупцияга қарши курашиш Сиёсатида белгиланишича, “эҳтимоли юқори бўлган контрагентни (танлов, тендер ғолибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид контрагентини) ўзининг коррупцияга қарши тамойиллари ва талаблари ҳақида улар билан тузиладиган шартномалар матнига коррупцияга қарши махсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қиладилар”[2].

Назаримизда, шартнома тузишда йўл қўйиладиган коррупциявий омиллар шартноманинг бир тарафига кўпроқ ҳуқуқ белгиланиши, иккинчи тарафига эса кўпроқ мажбурият юкланилиши, шунингдек, шартнома тарафлари учун ноаниқ ва бажарилиши қийин бўлган ёки мажбурият бажарилишини оғирлаштирувчи (масалан, маҳсулот таннархи юқори белгиланиши ва ш.к.) шартларнинг белгиланиши ўз навбатида тузилган

[1]http://hudud24.uz/korrupsiyaga-qarshi-kurash-bu-borada-adliya-tizimi-qanday-yol-tutmoqda

[2] https://new.standart.uz/upload/file/prochie/01_siyosat.pdf

шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларини қўллашнинг самара бермаслигига олиб келади.

Мажбуриятлар бажарилишини тўлиқ таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган коррупциявий омилларнинг олдини олиш учун инсон омилини имкон қадар чеклайдиган ахборот коммуникациявий технологияларидан хусусан, “ақлли” келишувлардан фойдаланиш самарали ҳисобланади.

Бугунги кунда, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда турли технологияларни қўллаш орқали амалга оширишга интилишлар юзага келмоқда. Хусусан, ақлли келишув (“Blockchain” – блокчейн (от англ. “blok”- занжирча, “chain”–занжир) маълумотлар базаси) фақат электрон муҳитда ва электрон имзодан мажбурий тартибда фойдаланишни таклиф этадиган ассиметрик рақамланган технологияларга асосланган ҳолда мавжуд бўлади. Мазкур келишув қўлланиши билан анъанавий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига бўлган зарурият йўқолади, яъни бу ақлли келишув тизимида закалат, неустойка, гаров, кафиллик ва ш.к.ларнинг рақамли ўҳшашлари ёрдамида амалга оширилади. 2027 йилга дунёдаги ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизга яқини Blockchain асосига қурилган технологиялар ёрдамида жамланиши кутилмоқда[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида[2] “2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муҳим вазифа сифатида эътироф

[1] Deep Shift. Technology Tipping Points and Societal Impact. World Economic Forum. Survey Report. September 2015. P. 24. //Савельев А.И Договорное право 2.0: «умные» контракты как начало конца классического договорного права /Вестник гражданского права.-2016, -N3. -С.32-59.

[2] uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti...

этилди. Рақамли иқтисодиётда блокчейн муҳим ўринга эга бўлиб, уни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнига жорий этиш самарали деб ҳисоблаймиз. Бунда “ақлли” келишувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу борада мамлакатимизда электрон шартномалар тузиш ва уларда белгиланган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш юзасидан бир қатор қонунлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги[1], “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги[2] ва“Электрон тижорат тўғрисида (янги таҳрири)”ги Қонунлари қабул қилинган[3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарорида инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг, смарт шартнома (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), шунингдек, “блокчейн” технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш каби вазифалар белгиланди[4]. Зеро, “Blockchain” технологиясига асосланган “Смарт-шартнома” (инглизча smart contract – ақлли шартнома) – бирор нарсага эгалик қилиш тўғрисида маълумот яратиш, бошқариш

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/165079

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/64467

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида (янги таҳрири)”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https: //www.lex.uz/acts/2650293

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/ru/docs/3806053

ва тақдим этиш учун ишлаб чиқилган компьютер алгоритми. Алгоритм блокчейнда битим тарафлари ўртасида тузилган шартноманинг барча шартларини киритиш учун ишлатилади[1].

Смарт шартноманинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Яъни мазкур турдаги шартнома тузиш фуқаролар учун осон бўлиб, улар фақат аввалдан белгиланган, “агар... кейин...” (If... then...) каби кўринишдаги шартнома шартларига розиликларини билдиришади. Ақлли шартнома фақат электрон муҳитда мавжуд бўлиб, электрон рақамли имзодан фойдаланишни талаб қилади. Яна бир ўзига хос жиҳати ушбу турдаги шартномалар бажарилишининг ақлли назорати мавжудлиги бўлиб, смарт шартнома ижроси жараёнида томонларнинг ёки бирон-бир учинчи шахснинг аралашуви талаб этилмайди. Аввалдан белгиланган код орқали мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши ахборот технологиялари ёрдамида таъминланади[2].

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган “электрон шартнома деганда товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси учун ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда сотувчи ва харидор ўртасида тузиладиган шартнома”[3] тушинилади.

Тижоратда электрон шартномалар тузиш ва уни бажариш билан боғлиқ муносабатларни Махсус ахборот портали орқали амалга оширилаётган давлат харидларида кузатиш мумкин. Бу соҳадаги муносабатлар “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ

---

[1] Ортиқбаев А. Блокчейн технологиясига асосланган “смарт-шартномалар”: ишончлилиги ва амалиётда қўлланилиши. / https://ictnews.uz/04/11/2019/smart-contract/#page/1

[2] Зайнобиддинова Ф. Смарт шартномалар ҳақида нималарни биласиз? / https://yuz.uz/news/smart-shartnomalar-haqida-nimalarni-bilasiz

[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 185-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/2973939

амалга оширилади. Мазкур Низомга асосан, электрон тарзда тузиладиган шартномаларда белгиланган мажбуриятлар келгусида бажарилиши таъминланиши кафолати бўлган маълум бир мезонлар *шартнома олди муносабатларидаёқ* белгилаб қўйилган. Ушбу Низомнинг 20-бандида иштирокчиларни харидга киритиш учун улар шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги ва инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги каби мезонларга мувофиқ бўлиши лозим[1].

Буюртмачи ва иштирокчи электрон давлат харидларида ўзларининг иштирокларини фақатгина электрон рақамли имзо орқали амалга оширадилар. Мазкур имзодан фойдаланган ҳолда порталда тузилган шартнома тегишли шаклда тузилган ҳисобланади. Мазкур тузилган шартномаларда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши закалат орқали таъминланади. Хусусан, Низомнинг 33–34-бандларида қайд қилинишича, оператор шартномавий мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш ва алоҳида ҳисобини юритиш бўйича корпоратив буюртмачилар ва иштирокчилар учун Ҳисоб-китоб-клиринг палатасида ҳисоб рақам очади. Улар электрон давлат харидларида иштирок этиш учун ўзларининг мазкур палатадаги ҳисоб рақамларига закалат тўловларини ўтказади[2].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон буйруғи билан тасдиқланган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/3743350

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон буйруғи билан тасдиқланган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/3743350

Аукцион ва электрон дўкон ўтказишда корпоратив буюртмачиси ва ижрочининг киритган закалатлари шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилса, бюджет буюртмачи томонидан электрон танлов ёки электрон тендер ўтказишда иштирокчиларнинг закалати ғолиб аниқлангунга қадар хатлаб қўйилади. Электрон танлов ёки электрон тендер ғолибининг закалати шартнома тузилгунига қадар банд қилиб қўйилади.

Корпоратив буюртмачи томонидан электрон танлов ёки электрон тендер ўтказишда иштирокчилар томонидан закалат киритиш зарурати ва миқдори корпоратив буюртмачи томонидан белгиланади ҳамда киритилган закалат электрон танлов ёки электрон тендер ғолиби билан шартнома тузилгунига қадар хатланади. Бунда закалат миқдори товар (иш, хизмат) қийматининг 3 фоизидан ошмаслиги керак.

Агарда, корпоратив буюртмачи электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартномада белгиланган муддатда тўловни амалга оширмаган тақдирда, унинг закалати уч иш кунида, мазкур муддат тугаганидан сўнг, кейинчалик унга хизмат кўрсатувчи банк ҳисобига ўтказиш учун ижрочининг Ҳисоб-китоб-клиринг палатасидаги тегишли ҳисоб рақамига ўтказилади[1].

Низомнинг 45-бандига асосан, клиринг палатаси буюртмачидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича келиб тушган тўлов суммасини банд қилиб қўяди ва пул маблағлари келиб тушган куннинг эртасидан бир иш кунидан кечикмаган муддатда электрон шаклда тўловни

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон буйруғи билан тасдиқланган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/3743350

амалга ошириш бўйича ижрочига *хабарнома юборади*. Мазкур *хабарнома* ижрочига товарларни (ишларни, хизматларни) *етказиб бериш учун асос* бўлиб хизмат қилади[1].

Оператор, товарлар (ишлар, хизматлар) электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича тўлиқ ҳажмда етказилганлиги ҳақида маълумотни олгандан сўнг, бир иш куни давомида: ижрочининг закалатига қўйилган бандни бекор қилади; закалатни банддан ечади ва корпоратив буюртмачининг тегишли шахсий ҳисоб-рақамига қайтаради[2].

Қайд қилинганлардан англаш мумкинки, электрон шартномаларда белгиланган мажбуриятлар закалат билан муваффақиятли таъминланмоқда.

Мажбуриятлар бажарилишини электрон тарзда таъминлаш нафақат закалат, балки банк кафолати орқали ҳам амалга оширилаётганлиги, таъминлаш институтининг такомиллашаётганлигидан далолат беради. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 55-сонли қарорида “танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотнома ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этишга банк кафиллиги[3] берилиши қайд қилинган.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон буйруғи билан тасдиқланган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/3743350

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон буйруғи билан тасдиқланган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/3743350

[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига асосан[1], электрон шартномалар тузиш орқали **электрон дўконда** бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик баравари, бироқ бир йилда бир давлат буюртмачиси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз баравари миқдорадаги суммадан кўп бўлмаган товарлар (43-модда); Бюджет буюртмачилари учун **аукциондаги** давлат харидлари бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз баравари (46-модда); бюджет буюртмачилари учун **танловдаги** давлат харидлари учун товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорида ва ишларнинг, хизматларнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорида (50-модда); Бюджет буюртмачилари учун **тендердаги** давлат харидлари бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг баравари (59-модда), яъни, 6.125.000 сўмдан бошлаб, 147 млрд. сўмгача бўлган мажбуриятлар бажарилиши гаров, кафолат, закалат тарзида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши мумкинлиги (32-модда), бу ўринда таъминлаш усулларининг аҳамияти нақадар катталигини англатади.

Электрон шартномалар тузиш орқали мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнини қамраб оладиган **учта босқичдаги** муносабатлар самарали тартибга солинади:

1) **шартнома олди муносабатларидаги** иштирокчиларни харидга киритиш учун улар шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги; қарздорлигининг мавжуд эмаслиги ва инсофсиз

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 55-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/5266507

[1] Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/3648300

ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги каби мезонлар белгиланганлиги;

2) **мажбуриятлар бажарилиши жараёни** закалат ва банк кафолати каби усуллар орқали муваффақиятли таъминланганлиги;

3) **мажбурият ижро этилишидаги** тўловни амалга ошириш бўйича ижрочига электрон шаклда *хабарнома юборилиши*.

Таъкидлаш лозимки, электрон шаклдаги хабарнома юбориш орқали мажбурият бажарилишини таъминлаш жараёнини халқаро миқёсда тартибга солиш 2005 йилнинг 23 ноябрида қабул қилинган электрон шартномалар тузиш билан боғлиқ масалаларга оид "Халқаро шартномаларда электрон хабарномадан фойдаланиш ҳақидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияси" билан йўлга қўйилган[1].

Қайд қилинганлардан электрон шартномалар тузиш манфаатлар тўқнашувининг олдини олади деган хулосага келиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни 39-моддасида кўра, давлат буюртмачисининг, махсус ахборот портали операторининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлиши мумкин бўлган исталган шахсий нафни бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас. Мазкур қонуннинг 34-моддасига асосан эса, иштирокчи рақобатлашувда адолатсиз устунликка эга бўлса ёки қонун ҳужжатларини бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, у харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштирилади[2].

---

[1] http://docs.cntd.ru/document/901966877

[2] Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/3648300

Шунингдек, электрон шартнома тарафлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишидан ҳимоя қилиб, уларни ўз мажбуриятларини бажаришига *рағбатлантирувчи хусусиятларга* эга ва булар: шартнома тузиш ва у бўйича белгиланадиган мажбуриятларни бажариш имкониятига эга бўлган ваколатли шахсга электрон имзо расмийлаштирилиши (*инсофли шахс танланиши*), офферта берган шахсларнинг "қарздорлик реестри"га киритилмаганлиги текширилиши (*қарздор бу каби "реестр"га кириб қолмаслиги учун олган мажбуриятини бажаришга интилиши*), мажбурият бажарилмаган ҳолларда тарафнинг бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун қилинадиган ҳар қандай харажатлардан озод қилиниши (мажбурият бажарилмаганида судсиз тартибда иккинчи тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун уч иш кунида закалатнинг Ҳисоб-китоб-клиринг палатасидаги тегишли ҳисоб рақамга ўтказилиши), мажбурият бажарилиши учун хабарнома юборилиши (у тўловнинг амалга оширилганлигидан далолат бериб, иккинчи тарафга ўз мажбуриятини бажаришига асос бўлиши)да намоён бўлади.

Шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, электрон шартномалар ёрдамида амалга ошириладиган электрон тижорат инсоният томонидан яратиладиган сунъий тўсиқларни бартараф этиши, ортиқча харажатларни камайтириши ва вақтни тежаши каби жиҳатлари билан шахсларда шартнома тузишга, олган мажбуриятларини бажаришга ва мажбурият бузилган тақдирда судсиз тартибда тезликда уни бартараф этиб, бузилган ҳуқуқларни тиклашга йўналтирилганлиги билан шартнома тарафларида олган мажбуриятларини бажаришига рағбат уйғотиши орқали ҳам ички ҳам ташқи бозорда мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда электрон шартнома тузиш ва унда белгиланган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жа-

раёни автомат тарзида амалга оширилиши самарали ҳисобланади.

Фикримизча, мажбуриятли муносабатлар электрон шартномалар орқали тартибга солиниши мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг келгусидаги истиқболини белгилаб беради. Бу борада қуйидаги рақамларни келтириш мақсадга мувофиқ, яъни Немец портали ҳисобланган Statista электрон тижоратнинг дунё бозорини 2017 йилда 1,5 трлн. доллар, 2019 йилда деярли 2 трлн. долларга баҳолаб, 2022 йилга бориб 2,5 трлн. долларга ўсишини башорат қилади[1].

Юқорида қайд қилинганлардан ташқари, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш таърифи хусусида бир тўхтамга келиш бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бу борада ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳали-ҳануз мунозаралар давом этмоқда. Хусусан, Х.Рахмонкулов мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш деб, асосий мажбуриятнинг бажарилишини амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган қўшимча мажбурият[2], К.А.Новиков мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш деганда, кредиторга бошқа (таъминланган) мажбуриятнинг бузилиши билан боғлиқ талабларини қондириш учун ва шу мажбурият билан бир қаторда тартибга солувчи ёки ҳимоя ҳуқуқий муносабатлари шаклида бўлган кредиторга мулкий фойда бериш мажбуриятини олиши тушунилиши[3], Р.Мамажанова қарздор томонидан олинган ва унинг зиммасида бўлган вазифани бажаришга мажбур қиладиган чорага

[1] https://trends.rbc.ru/trends/industry/5ddbf53e9a7947d0568ef37c

[2] Рахмонкулов Х.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). – Т.: ТДЮИ, 2009. –Б.76.

[3] Новиков К.А. Понятие способа обеспечения исполнения обязательств в гражданском праве. Автореф.дисс.к.ю.н., -М.: 2012.

айтилишини таъкидлайди[1]. Фуқаролик ҳуқуқи дарслигида ҳам мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш қарздор ноинсофлик қилган тақдирда қарздорни мажбурият бажарилишига рағбатлантирувчи ва (ёки) бошқача шакллар орқали кредитор мулкий манфаатини кафолатловчи, акцессор (қўшимча) мажбурият сифатида мавжуд бўлган, қонун ёки шартномада белгиланган мулкий хусусиятга эга бўлган таъминловчи чоралар (усуллар) эканлиги баён этилади[2].

Бу каби қарашлар бироз баҳсли, чунки уларда мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг баъзи бир жиҳатлари ёритилган бўлиб, улар таъминлаш тушунчасини тўла ифодалаб бера олмайди. Чунки таъминлаш жараёни муносабатлар мажмуасидан иборат бўлиб, уни таъминлашнинг баъзи бир жиҳатларини келтириш орқали ифодалаб бўлмайди. Бироқ бу борада баъзи бир ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини келтириш “таъминлаш” тушунчасини англашда муҳим деб ҳисоблаймиз. Масалан, А.А.Иванов ва Н.Д.Эриашвилининг фикрича, шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш – қарздор томонидан таъминланган мажбурият бузилишидан кредиторнинг (таъминланган томоннинг) манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган махсус ҳуқуқий механизмдир[3]. Н.Ф.Имомовнинг эътирофича, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш қарздорни муносиб хулқ-атворда бўлишга ундайди ва акс ҳолда, унга қўшимча мажбурият юкланишидан огоҳлантириб туради[4]. ФКнинг

---

[1] Мамажанова Р. Гаров-кафиллик мажбуриятлари бажарилишини таъминлашнинг ишончли воситаси // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Ахборотномаси. 2010, -№ 6, –Б.21.

[2] Гражданское право: Учебник. В 2 т. / Под ред. Б.М.Гонгало. Т.2. -2-е изд., перераб. и доп. –М.: Статут, 2017. -С.82.

[3] Иванов А.А., Эриашвили Н.Д. Способы обеспечения исполнения договорных обязательств в римском и российском гражданском праве.//Вестник Московского университета МВД России. №6/2011. -С.148.

[4] Имомов Н.Ф. Ипотека кредити шартномаси бўйича мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг фуқаролик ҳуқуқий масалалари. – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б.2.

биринчи жилдига берилган шарҳда қайд қилинишича, “1. Боб номининг[1] ўзидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мазкур институт қарздорнинг асосий мажбурият бўйича ўзининг мажбурияти (мажбуриятлари)ни лозим даражада бажаришга рағбатлантириш учун мўлжалланган келиб чиқади, ўзининг мажбуриятини бажармаслик ҳолатида эса кредитор манфаатларини қондириш воситаси бўлиб хизмат қилади” [2].

Қайд қилинган фикрлар мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш – кредиторни ҳимоя қиладиган ва қарздорни рағбатлантириш орқали ўз зиммасига олган мажбуриятини лозим даражада бажариш жараёнини тартибга солувчи қўшимча (акцессор) мажбурият эканлигини ифодалайди. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш каби хусусиятларга эга эканлиги ҳақидаги фикрларни маъқулласак-да, бироқ барча таъминловчи мажбуриятларга нисбат берилиб, уларнинг қўшимча (акцессор) мажбурият эканлиги хусусидаги фикрлар билан келишмаймиз, чунки бу борада бир қатор зиддиятлар мавжуд. Бу хусусида Биз монографиянинг 1.2-параграфида тўхталиб ўтганмиз.

Бундан ташқари, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ҳуқуқшунос олимлар томонидан қайд қилинганидек, мажбуриятни бажариш жараёнида вужудга келадиган қарздор ва кредитор ўртасидаги муносабатлар билан чегараланиб қолмайди. Балки у учта босқични ўз ичига қамраб олувчи муносабатлар мажмуаси бўлиб, унда шахсларни шартнома тузишга (*тайёргарлик босқичи*), тарафларнинг олган мажбуриятини бажаришини таъминлаш (*асосий босқич*) ва мажбурият бузилганидан кейин ижрони таъминлаш жараёнлари (*якуний-тик-*

---

[1] Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш ҳақидаги 22-боби назарда тутилмоқда.

[2] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ 1-жилд. Х.Р.Рахмонқулов, О.О.Оқюлов таҳрири остида. OSCE Европада хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти ва ҲМЎМ ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази (Тошкент ш.).–Т.: VEKTOR-PRESS, 2010, -618 б.

лаш босқич)ни ўз ичига қамраб олади ҳамда барча жараёнларда *рағбатлантириш хусусияти устуворлик* касб этади. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг самарадорлиги ушбу босқичларнинг муваффақиятли ташкил этилишига бевосита боғлиқ.

Биринчи **“Тайёргарлик”** босқичи. Бу шартнома олди муносабатларда рағбатлантириш босқичи бўлиб, уни шартнома тузишга рағбат уйғотиш ва келгусида олинадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнига тайёргарлик босқичи деб номлаш мумкин. Бу босқичда шартнома тузишдан манфаатдор шахс унинг тузилиши учун ҳар қандай қўшимча хизматларни ёки чегирмаларни таклиф этади. Масалан, маҳсулотларни текин етказиш ва ўрнатишни амалга ошириш ёки маҳсулотни кўтара нарҳларда арзон етказиб бериш ёхуд мижоз учун қулай бўлган вақтда ва жойга етказиб бериш ёинки харид қилинадиган маҳсулотга қўшимча равишда совғалар бериш (масалан, 6 июндан 15 июлгача Olcha.uz. интернет дўконида исталган телевизорнинг харид қилингани учун совға сифатида 2018 йилги Жаҳон чемпионатида иштирок этаётган терма жамоалар либосини қўлга киритиш), шунингдек, Наврўз байрами муносабати билан 18–22 март кунлари мамлакат ичидаги қатновларга “Ўзбекистон темир йўллари” (одатдаги ва тезюрар “Afrosiyob” поездига) ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий Авиакомпанияси чипталарига 30–50 фоиз миқдорда чегирмалар белгилаш кабилар.

Иккинчи **“Асосий”** босқич. Бу мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш босқичи бўлиб, у олинган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш орқали тарафларни шартнома тузишдан кўзлаган мақсадга етказиш ва манфаат кўришни юзага чиқарувчи асосий мажбуриятнинг бажарилиши тақдирини ҳал қилганлиги сабабли уни “Асосий” босқич деб номлаш мумкин ҳамда у бевосита мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари орқали амалга оширилади. Бу босқичда мажбурият

бузилишининг олдини олиш (профилактика) орқали таъминлаш муҳим ҳисобланади. Монографияда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

Учинчи **“Якуний-тиклаш”** босқичи. Бу мажбурият бузилганидан кейин кредиторнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш босқичи бўлиб, у таъминлаш усулларини қўллаш (ижрога қаратиш) жараёнини ўз ичига қамраб олади.

Бу босқични ўз навбатида **икки даврга** бўлиш мумкин. **Биринчи судгача бўлган давр.** Масалан, маҳсулотни тайёрлаш ва етказиб бериш юзасидан келишувга кўра, тараф олдиндан пулини тўлайди. Бироқ маҳсулот келишилган муддатда етказиб берилмайди. Бунда харидор маҳсулотнинг тайёрланиши ва етказиб берилиши кечиктирилганлиги учун унинг харид нархини камайтиришни талаб қилиш мумкин. Бу ҳолат қарздорда зарар кўрмаслиги учун ўз мажбуриятини вақтида бажаришига ички рағбатни вужудга келтиради.

Иккинчи суд қарорининг ижро этилишини таъминлаш даври. Бу даврда мажбурият бузилиши билан шартнома тарафлари ўртасида низо келиб чиққанда суд қарорининг ижросини таъминлаш жараёнида қарздорда рағбат уйғотишни ўз ичига олади. Бундай таъминлашга мисол сифатида “Астрент” (суд неустойкаси)ни келтириш мумкин ва у хусусида монографиянинг 4.4-параграфида тўхталиб ўтилган.

Суд қарорининг ижро этилишини таъминлаш даврида оммавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги усулларни хусусий-ҳуқуқий муносабатлардаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш жараёнига қўллаш самарали ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332^1-моддаси 1-қисмига асосан, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқ-

дорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинишини келтириш мумкин[1].

Бугуни кун амалиётида юзага келаётган масалаларни ҳал этиш ҳуқуқ дуализмини англаш ва хусусий ҳамда оммавий ҳуқуқнинг мақсад ва шаклларининг уйғунлашувини белгилаб берувчи ижтимоий муносабатларни комплекс қонуний тартибга солиш асосидагина самарали таъминланиши мумкин[2].

Ушбу ўринда, хусусий-ҳуқуқий муносабатлардаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш жараёнини тартибга солиш билан оммавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнининг нисбатига тўхталадиган бўлсак, хусусий-ҳуқуқий муносабатларда – фуқаролар, юридик шахслар ва давлат, оммавий-ҳуқуқий муносабатларда – жисмоний шахслар иштирокидаги муносабатлар тартибга солиниши эътиборга олинадиган бўлса, “ҳуқуқ дуализми”га йўл қўйилиши нақадар самарали эканлигини кузатиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”да қайд қилинган “Фуқаролик кодексида фуқаролик ҳуқуқи институтларига тааллуқли бўлмаган оммавий ҳуқуқ нормалари, хусусий мулк ва шартномавий муносабатларига оид асосланмаган миқдордаги чекловлар мавжуд[3] ва уларнинг олиб ташланиши мажбуриятлар

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/97664

[2] Хабриева Т.Я. Право и модернизация экономики //Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. – 2010.– №1. – С. 4-5; Яковлев В.Ф., Талапина Э.В. Роль публичного и частного права в регулировани и экономики//Журнал российского права. – 2012. – № 2. – С.13.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/4272621

бажарилишини таъминлашга ўзининг самарали ҳиссасини қўшган бўлар эди.

Ҳуқуқни қўллашда ҳуқуқ соҳасида мавжуд бўлган самарали усулларни иккинчи бир ҳуқуқ соҳасига қўллаш асосида мавжуд "бўшлиқларни" тўлдиришдан кўзланган асосий мақсад шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқлар тикланишини тўлиқ таъминлашдан иборат. Бу мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашда ҳам бош масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш – мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ноқулайликларнинг олдини олиш ва қарздорни ўз мажбуриятини бажаришига ундаш мақсадини кўзловчи ҳамда ушбу ҳолларда кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи махсус ҳуқуқий чоралардир, булар тарафларни ўз мажбуриятини бажаришда инсофли бўлишга рағбатлантиради[1].

Демак, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёни бир нечта босқичларни ўз ичига қамраб олувчи муносабатлар мажмуаси бўлиб, таъминлаш жараёнида, қарздор томонидан олинган мажбуриятлар бажарилишини "ҳаракатга келтирувчи куч" таъминлаш усуллари орқали юзага келиб, рағбатлаштириш воситасида амалга оширилади.

Таҳлиллар асосида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тушунчасига нисбатан қуйидагича муаллифлик таърифини шакллантириш мумкин. "Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш деганда, шартнома олди, уни амалга ошириш ва ижрога қаратиш даврида қарздорда олган мажбуриятини бажаришига бевосита рағбат уйғотиш, мажбурият бузилишининг олдини олиш орқали бошқа иштирокчилар билан бирга кредитор манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида бевосита мах-

[1] Алла Яковец. Профессионально об актуальном: Обеспечение исполнения обязательств. Задаток. /https://pravo.by/novosti/novosti-pravo-by/2019/august/39008/

сус қонун ёки қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада белгиланадиган тизим тушунилади”.

Шунингдек, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг цивилистик аҳамияти ва ролини таҳлил қилар эканмиз, таъкидлаш жоизки, бу борада ҳуқуқшунос олимлар ўртасида якдил фикр йўқ. Жумладан, Д.А.Торкиннинг фикрича, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш – бу бир-бирига узвий боғлиқ бўлган “иқтисодий – мажбурият бузилган ҳолатда кредиторга мулкий кафолат тақдим қилиш” ва “ҳуқуқий – таъминланган мажбурият бузилганида қарздор ёки учинчи шахс мулкини олишга бўлган субъектив ҳуқуқни кредиторга бериш йўли орқали мулкий кафолатни тақдим этиш”[1]. Д.А.Торкиннинг ушбу фикри бироз баҳсли, чунки мажбурият бажарилишини таъминлаш бир томонлама ёритилган, яъни унинг мажбурият бузилгунига қадар рағбатлантириш хусусияти эътиборга олинмасдан фақат мажбурият бузилганидан кейин кредиторга мулкий кафолат тақдим этиши назарда тутилган.

И.Ражабов эса, қарздор зиммасида бўлган мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаса ёки бошқача тарзда бузилса, кредиторда зиёнларни ундиришга бўлган ҳуқуқдан ташқари мажбуриятнинг объектини ташкил этган ҳаракатни қилишга қарздорни мажбур қиладиган бошқа мулкий таъсир чораларининг қўшимча равишда татбиқ этилишини талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлиши[2] сифатида баён этади. Ушбу фикрнинг методологик асослари заиф десак, муболаға бўлмайди. Боз устига, *биринчидан*, мажбуриятлар бажарилиши таъминланмаган тақдирда ҳам кредиторда бундай ҳуқуқ вужудга келиши мумкин. *Иккинчидан*, қарздорда, мажбурият бажарилишидан ман-

---

[1] Торкин Д.А. Непоименованные способы обеспечения обязательств. Дисс.к.ю.н.-Тюмень, -2005. –С.182.

[2] Ражабов И. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари //Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Ахборотномаси. –Тошкент: -2011. -№12. –Б.24.

фаат кўришга бўлган ишонч уйғотилмас экан, уни ҳар қандай таъсир чоралари билан мажбуриятни бажаришга мажбурлаб бўлмайди.

И.И.Пустомолотов эътирофича, мажбуриятларни таъминлаш икки: ҳуқуқбузарлик содир этилишидан олдинги олдини олиш ва кейинги таъминлаш босқичлари мавжуд. Бу босқичларда мажбуриятини бажармаган тақдирда, ноқулай оқибатлар юзага келиши мумкинлиги билан қарздорни огоҳлантириб, уни мажбуриятини бузмасликка рағбатлантириб ҳуқуқбузарликнинг олди олинади ва "Мажбурият бажарилишига ишониш, қизиқиш уйғотилиши" билан эса кредитор рағбатлантирилади[1]. И.И.Пустомолотовнинг фикри билан келишган ҳолда таъкидлаш лозимки, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг аҳамияти мажбурият иштирокчиларида ўз мажбуриятини бажаришига рағбат уйғотиб, мажбуриятини бажаришдан бош тортишининг олдини олиш орқали уларнинг манфаатини кафолатлашда намоён бўлади. Зеро, таъминланган манфаат – бу асосий мажбурият бажарилиши ҳисобига кафолатланиши лозим бўлган кредитор ва (ёки) қарздорнинг қонуний манфаатидир. Бу қонун ёки шартнома асосида юзага келади[2].

Манфаатни таъминлаш ёки кафолатлашга оид қоидалар ривожланган хорижий мамлакатлар кодексларида, жумладан, Америка Қўшма Штатлари Бирхиллаштирилган Савдо кодекси 1–201-моддаси 35-қисмида, "таъминланган манфаат" ("security interest") – бу мажбурият бажарилиши ёки тўловни таъминлаш, кўчар ёхуд кўчмас мулкдаги манфаат[3]. Хитой Халқ Респуб-

---

[1] Брагинский М.И, Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. – М.:Статут, 1997, -С.383.

[2] Бормотов А.В. Обеспечительная функция договора страхования в российском гражданском праве: Автореф.дисс. к.ю.н. -Пермь,2011. –С.8.

[3] Медведев С.В. Обеспечительный интерес в правовой системе США /https://www.gorodissky.ru/publications /articles/obespechitelnyy-interes-v-pravovoy-sisteme-ssha/

ликаси Фуқаролик кодексининг 388-моддаси 1-қисмида, манфаатлар таъминланиши учун ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар қоидаларига мувофиқ таъминлаш шартномаси тузилади[1] деган тарзда ифодаланган.

Америкалик цивилист Г.Ласкнинг фикрича, “таъминланган манфаат” бу мажбурият бажарилиши мақсадида мулкий оғирликнинг тушишидир[1].

Қайд қилинган қоидаларга асосланган ва баён этилган фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнида манфаатдорлик масаласи, яъни “манфаатни таъминлаш” устувор аҳамият касб этади.

Таҳлилларга асосланган ҳолда, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг цивилистик аҳамияти ва роли қуйидагиларда намоён бўлади деган хулосага келиш мумкин:

биринчидан, мажбурият бажарилиши кафолатланади;

иккинчидан, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқлари ҳимояланади;

учинчидан, мажбуриятни бажаришга қарздорда рағбат уйғотилади;

тўртинчидан, иқтисодий ўсиш барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган инфляция, ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетиши, етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловнинг амалга оширилмаслиги хавфи бартараф этилади;

бешинчидан, тарафлар мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлсалар, уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юкланади ёки мажбуриятнинг бажарилишига эришиш учун қарздор мулки захираланиб қўйилади;

олтинчидан, мажбурият қарздор томонидан бажарилмаганида кафил зиммасига мажбурият бажарилиши

---

[1] Civil Code of the People’s Republic of China /http://www.npc.gov.cn/englishnpc/c23934/202012/ f627aa3a4651475db936899d69419d1e/files/47c16489e186437eab3244495cb47d66.pdf

юкланиши захираланиб қўйилади ва кредитор мажбурият билан боғлиқ бўлган талабларининг бажарилишини нафақат қарздордан, шу билан биргаликда кафилдан ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

еттинчидан, шартнома шартларини бажаришга тарафларда рағбат уйғотиш учун мажбуриятни виждонан бажаришга даъват этилиши орқали шартнома интизомининг мустаҳкамланиши таъминланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, шартнома олди, шартномани амалга ошириш ва ижро этиш жараёнларида қарздорда ўз мажбуриятини бажаришига рағбат уйғотиш орқали мажбурият бузилишининг олдини олиш (профилактика) ва ижрони амалга ошириш мажбурият иштирокчилари билан бирга кредиторнинг ҳам манфаатини ҳимоя қилишни таъминлайди.

1.2. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларига ҳуқуқий докторинал ёндошувлар ва турланишининг ўзига хос жиҳатлари

Одатда, шартнома тарафлари мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда Фуқаролик Кодексида белгиланган усуллардан бирини қўллайдилар. Бироқ мазкур усулларнинг ҳар бири кредитор ёки қарздор учун у ёки бу ноқулайликни юзага келтириши мумкин. Шу сабабли тарафлар мажбурият бажарилишини таъминлашда фақат Фуқаролик Кодексининг 259-моддасида келтирилган усуллар билан чекланмасдан, ўз манфаатларини максимал даражада қаноатлантирадиган, қўллашда қулай мақбул бўлган ҳамда кутилган натижага эришишни осон кафолатлайдиган, арзон ва самарали усулларни излашларига йўл қўйилади[1].

[1] Имомов Н. Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларига нисбатан янгича ёндашувларнинг таҳлили. // Юридик фанлар ахборотномаси. 2/2020. -Б.43.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 22-боби мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш деб номланиб, 259-моддаси 1-қисмида, мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин"[1]лиги қайд қилинган бўлса-да, бироқ унда таъминлаш усулларига оид умумий тушунча келтирилмаган.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини таърифлашда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида мунозаралар давом этмоқда. Бир гуруҳ олимлар мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини санкциялар, яъни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик нуқтаи назаридан ёритиб беришга ҳаракат қилсалар[2], иккинчи бир гуруҳ олимлар эса, қарздорни мажбурият бажарилишига рағбатлантирувчи ёки кредиторнинг мулкий манфаатининг ҳимоя қилувчи қўшимча мажбурият кўринишидаги қонунчилик ёхуд шартнома билан белгиланган таъминлаш чоралар эканлигини[3] таъкидлашади.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини санкциялар, яъни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик нуқтаи-назаридан ёритишга ҳаракат қиладиган олимларнинг фикрлари мантиқан асосли эмас. Ушбу фикрлар мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларининг табиатини ва мақсадини тўлиқ ёритиб бера олмайди. Чунки уларда таъминлаш усуллари самара бермаганидан кейин таъминлаш жараёнидан ташқарида вужудга келадиган кредиторнинг бузилган ҳуқуқни тиклаш учун қўлланиладиган жавобгарлик усуллари ифодаланган.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#154423

[2] Шодманов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Ю.ф.д. дисс. –Т., -2002. – Б. 66.

[3] Гонгало Б.М. Учение об обеспечении обязательств. –М.: Статут, 2004, -С.35,40.

Жавобгарликка тортиш охирги чора бўлиб, ҳар икки тарафнинг манфаатларига мувофиқ келавермайди. Зеро, катта манфаат кўриш ниятида мажбуриятни вужудга келтирган тарафлар энди фақат катта йўқотишлар эвазига келтирилган зарарларни ундириш билан кифояланишга мажбур бўладилар холос. Етказилган зарарларнинг ундирилиши ҳам катта (руҳий истироб ва моддий) йўқотишларнинг ўрнини тўлдира олмайди. Бунда, қарздор иқтисодий имконияти (пул маблағлари ва мол-мулки) мавжуд қарзларни қоплаш учун етарли бўлмаса (иқтисодий ночор бўлиши билан) ушбу зарарлар ҳам қопланмасдан қолиши мумкин, яъни қопланган (қаноатлантирилган мажбуриятлар)[1] деб ҳисобланиши мумкин.

Бундан ташқари, бир қатор муаллифлар мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини мажбуриятнинг самарали бажарилишини таъминлаш учун контрагентлар томонидан қўлланиладиган усул, восита, чора[2], кредиторнинг талабларини қондириш учун қарздорнинг мол-мулкини беғараз ўзлаштиришга қаратилган мажбуриятли муносабат[3], асосий мажбурият бажарилишини етарли даражада кафолатлайдиган ва қарздорни лозим даражадаги хулққа эга бўлишга рағбатлантирадиган махсус чоралар[4] сифатида баён қиладилар. Келтирилган фикрлар баҳсли бўлиб, уларда фақат таъминлаш усулларининг қайсидир бир жиҳати ёритилган холос.

Юқорида қайд қилинган ҳолатлар, бу борада бир тўхтамга келиш учун мавжуд назарий ёндашувларни таҳлил қилиш заруриятини юзага келтиради.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонунига шарҳлар //Муаллифлар жамоаси: М.К.Азимов ва бошқ. –Т.: 2007. –Б.417

[2] Добродеева А.В. К вопросу о понятии обеспечения исполнения обязательств //Актуальные вопросы юридических наук: материалы III Междунар. науч. конф. (г. Чита, апрель 2017 г.). -Чита: Молодой ученый, -2017. -С.72.

[3] Новиков К.А. Понятие способа обеспечения исполнения обязательств в гражданском праве. Автореф.дисс.к.ю.н., -М.: 2012.

[4] Рустамов З. Обеспечение исполнения обязательств. //Вестник Высшего Хозяйственного суда. –Т.: -2016. -№ 12. –С.62

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига бағишланган қуйидаги назарий ёндошувлар (**асосий назарий концепциялар**) мавжуд:

Биринчи ёндошув "**функционал**" деб номланган назарий концепцияга асосланади. Бу ёндошув мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини аниқлашда ҳуқуқий тузилмасига мувофиқ бажарадиган функциясининг ҳал қилувчи роли билан боғлиқ қарашларни ўзида мужассамлаштиради[1].

О.С.Гриньнинг эътироф этишича, РФ ФКнинг 23-бобида келтириб ўтилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари ичида неустойка ва закалат рағбатлантирувчи, кафиллик ва мустақил кафолат – ҳимоя қилувчи функцияга эга, ҳар иккала функцияга – гаров, ушлаб қолиш ва таъминловчи тўловлар эга[2]. Мазкур ёндошувга кўра, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари қарздор томонидан мажбурият бузилганида кредитор мулкий манфаатини ҳимоя қилади ёки мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишига қарздорни рағбатлантирадиган ёхуд ушбу иккала функцияни ҳам бажарадиган қонун ва шартнома билан белгиланадиган мулкий характердаги махсус (қўшимча) чораларга айтилади.

"Функционал" концепция намоёндалари фикрларига қўшиламиз. Чунки бу каби қарашлар масаланинг моҳиятини ёритиб беришда илмий аҳамиятга эга. Зеро, таъминлаш усуллари ***асосан иккита,*** яъни мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишига қарздорни ***рағбатлантириш*** ва мажбурият бузилганида кредиторнинг мулкий манфаатини ***ҳимоя қилиш*** функ-

---

[1] Гонгало Б.М. Учение об обеспечении обязательств. –М.: Статут, 2004, -С.35, 40; Брагинский М.И, Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Статут, -М.: 2003. -С.479.

[2] Гринь О.С. Основные подходы к пониманию способов обеспечения исполнения обязательств. /Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА) -№10, 2016, -С.47.

цияларига эга бўлса ҳам мажбуриятлар бажарилишини таъминлай олади.

Иккинчи ёндошув **“Бажаришнинг ташқи манбаси”** концепцияси деб юритилади. Ушбу ёндашув намоёндаларининг фикрича, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига фақат кредитор манфаатини қаноатлантириш манбаини ташқаридан яратиш ҳисобига ҳимоя функциясини бажарадиган ҳуқуқий тизим дахлдор бўлади. Зеро, Д.В.Тарикановнинг эътирофича, таъминловчи мажбурият кредитор учун яратиладиган асосий мажбуриятга қўшимча, унинг бажарилишига нисбатан ташқи манба бўлган мулкий хусусиятли фуқаролик-ҳуқуқий чорадир[1]. Бироқ, бу тушунча мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари тушунчасини нисбий тарзда ифода этади. Чунки унда қайд этилган концепциянинг моҳияти тўлиқ ўз аксини топмаган.

Учинчи ёндошув бўлган **субъектив ҳуқуқ концепциясида** мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари – асосий мажбурият қарздор томонидан бузилганида, кредитор фойдаланадиган махсус субъектив ҳуқуқ тушунчаси орқали аниқланади. Бундай ёндашув хорижий адабиётларда кенг талқин қилинади. Хусусан, Х.Вебер мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларини “агар кредиторнинг талаби бажарилмаса, у томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган баъзи бир ҳуқуқлар (Sicherungsrecht) кўринишида кредитор (қарз берувчи) талабини таъминлашда қарздорга нисбатан юзага келадиган шартномавий тузилмалар сифатида” ва таъминлаш – қарздор ёки учинчи шахсга нисбатан татбиқ этиладиган ҳуқуқ билан таъминланган талаб бажарилмаган ёки тўлиқ ҳажмда бажарилмаганда кредитор амалга ошириши мумкин бўлган мажбуриятли ва ашёвий шартномадан вужудга келадиган

[1] Тариканов Д.В.Система способов обеспечения исполнения обязательств // Законодательство. 2006. -№5, -С.10.

ҳуқуқни ифодалайди[1] деган фикрни илгари суради. Ушбу концепция намоёндаларининг фикрлари анъанавий доктринага асосланган бўлиб, ушбу тушунчаларда мажбуриятлар бажарилишини таъминлашни жавобгарлик чораларидан фарқловчи чегаранинг мезонлари назарда тутилмайди.

Юқорида келтириб ўтилган концепцияларни таҳлил қилган ҳолда қайд қилиш лозимки, доктрина ҳозиргача турли таъминловчи чораларни мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишнинг ягона ва умум тан олинган мезонларини ишлаб чиқа олгани йўқ. Зеро, О.С.Гринь мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари тушунчасига оид асосий ёндошувларни таҳлил қилар экан, мажбурият бажарилишини таъминлаш усуллари тўғрисидаги қоидаларни уларнинг умумий белгилари ва таркибий элементларини аниқлаштириш асосида тизимлаштириш зарур деган хулосага келади[2].

Назаримизда, бу борада доктринани шакллантиришда бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда вужудга келаётган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг замонавий концепцияларни ҳам ўрганиш зарур. Ушбу заруриятдан келиб чиққан ҳолда, “Estoppel” (эътироз билдириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш), “Warranty” (ишонтириш, кафолатлаш, кафолат муддати), “Indemnity” (зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш), “Эскроу” (шартли депозит) ва“Астрент” (суд неустойкаси) каби концепциялар монографиянинг 4.4-параграфида таҳлил қилинган.

Таъкидлаш жоизки, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнида иштирок этадиган таъминловчи чоралар

---

[1] Вебер Х. Обеспечение обязательств (Kreditsicherungsrecht) /пер. с нем. Ю.М.Алексеева, О.М.Иванова. -М., 2009. -С.7-8.

[2] Гринь О.С. Основные подходы к пониманию способов обеспечения исполнения обязательств // Вестник университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА). 2016. – № 10. – С. 44–51.

доираси ғоятда кенг бўлиб, уларни бу жараёнга қўллаш бир қатор имкониятларни юзага келтиради. Бу каби эътирофни хорижий мамлакатлар амалиётини ёритган ҳуқуқий адабиётлардаги мавжуд қайдларда ҳам кузатиш мумкин: бундай таъминловчи чоралар қуйидагиларга: биринчидан, мол-мулкни топширишда; мулк гаровида; ашёни ушлаб қолиш ҳуқуқини амалга оширишда товарларнинг ушлаб қолинишида ашёвий-ҳуқуқий кафолатлар қийматини ошириш, иккинчидан, шу каби таъминловчи чоралар сони кўпайишига имконият яратиб беради. Масалан, АҚШ Бирхиллаштирилган Савдо Кодексининг 9 бўлими[1].

Айни пайтда, таъминловчи чораларни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишнинг белги ҳамда хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган мезонларни аниқлашимиз ва тегишли хулосалар чиқаришимиз лозим бўлади.

Таъминловчи чораларни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишнинг дастлабки белгиси бу уларнинг мажбурият эканлигидир. Бу ўринда, В.В.Витрянский[2], Н.Ю.Рассказова[3], В.С.Ем[4], Э.Г.Комиссарова ва Д.А.Торкин[5]ларнинг таъминлаш усули аввало *мажбурият* ҳисобланиши ҳақидаги қарашларини келтириш жоиз.

Бундан ташқари, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган яна *бир белги* уларнинг *қонунчилик ёхуд шартнома асосида вужудга* келишидир. Бунга мисол

---

[1] Единообразный торговый кодекс США /Исследовательский центр частного права; Перевод с английского. – М.: Международный центр финансово-экономического развития, 1996. – С. 241.

[2] Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая: Общие положения. -М.: Статут, 2003. –С.480.

[3] Рассказова Н.Ю. Вопросы общей теории обеспечительных обязательств // Правоведение. 2004. -№4. -С.58.

[4] Гражданское право: учебник: в 4 т. Т. 3:Обязательственное право / отв. ред. Е.А.Суханов. 3-е изд., перераб. и доп. -М.: Волтерс Клувер, 2006. –С.68.

[5] Комиссарова Е.Г., Торкин Д.А. Непоименованные способы обеспечения обязательств в гражданском праве. - М.: АспектПресс, 2008. –С.22, 23.

сифатида ЎзР ФКнинг 260-моддаси 1-қисми (неустойка – *қонун ёки шартнома*), 264-моддаси 4-қисми (гаров –*шартнома ёки қонун*), 290-моддаси (ушлаб қолиш – *қонун*) ва 684-моддада (ушлаб қолиш – *шартнома*), 292-моддаси (кафиллик – *шартнома*), 833 ва 834-моддаси (кафолат олиш – *шартнома*), 311-моддаси (закалат – *шартнома*) ва 638-моддаси (закалат – қонун ёки шартнома)ни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, бу каби қоидаларни ривожланган хорижий мамлакатлар фуқаролик қонунчилигида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Франция Фуқаролик Кодексининг 2071-моддасига кўра, таъминлаш – бу қарздор қарзини кафолатлаш учун кредиторга бирор-бир нарсани тақдим этишини ифодалайдиган шартнома[1].

Шунингдек, таъминловчи чораларни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида эътироф этиш учун улар қарздорни ўз мажбуриятини бажаришга *рағбатлантириш хусусиятига эга* бўлиши лозим.

Таъминлаш усулларига ушбу хусусият хослиги бир қатор ҳуқуқий манбаларда эътироф этилади[2]. Шунингдек, К.Абдулхасанова томонидан ҳам қишлоқ хўжалигидаги шартномавий мажбуриятларни таъминлаш усулларига ҳимояловчи ва *рағбатлантирувчи* белгилар хослиги эътироф этилади.[3]

А.А.Добродееванинг фикрича, мажбуриятларни таъминлаш – кредитор манфаатини ҳимоя қилувчи ва қарздорни *рағ-*

---

[1] Civil Code France /https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGIARTI000006445724/1804-03-26

[2] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. Х.Р.Рахмонқулов, О.О.Оқюлов таҳрири остида. OSCE Европада хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти ва ҲМЎМ ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази (Тошкент ш.). –Т.: VEKTOR-PRESS, 2010, -Б.618.

[3] Абдулхасанова К.Ш. Қишлоқ ҳўжалигида шартномавий мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг моддий ва процессуал-ҳуқуқий муаммолари. Докторлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. –Т.: 2009.

батлантириш орқали мажбуриятни лозим даражада бажарилиши жараёнини тартибга солувчи восита ҳисобланади[1].

Ҳуқуқшунос олимларнинг таъминловчи чоралари *ҳимояловчи ва рағбатлантирувчи* белгиларга эга эканлиги хусусидаги фикрлари билан келишамиз. Чунки бу каби белгиларга эга бўлган чораларни таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишда мумкин. Ушбу белгилар мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг моҳиятини очиб бера олади.

Шу билан бирга, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари мустақил *мулкий оқибатларни юзага келтириш хусусиятига* эга бўлиши лозим[2]. Зеро, таъминловчи чоралар қўлланилиши мулкий оқибатни юзага келтириб, келтирилган зарарни қоплаши орқали тарафларнинг манфаатини ҳимоя қила олиши керак.

Бундан ташқари, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари асосий мажбуриятга нисбатан *қўшимча бўлиш (акцессор) хусусиятига* эга[3].

Таъминловчи мажбуриятларнинг акцессор хусусияти “қарз йўқлиги ва таъминлаш йўқлиги”да ифодаланади[4]. Акцессор (қўшимча) мажбуриятлар кўринишида бўлган қарздорни ўз зиммасига олган мажбуриятини бажаришга рағбатлантирувчи ва ундовчи ёки бошқа кўринишда кредиторнинг мулкий ҳу-

---

[1] Добродеева А.А. К вопросу о понятии обеспечения исполнения обязательств // Актуальные вопросы юридических наук: материалы III Междунар. науч. конф. (г. Чита, апрель 2017 г.). - М.: Молодой ученый, 2017. - iv, 72 с.

[2] Комиссарова Е.Г., Торкин Д.А. Непоименованные способы обеспечения обязательств в гражданском праве. -М.: АспектПресс, 2008. 47 с.

[3] Новосельцева О.С. Место залога в системе обеспечения исполнения обязательств// Лучшая научная статья 2017: сборник статей XIII Международного научно практического конкурса. В 2 ч. Ч. 2. - Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». - 2017. -С.178.

[4] Бевзенко Р.С. Титульное обеспечение и проблема акцессорности /Р.С.Бевзенко //Об обеспечении обязательств: Сборник статей к юбилею С.В.Сарбаша / сост. и отв. ред. А.В.Егоров. – М.: ИЦЧП им. С.С.Алексеева при Президенте РФ, 2017. – С. 43–69.

қуқларини ҳимоя қилишни кафолатловчи мулкий хусусиятга эга таъминловчи чоралардир[1].

Хитой Халқ Республикасининг 388-моддасида, таъминлаш шартномаси –бу асосий шартнома бўйича иккинчи даражали шартнома эканлиги қайд қилинган[2].

Бу каби қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 259-моддаси 2-қисмида, “Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги келишувнинг ҳақиқий эмаслиги ушбу мажбуриятнинг (асосий мажбуриятнинг) ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди”деган тарзида белгиланган[3].

Таҳлилларга асосан, таъминловчи чораларни “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари” сифатида эътироф этиш учун уларнинг белги ва хусусиятларини ягона бир тизимга бирлаштирувчи мезонларга қуйидагилар киради деган хулосага келиш мумкин:

биринчидан, таъминловчи чораларнинг *мажбурият* эканлиги (*белги*);

иккинчидан, қонунчилик ёхуд келишув бўйича вужудга келиши (*белги*);

учинчидан, асосий мажбурият бажарилишини *рағбатлантириши* (*хусусият*);

тўртинчидан, мулкий оқибат вужудга келтириши орқали манфаатларни *ҳимоя қилиши* (*зарарни қоплаш хусусияти*);

бешинчидан, асосий мажбуриятга нисбатан *қўшимча* (акцессор) хусусиятга эга эканлиги[4].

---

[1] Слонимский Д. Способы обеспечения исполнения обязательств по договору международной купли-продажи / Д.Слонимский // Библиотечка журнала «Юрист». Право и бизнес. – 2015. – № 5. - С. 47–48.

[2] Civil Code of the People’s Republic of China /ttps://archive.org/stream/civilcodeofrepub00chin/civilcode ofrepub00chin_djvu.txt

[3] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/111189#154423

[4] 1-иловага қаранг.

Тўғри, бу мезонлар бир нечта бўлиши мумкин. Бироқ Биз ҳуқуқшунос олимлар томонидан энг кўп эътироф этилганларинигина танлаб олдик, холос.

Бугунги кунда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари мажбурият бузилганидан кейин қўлланиладиган жавобгарлик чоралари эмас, балки мажбурият бузилишининг олдини олишга қаратилган профилактик чоралар эканлигини ифодаловчи қарашлар вужудга келмоқда. Бу каби қарашларни маъқуллаймиз. Зеро, бундай профилактик чоранинг асосий мақсади қарздорни асосий мажбурият бўйича мажбуриятини бажаришга қаратилган. Яъни, асосий мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда кредиторнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қўшимча таъминот усуллари асосида таъминланади[1].

Таъминлаш усуллари – мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслигининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва (ёки) олдини олиш бўйича кредиторга қўшимча ҳуқуқлар бериш ҳамда унинг манфаатларини қондириш учун манбани яратиш орқали қарздорнинг мажбурияти лозим даражада бажарилишига рағбатлантирувчи, мулкий тусдаги махсус чоралар сифатида ўзини намоён қилади[2].

Таҳлилларга асосан, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига нисбатан қуйидагича муаллифлик таърифини шакллантириш мумкин, яъни *мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари* деб, қарздор ўз зиммасига олган мажбуриятини бажара олмаслигининг олдини олувчи, уни ўз мажбуриятини самарали бажаришига рағбатлантирувчи, у томонидан мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада ба-

---

[1] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 11 б.

[2] Гражданское право. Часть первая: учебник / под ред. В.П.Мозолина, А.И.Масляева. - М.: Юристъ, 2008. -С.610.

жарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларни камайтирувчи, кредитор ва қарздор ўртасидаги мажбуриятли муносабатни мустаҳкамлаш орқали асосий мажбуриятни кучайтиришга йўналтирилган бевосита махсус қонун ёки қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада белгилаб қўйиладиган чораларга айтилади.

Шунингдек, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларининг турланишини ўрганиш таъминлаш институтини англаб етишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларининг барчаси ҳам бирдек жавобгарликни кўзламаса-да қарздор учун бевосита ёки тўғридан-тўғри қўшимча оғирликни юзага келтириши орқали кредитор манфаатини таъминлаш мақсадида белгиланади.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

1) **анъанавий усуллар** – неустойка (ЎзР ФК 260-263-моддалари), гаров (ФК 264–289-моддалари), кафиллик (ФК 292–298-моддалари), закалат (ФК 311–312-моддалари). Бу усуллар Рим ҳуқуқидаёқ маълум бўлган;

2) **бошқа таъминлаш усуллари** – қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш (ФК 290–291-моддалари) ва кафолат (ФК 299–310-моддалари). Бу таъминлаш усуллари Ўз.Р. ФКга янги киритилган (1995 йил 21 декабрь);

3) таъминлаш усуллари сифатида – **таъминловчи битимлар** (насияга товар сотиш (Ўз.Р. ФКнинг 421-моддаси), товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш (ФКнинг 422-моддаси), ижара (ФКнинг 535-моддаси), лизинг (ФКнинг 587-моддаси), пудратчининг ушлаб қолиш ҳуқуқи (ФКнинг 639-моддаси), пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) (ФКнинг 749-моддаси), шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш (ФКнинг 919-моддаси);

4) **замонавий таъминлаш усуллари** – “Estoppel”, “Warranty”, “Indemnity”, “Эскроу”,“Астрент”;

5) **“урфга айланган”** таъминлаш усуллари – ушбу усуллар амалда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун кенг қўлланилиб келаётган бўлса-да, бироқ қонунчилик талабларига зид усуллар ҳисобланади. Масалан, паспорт ва ҳарбий билет ҳамда бошқа муҳим шахсий ҳужжатлар олиш. Одатда, меҳмонхона хизматларидан фойдаланаётган фуқаро меҳмонхоналарда яшаб, кўрсатилган хизмат ҳақи тўлангунига қадар унинг паспорти “reception” томонидан олиб қўйилади. Бироқ бу қонунчилик талабларига зид. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 227-моддасига кўра, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автомототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш жиноят ҳисобланади[1].

Шу билан биргаликда, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини, уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича **гуруҳларга** ажратиш мумкин:

Биринчидан, қарздор ёки учинчи шахсларга нисбатан мажбуриятли талабларни тақдим қилиш имкониятининг шартномага олдиндан киритилиши орқали мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишига қарздорни ундовчи *мажбуриятли-ҳуқуқий хусусиятли усуллар* – неустойка, кафиллик ва кафолат.

Иккинчидан, олдиндан белгилаб қўйилган мулк ҳисобига мажбурият бажарилишида кредитор манфаатларини таъминловчи *ашёвий-ҳуқуқий хусусиятли усуллар* – гаров, закалат, ушлаб қолиш.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/acts/111453

Зеро, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ашёвий-ҳуқуқий усуллари ишончлироқ ҳисобланиб, ўз ичига гаров ва ушлаб қолишни олади. Унинг моҳияти мажбурият таъминланиши учун қарздорнинг муайян мулкининг ажратилиши ва ушбу мулкка кредиторнинг муайян ҳуқуқлари белгиланишидан иборат бўлади[1].

Учинчидан, мажбуриятлар бажарилишини *рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган усуллари* – неустойка ва закалат.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларининг баъзи бирлари қарздорни мажбуриятини бажаришга **рағбатлантиришга** йўналтирилган. Улар қаторига **неустойка ва закалат** киради. Закалат суммасини йўқотиши, худди шундай неустойка ундирилиши мумкинлиги таҳдиди мажбуриятни натура ҳолда бажаришига рағбатлантиришга йўналтирилгандир[2].

Алла Яковец томонидан таъминлаш: рағбатлантириш – моддий хусусиятга эга бўлган ноқулай ҳуқуқий оқибат келиб чиқиши ёки мулкдан маҳрум бўлиш таҳдиди билан мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишига қарздорни мажбурлаш; кафолатловчи (қоплаш) – кредитор учун ноқулай бўлган оқибатни бартараф этиш ёки қоплаш орқали таъминлаш каби иккита функцияни бажариши[3] таъкидланади.

Ушбу фикрларнинг мажбурият бажарилишига таҳдид ёки мажбурлаш орқали қарздорнинг рағбатлантирилиши қисми билан келишмаймиз. Чунки таҳдид таъминлаш усулини жавобгарликка айлантириши мумкин. Зеро, жавобгарликда жазолаш билан таҳдид қилиш устувор аҳамият касб этади. Мажбу-

---

[1] Иванов А.А., Эриашвили Н.Д. Способы о обеспечения исполнения договорных обязательств в Римском и Российском гражданском праве //Вестник Московского университета МВД России №6, 2011. –С.150.

[2] Куликов Е.С. Соглашение о задатке в гражданском праве России: монография. –М.: Волтерс Клувер, 2011. – С.19.

[3] Яковец А. Профессионально об актуальном: Обеспечение исполнения обязательств. Задаток. /https://pravo. by/novosti/novosti-pravo-by/2019/august/39008/

риятнинг лозим даражада бажарилиши жараёнида таҳдидга ёки мажбурлашга зарурият йўқ, бундай зарурият унинг бузилганидан кейин юзага келади, яъни келтириган зарар ундирилади, бузилган ҳуқуқ тикланиб, ҳимоя қилинади.

Бу ўринда олимларнинг мажбуриятлар бажарилишига рағбатлантирувчи (бузилгунига қадар), ҳимоя (бузилганидан кейин) ёки қарздор учун мажбурловчи ва кредитор учун қопловчи, барча учун эса тикловчи функциялар хусусидаги фикрларини келтириш жоиз[1].

Мажбуриятлар бажарилишига рағбатлантириш таъминлаш усуллари орқали турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Хусусан, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари: а) белгиланган муайян мулк ҳисобидан кредитор талабларини қаноатлантириш ёки б) кредитор манфаатларининг бевосита кафолати бўлган ва қарздор мажбуриятини лозим даражада бажаришига шароит яратиш учун кредитор олдидаги мажбуриятли шахслар доирасининг кенгайтирилиши каби қўшимча манбалар орқали кредиторнинг мулкий манфаати қаноатлантирилишида рағбатлантириш ва қоплаш функциялари намоён бўлади[2].

Тўртинчидан, қарздор томонидан мажбурият бузилгунига қадар кредитор ҳамда бошқа тарафлар (*учинчи шахслар*) манфаатларининг *ҳимоя қилинишини кафолатлаш хусусиятига эга бўлган таъминлаш усуллари*– кафиллик ва кафолат.

Ушбу хусусиятга эга бўлган усуллар қарздор томонидан мажбурият бузилганида кредитор манфаатларини *ҳимоя*

---

[1] Берестнев М.А., Пустомолотов И.И. Основные функции способов обеспечения исполнение гражданско-правовых обязательств. //Известия Тульского государственного Университета. Экономические и юридические науки. Выпуск 3, част 11. Тула, Тул.ГУ.2014. -С.62.

[2] Гончарова В.А. Непоименованные способы обеспечения исполнения обязательств. Магистерская диссертация. Томск, 2017. Национальный исследовательский Томский Государственный Университет (НИ ТГУ) -С.4-5.

қилишга йўналтирилган бўлади (кафиллик, банк кафолати)[1]. Зеро, кредитор таъминланган мажбурият бўйича, қарздор томонидан мажбурият бажарилмаганда нафақат унинг мулки шу билан биргаликда, унинг учун кафил бўлган шахс мулки ҳисобидан ҳам ўз манфаатини қаноатлантиришнинг қўшимча манбаига эга бўлади.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнида юзага келадиган уч тарафлама муносабатларда кредитор, қарздор ва кафил иштирок этади. Қарздорнинг мажбуриятини бажариш учун кафил мажбурият олади. Кафил ушбу мажбуриятни бажарганидан кейин регресс талаб билан қарздорга мурожаат қилади. Бироқ ушбу даврга келиб қарздор иқтисодий ночор ҳолатда бўлиш ҳолатлари амалиётда кўплаб учрайди. Бу ҳолат, нафақат кредитор, шунингдек, мажбуриятнинг "*заиф тарафи*"-га айланиб қолмаслиги учун кафилнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Бешинчидан, асосий мажбуриятга нисбатан *қўшимча* (неустойка, ушлаб қолиш, гаров, кафиллик ва закалат) ёки *қўшимча бўлмаган* (кафолат) *хусусиятли* таъминлаш усуллари.

Мажбуриятларни бажаришни таъминлаш қўшимча (акцессор) ва қўшимча бўлмаган усулларга бўлинади. Юқорида қайд этилган усуллар ҳеч қайсиси ўзича мустақил равишда қўлланилмайди. Буларнинг ҳаммаси бирон-бир мажбуриятнинг мавжуд бўлишини кўрсатиб, мазкур мажбуриятнинг бажарилиши мақсадларини кўзлаб белгиланади. Бундай мажбурият асосий мажбурият бўлиб, унинг бажарилишини таъминлаш усули эса –қўшимча мажбурият ҳисобланади[2].

Таъминловчи усулларнинг асосий мажбуриятга нисбатан қўшимча эканлиги хорижий мамлакатларнинг фуқаролик ко-

---

[1] Куликов Е.С. Соглашение о задатке в гражданском праве России: монография. –М.: Волтерс Клувер, 2011. – С.19.

[2] Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т.: Адолат, -1996. -Б.213.

дексларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, АҚШнинг Луизиана Фуқаролик кодексининг 3035-моддасига кўра, кафиллик – шахс бошқа шахс томонидан олинган мажбурият бажарилмаганида кредитор олдида ушбу мажбуриятнинг бажарилишини ўз зиммасига олишини ифодаловчи қўшимча шартнома ҳисобланади[1]. Мазкур кодекснинг 3144-моддасига кўра эса, гаров мажбуриятга нисбатан қўшимча мажбурият бўлиб, мажбурият бажарилишини таъминлаши қайд қилинган[2].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 301-моддасига асосан, кафилнинг бенефициар олдидаги кафолатда назарда тутилган мажбурияти улар ўртасидаги муносабатларда бажарилишини таъминлаш учун шу кафолат берилган асосий мажбуриятга, гарчи кафолатда ушбу мажбуриятга ҳавола қилинган бўлса-да, боғлиқ эмас.

Акцессор мажбурият тушунчаси ва моҳияти ҳақидаги қарашларни таҳлил қилган Л.А.Евсеева ва Р.П.Трухан таъминловчи мажбуриятнинг қўшимчалиги белгиси сифатида асосий мажбуриятсиз унинг мавжуд бўлмаслиги таъкидлашади[3].

Л.А.Евсеева ва Р.П.Труханларнинг фикри бироз баҳсли. Чунки мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари асосий мажбуриятга нисбатан функционал (йўналиши) жиҳатдан қўшимчалик хусусиятига эга. Бироқ унинг асосий мажбуриятга нисбатан “қарам”, яъни тақдирини бевосита асосий мажбурият тақдири билан боғлаб, тушунча бериш таъминлаш усулларининг тўлиқ ёритилишини таъминлай олмайди.

Фикримизча, таъминлаш мажбуриятнинг асосий мажбуриятга нисбатан “қарам” эканлигида бир қатор зиддиятлар мавжуд:

---

[1] Louisiana Civil Code /https://lcco.law.lsu.edu/?uid=119&ver=en#119

[2] Louisiana Civil Code /https://lcco.law.lsu.edu/?uid=125&ver=en#125

[3] Евсеева Л.А, Трухан Р.П. Понятие и сущность акцессорных обязательств в гражданском праве Российской Федерации. //Вестник Российского университета кооперации. 2017. № 4(30).-С.102.

биринчидан, ҳамма таъминлаш усуллари ҳам бирдек асосий мажбуриятнинг ажралмас қисми сифатида у билан бирга вужудга келмайди (*закалат*);

иккинчидан, барча таъминлаш усуллари ҳам асосий мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги фактига қадар тузилавермайди (*қарздорнинг мол-мулки мажбурият бузилганидан кейин ушлаб қолинади*);

учинчидан, ҳамма таъминлаш усуллари ҳам бирдек асосий мажбурият ҳақиқий эмас деб топилиши билан ҳақиқий эмас деб топилавермайди (*кафолат*).

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари қўшимча мажбурият сифатида асосий мажбуриятга мутлақо боғлиқ деган фикрларга барҳам бериш, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларининг мажбурият бажарилиши таъминланишидаги қатъийлигини акс эттириш ва мажбурият субъектлари томонидан мажбурият бажарилмаганида ёки асосий мажбурият ҳақиқий эмас деб топилганида ҳам ҳақиқий эмас деб топилмасдан мажбуриятни тўла таъминлай олиш хусусиятига эга бўлган усуллар мавжудлигининг ҳуқуқий жиҳатдан белгиланиши заруриятини эътиборга олган ҳолда ФКнинг 259-моддаси 3-қисми қуйидагича ўзгартирилиши тавсия қилинади: “Асосий мажбуриятнинг бекор бўлиши унинг бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятнинг бекор бўлишига олиб келади, банк ва бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти кафолати билан таъминланиши натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар бундан мустасно”.

Олтинчидан, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал усуллари.

Фикримизча, мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари қуйидаги хусусиятларга эга бўлсагина, *универсал усуллар* ҳисобланади: *биринчидан,* қарздор томонидан олинган мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганида юзага келадиган нохуш оқибатни

бартараф этиш учун энг ишончли усули бўлиши; *иккинчидан,* ашёвий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиши; *учинчидан,* у билан таъминланган мажбурият қарздор кредиторига бошқа кредиторларга қараганда имтиёз тақдим эта олиши; *тўртинчидан,* мажбурият бажарилишини таъминлашда эркин шаклда қўлланила олиш имкониятига эга бўлиши; *бешинчидан,* оммавий фойдаланишга мўлжалланган бўлиши; *олтинчидан,* ҳар қандай мажбурият бажарилишини таъминлай олиши; *еттинчидан,* мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида кўп тармоқли хусусиятга эга бўлиши; *саккизинчидан,* деликт мажбуриятларни ҳам таъминлай олиши (гаров). Ўтказилган социологик сўров натижалари[1] ҳам мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари *универсал хусусиятларга эга* эканлигини тасдиқлайди.

Нуқтаи назаримизча, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг **универсал усуллари** деганда, ашёвий хусусияти устуворлиги билан ишончли ва қулайлиги сабабли ҳар қандай мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи усуллар тушунилади.

Универсал усуллар ҳар қандай ҳолатда (бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган негатив ҳолатлар, яъни юқори даражадаги инфляция, тобора мураккаблашиб бораётган хўжалик алоқаларининг жаҳон иқтисодиёти ривожланиши рейтинг кўрсаткичларига номутаносиблиги ишлаб чиқариш-

---

[1] Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш Марказида 2018 йил 18–30 июнь кунлари малака оширган юрисконсультларнинг 20 тасидан 12 таси – *гаровни* ва 20 тадан 10 таси –*ушлаб қолишни* ҳамда Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) Марказида 2018 йил 2–31 октябрь кунлари малакасини оширган давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиларининг 14 тасидан 7 таси - *гаровни* ва 14 тасидан 3 таси –*ушлаб қолишни* ҳамда 2019 йил 4-15 ноябрь кунлари Юристлар малакасини ошириш марказида малака оширган юрисконсультларнинг 32 тадан 20 таси *гаровни* ва 32 тадан 22 таси *ушлаб қолишни* ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимлари 2-гуруҳининг 26 тадан 23 таси *гаровни* ва 26 тадан 10 таси *ушлаб қолишни* мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг универсал усули сифатида эътироф этганлар.

нинг кескин пасайиб кетиши билан шартномавий муносабатлар иштирокчилари томонидан олинган мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганида) кредитор йўқотишларининг ўрнини қоплай олиш хусусиятига эга бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан, агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаров талабнинг амалда қондириш пайтидаги ҳажмини таъминлайди, хусусан фоизлар, неустойка, ижрони кечиктириб юбориш натижасида етказилган зарар тўланиши, шунингдек гаровга олувчининг гаровга қўйилган ашёни сақлашга қилган зарур харажатлари ва ундирув харажатлари тўланишини таъминлайди.

Ушбу усулларнинг ўзига хос хусусияти мажбурият тарафлари ўртасида бу ҳақида махсус равишда келишув бўлишидан қатъи назар (шартнома ёки қонун асосида) қўлланилади. Бундан ташқари, зарарлар миқдори мажбурият бажарилмаганидан кейин аниқланиши мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларида рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва универсаллик хусусиятлари кўп ёки кам бўлса-да мавжуд бўлиб, тарафларни рағбатлаштириши орқали таъсир қилиши ҳамда мажбуриятларнинг бузилишидан ҳимоя қилиш даражаси билангина фарқланишидан келиб чиққан ҳолда турлаш мақсадга мувофиқ. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг анъанавий усулларининг турланишини монографиянинг 2-иловасида келтирдик[1].

Таъкидлаш лозимки, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларининг ҳар бири мажбурият бажарилишини таъминлашда жараёнида ўз ўрнига эга бўлиб, бир-бирига ўхшаш жиҳатлари мавжуд ва фарқли жиҳатлари билан ажралиб

[1] 2-иловага қаранг.

туради[1] ва уларни юқорида қайд қилинган тарзда турлаш ҳар бирининг таъминлашдаги ўрнини аниқ белгилашга имконият яратади.

Ҳеч бир алоҳида олинган таъминлаш усули мажбурият бажарилишини тўлиқ таъминлай олмаслиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш даражасини янада оширишга бўлган заруриятини юзага келтиради. Ушбу заруриятдан келиб чиққан ҳолда мажбурият бажарилишини тўлиқроқ таъминлаш мақсадида, бу жараёнда таъминлаш усули янада самаралиси билан ўзгартирилиши ёки бир нечта усулларнинг жалб этилишига йўл қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Бу каби амалиётни банк фаолиятида кузатиш мумкин. Масалан, “Микрокредитбанк” АТБнинг Қашқадарё вилояти филиали билан қарз олувчи – “Eco Cluster Qashqadaryo” МЧЖ ўртасида 2019 йил 27 ноябрь куни тузилган 753-сонли кредит шартномасига асосан, банк томонидан қарздор қалампир кўчатларини сотиб олиш учун 20 млрд. сўм кредит ажратилган бўлиб, шартноманинг 2.8-бандида 0.5 фоиз миқдорида *пеня* ҳисобланиши билан биргаликда, 5.4-бандида “Кредит таъминоти сифатида суғурта компаниясининг кредит қайтармаслик хатарини суғурталаш юзасидан 25 млрд. сўмга “Apex Insurance” суғурта компанияси *суғурта полисини* тақдим этиши, шунингдек, Косон туманида 10 гектар ер майдонида, 4 ой ичида қуриб битказилиши режалаштирилаётган иссиқхонанинг кредит таъминотига етарли қисми қуриб битказилганидан сўнг қайта баҳолатиб *суғурта полиси ўрнига* таъминот сифатида *гаровга* қўйилиши деб белгиланган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштиро-

[1] 3-Иловага қаранг.

кида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомнинг[1] 3-иловаси бўлган “Ипотека кредити бериш тўғрисида 0-сон Намунавий шартнома”нинг 5.2 ва 5.3-бандларида – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг бир нечта усуллари мавжудлиги, заруриятга кўра, ундиришни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратишнинг усулларини танлаш ҳуқуқи Банкда қолиши, у ўз хоҳишига кўра талабни усуллардан исталганига қўйиши ёки мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг барча усулларига қўйиши мумкинлиги қайд қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони 6-бандида, кредитлар бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларга тегишли бўлган якка тартибдаги уй-жой гарови ёки бошқа таъминот турлари тақдим этилиши[2] деб қайд қилинган.

Бу каби қоидалар ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам мавжуд. Хусусан, Германия Фуқаролик Тузукларининг 240-параграфида таъминотни тўлдириш мажбурияти ҳақида қоида белгиланган бўлиб, унга асосан, кредиторнинг айби бўлмаган ҳолда тақдим этилган таъминот

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомнинг 3-иловаси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/ https://lex.uz/docs/1531308

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/ru/docs/5327053.

етарли бўлмаса, у тўлдирилиши ёки бошқа таъминот тақдим этилиши мумкин[1].

Эрон Ислом Республикаси Фуқаролик кодексининг 779-моддасига кўра, агар кредитор гаровга қўйилган ашёни сотиш ваколатига эга бўлмаса ва қарздор ҳам уни сотишга ёки қарзни тўлашга тайёр бўлмаса, кредитор қарздорни ашёни сотишга мажбур қилиш ёки қарзни бошқа усуллар билан тўлашга мажбурлаш юзасидан судга мурожаат қилиш мумкин[2].

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан таъкидланганидек, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари ҳам қонун, ҳам шартнома билан белгиланиши мумкин. Уларнинг барчаси битта мақсадга қаратилган бўлиши билан бирга, турли механизм ва йўналишда амалга оширилиши фараз қилинади. Шунинг билан бирга битта мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш бўйича бир неча усуллар биргаликда қўлланиши ҳам мумкин. Масалан, неустойка билан таъминланган мажбуриятга нисбатан гаров ва закалат қўлланиши ҳам мумкин) [3].

Демак, мажбуриятлар лозим даражада бажарилишини таъминлаш жараёнида тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида *бир нечта усулларни қўллаш* мақсадга мувофиқ ва у тарафларнинг *ўзаро келишувига асосан* ёки *суд тартибида* ҳам амалга оширилиши мумкин.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Мажбурият бажарилишини таъминлаш усулининг ўзгартирилиши ёки бир нечта усулларнинг жалб этилиши” деб номланган 291–1-модда киритилиши так-

---

[1] German Civil Code BGB /https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_bgb/englisch_bgb.pdf

[2] The Civil Code of the Islamic Republic of Iran. /https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/ir/ir009en.pdf

[3] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 12 б.

лиф этилиб, унда мажбурият бажарилишини таъминлаш усули кредиторнинг розилиги ёки суд қарорига биноан бошқа таъминлаш усули билан алмаштирилиши, агар кредитор айбига кўра, мажбурият етарли даражада таъминланган бўлмаса, таъминлашга бир нечта усуллар жалб этилиши мумкинлиги баён этилди.

Фикримизча, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашга бир нечта усулларни жалб этиш ижобий ҳолат бўлиб, уларни қўллаш жараёнида бир-бирига халал бермайди, аксинча, уларни бажаришнинг ҳар қайси усулининг мустақиллиги сақланиб қолган ҳолда бир-бирини тўлдириб, мажбуриятлар бажарилишини юқори даражада таъминлаши орқали ушбу усулларнинг самарадорлигини янада оширади. Чунки ҳуқуқни қўллаш амалиётида таъминлаш усулларининг таъминлаш даражаси турлича. Масалан, неустойканинг пеня шаклида – тўланмаган қарздорликнинг 50 фоизигача ёки жарима шаклида 1–20 фоизгача, закалат тарафларнинг келишувига кўра ёки 0,05 –15 фоизгача, кафиллик ва кафолат қарздорликнинг бир қисми ёки тўлиқ, гаров тўлиқ белгиланса-да, бироқ уни барча мажбуриятларга бирдек қўллашнинг имконияти мавжуд эмас, чунки тараф ҳамма вақт ҳам ўз мулкини гаровга қўйишни хоҳламайди.

Қайд қилинган ҳолатлар мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини самарали таъминлаш учун ушбу усулларни уларни бир-бирини “қоплаш тамойили”дан келиб чиққан ҳолда қўллаш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, шартномаларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу таъминлаш усуллари белгиланади. Аксарият ҳолларда 0,1–0,5 фоиз пеня белгиланиб, у мажбурият бажарилишини таъминлаш кучига эга бўлмайди ва шу сабабли неустойкани ва етказилган зарарларни ҳам қоплаш учун гаров қўлланилади (ЎзР ФК 268-модда).

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнига бир нечта усулларнинг жалб этилишини медицинада касаллик хуружига қарши бир неча усуллардан фойдаланиш асосида курашиш жараёнига тенглаштириш мумкин. Бу “рецидивлашув” – қайталаниш, такрор ва такрор содир этилиш, яъни хуруж демакдир. Аслида бу ибора тиббиётдан (касалнинг қайталаши) келиб чиққан бўлса-да, ҳуқуқшунослikда фақат жиноят ҳуқуқида “рецидив жиноятчилик” сифатида ишлатиш одат тусига кирган.

Бироқ қарздор томонидан мажбурият жиддий бузилиши кузатилган дастлабки жараёндан бошлаб унга нисбатан бир неча усулларнинг хуружини (бирваракайига) қўллаш мақсадга мувофиқлигини ўтказилган социологик сўров натижалари ҳам тасдиқлайди[1].

Шу билан биргаликда, таъминлаш жараёнига янги технологиялар, яъни “Blockchain” электрон муҳитда ва электрон имзодан фойдаланишни таклиф этадиган асимметрик рақамланган технологияларга асосланган таъминлашга оид тизим жорий этилиб, у неустойка, гаров, кафиллик, закалат ва ш.к.ларнинг рақамли ўхшашлари ёрдамида амалга оширилиши лозим. Бу тизимда қарздор томонидан олинган мажбуриятлар бажарилмаганида бир нечта таъминлаш усулларини узлуксиз кетма-кетликда қўллаш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи

[1] Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида 2018 йил 18–30 июнь ва 2019 йил 4-15 ноябрь кунлари малака оширган юрисконсультлар ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимлари 2-гуруҳи, Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) Марказида 2018 йил 2–31 октябрь кунлари малакасини оширган давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари жами 92 та респондентлар ўртасида “Фуқаролик доктринасига қарздор томонидан олинган мажбуриятлар бажарилмаганда бир нечта таъминлаш усулларини узлуксиз кетма-кетликда қўллашни амалга ошириш ҳолатини англатувчи “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларининг рецидивлашуви” иборасини киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсизми?” деган савол бўйича ўтказилган сўровномада респондентларнинг 67 таси (*72,8 фоизи*) мақсадга мувофиқлигини таъкидлашган.

назардан келиб чиққан ҳолда фуқаролик доктринасига “мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларининг рецидивлашуви” иборасини киритишни таклиф қиламиз[1]. Зеро, бугун биз шартномалар бўйича олинган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 259-моддасида қайд қилинган неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усулларнинг такрор-такрор қўлланилишини, яъни хуружини (рецидивлашувини) уюштиришимиз мумкин[2].

Бу борада таҳлиллар олиб борган ҳуқуқшунос олимлар А.Г.Карапетов ва А.И.Савелев томонидан суд томонидан атрофлича кўриб чиқилиши керак бўлган шартлар сифатида а) қарздорга ҳаддан ташқари оғир бўлган таъминловчи мажбуриятларни юклайдиган шартлар (масалан, бир вақтнинг ўзида гаров, кафиллик ва банк кафолатини тақдим этиш) келтирилиб, баъзан бундай “ҳаддан ташқари таъминлаш” (over-security) суд томонидан адолатсиз деб эътироф этилиши мумкинлиги қайд этилган[3].

Назаримизда, ушбу фикрда мажбуриятлар бажарилишини тўлиқ таъминлаш орқали кредиторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи эътибордан четда қолганга ўхшайди. Зеро, қарздор томонидан олинган мажбурият чегарасидан четга чиқмасдан, унинг бажарилишини тўлиқ таъминлаш мақса-

---

[1] 21.1-иловага қаранг.

[2] Рахимов Д.Б. Коррупциянинг мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш жараёнига таъсири. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ташкил этилган “Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари I-жилд. Тошкент, 2020. -Б.241.

[3] Карапетов А.Г., Савельев А.И. Свобода договора и ее пределы. Т. 2: Пределы свободы определения условий договора в зарубежном и российском праве. – М.: Статут, 2012. –С.418, 421.

дида, таъминлаш усулларини узлуксиз кетма-кетликда қўллаш тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни адолатли равишда таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 259-моддасида мажбуриятларнинг бажарилиши бир қатор усуллар билан таъминланиши мумкинлиги белгиланган. Бироқ бу мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ушбу нормада қайд қилинган таъминлаш усуллари билан чекланишини англатмайди.

Х. Рахмонқулов таъкидлаганидек, мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи усуллар рўйхатини тўла-тўкис деб бўлмайди. Мажбуриятлар қонун ҳужжатлари ва шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан ҳам, таъминловчи усуллар билан ҳам таъминланиши мумкин[1]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси (янги таҳрири) лойиҳасининг 291-моддасида санаб ўтилган таъминлаш усулларини “таъминот тўлови” билан тўлдириш тавсия этилмоқда[2].

Хулоса шуки, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари – қарздорни ўз мажбуриятини бажаришига рағбатлантириб, мажбурият бузилмаслигини таъминлаш йўли билан мажбурият иштирокчиларининг мулкий манфаатларини бевосита махсус қонун ёки қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада белгилаб қўйиладиган чоралар орқали ҳимоя қилади.

---

[1] Рахмонқулов Х. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б. 82-83.

[2] Рахимов Д. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг янги усули: Фуқаролик кодексидан кутилаётган ўзгаришлар. /https://uza.uz/oz/society/mazhburiyatlar-bazharilishini-taminlashning-yangi-usuli-fu-a-05-06-2020.

II-боб. МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШДА ҚАРЗДОРНИ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ВА УНИ ЎЗ МАЖБУРИЯТИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ИЖРОСИГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ УСУЛЛАРИ

2.1. Неустойка – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усули сифатида

Бугунги кунга қадар, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули бўлган неустойкани фақат жавобгарлик чораси (жазоловчи) сифатида эътироф этиб келинди. Бироқ тараққиёт неустойкага нисбатан бундай қарашларга танқидий баҳо берган ҳолда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнига илғор ғояларни қўллашни тақозо этади. Акс ҳолда, неустойка мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг усули сифатида самара бермайди. Ушбу ҳолат бу борада илмий-тадқиқот олиб бориб, неустойка институтини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдириш заруриятини юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида фуқаролик ҳуқуқининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Цивилистикада неустойка илдизи қадимги рим ҳуқуқига бориб тақалади. Неустойка (stipulatio poenae) деганда рим юристлари шартномани бузган шахснинг зарар кўрган томон фойдасига жарима тўлаш мажбуриятини назарда тутувчи шартли келишувни тушунганлар. Ўрта асрлардаги рус ҳуқуқий манбаларида неустойка (жарима ва фоизлар)нинг синонимлари сифатида “пеня”, “вира”, “рост”, “гостинец” ва бошқалар ҳам амал қилган. Кейинчалик “устоять” (“тик турмоқ”) феълининг негизида янги сўз – “устойка” ясалган ва у ваъдани бажаришни англатган. Ваъдани бажаришнинг антоми сифатида “неустойка” сўзи ишлатила бошланган. Дастлаб “неустойка” атамаси мажбуриятнинг бажарилмагани билан боғлиқ бўлган

мулкий оқибатларни эмас, балки мажбурият амалда бажарилмаганини англатган.[1]

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқшунос олимлар қарашларида “неустойка” атамаси турлича ифодаланади. Жумладан, Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, мажбурият муносабатларидаги каби маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳам неустойка (лафзсизлик, бебурдлик) тўлови билан таъминланиши мумкин[2]. Баъзи адабиётларда неустойка атамаси “айбона”, “бурдсизлик тўлови”[3] ибораси шаклида ҳам ишлатилади. Иқтисодий адабиётларда эса, неустойка атамаси моддий жавобгарлик жарималарда, пеняларда, яъни айбона (неустойка) кўринишларидан бири. “Неустойка” – бурдсизлик (лафзсизлик) тўлови, яъни мажбуриятлар (шартномалар, қонунлар) бажарилишини таъминлаш усулларидан бири[4] сифатида эътироф этилади. Шунингдек, бундай талқинни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам кузатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сонли қарори билан тасдиқланган “Контрактларни экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 20-бандида, томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришини таъминлайдиган шартлар сифатида импорт контрактида, қоида тариқасида, бир томоннинг контракт мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун пеня ва/ёки жарима тарзидаги санкциялар назарда тутилади. Айбдор то-

---

[1] Одинаев А.С. Неустойка қўллашга оид фуқаролик-ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштириш //«Молодой учёный». -№ 22 (312). май 2020. -С.667.

[2] Раҳмонқулов Ҳ.Р. Олди-сотди шартномаси. –Т.: Адолат, 2000. –Б.87.

[3] О.Оқюлов, Н.Имомов, Ш.Рўзиназаров, Б.Самарходжаев, И.Рустамбеков, Қ.Мехмонов, Э.Мусаев, У.Сайдахмедов, А.Тожибоев, А.Ибрагимова, А.Жумагулов. Инвестиция ҳуқуқи. – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2019. – 225 б.

[4] Қобилов Ш.Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 303 б. Яна қаранг. Абдурашитова Н. Современный взгляд. // На посту. 22.10.2018. https://napostu.uz/xabarlar/1062

монга зарар кўрган томоннинг талаби бўйича унга неустойка (бурдсизлик тўлови) тўлаш мажбурияти юклатилади[1].

Бебурд(лик) – кишининг салбий психологик хусусияти бўлиб, мазкур ибора лафзсизлик, субутсизлик, қатъиятсизлик сўзлари билан маънодош бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида нафақат инсонни, балки бутун бошли жамиятни таназзулга етакловчи иллат сифатида ифодаланади. Бебурдликнинг аломатлари сўзда турмаслик, ваъдага вафо қилмаслик, қатъиятсизлик ва мунофиқлик кабиларда намоён бўлади[2].

Фикримизча, “Неустойка” атамаси миллий қонунчилик ва олимларнинг илмий ишларида “бебурдлик”, “айбона”, “бурдсизлик”, “бурдсизлик тўлови”, “лафзсизлик” тарзида талқин этилса-да, бироқ мазкур атаманинг марказида “лафзсизлик тўлови” атамаси ўрин эгаллаган, қолган атамалар унинг асосида шаклланган. Шу сабабли “неустойка” атамасини “бебурдлик”нинг маънодоши бўлган “лафзсизлик тўлови” атамаси билан аташ мақсадга мувофиқ. Зеро, “лафзсиз” атамаси бугун пайдо бўлиб қолган эмас, балки у чуқур тарихий илдизларга эга (Еврипид (м.а.480–406)нинг Медея (Фожиа) асари[3]) ва “лафз” бу арабча сўз lafz(un) шаклига эга (АРС, 726); ўзбек тилига “сўз” маъноси билан олинган бўлиб, маъно тараққиёти натижасида “ваъда”, “аҳд” маъноларини ҳам англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 428). Бу сўздан ўзбек тилида кейинги маъноси билан лафзсиз, лафзсизлик сўзлари ясалган[4].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сонли қарори билан тасдиқланган “Контрактларни экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/ https://lex.uz/docs/3565230

[2] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Ғ.Ғулом нашриёти, -Т.: 2010. -69 б.

[3] https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/qadimgi-yunon-sheriyati/evripid-m-a-480-406/

[4] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). Т.: Университет, 2003, 209 б.

Халқ орасида “лафзсизлик” атамаси билан кенг қўлланилган. Азалдан инсонлар бир-бирининг “лафзига ишонган” ҳолда тўлов билан боғлиқ бўлган муносабатга киришиши натижасида мажбуриятлар юзага келган. Олган мажбуриятини бажармаган киши “бебурд” ҳисобланади. “Бебурд” киши билан ҳеч ким олди-берди қилмаслиги натижасида у жамиятда яккаланиб қолган. Ушбу ҳолат инсонларни “лафзи”да туришга ундаб келган. Зеро, “Авеста”да қайд қилинган 6 та шартноманинг биринчиси “сўз – шартнома (word-contract)” сифатида белгиланганлиги ҳам бежизга эмас. Агар киши “сўз – шартнома”ни бузса, 1800 дирҳам жарима тўлаши шарт бўлган[1]. Бу мажбурият бажарилишида сўз, яъни “лафз”нинг кучи нақадар катта бўлганини англатади.

Шунингдек, “пеня” лот. poena – сўзидан олган бўлиб, “жазолаш” маъносини англатган. Шариатда бирор косиб бозорга сифатсиз буюм ишлаб чиқиб сотса ва ҳ.к. ман қилинган ишларни қилса, унинг гуноҳи эвазига олинадиган пул ёки нарса айбона ҳисобланган[2]. “Пеня” сўзи рус тилига 14 асрнинг охирида кириб келган бўлиб, “жазо”, “кулфат”, “айбламоқ” деган маъноларни англатган. Лотинча – “poena” – “жавобгарлик”, “жазо”. Финча – “painaa” –“тайзиқ”, “босим” маъноларини англатган. Айблаш (пенять) сўзи рус тилида “пеня” сўзидан олдин пайдо бўлган деб тахмин қилинади. Шу билан бирга, этимологларнинг таъкидлашича, айблаш (пенять) ва пеня сўзлари бир хил “пеня” – жарима оиласига мансуб[3].

Пеня мажбурият бажарилиши кечиктириб юборилганида ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан айб мавжуд бўлга-

---

[1] Вендидад (Vidēvdād) или Законы против демонов Авеста - Священные книги Зороастризм, Книга 3. Перевод Джеймса Дарместетера. Из Священных Книг Востока, Под редакцией Джозефа Х. Петерсона Американское издание, 1898 г. 26, 27, 28 с. http://m-hosseini.ir/zar/articles-1/19.pdf

[2] https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/aybona-uz/

[3] https://ecanet.ru/word/%D0%9F%D0%B5%D0%BD%D1%8F

нида қўлланилиб, келгусида мажбуриятнинг бажарилмаслигининг олдини олади. Зеро, айбнинг борлиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг асосларидан биридир. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари тарафларнинг мулкий манфаатларини амалга оширишни таъминлаш билан бирга ҳуқуқбузарликка йўл қўймасликни назарда тутади[1].

Юқоридагиларга асосан, “пеня” атамасини “айбона” атамаси сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 162-моддаси, 259-моддаси 1-қисми, 260, 261, 262, 325, 326, 330, 436, 454, 554-моддаси 3-қисми ва 720-моддаси 1-қисмидаги *“неустойка”* атамасини *“лафзсизлик тўлови”* атамаси ҳамда 261-моддаси 1 ва 3-қисмларидаги *“пеня”* атамасини *“айбона”* атамаси билан алмаштирилиши таклиф этилади. Мазкур таклиф қабул қилиниши мавжуд ҳолатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси[2] ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги қонуни 1-моддаси[3] талабларига мувофиқлашувини таъминлайди.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида неустойка эътироф этилар экан, бунда унинг мажбурият бажарилишига тарафларни *рағбатлантириш хусусияти устуворлик* касб этади. Чунки неустойканинг *рағбатлантирувчи кучи* тарафларни ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларига ундаб, уларни ҳаракатга келтиради ва мажбурият юзага келган пайтда кўзланган манфаатни таъминлайди. Шундай бўлса-да, неустойканинг ҳуқуқий табиатини ёритишда унинг *жавобгарлик чораси* эканлигини эътироф этиш анъанага айланган. Шу жиҳатдан неустойкани мажбурият бажарилишини

[1] Одинаев А. Неустойка ва айбнинг нисбати // Huquq va burch №6/2020. -Б.40.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/acts/20596

[3] Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://www.lex.uz/acts/121051

таъминлашнинг *рағбатлантирувчи* усули ёки *жавобгарлик чораси* эканлиги билан боғлиқ масалани таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш зарурияти мавжуд.

Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида бу масалада мунозаралар давом этмоқда. Жумладан, Р.А.Бутованинг фикрича, мажбуриятнинг ривожланиши мантиқи унинг лозим даражада бажарилишида намоён бўлади. Мазкур тамойилнинг бузилиши шартнома бўйича тарафлар биринининг ўз мажбуриятининг бузилишида намоён бўлиб, жавобгарликнинг келиб чиқишига олиб келади, тарафнинг ўзи ҳуқуқбузар ҳисобланади. Сўзсиз, неустойка – ҳуқуқбузарликка нисбатан энг кенг тарқалган жавобгарлик чорасидир[1].

М.С.Маноле Фуқаролик Кодексининг мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормаларга бағишланган бобда зарарни қоплаш асосий масала сифатида қўйилса, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга бағишланган бобда эса бош масала таъминлашдан иборат эканлиги эътироф этилади[2].

Ш. Рўзиназаров ва бошқа олимлар “Неустойка мажбурият бажарилишини таъминлаш усули сифатида токи унинг ижроси бузилгунга қадар амалда бўлади. Асосий мажбурият бузилгандан сўнг неустойка мулкий жавобгарлик шакли сифатида намоён бўлади. Бошқача айтганда, қарздорни ўз мажбуриятини бажариш учун оқилона ҳаракатланишини рағбатлантиради ва агар у ўз зиммасига олган мажбуриятни бажармаса, жавобгарлик хавфи мавжуд эканлиги ҳақида огоҳлантиради[3] деб таъкидлашади.

---

[1] Бутова Р.А. Неустойка как мера гражданско-правовой ответственности: отдельные проблемы теории и судебной практики. //Право и политика. №8 (152) 2012. -С.1412.

[2] Маноле М.С. Неустойка – как один из видов обеспечения исполнения кредитных обязательств. //Инновационная Наука. -№4. 2018. -С.136.

[3] Рўзиназаров Ш, Бабаев Ж, Иноятова С, Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 15 б.

Неустойкани фақат жавобгарлик чораси сифатида эътироф этадиган олимларнинг фикрлари билан келишмаймиз. Чунки неустойка таъминлаш усули сифатида самара бермаганидан, яъни мажбурият бузилганидан кейин келтирилган зарарни қоплаш мақсадида жавобгарлик чорасига айланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг "Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш"га бағишланган 22-бобида жойлашганлиги неустойканинг таъминлаш усули сифатида эътироф этиш учун асос бўлса, 24-бобининг 325, 326 ва 330-моддаларида белгиланган мажбурият бузилганидан кейин неустойкани ундириш тўғрисидаги қоидалар *неустойка фақат ундирувга қаратилганидагина жавобгарлик чорасига* айланишидан далолат беради. Буни ўтказилган социологик сўров натижалари ҳам тасдиқлайди[1].

Фикримизча, неустойканинг ўзига хос хусусияти тарафларни жавобгарликка тортиш таҳдиди билан мажбуриятни бажариш учун мажбурлашда эмас, балки таъминлаш усули сифатида рағбатлантиришда намоён бўлади. Чунки тарафларни ҳеч ким шартнома тузишга мажбурламайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 354-моддаси 1-қисмига асосан "Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар"[2].

Шартномада белгиланган мажбуриятни бажариш натижасида манфаат кўришни ҳис қилиш доимо олинган мажбуриятни бажаришга рағбат уйғотади. Мажбуриятлар шартнома тузиш орқали ихтиёрий вужудга келар экан, бунда уни бажаришга мажбурлаш ўз моҳиятини йўқотади.

Неустойка "таъминлаш усули" бўлиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида "жавобгарлик чораси"га ўсиб ўтиши ҳамма вақт ҳам кузатилмайди. Бироқ таъминлаш усули ва жавобгарлик чораси

---

[1] 21.2-иловага қаранг.

[2] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси https://lex.uz/docs/111189#155451

ўртасидаги нисбатни аниқлаш илмий аҳамиятга эга бўлиб, бу неустойкага нисбатан баҳо беришда муҳим ҳисобланади. Зеро, неустойкани таъминловчи ва жавобгарлик чораси ўртасидаги нисбат шу билан изоҳланадики, *биринчидан,* таъминловчи функция қарздорни мажбуриятни бажаришга ундайди, *иккинчидан,* агар тегишли мажбурият бажарилмаса ёки лозим даражада бажарилмаса унга нисбатан жавобгарлик чорасини мажбурий қўллашни тақозо этади[1].

Бу ҳолатлар неустойка ўзининг таъминлаш усулидан жавобгарликка ўсиб ўтиш чегарасини белгилаш заруриятини юзага келтиради. Фикримизча, неустойка ўзининг таъминлаш усулидан жавобгарликка ўсиб ўтиш чегараси, яъни мажбурият бузилишининг бошланғич нуқтасида[2] намоён бўлади.

Неустойка мажбурият бузилгунига қадар мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида ҳамда мажбурият бузилганидан кейин эса, кредиторнинг бузилган ҳуқуқини тикловчи жавобгарлик чораси сифатида намоён бўлишидан қатъи назар, ўзининг рағбатлантирувчи хусусиятини сақлаб қолаверади. Зеро, неустойка бир вақтнинг ўзида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули ҳисобланади[3].

Неустойканинг иккиёқламалик табиатга эга эканлиги суд амалиётида ҳам эътироф этилади. Жумладан, Россия Конституциявий суди[4] ва Россия Федерацияси Олий Арбитраж суди[5]

---

[1] Рўзиназаров Ш, Бабаев Ж, Иноятова С, Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 15 б.

[2] 4-иловага қаранг.

[3] Фролкина Е.Н. Ответственность предпринимателей в форме взыскания неустойки за нарушение договорных обязательств: теоретический аспект. //Вестник Университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА), -№1, 2015, -С.64.

[4] Определение КС РФ от 07.10.1999 №137-О; Определение КС РФ от 21.12.2000 №263-О; Определение КС РФ от 10.01.2002 №11-О; Определение КС РФ от 22.01.2004 №13-О //СПС «КонсультантПлюс».

[5] Постановление Президиума ВАС РФ от 13.10.2011 №5531/11.

томонидан чиқарилган бир қатор ажримларда неустойка мажбуриятларни таъминлаш ва жавобгарлик чораси ҳисобланиши қайд этилган.

Д.И.Гришин неустойка мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, лозим даражада бажарилмаганида неустойка фақат "ўзининг янги сифатига ўтиб, жавобгарликка айланади"[1] деб таъкидлайди. Д.А.Гришиннинг фикрини маъқуллаган ҳолда таъкидлаш жоизки, неустойканинг мажбурият бузилгунига қадар *таъминлаш усули* ва бузилганидан кейин эса, *жавобгарлик чорасига* айланиши каби иккиёқламалик хусусиятга эга бўлиши унинг бошқа таъминлаш усулларидан ажратиб турадиган асосий жиҳатларидан бири бўлиб, бу ижобий ҳолат ҳисобланади.

Неустойканинг мажбурият муносабатларида бундай икки хилда намоён бўлиши унинг реал ва оқилона асосда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида хизмат қилишидан далолат беради. Бундай ўзига хос хусусият мажбуриятлар бажарилишининг бошқа усулларида мавжуд эмас десак, муболаға бўлмайди[2].

Қайд этиш мумкинки, таъминлаш жараёнида неустойка жавобгарлик чораси эмас, балки мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг рағбатлантириш усули сифатида ўзини намоён қилади.

Назаримизда, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули бўлган неустойканинг рағбатлантириш хусусияти унинг дифференциаллашишида[3] намоён бўлади. Бу ўринда

---

[1] Гришин Д.А. Неустойка: теория, практика, законодательство. - М.: Статут, 2005 - С.53.

[2] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 15 б.

[3] Дифференциал–лотин. "differentia" сўздан олинган бўлиб, "ҳар хиллик" деган маънони англатади.

С.М.Рустамова ва Р.А.Давлетхановнинг неустойкани белгилаш шартнома бажарилиши босқичига ёки шартнома баҳосига боғлиқ ҳолда дифференциаллаши[1] ва С.В.Мельниченконинг неустойкани мулкий жавобгарлик шакли сифатида қўлланганда қарздорнинг жавобгарлиги масаласига дифференциал ёндашилиши хусусидаги фикрларни[2] келтириш мақсадга мувофиқ. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, неустойканинг миқдори дифференциаллашиш жараёни дастлабки ва якуний босқичларни ўз ичига олади. Дастлабки босқичи мажбуриятни таъминлаш ва якуний босқич эса, суд жараёнида неустойка миқдорини мажбурият бузилиши номутаносиблигидан келиб чиқиб белгилаш жараёнида юзага келади.

Мажбурият бузилганида қарздорга нисбатан қатъий равишда 0.4 ёки 0.5 фоиз пеня белгилашнинг “механик” тарзда амалга оширилиши адолатсиз қарорлар қабул қилинишига олиб келади. Асосий мажбуриятнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олмасдан барча мажбуриятлар учун “бир ҳил қолип” яратиб, унинг миқдори белгиланиши иккита салбий, яъни биринчидан: тарафларда ўз мажбуриятини бажаришига рағбат уйғотмайди, балки уларни қўллаш натижаларига нисбатан “лоқайдлик”ни юзага келтиради. Чунки уни йўқотиш тарафлар учун арзимаган аҳамиятга эга бўлади, иккинчидан: таъминлаш усулининг таъминлаш кучи йўқолишига олиб келувчи ҳолати юзага келади. Чунки у расмиятчилик учун белгиланади, холос.

Фикримизча, асосий мажбуриятнинг ўзига ҳос жиҳатларини инобатга олган ҳолда неустойка 0,1 фоиздан 100 фоизгача белгиланган ҳолда масалага дифференциал ёндашиш

---

[1] Рустамова С.М, Давлетханов Р.А. Неустойка как санкция за ненадлежащее исполнение обязательств по договору поставки для государственных нужд. // Закон и право. №6, 2019, -С.69.

[2] Мельниченко С.В. Проблемы применения банковской гарантии и неустойки в рамках договорного обязательства. //Юридические исследования. -2018. -№1. -С.71-77. Яна қаранг. Меликов Г.И. Неустойка: проблемы правовой природы и использования в договорных отношениях в свете реформы гражданского законодательства. Дисс..к.ю.н.-М.: 2019. -С.97.

мақсадга мувофиқ. Бунда шартномада белгиланган мажбуриятларни таъминлаш усулларини киритиш дифференциал ёндашилганидан кейин жараён “таъсирчан қайтарма” белгиланиши лозим. Масалан, олган мажбуриятини доимий равишда бажарадиган “инсофли бажарувчи”га *биринчи босқичда* – 30 фоиз, *иккинчи босқичда* – 50 фоиз, *учинчи босқичда* – 70 фоизгача неустойкани камайтириш ва *тўртинчи босқичда* неустойкани тўлашдан озод қилиш амалиёти йўлга қўйилиши лозим.

“Мажбуриятни таъминлашга йўналтирилган тўлов юки” камайтириб борилиши билан енгиллик яратилиши қарздорда олган мажбуриятини лозим даражада бажаришига рағбат уйғотади. Бу каби амалиёт самарадор бўлганлиги учун бошқа ҳуқуқ соҳаларида кенг қўлланилиб келинмоқда. Биз бу борада монографиянинг I боби 1.1-параграфида “ҳуқуқ дуализми”га йўл қўйилиши лозимлиги борасида сўз юритиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332^1-моддасини келтирган эдик.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси “Лафзсизлик тўловини қўллашнинг соддалаштирилган тартиби” деб номланган 326-1-модда билан тўлдириш юзасидан таклиф берилиб, унда, қарздор олган мажбуриятини бажариш даврида унинг бузилишига йўл қўймаса, лафзсизлик тўловини тўлашдан озод қилиниши, лафзсизлик тўловини қўллашнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилмайдиган ҳолатлар баён этилган. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан мажбурият иштирокчиларининг ҳуқуқлари эркин равишда амалга оширилиб, манфаатлари таъминланади.

Суд амалиётида неустойкани ундириш масаласига турлича ёндашувлар уни ***қўллаш*** мезонларини белгилаш заруриятини келтириб чиқаради.

Неустойкани қўллаш жараёнида зарар ва неустойкага оид муносабатлар ўзаро уйғунлик ҳосил қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 325-мод-

дасига асосан, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади. Ушбу уйғунлик неустойканинг турланишини келтириб чиқаради.

Ҳуқуқшунос олимлар, амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатлари неустойканинг тўрт турини белгилайди. Булар – ҳисобга ўтказиладиган неустойка – Фуқаролик Кодексининг 325-моддасида кўрсатилганидек, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланиши (маҳсулот етказиб бериш, қурилиш пудрати шартномаларида қўлланилиши), жаримали неустойка – кредиторга қарздордан неустойканинг ўзини ҳамда зарарни ҳам тўла ҳажмда ундириш (сифатсиз ёки бутсиз маҳсулот етказиб берилганда неустойка (жарима) ва бунинг натижасида кўрилган зарарни), алоҳида неустойка – зарарни ундирмасдан, балки неустойкани ундириш (квартира ҳақининг тўланиши ёки ва бошқача пул тўловлари кечиктирилганда (пеня)) ва муқобил неустойка – неустойка (жарима, пеня)ни ундириш ёки мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли кўрилган зарарларни ундириш (баҳоланадиган неустойка) ҳуқуқини беришини қайд қилишади[1].

Шунингдек, Р.Н.Мазанев, А.М.Шахаевалар[2] томонидан ҳуқуқий адабиётларда неустойка турлича тавсифланиши келтирилади: 1) юзага келиш асосларига кўра: қонуний (императив ва диспозитив[3]) ва шартномали. Ушбу тавсифда Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси 308.3-моддасида кўрсатилган суд

---

[1] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 20,21, 22 б.

[2] Мазанов Р.Н., Шахаева А.М. Правовое регулирование неустойки как формы обеспечения испольнения обязательств.// Закон и право №03.2019.-С.40.

[3] Завидов Б.Д. Гражданско-правовая ответственность, вытекающая из обязательств: Науч.-практ. и аналитич. справочник // СПС “Консультант Плюс, 2018”.

неустойкаси (астрент[1]) таъкидланади; 2) зарар билан муносабатга киришишига кўра: ҳисобга ўтказиладиган жаримавий, алоҳида ва муқобил; 3) ҳисобланиш усулига кўра: пеня ва жарима (баъзан бу турлар билан бир қаторда асл неустойка ҳақида ҳам қайд қилинади); 4) муайян мажбуриятлар бузилиши билан боғлиқ неустойканинг турлари ҳақида қайд қилиш мумкин[2]; 5) пул ва товар неустойкаси[3].

Ушбу қайдлар тараққиётга монанд равишда неустойканинг турлари ҳам кўпайиб бораётганлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда неустойканинг турланиши[4] тизимли равишда шаклланган бўлиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу каби жараён неустойкани қўллашда турлича ёндошувларни юзага келтириши табиий. Хусусан, судлар томонидан ундирилиши лозим бўлган неустойка миқдорини белгилаш жараёнида уни камайтириш ёки умуман рад этиш ҳолатлари мавжуд. Олий суди Раёсатининг 2018 йил 25 январдаги “Хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан 2015, 2016 йиллар ҳамда 2017 йилнинг биринчи ярмида мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларни кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақида”ги РС-02-18-сонли қарорида кўрсатилишича, айрим судлар томонидан мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларга оид ишларни кўришда моддий ва

---

[1] Иванова Т.Н. Французский астрент на российкий манер: применение и правовое регулирование судебной неустойки в свете нового постановление Пленума Верховного суда Российской Федерации №7 от 24.03.2016г. “О применении судами некоторых положений Гражданского кодекса Российской Федерации об ответственности за нарушение обязательств” /Т.Н.Иванова, О.В.Монченко // Вестник арбитражной практики. 2016. №2. -С.3.

[2] Постановление Арбитражного Суда Московского округа от 29.12.2014г. По делу №А40-32495/12 // СПС “Консультант Плюс, 2018”.

[3] Постановление Пленума Верховного суда Российской Федерации №7 от 24.03.2016г. “О применении судами некоторых положений Гражданского кодекса Российской Федерации об ответственности за нарушение обязательств” // СПС “Консультант Плюс, 2018”.

[4] 5-иловага қаранг.

процессуал ҳуқуқ нормаларини амалиётда нотўғри қўллаш ҳолатлари учрамоқда. Хусусан, ижарага олинган мол-мулк ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, ижарага берувчи ижарага олинган мол-мулк қайтарилмаганлиги сабабли мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақдан ташқари неустойкани тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлса-да, айрим судлар томонидан тарафлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бекор қилинганлиги важи билан неустойкани ундириш талабини қаноатлантириш рад этилган[1].

Ҳолбуки, судлар турли сабаблар билан неустойкани ундиришни рад этиши мумкин эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори 12-банди 2-қисмига асосан, мажбуриятлар бўйича ***қарзни тўлаш учун зарур бўлган пул маблағларининг қарздорда мавжуд эмаслиги***, унинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун керак товарларнинг бозорда йўқлиги қарздорни ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни ёки қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада келишилган неустойкаларни тўлашдан озод этиш учун асос бўла олмайди[2].

Бунда, Ф. Шодмонов ва А.Одинаевнинг неустойканинг ундирилиши суд томонидан бутунлай рад қилиниши мумкин эмас[3] деган фикрини келтириш жоиз. Бироқ қонунчиликка (ФК

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. №2. 2018 (137). 2-3 б.

[2] 21.3-иловага қаранг.

[3] Шодмонов Ф., Одинаев А. Фуқаролик қонунчилигида неустойкани қўллашнинг ҳуқуқий асослари: халқаро тажриба //Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси.–2011. –№6. –Б.55.

333-моддаси 3-қисми, 349-моддаси 1-қисми ва 350-моддаси 1-қисми) кўра, қарздорни неустойка ундириш шаклидаги фуқаролик жавобгарлигидан озод қилиш мумкин, фақат бунинг учун тегишли асослар мавжуд бўлиши ва маълум бир шарт бажарилиши лозим[1].

Неустойкани ундириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги **мезонларни**[2] таклиф этамиз: *биринчидан,* неустойкани қўллаш учун *мажбурият бузилиши* (ҳуқуқ бузилиши) ва *қарздорнинг айби мавжуд бўлиши.*

Неустойкани жавобгарлик сифатида қўллаш учун қарздорнинг айби бўлиши лозим. Бинобарин, Н.А.Қўлдашев таъкидлаганидек, "...шартномавий жавобгарлик айбнинг мавжудлигига асосланади"[3].

Бунда Х.Рахмонкуловнинг неустойкани ундириш учун умумий қоидага биноан мажбуриятнинг бузилиши (ҳуқуқнинг бузилиши) ва қарздорнинг айби асос бўлиб ҳисобланади, бироқ бунда ҳуқуқбузарлик таркибининг тўлиқ бўлиши (ҳуқуққа хилоф қилмиш, зарар, сабабий боғланиш, айб тўлиқ ҳолда мавжуд бўлиши) шарт эмас[4] деган фикрини келтириш жоиз.

Масаланинг бундай тартибга солиниши хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам кузатилади. Масалан, Перу Фуқаролик кодексининг 1969-моддасида зарар етказилишида қасд ёки эҳтиётсизлик мавжуд бўлмаса, шахс жавобгарликдан озод қилинади. Бироқ бу қоида қатъий эмас, балки уни ҳам истисно қиладиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу ўринда ҳуқуқшунос олимларнинг, неустойка мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашнинг усули сифатида зарар етказилмаган тақдирда ҳам, тадбиркорлик соҳасида эса, умумий қоидага биноан мажбу-

---

[1] 6-иловага қаранг.

[2] 21.4-иловага қаранг.

[3] Қўлдашев Н.А. Деликт мажбуриятлар ҳақида айрим мулоҳазалар. //Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. -2012. -№3. –Б.47.

[4] Рахмонқулов Х. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.85.

риятни бузган шахснинг айби бўлмаса-да, қўлланилади[1] деган фикрини келтириш мақсадга мувофиқ.

Неустойкани қўллаш учун ***иккинчи мезон*** – шартнома тарафларининг мажбуриятни бажаришдан ***бош тортиши*** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли қарорида, Қонуннинг 32-моддаси 1-қисмини қўллашда судлар қарздорнинг ҳақиқатда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлиги ҳолатларини (жумладан, тўлаш имконияти бўла туриб, тўловни амалга оширмаганлиги, қарзини тан олмаганлиги, кредиторлик-дебиторлик қарзлари ҳақида солиштириш далолатномалари тузишдан бўйин товлаганлиги, ўзини атайлаб тўловга қобилиятсиз қилиб кўрсатганлиги ва ҳ.к.) далиллар асосида аниқлаши лозим. Агар қарздор товар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлаш учун иқтисодий имкони бўлмаса, қарзни тан олиб уни тўлашга ҳаракат қилаётган бўлса, судлар унинг хатти-ҳаракатларини тўловдан бош тортиш, деб баҳоламасликлари зарурлиги таъкидланади[2].

Фикримизча, қарздор ўз мажбуриятини бажаришдан бош тортиши қуйидагиларда намоён бўлади: *биринчидан*, қарздор тўлаш имконияти бўла туриб, тўловни амалга оширмаслиги; *иккинчидан*, қарздор томонидан қарз тан олинмаслиги; *учинчидан,* қарздор кредиторлик-дебиторлик қарзлари ҳақида солиштириш далолатномалар тузишдан бўйин товлаганлиги;

---

[1] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 16 б.

[2] Хўжалик ва ҳуқуқ. -2002. -№ 6. –Б. 21-26.

тўртинчидан, қарздор ўзини атайлаб тўловга қобилиятсиз қилиб кўрсатганлиги.

Шартнома интизоми ҳаддан ташқари паст бўлган шароитда мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқий чоралар талаб қилинади[1]. Бундай ҳуқуқий чоралар орасида неустойка энг кенг қўлланилади. Масалан, 2016 йил 1 январдан 2017 йил 1 январгача Москва ва Москва вилоятининг арбитраж судлари томонидан зарарларни қоплаш бўйича 1156 та ва неустойкани ундириш ҳақидаги 17 437 та иш кўриб чиқилган, кўрсатилган муддат мобайнида неустойкани ундириш 94 фоиз ҳолларда шартнома мажбуриятларини бузганлик ҳолларида қўлланилган. Бунинг сабаби шундаки, аксарият тадбиркорлик билан боғлиқ шартномалар неустойка ҳақидаги шартни ўз ичига олган[2].

Аксарият муносабатлар тадбиркорлик шартномаларидан келиб чиқар экан, бунда албатта судлар неустойкани камайтириш масаласига адолатли ёндошишлари лозим акс ҳолда, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари паймол қилинишига йўл қўйилади. Масалан, даъвогар АК “Микрокредитбанк” Чимбой филиалининг манфаатида, Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат Палатасининг Қорақалпоғистон бошқармаси жавобгар “Чимбойли Азизбек” МЧЖдан 250.000.000 сўм кредитнинг ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун 105.452.550,3 сўм пеня ундириш тўғрисида Чимбой туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилган. Биринчи инстанция судининг 2019 йил 23 июлдаги қарори билан даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига 42.181.020,12 сўм пеня ундирилган. Апелляция инстанциясининг 2019 йил 10

---

[1] Карапетов А.Г. Приостановление исполнения обязательства как способ защиты прав кредитора. -М.: Статут, 2011. -С.236.

[2] Меликов Г.И. Неустойка: проблемы правовой природы и использования в договорных отношениях в свете реформы гражданского законодательства. Дисс..к.ю.н.-М.: 2019. -С.3.

сентябрдаги қарори билан даъвогар 116.666.667 сўм кредит жавобгардан олдиндан ундириб олинганлигини инобатга олмасдан унга нисбатан пеня ҳисоблаганлиги, 2015 йил 17 декабрдаги 752-сонли кредит шартномасининг 10.1-бандига кўра, муддати ўтган 127.671.431,43 сўм кредит қарздорлигидан 20 фоиз миқдорида, яъни 25.534.286 сўм пеня ҳисобланиши лозимлиги асос қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва даъвогар фойдасига 5.106.857 сўм пеня ундирилган[1].

Апелляция инстанциясининг қарори билан "Чимбойли Азизбек" МЧЖдан 5.106.857 сўм пеня ундирилиши белгиланиши, биринчи инстанция суди томонидан асоссиз равишда ундирилган 42.181.020,12 сўмлик пеняни 37.074.163,12 сўмлик пеняга ва даъвогар томонидан талаб қилинган 105.452.550,3 сўмлик пеняни 100.345.693,3 сўм пеняга камайтирилиши ҳисобига тадбиркорнинг ҳуқуқлари паймол қилинишининг олди олинган.

Етказилган зарарга нисбатан неустойка (пеня, жарима) миқдорлари шартнома муносабатлари субъектлари томонидан номутаносиб белгиланиши улар ҳуқуқ ва манфаатларига ҳам жиддий путур етказмоқда[2]. Зеро, белгиланган тартибда расмийлаштирилган неустойкани камайтириш масаласи энг долзарб бўлиб, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар ҳуқуқларини шартномавий муносабатларда ҳимоя қилишнинг йўллари ва чораларидан биридир[3].

---

[1] Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий судининг 2019 йил 10 сентябрдаги 4-2304-1902/416-сон иш.

[2] Рўзиназаров Ш.Н. Юридик фанларнинг ривожланиши ва замонавий муаммолар.–Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. 2006. –139 б.

[3] Одинаев А.С. Неустойкани қўллаш асослари: халқаро тажриба. //Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. "Ёш олимлар минбари". Илмий-амалий конференция материаллари. II жилд / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. –Т.: "Lessonpress". 2020. -Б.182.

Фикримизча, судлар томонидан мажбурият бузилиши оқибатларига неустойка миқдори аниқ мутаносиб бўлганидагина уни камайтириш ҳақида қарор қабул қилишлари лозим. Чунки бу судлар томонидан ишларни кўриш жараёнида шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ масала. Бир шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш баробарида иккинчи шахснинг ҳуқуқларини паймол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, неустойкани ундиришда адолатсизликка йўл қўйилмаслиги лозим, чунки неустойка фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида ўзини намоён қилади[1].

Бу борада ривожланган хорижий мамлакатлар фуқаролик қонунчилигида белгиланган қоидалар ўзига хос. Жумладан, Германия Фуқаролик Тузукларида, амалда тўланиши лозим бўлган неустойка мажбуриятни бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, неустойка судда тарафларнинг инсофлилиги тўғрисидаги қоидаларни қўллаш йўли билан қайта кўрилиши мумкин (ГФТнинг 242-моддаси)[2]. Францияда, суднинг неустойка миқдорини қайта баҳолаш ҳуқуқи чекланмаган[3]. Голландия фуқаролик қонунчилигига биноан, агар адолатни қарор топтириш зарурияти тақозо этса, неустойка камайтирилиши мумкин (Нидерландлар ФКнинг 6:94-моддаси)[4].

Хитой Халқ Республикасининг Контрактлар тўғрисидаги Қонуни 114-моддасида, неустойка ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш тўғрисидаги талабларни бирлаштиришга фақат ижро муддати кечиктириб юборилган ҳолда йўл қўйилиши мумкинлиги назарда тутилган[5]. Бироқ Германия Фуқаролик Тузукларида бўлганидек, суд агар кўрилган зарар жарима миқ-

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 11 моддаси. https://lex.uz/docs/111189

[2] Principles of European Contract Law. Part I and II. Prepared by the Commision on European Contract Law.Edited by O.Lando and H.Beale// Kluwer Law Int., The Hague, 2000. –P.456.

[3] Nicholas B. The French Law of Contract.Oxford, 2002. –P.236.

[4] Hartkamp A.S.,Tillema M.M.M.ContractLawintheHague,1995.–P.94.

[5] Wang K.H. Chinese Commercial Law.South Melboure.-Australia, 2000.–P.74.

доридан ортиқ бўлса, кредиторнинг илтимосига биноан неустойкани камайтириши, кўрилган зарар жарима миқдоридан анча кам бўлган тақдирда эса, неустойкани камайтириши мумкин[1].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 326-моддаси 1-қисмига асосан, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига мутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкий аҳволи, шунингдек, кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак[2].

Россия Федерацияси Фуқаролик Кодексининг 333-моддасида неустойканинг суд томонидан камайтирилишида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи устивор аҳамият касб этди. Бу ўринда, Г.И.Меликовнинг тадбиркорлик муносабатларида неустойка қопловчилик ва баҳолаш функцияларини бажариши мумкин. Баҳолаш функцияси шундан иборатки, томонлар олдиндан ўзгартирилиши мумкин бўлмаган йўқотишлар миқдорини олдиндан белгилайдилар. Баҳолаш функцияси суд томонидан неустойка миқдорини камайтириш тўғрисида қарздорнинг аризаси бўлмаган тақдирда пеня миқдорини камайтиришни тақиқлаш орқали амалга оширилади деган фикрини келтириш жоиз[3].

---

[1] Шодмонов Ф., Одинаев А. Фуқаролик қонунчилигида неустойкани қўллашнинг ҳуқуқий асослари: халқаро тажриба //Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси. –2011. –№6. –Б.53

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#155188

[3] Меликов Г.И. Неустойка: проблемы правовой природы и использования в договорных отношениях в свете реформы гражданского законодательства. Дисс..к.ю.н.-М.: 2019. -С.14.

Бундай тенденциянинг миллий қонунчилигимизда ўз аксини топиши тадбиркорлик фаолияти субъектлари шартномавий ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаган бўлар эди.

Суд амалиётида судлар томонидан неустойкани камайтириш билан боғлиқ низоларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларни фақат Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июнь кунги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли қарорида баён этилган бир нечта тавсиялар билан бартараф этиб бўлмайди. Чунки улар билан шартнома тарафлари ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилмаслиги ва заиф тарафнинг манфаатини ҳимоя қилинишини таъминлашнинг имконияти мавжуд эмас.

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасини амалиётга қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори лойиҳаси 11-банддан иборат ҳолда ишлаб чиқилди[1] ва унда кредитор неустойкани ундириш ҳақидаги талаб билан иқтисодий судга мурожаат қилишда ушбу талабни ҳамда жавобгар мажбурият бузилиш оқибати, неустойка миқдорига мутаносиб эмаслигини, хусусан, мажбурият бузилиши натижасида кредитор кўриши мумкин бўлган зарар миқдори ҳисобланган неустойкадан аҳамиятли даражада кам эканлигини аниқ далиллар билан исботлаши шартлиги, жавобгарнинг мажбурият бузилиш оқибатларига нисбатан неустойка миқдорининг айнан номувофиқлиги ҳақидаги аризаси ўз-ўзидан мажбурият бузилиш факти ёки даъвогар олдида қарзи мавжудлигига жавобгарнинг розилиги сифатида баҳоланиши мумкин эмаслиги, пул мажбуриятининг бузилиши оқибатига нисбатан неустойканинг мувофиқлиги ҳақидаги масалани ҳал

[1] 20-иловага қаранг.

қилиш ва кредитор йўқотишларини қоплаш учун етарли миқдорини белгилаш, неустойка миқдори белгиланган бўлса, янги далилларни текшириш ва янги фактларни аниқлаш асосида мажбурият бузилиши оқибатларига нисбатан неустойка миқдорининг белгиланиши мутаносиблиги ҳақидаги масалани манфаатдор тарафнинг шикояти апелляцияда кўриб чиқилиши, суднинг кассация инстанцияси мажбурият бузилиши оқибатларига нисбатан белгиланган неустойка миқдори номувофиқлиги мотиви бўйича ФКнинг 326-моддасига асосан неустойканинг камайтирилган миқдорини кўпайтириш ёки ундириш белгиланган неустойка миқдорини камайтиришга, модомики, суд томонидан неустойканинг аниқ миқдори белгиланиши ҳуқуқ нормасини қўллаш (ИПК 302-моддаси 2-банди) ҳақидаги хулоса ҳисобланмас экан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарорининг неустойкани камайтириш қисмини ўзгартириш ёки бекор қилиб, янгидан кўриш учун юборишга ҳақли эмаслиги каби таклифлар баён этилган. Мазкур қарор лойиҳаси амалиётга татбиқ этиш масаласи кўриб чиқилиши учун Олий судга тақдим этилди[1].

Ўзбекистон 2019 йилда судлар томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун сарфланадиган харажатларининг рейтинги бўйича жаҳонда 41-ўринда туради. Умумий харажатлар 20.5 фоизни ташкил этиб, шундан 15 фоизи адвокатлар хизматлари учун тўлов, 3.5 фоизи суд харажатлари ва 2 фоизи ижро йиғимларини ташкил қилади[2].

Неустойкани суд тартибида ундиришда *биринчидан,* кредитор суд томонидан неустойкани ундириш ҳақида ҳал қилув

---

[1] Мазкур таклиф юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2019 йил 15 август куни ПЛ-45-19-сонли жавоб хати олинди.

[2] «Ведение бизнеса», Обеспечение исполнения контрактов – Узбекистан и 5 стран-лидеров в 2019 году. Анализ тенденций реформирования, накопленный опыт и рекомендации по дальнейшему продвижению./http://sud.uz/wp-content/uploads /2019/07/court-dbru.pdf

қарори қабул қилингунига қадар суд харажатлари (шу жумладан, адвокат хизматлари тўлови) ва ундирув ижрога қаратилганидан кейин эса, ижро йиғини тўлаши; *иккинчидан,* кредитор томонидан сўралган неустойкани суд 1–50 фоизигача ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилиши, ундирилиши рад этилган неустойка учун тўланган давлат божи кредитор зиммасига тушиши; *учинчидан,* биринчи, апелляция ва кассация инстанцияларида ишни кўриш, кейинчалик ижро ҳаракатлари даврида ундирувни амалга ошириш учун ойлаб вақт сарфланиши, *тўртинчидан,* кредитор томонидан қайд қилинган харажатлар сарфланганидан ва ойлаб вақт йўқотилганидан кейин ҳам баъзан қарздор иқтисодий ночор бўлиб қолиши ёки тугатилиши натижасида асосий қарз билан биргаликда, неустойка ҳам ундирилмасдан қолиши (ёки қопланган деб ҳисобланиши) кредиторнинг манфаатларига катта зарар етказади.

Фикримизча, тарафларга ўз ҳуқуқларини эркин равишда амалга ошириш имкониятини яратиш учун неустойкани ушлаб қолиш ва камайтириш билан боғлиқ низоларни судгача ҳал қилиш шартлари шартномада соддалаштирилган тартибда белгиланиши лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан иқтисодий судларга тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2016 йил 23 декабрдаги “Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 306-сонли қарори 17-бандига асосан, шартномада буюртмачининг пудратчи томонидан бажарилган ишларнинг қийматидан неустойкани ушлаб қолиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлиши мумкин.

Агар шартномада бундай шарт мавжуд бўлиб ва буюртмачи томонидан бажарилган ишларнинг қийматидан неустойка ушлаб қолинган бўлса, пудратчи буюртмачи томонидан

неустойка асоссиз ушлаб қолинган деб ҳисоблаган тақдирда, у ушлаб қолинган пул маблағини ундириш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга[1].

Бу ўринда, А.Одинаевнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтиш жоиз, яъни неустойканинг ўрни ва ролига оид мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-назарий ва таҳлилий хулосалар қилиш мумкин. Тўртинчидан, неустойкани ундириш тўғрисидаги низоларга оид суд процессларининг аксарияти амалда тугайди. Шу сабабли, неустойка ундириш тўғрисидаги низоларни судга қадар ҳал қилиш ёки уларни судда кўришнинг соддалаштирилган тартиби қонун йўли билан жорий этилса, судда кўриладиган бундай низолар сонини қисқартирган, шунингдек суд қарори тезкорлик билан қабул қилинишига кўмаклашган бўлур эди[2].

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Суд қарори билан лафзсизлик тўлови миқдорини камайтириш” деб номланган 326-модда киритилиб, унда тўланадиган лафзсизлик тўлови мажбурият бузилишига нисбатан номутаносиб равишда кўп миқдорда белгиланган бўлса, у қарздорнинг илтимосига биноан суд қарори билан мутаносиб миқдорга қадар камайтирилиши, мутаносиблигини баҳолашда кредиторнинг нафақат мулкий, шу билан биргаликда қонун билан қўриқланадиган бошқа ҳар қандай манфаатлари ҳам инобатга олиниши лозимлиги қайд қилинди. Мазкур таклиф қабул қилиниши суд қарори билан лафзсизлик тўлови миқдорини камайтиришда кредиторнинг ҳар қандай қонуний манфаатини таъминлайди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2016 йил 23 декабрдаги “Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 306-сонли қарори https: //lex.uz/docs/3106543?query=%D0%BC%D0%B0%D0%B6%D0%B1%D1%83%D1%80%D0%B8

[2] Одинаев А. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда неустойка қўллашни такомиллаштириш: илмий-назарий таҳлил. // Юридик фанлар Ахборотномаси. 2020 йил, махсус сон, -Б.126.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, неустойка мажбурият бузилгунига қадар унинг бажарилишини таъминлаш усули ва бузилганидан кейин эса жавобгарлик чораси сифатида ўзини намоён қиладиган икки ёқламали хусусиятга эга бўлган институт ҳисобланади.

2.2. Закалат – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усули сифатида

Закалат азалдан фуқаролар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, у билан таъминланмаган битимлар деярли мавжуд эмас. Масалан, закалат турар-жой, автотранспорт воситалари ва турли истеъмол товарларини бозорлардан сотиб олиш, кўчар ва кўчмас мулкни ким ошди савдоси, товар-хом ашё биржасида сотишни ташкил қилиш, ижара, маҳсулот етказиб бериш ва пудрат шартномаларини тузишда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бироқ, бу борада фуқаролар ўртасида закалатдан оғзаки шаклда фойдаланиш анъанаси сақланиб қолаётганлиги каби муаммоли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти мавжуд. Бу каби муаммолар ечимини топиш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш ва тегишли таклифларни илгари суриш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 311-моддаси 1-қисмига асосан, шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закалат ҳисобланади[1].

Адабиётларда қайд қилинишича, закалатни истеъмол муносабатларида қўллаш истеъмолчи томонидан олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолларда алоҳида самарали бўлиши мумкин[2]. Ушбу нуқтаи назар иштирокчиларининг фикрича, за-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.https://lex.uz/docs/111189

[2] Баранов С.Ю. Гражданско-правовые средства охраны прав потребителей. – М.: Статут, 2014. -С.44.

калатнинг самарадорлиги истеъмолчининг контрагенти томонидан ўз мажбурияти бажарилмаган ҳолларда закалат суммасини икки баравар талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келишида намоён бўлади. Шу билан бирга, истеъмолчи ўзига товар берилгунига қадар тақдим қилинадиган тўлов, яъни пул суммаси бўнак эмас, балки қонуний неустойка билан ўхшаш бўлган ("қонуний закалат тузилмаси" деб аталадиган) закалат ҳисобланади[1].

Тўғри, қонуний неустойкага хос бўлган мажбуриятнинг "заиф тараф" манфаатини ҳимоя қилиш хусусияти закалатда ҳам мавжуд. Бу ўринда закалатнинг неустойка билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш, унинг таъминлашдаги ўрнини аниқлашга ёрдам беради.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари бўлган закалат ва неустойканинг *ўхшаш жиҳатлари: биринчидан,* ҳар иккаласи ҳам мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашда қарздорни рағбатлантирувчи ва уни лозим даражада ижросига йўналтирилган усуллар; *иккинчидан,* ҳар иккаласи ҳаммажбурият бажарилмаганида қарздорга нисбатан муайян жавобгарлик белгиланишини назарда тутади; *учинчидан,* ҳар иккаласининг ҳам предмети – *пул*; *тўртинчидан,* ҳар иккаласи ҳақидаги келишувлар ҳам *ёзма шаклда* тузилади.

Закалат билан неустойканинг *фарқли жиҳатлари:*

биринчидан, келишувлар қачондан бошлаб тузилган деб ҳисобланиши бўйича: закалат – *реал;* неустойка – *консенсуал; иккинчидан,* предметининг асосий мажбуриятга дахл қилиши нуқтаи-назаридан: *закалат* – асосий мажбурият бўйича амалга оширилиши керак бўлган тўлов ҳисобидан тўланган сумма; *неустойка* – асосий мажбурият бўйича тўловга дахл қилмасдан,

[1] Зардов Р.С. Задаток: актуальные вопросы //Вестник экономики, права и социологии, 2017, №4. -С.159.

фақат унинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун тўланиши лозим бўлган тўлов суммаси ҳисобланади; *учинчидан,* тўлов қачон амалга оширилиши бўйича: *закалат* – шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш учун олдиндан берилса; *неустойка* – қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммасини ташкил этади.

Закалат неустойкага ўхшаса-да, бироқ ўзига хос хусусиятларига эга бўлган мустақил таъминлаш усули сифатида бир қатор функцияларни бажаради. Ҳуқуқшунос олимлар томонидан таъкидланганидек, закалат бир вақтнинг ўзида учта функцияни бажаради: шартнома тузилганлигини тасдиқлайди, шартнома бўйича амалга ошириладиган тўловларнинг бир қисми ҳисобланади ва шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди[1].

Таъкидлаш жоизки, закалат мустақил таъминлаш усули сифатида исботлаш (ЎзР ФК 311-модда 1-қисм), таъминлаш (ЎзР ФК 311-модда 1-қисм), тўлов (ЎзР ФК 311-модда 3-қисм) ва зарарни қоплаш (ЎзР ФК 312-модда 3-қисм) функцияларига эга[2] бўлиб, бунда унинг мажбуриятлар бажарилишини рағбатлантириш хусусияти устувор аҳамият касб этади.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида закалатнинг рағбатлантириш хусусияти қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, закалат кредиторнинг мулкий манфаатини қўшимча ҳуқуқий ҳимоя қилиш имкониятини яратиши орқали мажбурият бажарилишига қарздорни рағбатлантиради. Жумладан, Д. Я. Соломкинанинг фикрича, закалат – кредиторга шахсий мулкий ҳолатини (хусусан, ўзининг кўриши мумкин

---

[1] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 96 б.

[2] 7-иловага қаранг.

бўлган зарарларини соддалаштирилган тартибда қоплаш) қўшимча ҳуқуқий ҳимоя қилиш имкониятини яратиши таъминлаш функциясининг яққол ифодаси ҳисобланади[1]. Д.Я.Соломкинанинг фикрини маъқуллаймиз, чунки қўшимча ҳуқуқий ҳимоя қилиш имконияти нафақат кредиторнинг манфаатини таъминлайди, шу билан биргаликда қарздорни ўз мажбуриятини бажаришига янада кучлироқ рағбатлантиради. Бунда қарздор ўз мажбуриятини бажармаса, икки баравар қилиб закалат суммасини қайтариши унинг мулкий манфаатига зиён етказишини англаб етади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 312-моддаси 2-қисмига асосан, агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат пули берган тараф жавобгар бўлса, закалат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт[2].

Бу ўринда, О. П. Казаченокнинг агар битим суммаси катта бўлса, уларнинг иштирокчилари, қоида тариқасида, ўзларини ҳимоя қилишга интилиб, шартномада мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини белгилашади. Ушбу ҳолатда энг кенг тарқалган усул, қоида тариқасида, закалатдир. Бундан ташқари, харидор маълум бир бошланғич суммани сотувчига ўтказганида, агар сотувчи асосий шартнома тузишдан бош тортса, уни икки баравар миқдорда қайтаришни ундан талаб қилиш имкониятига эга бўлади. Агар иккинчи тараф шартномани тузишни рад этса, сотувчи ушбу миқдордаги суммани ушлаб қолишга ҳақли. Бундай молиявий жавобгарлик, шубҳасиз, ҳар иккала томонни ҳам тартибга солиб, иқтисодий муно-

---

[1] Соломкина Д.Я. Задаток по российскому гражданскому праву. Дисс. к.ю.н. Самара, 2007. –С.8.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/docs/111189#155188

сабатлар барқарорлигига ҳисса қўшади[1] деган фикрини келтириш жоиз.

Иккинчидан, закалат шартнома тузилганлиги фактини исботлаш учун хизмат қилиши ва тўланган маблағни шартнома бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тўловлар ҳисобига киритилиши ҳамда мажбурият бажарилишини таъминлаши орқали тарафларни мажбурият бажарилишига рағбатлантиради.

Бу ўринда, ҳуқуқшунос олимларнинг закалат қуйидаги учта вазифани бажаради: биринчиси, закалат берилиб, тузилган шартнома ҳақиқатдан тузилганлигини исботловчи далил; иккинчиси, закалат шартнома юзасидан аввалдан тўлаб қўйилган пул суммаси бўлиб, тегишли тўловлар ҳисобига муайян суммани тўлаган тараф шартномани қисман ижро этган ҳисобланади; учинчиси, закалат шартномадан келиб чиққан мажбуриятнинг ижро этилишини таъминлаш учун белгиланади[2] деган фикрини келтириш жоиз.

Демак, биринчи ҳолатда – мажбурият вужудга келганига ишониш, уни бажаришга жадал киришиш учун, иккинчи ҳолатда – олдиндан тўланган тўлов мажбурият бажарилса, тўловнинг бир қисми бўлиши, тўлов интизомига янада тўлароқ риоя этишга, акс ҳолда икки баравар қилиб қайтариб зарар кўриши мумкинлиги ва учинчи ҳолатда – ўз мажбуриятини бажариши учун таъминот мавжудлиги тарафларни ўз мажбуриятини бажаришига рағбатлантиради.

Учинчидан, закалат тижорат кредити ролини бажариши орқали ҳам ўзининг рағбатлантириш хусусиятини намоён қи-

---

[1] Казаченок О.П. Спорные вопросы применения задатка в качестве способа обеспечения исполнения обязательств по предварительному договору //ISSN 2078-8495. Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруд. 2014. № 4 (25). –С.109.

[2] Рахмонқулов Х. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.136; Лапач В.А. Когда задаток невозможен... //Законы России. -2006.-№12.-С.63; Гончаров А.А. Гражданское право (части общая и Особенная): курс лекций /А.А.Гончаров, А.В.Маслова; отв. ред. проф. А.А.Гончаров. –М.: Волтерс Клувер, 2010. –С.190.

лиши мумкин. М.Ф.Ермошкинанинг фикрича, закалатнинг исботловчи, таъминловчи ва тўлов функцияларидан ташқари закалат тижорат кредитидан фойдаланганлик фоизлар ҳисоблашга сабаб бўладиган тижорат кредити ролини ҳам бажарадиган, закалатнинг кредит функциясига ажратишга имкон беради[1].

Тўртинчидан, қарздор мажбуриятини бажармаганида кредиторга закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда зарарни қоплашга мажбур бўлишини англаши, унинг ўз мажбуриятини бажаришига рағбатлантиради. Ушбу ҳолатни тартибга солишни ифодаловчи қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 312-моддаси 3-қисмида, “Бундан ташқари, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт”лиги ўз ифодасини топган[2].

Назаримизда, закалат суммаси ортида асосий мажбуриятнинг тақдири ётади. Закалат олувчига ишонган закалат берувчи бошқа тарафлар билан ҳар қандай келишувлардан воз кечиб, мажбурият тузишдан бирор-бир манфаатни кўзлаган ҳолда иш кўради. Закалат олувчи томонидан мажбуриятнинг бажарилмаслиги закалат берувчини келгусида олиши мумкин бўлган фойдадан (бой берилган фойда) маҳрум қилиши мумкин.

Шартномавий муносабатларда ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширишини таъминлаш орқали тарафларнинг *манфаатини ҳимоя қилиш* мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 311-моддаси 3-қисми янги таҳрирда қабул қилиниши таклиф этилиб, унда закалат берилганидан

---

[1] Ермошкина М.Ф. Задаток: понятие, правовая квалификация, отдельные виды и сфера применения. Авто.реф. дисс. к.ю.н. –М., 2006.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#155188

кейин бир ой ичида келишилган мажбурият бажарилмаса, бир тараф закалатни йўқотиши ёки иккинчи тараф уни икки баравар миқдорида тўлаши лозимлиги тегишли тарафга мажбуриятни бажаришдан бош тортиш ҳуқуқини бериши баён этилган.

Бешинчидан, закалат берувчи томонидан закалат берилиши билан закалат олувчи ўртасида мажбурият вужудга келганлиги тасдиқланиши закалат олувчига ўз мажбуриятини бажаришига рағбат уйғотади. Акс ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 312-моддаси 1–2-қисмларига асосан, закалат билан таъминланган мажбурият бекор бўлиши ва бажармаслик оқибатларини англаб етади, яъни мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида (ушбу Кодекснинг 349-моддаси) бекор қилинган тақдирда закалат пули қайтариб берилиши керак.

Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат пули берган тараф жавобгар бўлса, закалат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт[1]. Бу ўринда, Е.С.Куликовнинг закалатнинг рағбатлантирувчи функцияси тарафлар ўртасида закалат бериш ҳақида келишувга эришилган пайтдан бошлаб намоён бўлади ва у закалат берувчи тараф билан закалат олувчи, энг аввало, шартномали муносабатларга киришишдан манфаат кўришига (модомики закалат аванс хусусиятига эга бўлар экан) мойиллик туғдирувчи алоҳида хусусиятга эга бўлади. Закалат берувчига нисбатан муносабатда унинг рағбатлантирувчи функцияси (модомики закалат неустойка хусусиятига эга бўлар экан) камроқ намоён бўлади. Закалатнинг

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/docs/111189#155188

рағбатлантирувчи функцияси юқорироқ даражада закалатнинг фақат бир тараф закалат олувчи (бир тарафлама закалат) манфаатини таъминловчи махсус турланишида намоён бўлади[1] деган фикрини келтириш масалага ойдинлик киритган бўлар эди.

Закалат ўзининг рағбатлантириш хусусияти билан кенг доирадаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлай олади ва бу хусусияти мажбуриятнинг вужудга келишидан бошлаб, бажарилгунигача амалда бўлади.

Фикримизча, турли ҳуқуқий мажбуриятли муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда закалат суммасини дифференциаллаш унинг рағбатлантириш кучини янада оширади.

Закалатни асосий мажбуриятнинг 50 фоизигача белгилаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу биринчи тарафга шартномага киришишнинг ўзидаёқ аҳамиятли тўловни тўлаш билан агар мажбуриятни бажармаса уни келгусида йўқотиши орқали катта зарар кўриши мумкинлиги билан унда мажбуриятни бажаришга рағбат ҳиссини уйғотувчи қатъиятни вужудга келтирса, иккинчи тарафда эса, уни икки баравар (100 фоиз) қилиб қайтариш, шунингдек мижозларнинг ишончини йўқотиши натижасида у томонидан қилинаётган таклифга бўлган талабнинг сусайиши оқибатида иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолиши мумкинлиги уни доимо ҳушёрликка чорлаб, мажбуриятни бажаришга рағбат уйғотади.

Шунингдек, ўз ечимини кутаётган яна бир мунозарали масала мавжуд яъни, закалат билан мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланадими ёки ариза ёхуд таклиф таъминланадими?

---

[1] Куликов Е.С. Соглашение о задатке в гражданском праве России. Автореф. дисс.к.ю.н. –М., 2009.

Умуман олганда, закалат билан қандай муносабатлар таъминланади. Бу борада тегишли чегараланиш ўтказилмаганлиги нафақат юристлар балки хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳам тушунмовчиликларни юзага келтиради. Чунки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг бир нечта моддаларида айнан бир хилда закалат атамаси қўлланилган. Жумладан, закалат – ЎзР ФКнинг 265-моддасида, гаровнинг тури, 311-моддасида, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули, 380-моддасида эса, ким ошди савдосида иштирок этиш учун тўланадиган закалат пули сифасида баён этилган. Бироқ ЎзР ФКнинг русча матни 265-моддасида закалат атамаси “заклад”, 311 ва 380-моддаларида эса “задаток” тарзида ифодаланган[1].

Демак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг ўзбекча матни 265-моддасида баён этилган закалат ўзига хос тарзда русча матнда “заклад” сифатида ифодаланиб, гаров муносабатларига тааллуқли эканлиги аён бўлади. Бироқ ЎзР ФКнинг ўзбек ва рус тилидаги матнларининг 311 ва 380-моддаларида бир хил “закалат” ёки “задаток” сифатида баён этилган закалат қандай муносабатларга нисбатан татбиқ этилишини аниқлаш юзасидан илмий таҳлиллар олиб бориш зарурияти мавжуд.

Юқорида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 311–312-моддаларида таъминлаш усули сифатида баён этилган закалат хусусида тўхталиб ўтган эдик. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 380-моддасида акс этган закалатни мажбурият бажарилишини таъминлаш эмас, балки савдода иштирок этиш учун бериладиган ариза ва таклифни таъминловчи сифатида баён этиш амалиётда кузатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли қарори

[1] Гражданский Кодекс Республики Узбекистан. https://lex.uz/docs/111181

билан тасдиқланган “Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисида”ги Низомни 34-бандига асосан аукционда қатнашиш учун талабгор мажбуриятларни бажариш таъминоти сифатида давлат кўчмас мулк объекти бошланғич нархининг камида 15 фоизи миқдорида закалат тўлаши лозим[1].

Ўтказилган аукцион савдоларини таҳлил қилар эканмиз, бунда, закалат пули сифатида қуйидаги миқдорлар белгиланганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 443-сонли қарори бўйича Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманида жойлашган аукцион бошланғич баҳоси 5.202.138.318 сўм бўлган “Энергия тежовчи лампалар ишлаб чиқариш цехи” 2019 йил 18 июль куни танлов савдосига қўйилган, аукцион шарти сифатида закалат пули 0,1 фоиз; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сонли фармони бўйича – Қашқадарё вилояти, Ғузор туманида жойлашган аукцион бошланғич баҳоси 164.981.451 сўм бўлган “Кутубхона биноси” 2019 йил 15 июль куни танлов савдосига қўйилган, аукцион шарти сифатида закалат пули 5 (беш) фоиз; “Шуртан ГКМ” МЧЖ бўйича ЎзР ВМнинг 2018 йил 25 августдаги 685-сонли қарорига кўра, аукцион бошланғич баҳоси 61.200.000.000 сўм бўлган “Яккабоғ воҳа текс” МЧЖ (95,21 фоиз улуши) 2019 йил 20 июнь куни аукцион савдосига қўйилган, аукцион шарти сифатида – закалат пули миқдори 0,05 фоиз белгиланган[2].

Таҳлилларга кўра, аукционда белгиланган закалат пули тўланганидан кейин тарафлар унда иштирок этиш ҳуқуқини

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/2472699.

[2] https://www.sgcc.uz/en/news/view/ocik-tanlov-aukcion-s

қўлга киритади ва уларнинг бу борада берган аризалари таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 380-моддасида акс этган закалат савдода қатнашиш учун дастлабки тўлов сифатида намоён бўлади. ЎзР ФКнинг 380-моддаси 8-қисмига кўра, ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган закалат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга олинади[1].

Юқорида қайд қилинган қоидада закалат билан қандай ҳуқуқий муносабатлар тартибга солиниши аниқ баён этилмаган. Ушбу ҳолат ким ошди савдоси иштирокчиларига ўз субъектив ҳуқуқларни тўлиқ англаб етиш имконини бермайди. Бу каби муносабатларда закалатнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш мақсадида, ЎзР ФКнинг 380-моддаси 8-банди янги таҳрирда қабул қилиниши таклиф этилиб, унда берилган закалат суммаси ким ошди савдосида иштирок этиш ҳуқуқини бериши, талабгорнинг аризасини таъминлаши ва ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган закалат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишида ҳисобга олиниши баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 380-моддаси 9-қисмига асосан, ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс ва ким ошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ёки танлов ўтказилган куни ким ошди савдосининг натижалари тўғрисида баённома имзолайди, бу баённома шартнома кучига эга бўлади. Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс баённомани имзолашдан бош тортса, тўлаган закалатдан маҳрум бўлади. Баённомани имзолашдан бош тортган ким ошди савдосининг ташкилотчиси закалатни икки ҳисса қилиб қайтариши,

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/docs/111189#155188

шунингдек, ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахсга ким ошди савдосида қатнашиш туфайли ўзига етказилган зарарнинг закалат пулидан ортиқ бўлган қисмини тўлаши шарт[1].

Савдо ғолибини шартнома тузишга нима рағбатлантиради деган масала юзасидан Е.Л.Невзгодина, савдодаги закалат ғолиб чиққан иштирокчини закалат пулини йўқотиши таҳдиди шартнома тузишга рағбатлантиради[2] деб таъкидлайди. Е.Л.Невзгодинанинг фикри билан қисман келишамиз, чунки нафақат закалат суммасини йўқотиши, шунингдек, савдо натижаларидан манфаат кўриш ҳисси талабгорда шартнома тузиб, олган мажбуриятини бажаришига рағбат уйғотади.

М.Т.Абаев хусусийлаштириш савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан закалат киритилиши, биринчидан, мулкни олди-сотди қилиш ҳақидаги асосий шартнома тузилиши – дастлабки шартнома воситасида бажарилиши, иккинчидан, асосий шартнома шартлари бажарилишини таъминлашини[3] қайд қилади. М.Т.Абаевнинг дастлабки шартнома хусусидаги фикри билан келишмаймиз, чунки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 361-моддаси 4-қисмида, дастлабки шартномага нисбатан маълум бир шартлар белгиланган, яъни “Дастлабки шартномада тарафлар қанча муддатда асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади”. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 380-моддаси 7-қисмига кўра эса, “Ким ошди савдосининг қатнашчилари кимошди савдоси ўтказилиши тўғ-

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/docs/111189#155188

[2] Невзгодина Е.Л. Задаток и договоры купли-продажи недвижимого имущества //Юридическая наука и правоохранительная практика. Тюменским институтом повышения квалификации сотрудников МВД России. -Тюмен. -№2 (3) 2007. -С.50.

[3] Абаев М.Т. Задаток в приватизационных торгах. //Пробелы в российском законодательстве. -№2, -2010. -С.190.

рисидаги хабарда кўрсатилган миқдорда, муддатларда ва тартибда закалат пули тўлайдилар”[1].

Демак, закалат пул бериш бу ҳали дастлабки шартнома эмас, балки савдода қатнашиш ҳуқуқини беради, холос. Агар қатнашчи ғолиб чиқса, савдо натижаси юзасидан баённома имзоланади ва у шартнома кучига эга бўлади.

Таҳлилларга асосланган ҳолда, қуйидагича хулосага келиш мумкин, яъни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 311-моддасида ифодаланган закалат “классик закалат” бўлиб, мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи одатдаги келишув, Фуқаролик Кодексининг 380-моддасида баён этилган, ким ошди савдосидаги закалат эса “Шартли келишув”дир. “Шартли келишув” эканлиги талабгор савдода ғолиб чиқсагина шартнома тузилишидадир. Шарт – талабгорнинг савдода ғолиб чиқишидир. Савдода қатнашувчи иштирокчилардан бири ғолиб чиққанидагина вужудга келиши мумкин бўлган “шартли закалат” бўлганлиги учун ҳам уни М.Ф.Ермошкина таъкидлаганидек, “савдо закалати” деб аташ мақсадга мувофиқ[2].

Савдода ғолиб чиққан шахснинг закалатни йўқотишга бўлган ички ҳадики ва манфаат кўриш ҳисси уни шартнома тузишга рағбатлантириб, ҳуқуқини ҳимоя қилади, яъни савдода иштирок этиб, ғолиб чиққунигача бўлган даврда унда иштирок этиш учун берилган “аризани таъминлайди”[3].

Иштирокчи ким ошди савдосида қатнашиш учун закалат пулини тўлайди ва у ғолиб чиққан иштирокчининг манфаатини ҳимоя қилади. Зеро, О.А.Беляева томонидан таъкидлангани-

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/docs/111189#155188

[2] Ермошкина М.Ф. Задаток: понятие, правовая квалификация, отдельные виды и сфера применения. Авто.реф. дисс. к.ю.н. –М., 2006.

[3] Майдаровский Д.В. Об обеспечении исполнения обязательств, вытекающих из предварительного договора. //Северо-Кавказский юридический вестник, 2009, -№1, -С-62.

дек, закалат пул шаклида киритилганда таъминлашнинг бошқа альтернатив усулларидан фойдаланганига қараганда савдо ғолиби манфаати яхшироқ ҳимоя қилинади[1].

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида ифодаланган закалатни муносабатларни тартибга солиш доираси ва аҳамияти жиҳатидан бир-биридан ажралиб турадиган учта турга ажратган ҳолда баён этиш мумкин:

биринчидан, гаровдаги "закалат" (ЎзР ФК 265-моддаси 2-қисми);

иккинчидан, таъминлаш усули бўлган "закалат" (ЎзР ФК 311-моддаси);

учинчидан, савдодаги "закалат" (ЎзР ФК 380-моддаси 7-қисми).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар закалатни қўллаш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Назаримизда, ЎзР ФКнинг 311 ва 312-моддаларида қайд қилинган закалатга оид қоидалардан келиб чиққан ҳолда уни қўллаш учун асос, мезон ва шартлар белгиланиши мумкин.

Назаримизда, закалатни қўллаш учун қуйидаги асос мавжуд бўлиши, мезонлар бузилиши ва шартлар[2] юзага келганлигига риоя қилиш лозим:

асос – ёзма келишувнинг мавжуд бўлиши (ФК 311-моддаси 2-қисми);

мезон – шартноманинг бажарилмаслиги (ФК 312-моддаси 2-қисми);

шарт – закалат берган тараф жавобгар бўлиши *(закалат иккинчи тарафда қолади);* – закалат олган тараф жавобгар бўлиши *(иккинчи тарафга икки баравар қилиб қайтаради)* (ЎзР ФК 312-моддаси 2-қисми)[3].

---

[1] Беляева О.А. Альтернативы задатку на торгах //Журнал российского права. -№11. -2011. -С.42.

[2] 11-иловага қаранг.

[3] 8-иловага қаранг.

Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усули сифатида закалатни қўллаш жараёнларини такомиллаштириш учун:

биринчидан, закалат ҳақидаги келишув[1] намуналари ишлаб чиқилди;

иккинчидан, закалат суммасининг белгиланишига “дифференциал ёндошув” деган иборани фуқаролик муомаласига киритиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар кўлами ва аҳамияти тобора ошиб бораётган бир даврда закалат мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг рағбатлантирувчи усули сифатида мажбурият бажарилмаслигининг олдини олиш каби мақсадини намоён қилади.

[1] 9-иловага қаранг.

III-боб. ҚАРЗДОР ТОМОНИДАН МАЖБУРИЯТ БУЗИЛГАНИДА КРЕДИТОРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ

3.1. Кафиллик – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари тизимида тутган ўрни ва асослари

Амалиёт қарздор мажбуриятини лозим даражада бажарилишини таъминлаш лаёқатига эга ёхуд учинчи шахс ҳисобига мажбурият бажарилишини самарали таъминлай оладиган усулларга эҳтиёж сезади. Бу борада кафилликни тавсия этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки кафиллик бўйича кафил мажбурият бажарилиши учун қўшимча мажбурият олиши *биринчидан,* мажбурият бажарилиши учун маъсул бўлган субъектлар (қарздор ва кафил) сони ошиб, таянч (кафил) пайдо бўлиши, *иккинчидан,* кафиллик мажбуран эмас, балки шартнома асосида ихтиёрий қўлланилиши, *учинчидан,* мажбурият бузилганида кафил қарздор учун бошқа шахслар олдида мажбуриятини бажариб, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши диққатга сазовор.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кафиллик бошқа таъминлаш усулларидан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлган усул ҳисобланади. Бу бошқа таъминлаш усулларининг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари билан қиёсий таққослаганда намоён бўлади.

Кафилликнинг гаров ва кафолат билан *ўхшаш жиҳатлари*: таснифи жиҳатидан – *мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари.*

Кафилликнинг кафолат ва гаров билан *фарқли жиҳатлари*:

предмети жиҳатидан: кафиллик ва кафолатда – *пул*; гаровда – *мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар.* Предмет қайси тарафда бўлиши жиҳатидан: кафиллик ва кафолатда – *қарздорда, маж-*

бурият бажарилмаган ҳолда кафилда бўлади; гаровда – *гаровга қўювчи – қарздор ёки учинчи шахсда.*

Мажбурият юзага келиши жиҳатидан: кафиллик ва кафолат *шартномадан; гаров – шартнома ёки қонун асосида.*

Қачондан бошлаб тузилган деб ҳисобланиши жиҳатидан: кафиллик ва кафолат – *консенсуал,* гаров –*консенсуал*, агар шартномада бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, закалат бўлган ҳолатларда реал.

Шакли жиҳатидан: кафилликда – *ёзма, аммо унга риоя қилмаслик ҳақиқий эмаслигига олиб келади;* кафолатда – *ёзма;* гаровда – *ёзма, ҳақиқий саналмаслиги бир қатор ҳолатларда нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги билан.*

Жавобгарлик белгиланиши юзасидан: кафилликда –*мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун кафил ва қарздор солидар жавоб беради;* кафолатда –*мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун кафил жавоб беради;* гаровда – *мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун гаровга қўювчи жавоб беради.*

Зарарни ундириш бўйича имкониятлари жиҳатидан: кафиллик ва гаровда – *қўшимча равишда зарарни ундириш имконияти мавжуд;* кафолатда – *келишувда белгиланган бўлса.*

Кафилликнинг ўзига хос хусусиятлари ичида унинг тарафлар манфаатини ҳимоя қилиш хусусияти устуворлик касб этади. Бу нафақат кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилишда, шу билан биргаликда, кафилнинг ҳам манфаатларига зарар етишидан ҳимоялашида намоён бўлади.

Мажбурият бажарилмаганида қарздорнинг розилиги мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, кафил зиммасига қўшимча ёки биргаликда жавобгарлик тушиши *кафилликнинг ҳимоя қилувчи хусусиятини* янада кучайтиради. Жумладан, бу ҳолатни ЎзР ФКнинг 293-моддаси 1-қисмида, шунингдек, бир қатор хорижий мамлакатлар, хусусан Бельгия, Франция,

Япония, Дания фуқаролик қонунчилигида *оддий* (кафилнинг субсидиар жавобгарлиги ёхуд унинг муҳокама қилишга бўлган ҳуқуқи кўрсатиладиган) ва *солидар* кафиллик тарзида кузатиш мумкин.

Шунингдек, *кафилликнинг ҳимоя қилиш хусусияти* нафақат кредитор манфаатларини таъминлашга қаратилган, шу билан бирга, вазият ўзгариши билан унинг *"кафиллик ичидаги кафилликка айланилиши"* орқали кафилнинг ҳам манфаатларини *ҳимоя қила олишида* намоён бўлади. Жумладан, қатор хорижий мамлакатларда (Швейцария, Аргентина, Американинг баъзи Штатлари, Австралия, Исроил) суд амалиётида ёки шартнома шарти бўйича шубҳа туғилса ёки икки фикрлилик ҳолати юз берса, кафиллик кафил фойдасига бўлиши тўғрисида қоида ишлаб чиқилган.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларининг кўпчилиги ҳуқуқбузарлик содир бўлгунига қадар мавжуд бўлган тарафларнинг мулкий ҳолатини тиклашни мақсад қилиб қўяди. Мазкур мақсад, фуқаролик ҳуқуқини *ҳимоя қилиш (зарарни қоплаш)* функциясида ўз ифодасини топади.

Айниқса, кредит билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда кафилликнинг *ҳимоя қилиш* функцияси юксакроқ. Зеро, кафилликнинг асосий функцияси бошқа таъминловчи усуллар каби мажбуриятни бажарилиши таъминлашнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, қарздор мажбуриятни лозим даражада бажаришни рағбатлантирмасдан, эҳтимолий йўқотишлар рўй берганда кредиторнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қоплаш воситаси бўлиб хизмат қилади[1].

Кафилликнинг асосий функцияси бошқа "мумтоз" мажбуриятларни бажаришни таъминлаш усуллари каби мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишига қарздорни рағбатлан-

[1] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 80 б.

тириш усули эканлигидан эмас, балки мумкин бўлган мулкий йўқотишларни кредиторга қоплаб беришида намоён бўлади. Рағбатлантирувчилиги каби аниқлаштирувчи функцияси тезкор таъсир чораларидан фарқ қиладиган белгиси мавжудлигини акс эттиради[1].

Кафиллик қарздор ўз мажбуриятини бажармаганда унинг ўрнига тўловни кафил амалга оширадиган муддатда муайян ҳуқуқлардан фойдаланиб, ўзининг молиявий имкониятини тиклаб олишига шароит яратади. Бундай ҳолат қарздорни ўз мажбуриятини бажаришига рағбатлантиради, шу билан бирга, шартнома тарафлари бўлган кафил ва кредиторнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлиши билан ҳам ажралиб туради. Зеро, кафиллик мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг муҳим усули бўлиб, мажбурият тарафларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади[2].

Кафиллик қарздор томонидан мажбурият бузилганида кредитор манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган[3].

Таъкидлаш жоизки, кафилликни қўллашдан асосий мақсад қарздор томонидан мажбуриятининг лозим даражада бажарилишини таъминлаш орқали кредиторнинг манфаатини ҳимоя қилишдан иборат.

Ҳуқуқшунос олимларнинг эътирофича, кафиллик мураккаб мажбурият бўлиб, унга кўра, кафил кредит шартномаси бўйича фойда олувчи ҳисобланмаса-да, бироқ кредит мажбуриятининг тўлиқ ёки белгиланган қисмининг бажарилиши учун бошқа шахс кредитор олдида жавоб беришга мажбуриятли бўлади. Кафилликда таъминланган мажбурият мақсадига етказишдан

---

[1] Предеин К.Н. Поручительство в современном гражданском праве. Авторефер.дисс. к.ю.н. -Екатеринбург. 2006.

[2] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 87 б.

[3] Гражданское право: Учебник. В 2 т. / Под ред. Б.М. Гонгало. Т. 2. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Статут, 2017. -С.83.

бошқа мустақил мақсад мавжуд эмас[1]. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 292-моддаси 1-қисмида кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олиши белгиланган[2]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 293-моддаси 2-қисмида, башарти кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради[3] деб қайд қилинган.

Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик Кодексининг 739-моддасига асосан, кафиллик – бу қарздор ўз мажбуриятини бажармаганида тарафлардан бири мажбуриятни бажаришга розилигини беришини ифодаловчи шартнома ҳисобланади[4]. Мазкур Кодекснинг 741-моддасида эса, кафилнинг жавобгарлиги қарздорга қараганда оғирроқ белгиланган бўлса, у асосий қарз даражасига қадар камайтирилиши белгиланган[5].

Кафилнинг жавобгарлик масаласида ҳуқуқшунос олимлар турли қарашларни илгари суришади. Жумладан, Л.Б.Нигматулинанинг фикрича, кафилнинг жавобгарлиги қарздор жавобгарлиги ҳажмида бўлади, яъни фоизлар тўлаш, қарзни ундириш бўйича суд харажатлари ва қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганида кредитор

---

[1] Мерзлов В.М. Проблемы исполнения и способы опеспечения кредитных обязательств. //Вестник экономической безопасности. -№3. -2019. -С.100; Мамажанова Р. Гаров-кафиллик мажбуриятлари бажарилишини таъминлашнинг ишончли воситаси // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Ахборотномаси. 2010, -№ 6, – Б.22.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси//https://www.lex.uz/docs/111189#155188

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси//https://www.lex.uz/docs/111189#155188

[4] The Civil code of the republic of China /https://archive.org/stream/civilcodeofrepub00chin/civilcodeofrepub00 chindjvu.txt

[5] The Civil code of the republic of China/https://archive.org/stream/civilcodeofrepub00chin/civilcodeofrepub00 chindjvu.txt

кўриши мумкин бўлган бошқа зарарларни кафиллик шартномасида бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса тўлайди[1]. Л.Н.Меняйло, И.В.Тищенко ва Ю.А.Ивановалар томонидан ҳам шунга ўхшаш фикрлар қайд қилиниб, бу ҳолда кафилнинг икки баравар жавобгарлиги тўғрисида сўз юритилади[2].

Қайд қилинганидек, кафилнинг икки баравар жавобгарлиги унинг манфаатларига мувофиқ келмайди ва бу ўринда унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурияти мавжуд. Бу *биринчидан:* ҳуқуқни қўллаш амалиётида кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради деган қоидани нотўғри талқин қилиб, барча юкни кафилга юклаш одат тусига кирганлигида, *иккинчидан:* қарздор ўз мажбуриятини бажариш юзасидан ноинсофлик қилганида кредитор унинг хатти-ҳаракатларига муносабат билдирмасдан бирданига кафилга талаб қўйишида намоён бўлади.

Назаримизда, барча юкни кафилга юклаш иккита салбий оқибатни юзага келтиради: *биринчидан,* кафилликнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатидаги таъсирчанлигини сусайтиради; *иккинчидан,* қарздорни олган мажбуриятини бажаришга бўлган рағбатини сўндириб, ўз мажбуриятига нисбатан бефарқ қилиб қўяди. Демак, кафилнинг жавобгарлик ҳажми белгиланиши орқали унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурияти мавжуд. Бу ўринда, О.С.Гриньнинг асосий мажбурият бузилганида кредитор дастлаб қарздорга талаб қўйиши, яъни, қаноат ҳосил қилмасагина кафилга талаб қўйиши керак деган нуқтаи-назарини келтириш жоиз[3].

---

[1] Нигматулина Л.Б. Поручительство как способ обеспечения исполнения кредитных обязательств //Банковское право, 2000. -№3. -С.13-18.

[2] Меняйло Л.Н., Тищенко И.В., Иванова Ю.А. К вопросу о гражданско-правовой ответственности поручителя // Вестник экономической безопастности. -№6, 2016, -С.98.

[3] Гринь О.С. Поручительство в механизме обеспечения исполнения обязательств. Автореф.дисс.к.ю.н. –М., 2012. –С.4.

Мажбуриятларнинг бажарилиши лозим даражада таъминланиши учун кафилнинг жавобгарлик ҳажмини белгилаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигида бунга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Италия Фуқаролик Кодексининг 1941-моддаси ва Франция Фуқаролик Кодексининг 2013-моддаси 1-қисмларида қайд қилинишича, одатда кафиллик матнида камроқ сумма кўрсатилмаган бўлса, қарз суммаси тўлиқ таъминланади, кўп суммага ёки оғирлик туғдирадиган шароитларда кафиллик беришга йўл қўйилмайди.

Кафилнинг жавобгарлик чегарасини белгилаш тўғрисидаги шарт шартномага киритилмасдан асосий мажбурият таъминланиши бўйича кафил жавобгар деб қайд қилиниши кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас деб эътироф этилишига сабаб бўлади. Зеро, Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик Кодексининг 388-моддаси 2-қисмига кўра, таъминлаш шартномаси ҳақиқий эмас деб топилишига қарздор, таъминловчи ва кредитор айбдор бўлса, уларнинг ҳар бири ўзларининг айбларига мутаносиб равишда фуқаролик жавобгар бўлади[1].

Бу ўринда Ш. Рўзиназаров ва бошқа ҳуқуқшунос олимлар кафил қарздор учун мулкий жавобгарликни олганлигини тўғридан-тўғри аниқ билдириши лозим[2] деганларида нақадар ҳақли эдилар.

Фикримизча, кафилнинг жавобгарлик ҳажмини белгилашда қарздорнинг асосий мажбуриятни бажаришга бўлган ҳақиқий имкониятини аниқлаб, кафилга қарздорнинг мажбуриятни бажариш жараёнини доимий кузатиб бориш ҳамда қарздор мажбуриятини бажаришда айбли ҳаракатлар содир қилаётга-

---

[1] Civil Code of the People's Republic of China /http://www.npc.gov.cn/englishnpc/c23934/202012/ f627aa3a4651475db936899d69419d1e/files/47c16489e186437eab3244495cb47d66.pdf

[2] РўзиназаровШ., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 79 б.

нини аниқлаган ҳолда мажбуриятни бажаришни таъминлашдан бош тортиш ҳуқуқи мавжуд бўлишидан келиб чиқилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, кафилнинг қисман жавобгарлиги ҳақидаги шарт иккита усулдан бири орқали шакллантирилиши мумкин: *биринчидан,* кафил шартнома бўйича ўз жавобгарлигини муайян сумма билан чегаралаши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4337-сонли қарори 1-бандида белгиланишича, тижорат банкларининг кредитлари, шу жумладан, экспортолди кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 4 млрд. сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик беради[1].

Иккинчидан, муайян турдаги тўлов тўланишини амалга оширишни кафолатлаши мумкин. Масалан, фақат асосий қарз ёхуд фоизлар тўланиши.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга кафилликнинг тури ҳисобланадиган *қисман кафилликни* татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ.

Мажбурият қарздор ва кредитор ўртасидаги муносабат бўлганлиги сабабли уни бажаришнинг аксарият қисми қарздорга юкланиши лозим. Бунда, кафил иккинчи даражали жавобгар эканлиги инобатга олиниши лозим. Зеро, Е.Д.Суворов таъкидлаганидек, кафил умуман мажбуриятда асосий қарздор билан солидар хамқарздор эмас, балки кредиторга нисбатан муносабатда ўзининг алоҳида акцессор мажбуриятига эга. Бунда уни мажбуриятли ҳуқуқий муносабатларда устқурма табиатига эга бўлган иккинчи даражали мажбурият бўйича кафил

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4337-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/4351732

қарздор деб аташ мумкин[1]. Бу ҳолат Австрия Фуқаролик Кодексининг 1346-параграфи 1-қисмида қуйидагича ифодаланган: мажбурият биринчи қарздор томонидан бажарилмаган тақдирда, ҳар қандай шахс кредитор талабини қондиришга мажбурият олиши кафиллик ҳисобланади, кредитор ва улар ўртасидаги келишув кафиллик шартномаси деб аталади. Бу ерда биринчи қарздор олдингидек асосий қарздор бўлиб, кафил фақат кейинги қарздор сифатида қўшилади[2].

Қарздорнинг асосий мажбурияти билан кафилнинг мажбуриятини фарқлай билиш лозим бўлади. Бу ўринда, С.С.Занковский қонун чиқарувчи кафилнинг мақомини кредитор ва қарздор ўртасидаги асосий шартномадаги “кичик ука” мажбурияти сифатида белгиланишида деб қарайди[3]. Н.Л.Платонованинг фикрича, кафилнинг кредитор билан муносабатида эътироф этилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойили кредитор манфаатларини таъминлаш вазифаларига фидо қилинишига олиб келади. Бундай ёндошув, айниқса, томонларнинг манфаатларини тенг равишда эътироф этиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси ҳисобга олинганда низоли равишда намоён бўлади[4].

С.С.Занковский ва Н.Л.Платоноваларнинг фикрларини маъқуллаган ҳолда қайд қилиш жоизки, кафилликни бериш жараёнига ўта масъулият билан қараш лозим. Акс ҳолда, кафил манфаати поймол қилиниши мумкин. Бу каби ҳолатларни суд

---

[1] Суворов Е.Д. К вопросу о правовой природе поручительства на примере сравнения с солидарными обязательствами //Вестник Университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА), №2. 2019. –С.88.

[2] Austria. Allgemeines bürgerliches Gesetzbuch (ABGB-Общий гражданский кодекс) https://www.jusline.at/ gesetz/abgb/paragraf/1346

[3] Занковский С.С.Проблемы правового регулированияи судебного толкования поручительства //Труды Института государства и права РАН. 2017. Том 12. № 5. – С.114.

[4] Платонова Н.Л. Научно-практический комментарий к Федеральному закону «О концессионных соглашениях». -М.: 2015. -С.9.

амалиётида учратиш мумкин. Масалан, ТИФ “Миллий банки” “Ўзбекенгилсаноат” ДАКдан 7.466.483.53 АҚШ доллари ундириб беришни сўраб, Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилган. Хўжалик судининг 2009 йил 7 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан 1994 йил 11 июль куни ТИФ Миллий банки, “Ўзбекенгилсаноат” давлат ассоциацияси (кафил), “Ўзенгилимпекс” Республика ташқи иқтисодий фирмаси (агент) ва Наманган ип йигирув ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида тузилган кредит шартномасининг 4.4-банди билан “қарз олувчи” ўз тўлов мажбуриятларини бажара олмаган ёки бу борада қийинчиликлар юзага келганда “кафил” банкнинг биринчи ёзма талаби бўйича ҳар қандай тўловга қаратилиши шарт бўлган суммани сўзсиз ва эътирозсиз тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олганлиги асос қилиниб, даъво талаби қаноатлантирилган[1].

Суд томонидан “Ўзбекенгилсаноат” ДАКдан кафил сифатида 7.466.483.53 АҚШ доллари ундириш тўғрисида қарор қабул қилиши билан ДАК манфаатини ҳимоя қилиш зарурияти юзага келган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 июлдаги 497-ф-сонли фармойишига мувофиқ, “Аснам текстиль” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси (Наманган ип йигирув ишлаб чиқариш бирлашмаси)га берилган мулк ДАКнинг кредит бўйича мажбуриятини қоплаш учун ТИФ “Миллий банки”га берилганлигини инобатга олган ҳолда “Ўзбекенгилсаноат” ДАКнинг Устав фонди миқдорини ўзгартириш ҳақида 2013 йил 30 декабрь куни 348-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган[2].

---

[1] Тошкент шаҳар хўжалик судининг архив материаллари. 2009. 10-0913/12178-сонли хўжалик иши.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекенгилсаноат” ДАКнинг Устав фонди миқдорини ўзгартириш ҳақида 2013 йил 30 декабрь куни 348-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси./https://lex.uz/docs/2308320 (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”

Ушбу мисолдан англаш мумкинки, кредит шартномаси бўйича кредит олувчи (“Аснам текстиль” МЧЖ ҚК) иқтисодий ночор бўлгани учун кафил (“Ўзбекенгилсаноат” ДАК) зиммасига тўлиқ жавобгарлик тушиб, ишлаб чиқариш объекти мажбурият эвазига берилиши натижасида унинг манфаатига катта зарар етказилиб, Устав фонди миқдорининг ўзгаришига олиб келган.

Мажбурият бажарилиши кафиллик билан таъминланганда кафилнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида, кафиллик қўшимча мажбурият эканлигини инобатга олиб, асосий мажбурият бўйича жавобгарликни қарздорга нисбатан белгилаган ҳолда шартномада кафилнинг жавобгарлик *хажмини белгиловчи шартлар* аниқ баён этилиши лозим. Бу иккита ижобий ҳолатни юзага келтиради: *биринчидан,* мажбуриятда кафилнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлайди; *иккинчидан,* қарздорда ўз мажбуриятини бажаришига нисбатан рағбат уйғотади.

Бу борада, хорижий мамлакатлар қонунчилигида белгиланган бир қатор қоидалар диққатга сазовор. Масалан, Таиланд Фуқаролик ва Тижорат Кодексининг 688-моддасига кўра, кредитор биринчи навбатда қарздор мажбуриятнинг бажарилишига жалб этилиб, агар фақат қарздор банкрот деб эълон қилинмаган бўлса, ёки унинг Таиланднинг қаерда эканлиги номаълум бўлса, кафилга нисбатан талаб қўйиши мумкин. Мазкур кодекснинг 689-моддасида қайд қилинишича, қарздор олдинги моддада кўрсатилган ҳолатларда мажбурият бажарилишига жалб қилинмасада, бироқ кафил қарздорда мажбуриятни бажариш учун восита борлигини ва мажбуриятни бажариш у учун қийин бўлмаслигини исботлай олса, кредитор мажбуриятнинг бажарилишини биринчи навбатда

2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 мартдаги 164-сонли қарори қабул қилингунига қадар амалда бўлган).

қарздорнинг мол-мулкига қаратилиши эвазига амалга ошириши шарт[1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 292-моддаси 1-қисмида кафиллик шартномасига берилган таърифда кафилнинг мажбурияти акс эттирилган бўлса-да, бироқ ҳуқуқлари эътибордан четда қолган. Холбуки, кафиллик билан мажбурият бажарилишини таъминлаш жараёнида кредитор, қарздор ва кафил иштирок этишини инобатга олган ҳолда унда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирдек тартибга солиниши белгилаб қўйилиши лозим. Зеро, Франция Фуқаролик Кодексининг 2290-моддасида, кафиллик қарздорнинг қарз миқдоридан ошмаслиги ва оғирроқ шароитларда тузилиши мумкин эмас. У фақат қарзнинг бир қисми учун ва енгилроқ шартлар асосида шартнома тузиш мумкин. Қарз миқдоридан ошиб кетган ёки оғирроқ шароитларда тузилган кафиллик ҳақиқий эмас: у фақат асосий мажбурият доирасида камайтирилиши мумкин[2].

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, кафилликка қуйидагича тушунча бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “кафиллик” деб шундай шартномага айтиладики, унга асосан кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида шартномада белгиланган шартдан келиб чиққан ҳолда жавоб беришни ўз зиммасига олиши тушунилади.

Қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда, кафиллик шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 292-моддасини янги таҳрирда қабул қилиш таклиф этилиб, унда, кафиллик шартномаси бўйича кафил кредитор олдида унинг қарздори томонидан олинган мажбуриятнинг

---

[1] Thailand civil and Commercial code (part II). https://www.samuiforsale.com/law-texts/thailand-civil-code-part-2.html

[2] French Civil Code. http://www.fd.ulisboa.pt/wp-content/uploads/2014/12/Codigo-Civil-Frances-French-Civil-Code-english-version.pdf

тўлиқ ёки қисман бажарилиши учун мажбуриятли ҳисобланиши, у пул ва пул билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек, келгусида юзага келадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун тузилиши, кафил тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс бўлса, кафиллик билан барча мавжуд ёки келгусида кредитор олдида вужудга келадиган қарздор мажбуриятининг муайян қисми чегарасида таъминланишига оид қоидалар баён этилган. Мазкур таклиф кабул қилиниши билан кафиллик шартномаси орқали пул ва пул мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлар ҳам таъминланиши мумкин.

Шунингдек, таъминлаш жараёнида кафилнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш зарурияти мавжудлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, 293-моддаси тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар билан тўлдирилиши таклиф этилиб, унда кафиллик билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, қарздор ҳаракатсизлиги оқибатига мутаносиб равишда кафилнинг жавобгарлик ҳажми белгиланиши, юридик шахснинг кафил бўлиши, мажбуриятни бажариш жараёнида вазият ўзгарганида кредитор етти календарь кун ичида кафилнинг жавобгарлиги ошиши ёки ўзгача салбий оқибат юзага келганлиги сабабли, асосий мажбуриятга ўзгартириш киритилиши ҳақида огоҳлантириши, янги вазиятда қарздор учун асосий мажбурият бажарилиши бўйича жавоб бериши бўйича ўзининг якуний розилиги ҳақида кредиторни хабардор қилишини баён этилган. Ушбу таклиф қабул қилиниши мажбурият бажарилмаган тақдирда, қарздор ҳаракатсизлиги оқибатига мутаносиб равишда кафилнинг жавобгарлик ҳажми белгиланиши орқали кафилнинг ҳуқуқи ҳимоясини таъминлайди. Шунингдек, юридик шахснинг таъсис шартномасида таъсисчиларнинг ўзаро розилиги билан бу ҳуқуқ белгиланган бўлса, ёки қонунчиликда

кафил бўлиши учун қўйилган талабларга жавоб бера олсагина кафиллик белгиланиши мумкинлигини баён этиш орқали бу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилади. Бундан ташқари, шартномавий мажбуриятларни бажариш жараёнида вужудга келадиган вазият ўзгаришларига оид муносабатларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 242-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда тартибга солиш учун таклиф этилмоқда;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси “Кафилнинг жавобгарлигини истисно қиладиган ҳолатлар” деб номланган 293-1-модда билан тўлдириш таклиф этилиб, унда кредитор бошқа шахс билан тил бириктирган ҳолда алдаш, таҳдид қилиш, фирибгарлик ёки бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда ҳақиқатни яшириш эвазига кафиллик беришга мажбур қилган бўлса, кафил жавобгарликдан озод қилиниши баён қилинади. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан кредиторнинг ҳар қандай ноқонуний йўллар билан кафиллик белгиланишига эришиш ҳолати бартараф этилиб, унинг ҳуқуқ ва мулкий манфаати ҳимоя қилиниши таъминланади.

Бундан ташқари, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради деган қоидадан воз кечиш лозим. Зеро, Франция Фуқаролик Кодексининг 2288-моддасига асосан, агар қарздор кредитор олдидаги бажариши мажбур бўлган мажбуриятини ўзи бажармасагина, шахс мажбурият бўйича кафил бўлади[1]. Таиланд Фуқаролик ва Тижорат Кодексининг 690-моддасига кўра, агар кредитор қарздорга тегишли бўлган ҳақиқий таъминотга эга бўлса, у кафиллик талабига биноан, биринчи навбатда, ҳақиқий таъминот ҳисобига мажбурият бажарилиши шарт[2].

[1] French Civil Code /https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006070721/

[2] Thailand civil and Commercial code (part II) https://www.samuiforsale.com/law-texts/thailand-civil-code-part-2.html

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 293-моддасида кафил субсидиар ва солидар, кафил қарздор билан баравар жавоб бериш, шунингдек фоизлар тўлаши, қарзни ундириш бўйича суд чиқимларини ва зарарларни тўлаши белгиланган[1]. Бунда, кафиллик айнан қандай шарт юзага келганида қўлланиши масаласи очиқ қолганлиги кафилнинг ҳуқуқларини бузиши мумкин. Масалан, қарздор атайин қарзини тўламаслик учун ноқонуний ҳаракатлар қилиб, иқтисодий ночор бўлиб қолганида кафилга нисбатан қарздор мажбуриятини юклаш нотўғри, чунки бунда кафилнинг *регресс ҳуқуқи* кафолатланмасдан қолади.

Бундан ташқари, қарздорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда мажбурият икки марта бажарилиб, тарафларнинг манфаатига зарар етишининг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси “Кафил мажбуриятни бажарганлиги ҳақида қарздорни хабардор қилиш”деб номланган 296-1-модда билан тўлдириш таклиф этилиб, унда, кафил етти кунлик муддат ичида кафиллик шартномаси бўйича мажбурият бажарилганлиги ҳақида қарздорни хабардор қилиши шартлиги, акс ҳолда кафил бажарилган мажбурият бўйича қарздорга нисбатан регресс тартибда талаб қўйиш ҳуқуқини йўқотиши баён этилди.

Назаримизда, кафилликни қўллаш учун қуйидаги асос мавжуд бўлиши, мезонлар бузилиши ва шартлар[2] юзага келганлигига риоя қилиш лозим:

асос – кафиллик шартномаси (ФК 292-модда);

мезон **–** қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлиши (ФК 293-модда 1-қисми);

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //https://www.lex.uz/docs/111189#155188

[2] 10-иловага каранг.

шартлар – кафиллик муддати ўтмаганлиги. Муддат белгиланмаган ҳолда, кредитор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келган кундан бир йил давомида кафилга даъво қўзғатиши; асосий мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган ҳолда, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бир йил мобайнида даъво қўзғатиши (ЎзР ФК 298-модда 3-қисм).

Хулоса шуки, кафиллик орқали кредитор (келтирилган зарар кафил томонидан қопланиши орқали), қарздор (кафил томонидан қарздор манфаатлари тикланишини таъминловчи ҳуқуқлар амалга оширилишига бўлган жараён ҳимоя қилиниши орқали) ва кафилнинг (кафил ўз мажбуриятини бажарганидан кейин қарздорга нисбатан регресс талаб қўйиши орқали) ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

3.2. Кафолат – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усули ва унинг хусусиятлари

Шундай шартномавий муносабатлар мавжудки, уларда кенг қамровли ва узоқ муддатли лойиҳалар (маҳсулотларни ишлаб чиқариш, аэропортлар, стадионлар, автомобиль ва темир йўллари қуриш ва ш.к.) амалга оширилади. Бу каби лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамияти ғоятда юқори бўлганлиги учун олинган мажбуриятни ҳар қандай ҳолатда ҳам таъминлаш орқали, яъни нафақат асосий мажбурият амалда бўлган пайтда, шу билан биргаликда у бекор бўлганидан кейин ҳам таъминлай оладиган, асосий мажбуриятдан мустақил мақомга эга усулларга зарурият сезади. Шунингдек, баъзан бундай лойиҳалар бўйича олинган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун нафақат мустақил усуллар бўлишининг ўзи етарли бўлмасдан, балки кафолат берувчи тараф молиявий жиҳатдан “барқарор” бўлиши ҳам талаб этилади (масалан, банклар, кредит муассасалар, суғурта ташкилотлари ва ҳ.к.).

Бу каби таъминлаш усуллари қаторида кафолатни кўрсатиш мумкин.

Кафолат мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида қонунчиликда (ЎзР ФК 259-моддаси 1-қисми) акс этган бўлса-да, унинг мустақил усул эканлиги хусусида турли хил нуқтаи назарлар мавжуд. Хусусан, банк кафолати – 1964 йилдаги РСФСР ГКнинг 210-моддасида ва 1991 йилдаги Гражданлик қонунчилиги асосларининг 68-моддаси 6-бандида кўрсатилишича, кафилликнинг турланиши (модификацияси) ҳисобланади[1]. Бироқ бу каби нуқтаи назарлар баҳсли. Кафолатнинг кафилликка ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуд, бироқ мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг мустақил усули сифатида кафилликдан фарқ қилади.

Кафолат ва кафилликнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари қуйидагича:

биринчидан, кафолат ва кафилликнинг *ўхшаш жиҳатлари*:

– таснифи жиҳатидан **–** мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари;

– предмети жиҳатидан **–** пул;

– мажбурият қандай юзага келиши жиҳатидан **–** шартномадан;

– қачондан бошлаб тузилган деб ҳисобланиши жиҳатидан **–** консенсуал;

иккинчидан, кафиллик ва кафолатнинг *фарқли жиҳатлари*:

– асосий мажбуриятга нисбатан мустақиллиги жиҳатидан:

кафиллик – мустақил эмас. Асосий мажбурият ҳақиқий эмаслиги кафилликнинг ҳам ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради;

[1] Еремычева И.И. Банковская гарантия как способ обеспечения исполнения /Права и экономика. 2003. –№10. окт. –12 с.

– кафолат – мустақил бўлиб, асосий мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиги кафолатнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди.

Муддат белгиланиши жиҳатидан: кафилликда амал қилиш муддати кўрсатилиши ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланиши ёхуд кўрсатилмаслиги мумкин (шартнома тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида даъво қўзғатилмаганида бекор бўлади); кафолатда – амал қилиш муддат кўрсатилиб, у тугаганидан кейин кафолат бўйича талаблар қабул қилинмайди.

Предмет қайси тарафда бўлиши жиҳатидан:

– кафилликда – қарздорда, мажбурият бажарилмаган ҳолда кафилда бўлади;

– кафолатда – кафилда бўлади.

Шакли жиҳатидан:

– кафиллик – ёзма, аммо унга риоя қилмаслик ҳақиқий эмаслигига олиб келади;

кафолат – ёзма.

Жавобгарлик белгиланиши юзасидан:

– кафилликда – мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун кафил ва қарздор солидар жавоб беради;

– кафолатда – мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун кафил жавоб беради.

Зарарни ундириш бўйича имкониятлари жиҳатидан:

– кафилликда – қўшимча равишда зарарни ундириш имконияти мавжуд;

– кафолатда – келишувда белгиланган бўлса.

Бу ўринда, ҳуқуқшунос олимларнинг банк кафолати кафилликдан шунинг билан фарқланадики, бу ерда принципал (асосий қарздор)нинг бенефициар (кредитор)га бўлган талаблари ва эътирозлари инобатга олинмайди, шунингдек принципал ва бенифициар ўртасидаги шартномага нисбатан қўшимча

(акцессор) мажбурият бўлишидан қатъи назар, маълум даражада мустақил ҳисобланади деган фикрларини[1] келтириш жоиз.

Кафолатни бошқа мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларидан асосий фарқланадиган хусусиятларидан бири унинг мавҳумлиги, асосий мажбуриятлардан мустақиллиги эканлиги бошқа ҳуқуқий манбаларда ҳам эътироф этилади[2].

Фикримизча, кафолат мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи мустақил усул сифатида кафолат билан мажбурият бажарилиши таъминланиши кредиторда шартнома тузишга бўлган хоҳишини рўёбга чиқаради. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 301-моддасида кафолатнинг асосий мажбуриятдан мустақиллиги ифодаланган бўлиб, унга кўра кафилнинг бенефициар олдидаги кафолатда назарда тутилган мажбурияти улар ўртасидаги муносабатларда бажарилишини таъминлаш учун шу кафолат берилган асосий мажбуриятга, гарчи кафолатда ушбу мажбуриятга ҳавола қилинган бўлса-да, боғлиқ эмас[3]. Банк кафолати қўшимча (акцессор) хусусиятга эга бўлмайди ва таъминланган мажбуриятга боғлиқ эмас[4].

Ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигида мустақил кафолатни ифодаловчи алоҳида нормалар мавжуд. Жумладан, Франция Фуқаролик Кодексининг 2321-моддаси 1-қисмига кўра, мустақил кафолат – бу учинчи шахс томонидан имзоланган мажбуриятни ҳисобга олган ҳолда, талаб қилинган ёки келишилган шартларга мувофиқ белгиланган миқдордаги

---

[1] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 88 б.

[2] Павлович Я.А. Независимость или абстрактность? //ЭЖ-Юрист. 2004.-№24.-С.3

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //https://www.lex.uz/docs/111189#155188

[4] Ефимова Л.Г. Банковские сделки. Комментарий законодательства и арбитражной практики. -М.:-2000. -С.266.

суммани тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган мажбуриятдир[1].

Юқорида қайд қилинган фикрларни маъқуллаган ҳолда эътироф этиш жоизки, *кафолатнинг мустақил усул эканлиги* унинг асосий таъминланган мажбуриятга муносабати бўйича қўшимчалик (акцессор) белгилари йўқлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, асосий мажбурият тугаши билан тугамайди ёки у ўзгариши билан ўзгармайди; *иккинчидан,* асосий таъминланган мажбурият ҳақиқий эмас деб топилиши билан ҳақиқий эмас деб топилмайди; *учинчидан,* бенефициар ёки кафил билан принципалнинг муносабатларига принципал эътирози ёки қандайдир талаб боғлиқлигида кафилнинг бенефициар олдидаги мажбурияти ҳақиқий бўлмайди ва ш.к. Зеро, бенефициар ва принципал орасидаги ўзаро муносабатлар кафилнинг кафолат суммасини тўлашга бўлган мажбуриятига умуман таъсир қилмайди. Кафил асосий мажбуриятнинг ҳақиқийлигига қарши чиқа олмайди, асосий мажбурият бажарилмаганлиги далилларини талаб қила олмайди, кафолат бўйича ўзининг мажбуриятларини бажаришдан бош торта олмайди. Кафолатда асосий мажбуриятдан муайян суммани тўлаш бўйича кафил мажбуриятларининг мустақиллиги назарда тутилиши лозим. Акс ҳолда, кафолатни, тўлаш мажбурияти фақат асосий мажбуриятнинг бузилиши ҳолатида вужудга келадиган, кафилликдан фарқлаш жуда қийин[2].

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Кафолатнинг бошқа мажбуриятлардан мустақиллиги” деб номланган 301-модда янги таҳрирда киритилиши таклиф қилиниб, унда, кафилнинг мажбурияти

---

[1] French Civil Code /https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006070721/

[2] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 91-92 б.

асосий, шунингдек ҳар қандай бошқа мажбуриятга ҳавола қилинган бўлса-да боғлиқ эмаслиги, улардан юзага келадиган эътирозни бенефициар талабига қарши қўйишга ва кафолатни бажариш ҳақидаги бенефициар талабига қарши эътирозларини кафолатда кўрсатилмаган ҳолатларга хавола қилишга, принципал томонидан кафил фойдасига воз кечилган талабни бенефициарга нисбатан қўйишга ҳақли эмаслиги баён этилган. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан кафолатнинг асосий мажбурият ва бошқа таъминлаш усулларидан фарқли жиҳати, яъни унинг мустақиллиги ҳамда уни қўллашнинг афзаллиги ифодаланади. Бу мажбурият тарафларининг таъминлаш усулларини тўғри танлаш имкониятини яратади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 299-моддасига кўра, кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради[1]. ФКнинг мазкур моддасида қайд этилганидек, кафолатга оид муносабатлар субъектлари доираси “банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил)” билан чегараланиши бугунги ижтимоий тараққиёт натижаларига мувофиқ келмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 4 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси молия-хўжалик департаментининг давлат резиденциялари дирекцияси негизида иссиқхона, чорвачилик ва меҳмонхона комплексларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғриси-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https: //www.lex.uz/docs/111189#155188

да”ги 793-сонли қарорнинг[1] 6-бандига асосан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Молия-хўжалик департаменти Давлат резиденциялари дирекциясининг “Agro Service” ДУК иссиқхона-парник хўжалиги базасидаги иссиқхоналарни реконструкция қилиш, Тошкент вилоятида қорамоллар боқиш учун чорвачилик комплекси ва эчкиларни боқиш бўйича сут фермасини, шунингдек, халқаро стандартлар бўйича премиум-класс тоифасидаги меҳмонхона хизматлари кўрсатишни йўлга қўйган ҳолда замонавий меҳмонхона комплексини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида зарур бўлган импорт ускуналарни харид қилишни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада 10 йил муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли даврга миллий валютада кредит ажратиш ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ кафолатини кредит бўйича таъминот сифатида қабул қилиш тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига туман (шаҳар) ҳокимиятлари томонидан кафолатлар бериш ва банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларни қоплаш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 396-сонли қарори[2] билан тасдиқланган Низоми 3-бандига кўра, туман (шаҳар) ҳокимиятлари кафолат беришда ширкатлар

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси молия-хўжалик департаментининг давлат резиденциялари дирекцияси негизида иссиқхона, чорвачилик ва меҳмонхона комплексларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 793-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/3930392

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига туман (шаҳар) ҳокимиятлари томонидан кафолатлар бериш ва банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларни қоплаш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 396-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/-4342411

томонидан олинган, кредит шартномасида белгиланган муддатларда кредитлар бўйича қарздорликлар тўланмаган ҳолларда, қонунчиликда таъқиқланмаган бюджетдан ташқари тушумлар ҳисобидан тижорат банклари олдидаги муддати ўтган қарздорликларни қоплаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Мазкур қарорларда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва туман ҳокимиятларининг кафолатини кредит бўйича таъминот сифатида қабул қилиниши билан кафолат берувчи ташкилотлар сони кўпайиб бораётганлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 299-моддасидаги “банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти” кафиллар сифатида акс эттирилган нормани такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ушбу заруриятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 299-моддасига “Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта” деган сўзлардан кейин “*ва ўзга*” деган сўзлар киритилиши таклиф этилади. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан кафолат бўйича кафил бўладиган субъектлар – “банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта “*ва ўзга”* ташкилот(кафил) доираси кенгайиб, янгидан-янги юзага келаётган муносабатлар янада тўлароқ тартибга солиниши таъминланган бўлар эди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида, “Марказий банк молия бозорида рақобатни ошириш мақсадида 1 февралга қадар банк бўлмаган кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойиҳасини киритиш” вазифаси қўйилгани бежизга эмас[1].

Шу билан биргаликда, кафолат берилиш жараёнига кафилнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида маълум бир шартларга асосланган тартибга солувчи қоидаларни татбиқ этиш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 29.12.2020. /https://president.uz /uz /lists/view/4057

лозим. Бу қоидалар тижорат банклари амалиётида “Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан[1] ҳамда “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига туман (шаҳар) ҳокимиятлари томонидан кафолатлар бериш ва банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларни қоплаш тартиби ҳақида”ги Низомнинг 9-бандида кўрсатилганидек, аввал олинган кредитлар бўйича ва Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимидаги бюджетга тўловлардан муддати ўтган қарздорликлар мавжуд бўлганда; салбий молиявий натижаларга эга ширкатларга кафолат берилмаслигини белгиловчи қоидалар қўлланилиб келинмоқда[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар “Йўл Харитаси”нинг III-бўлими 13-қисми 2-бандида, “Тижорат банклари томонидан 90 кунлик муддатга экспорт тушуми ҳисобидан қайтариш шарти билан нақд пулда кредит бериш механизмини жорий этиш ва бунда аввал ажратилган кредитлар бўйича қарздорликнинг, шунингдек, илгари олинган кредитларни қайтариш бўйича муаммоларнинг мавжуд эмаслиги инобатга олиниши назарда тутилган.[3]

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги Низом” /https://lex.uz/docs/2012652?query=%D1%80%D0%B0%D1%81%D0%BC%D0%B8%D0%B9%D0%BB%D0%B0%D1%88

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига туман (шаҳар) ҳокимиятлари томонидан кафолатлар бериш ва банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларни қоплаш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 396-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/-4342411

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 299-моддаси 2-қисм билан тўлдирилиши таклиф этилиб, унда, кафолат олиш учун принципал зарар кўриб ишламаётган, ноликвид балансга ва муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзларининг мавжуд бўлмаслиги; охирги уч молиявий йил натижалари бўйича ижобий аудиторлик хулосасига эга бўлиши, ижобий кредит тарихига эга бўлиши баён этилган. Мазкур таклиф қабул қилиниши принципал томонидан кафолат олиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади, бу мажбуриятнинг самарали таъминланишига олиб келади.

Кафолатни мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳимоя қилиш усули сифатида эътироф этиш мумкин. Зеро, банк кафолати ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади. Уни қўллаш кредиторнинг (бенефициарнинг) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди, унинг тикланиши учинчи томон (кафил) ҳисобидан амалга оширилади. Шунга кўра, банк кафолати ўзини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий воситаси сифатида намоён қилиши билан бирга у томонидан таъминланган асосий мажбурият бузилган ҳолларда, бенефициарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатини ҳимоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади[1].

Умумий қоидага мувофиқ лозим даражада берилган кафолат “агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлма-

---

ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/4473481

[1] Лукманова И.И. Банковская гарантия в системе способов обеспечения исполнения обязательств. Дисс. на соискание ученой степени к.ю.н. Уфа. 2014. -С.9.

са, у кафил томонидан чақириб олиниши мумкин эмас" (ЎзР ФК 302-моддаси)[1].

Агар кафолат шартларида унинг чақириб олиниши назарда тутилган бўлса, бенефициар томонидан талабнома тақдим этилган тақдирда кафил уни чақириб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Таъкидланганидек, кафолатнинг чақириб олинмаслиги барча манфаатдор тарафлар, шу жумладан бенефициарнинг розилигисиз ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмаслиги бенефициарнинг *қонуний* манфаатларини ҳимоя қилиш усули эканлигидан далолат беради. Бироқ бу ҳар қандай ҳолатда ҳам кафолат чақириб олинмайди ва у бенефициарнинг манфаатини ҳимоя қилади дегани эмас.

Кафолатнинг чақириб олиниши мумкин эмаслиги мажбурият бажарилишини таъминлашда ижобий ҳолат ҳисобланса-да, "агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса" деган қоидага эътиборингизни қаратишни хоҳлардик. Бу мажбурият бажарилишини таъминлашга салбий таъсир қилувчи ҳолат юзага келса, уни чақириб олиш мумкинлигини англатади. Масалан, "Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 6-бандига асосан, кафолат берилганидан кейин принципал томонидан мазкур Низомнинг 5-банди иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида белгиланган талаблар, яъни зарар кўриб ишламаётган бўлиши ҳамда ноликвид балансга эга бўлмаслиги, муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзларининг мавжуд бўлмаслиги, ижобий кредит тарихига эга бўлишига оид қоидалар бузилган тақдирда кафолат чақириб олиниши мумкин[2].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#155188

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сонли қарори билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан банк

Демак, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга салбий таъсир қилувчи ҳолатларда кафолат чақириб олиниб, бенефициар ва кафилнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши мумкин.

Таҳлиллар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4026-сонли қарорига[1] асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига кафолатнинг чақириб олиниши ва ўзгартирилиши деб номланган 302-модда янги таҳрирда киритилиши таклиф этилиб, унда, кафолат шартига кўра, кафил томонидан уни чақириб олиш ёки ўзгартиришга йўл қўйилиши, бунда кафилнинг мажбурияти у томонидан бенефициарнинг розилигини олган пайтдан бошлаб, ўзгарган ёки тугаган ҳисобланиши баён қилинган. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан кафолатда иштирок этувчи тарафларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади ва ўз ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишлари таъминланади.

Мажбуриятнинг бажарилиши кафолат билан таъминланиши жараёни ўзига хослик касб этади. Масалан, агар бенефициар талаби ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келмаса, масалан, асосий мажбурият бузилишни кўрсатмаса, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этишга ҳақлидир. Шу билан бирга, талабга кафолатда кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади. Булар асосий мажбурият шартлари қанчалик бажарилганини кўрсатувчи ҳужжатлар бўлиши мумкин, масалан, қабул қилиш-топшириш

кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги Низом” /https://lex.uz/docs/2012652?query=%D1%80%D0%B0%D1%81%D0%BC%D0%B8%D0%B9%D0%BB%D0%B0%D1%88

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4026-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/4073825

далолатномалари, бажарилган ишлар далолатномалари ва бошқалар. Ушбу ҳужжатлар талабга илова қилинмаса, унда кафил уни қондиришни рад этишга ҳақли бўлади.

Талабни қондиришни рад этиш учун фақат шу билан чекланиб қолмайди. Кафолат муддатининг ўтиб кетганидан кейин талаб қўйилиши ҳам талабни қондиришни рад этиш учун асос бўлади. Кафолатда кўрсатилган муддат чегарасида талаб кафилга берилиши шарт. Ушбу муддат ўтиб кетгандан кейин талаб қондирилмайди. Бунда, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этганлиги ҳақида уни дарҳол хабардор қилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 307-моддасига кўра, агар бенефициарнинг талаби қондирилгунига қадар кафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этиши мумкин.

Асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра бекор бўлганлиги, ёинки ҳақиқий эмас деб топилганлиги кафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақида дарҳол бенефициарга ва принципалга хабар бериши шарт[1].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 305-моддасига биноан, бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#155188

Бенефициарнинг талаби кафолатда белгиланган муддат тугагунча кафилга тақдим этилиши керак[1].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 306-моддасига кўра, кафил бенефициарнинг талабини олганидан сўнг бу ҳақида дарҳол принципални хабардор қилиши ва унга бўлган талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужжатлар билан топшириши керак. Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиши, муддат кўрсатилмаганда эса мутаносиб муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун оқилона жонкуярлик кўрсатиши керак[2]. Мазкур моддада акс этган қоидалар бенефициарнинг манфаатларини тўлиқ таъминлаб бера олмайди, чунки, унда белгиланган “мутаносиб муддат” тушунчаси ноаниқ ва “оқилона жонкуярлик кўрсатиши” ибораси субъектив хусусиятга эга, бу эса уларни амалиётда турлича қўлланилиши натижасида тушунмовчиликларни юзага келтиради. Ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 306-моддаси 2-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади: “Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиши, муддат кўрсатилмаганда эса бенефициар талаб қилган кундан бошлаб *етти кунлик муддат ичида* бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ёки *келмаслигини аниқлаш керак”*. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан бу соҳадаги муносабатлар ФКнинг 242-моддаси талаблари асосида тартибга солинади ва бенефициарнинг манфаати аниқ муддатларда таъминланади.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#155188

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#155188

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 307-моддаси 1-қисмида қайд қилинишича, агар бенефициарнинг талаби ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келмаса ёхуд кафилга кафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилган бўлса, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этади. Бироқ ушбу модданинг мажбурият бажарилишини кафолат билан таъминлаш самарадорлигини ошириш учун кафил томонидан турли суиистеъмолликларга йўл қўйилишининг олдини олиш ва бенефициарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш зарурияти мавжуд бўлиб, ундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 307-моддасининг 1-қисми “Кафил бенефициар талабини қаноатлантиришни бошқа асосларга кўра, рад этишга йўл қўйилмайди” деган сўзлар билан ҳамда тўртинчи қисми “Кафил тўлов асоссиз равишда тўхтатиб қўйилганлиги учун принципал ва бенефициар олдида жавобгар бўлади” деган сўзлар билан тўлдирилиши таклиф этилади.

Кафолат мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида кенг имкониятга эга. Ф.Гизатуллиннинг фикрича, банк кафолати шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлашнинг энг ишончли усули, чунки бенефициар (тўловни олувчи) нафақат қарздор томонидан таъминланган мажбуриятни бузиш хавфини таъминлабгина қолмай, балки кафолат шартномасида кўзда тутилмаган эътирозлар хавфидан ҳам озод қилинади[1].

Кафолат берувчи томоннинг бенефициар олдидаги жавобгарлиги шуки, у мажбуриятни кафолатлаган суммасини тўлай-

[243] Гизатуллин Ф. Правовые вопросы практического использования банковской гарантии // Хозяйствои право. 2006. №6. -С.101.

ди. Бироқ кафолат берувчи томонидан кафолат мажбуриятлари бузилса, у етказилган зарарни ҳам тўлайди[1].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 308-моддасига асосан, кафолатда назарда тутилган кафилнинг бенефициар олдидаги мажбурияти кафолат берилган суммани тўлаш билан чекланади. Кафолат бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун кафилнинг бенефициар олдидаги жавобгарлиги, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат берилган сумма билан чекланмайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли қарори 41-бандига асосан, судлар кафилдан кредит суммаларини ундириш тўғрисидаги низоларни кўришда шундан келиб чиқишлари лозимки, кафолатда назарда тутилган кафилнинг бенефициар олдидаги пул мажбурияти кафолатда кўрсатилган сумма билан чекланади. Агар кафолатда кафилнинг жавобгарлигини чеклаш тўғрисида бирор-бир шарт мавжуд бўлмаса, унга ФКнинг 24-бобидаги мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоида ва талаблар қўлланилади[2].

Кафил кафолат бўйича ўз мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгар бўлиб, бунда унинг жавобгарлиги, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат берилган сумма билан чекланмайди. Кафолат пуллик мажбурият бўлгани учун унинг кафил томонидан бузилишига, пуллик мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликни белгилай-

[1] Тадбиркорлик ҳуқуқи (Умумий қисм): Дарслик /Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. – Т.: «Консаудитинформ», 2002. – Б.479.
[2] Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси, -2007. -№2.

диган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 327-моддасида назарда тутувчи қоидалари қўлланилади.

Кафилнинг бенефициар олдидаги жавобгарлиги чегараси мажбуриятни кафолатлаган сумма ҳамда кафил томонидан кафолат мажбуриятлари бузилганида етказилган зарарни ҳам тўлаш билан белгиланади.

Булардан ташқари, кафилнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида унинг жавобгарлиги чегарасини белгилаш, балки жавобгарликдан озод қилиш масаласи ҳам қўйилиши лозим. Зеро, шариатда ҳам шахс кафилликни (*даманатни*) фақат кредитор (кредиторлар), қарздор, қарзнинг тури ва миқдори аниқ белгиланиши шарти билан олиши мумкин[1]. Шунингдек, Франция Фуқаролик Кодексининг 2321-моддаси 2-қисмига кўра, бенефициар томонидан суиистеъмолликка йўл қўйилган ёки фирибгарлик содир этилган тақдирда ёки иккинчи тараф принципал билан келишган ҳолда кафил жавобгар бўлмайди[2].

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда кафилнинг ҳуқуқини унинг жавобгарлик чегарасини белгилаш ёки уни жавобгарликдан озод қилиш орқали ҳимоя қилиш қарздорни ўз мажбуриятини бажаришга ундайди.

Назаримизда, кафолатни қўллаш учун қуйидаги асос мавжуд бўлиши, мезонлар бузилиши ва шартлар[3] юзага келганлигига риоя қилиш лозим:

асос – ёзма мажбурият бўлиши (ЎзР ФК 299-модда);

мезон – кафолат бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги (ЎзР ФК 308-модда 2-қисми);

шартлар – бенефициарнинг талаби ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши;

---

[1] Керимов Г.М. Шариат: Закон жизни мусульман. Ответы Шариата на проблемы современности. — СПб.: «Издательство «ДИЛЯ», 2009. -31 с.

[2] French Civil Code/https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006070721/

[3] 11-иловага қаранг.

– кафилга талаб ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолатда кўрсатилган муддатда тақдим этилиши (ЎзР ФК 307-модда 1-қисм).

Шартнома иштирокчилари мажбурият бажарилишини таъминлаш жараёнида кафолатни усул сифатида тўғри танланиши учун унинг афзаллик ва нуқсонлари хусусидаги қуйидаги хулосаларимизни илгари сурамиз:

кафолатнинг афзалликлари: олинган қарзни муайян йўқотишлар билан бўлса-да қайтаришга имкониятини яратади; кафилнинг кредитор олдидаги мажбурияти улар ўртасидаги муносабатларда асосий мажбуриятга боғлиқ эмас; кафолат берилган пайтдан бошлаб, чақирилиб олинмайди; қарздор томонидан мажбурияти бажарилмаган тақдирда кафолатда кўрсатилган сумманинг қопланиши кафолатланади.

Кафолатнинг нуқсонлари: неустойка ва бошқа зарарларни қопламайди; қарздор томонидан кафолат билан белгиланган фоиз ставкаларини қоплаш учун сарфланган қўшимча харажатлар фойданинг аксарият қисмини “ютиб юборади”; қарздор ўз мажбуриятини бажаришини таъминлаш учун банк фақат юқори харидоргир мол-мулкни қабул қилади; кафолатни расмийлаштириш учун кўп вақт ва харажат қилиниши унинг кенг доирадаги шартномавий муносабатларга қўлланилишини мураккаблаштиради.

Хулоса шуки, кафолат орқали кредитор (мажбурият бузилганида келтирилган зарарни кафил тўлаши), қарздор (кафолат чақириб олинмаслиги билан қарздор манфаатлари тикланишга имконият яратувчи жараён ҳимоя қилиниши) ва кафилнинг (кафилнинг бенефициар талабини рад этиши, кафил ўз мажбуриятини бажаргач принципалга регресс талаб қўйиши орқали) ҳуқуқи ҳимоя қилиниши ва ўтказилган сўровномалар[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш Марказида 2018 йилнинг 18–30 июнь ва 2019 йилнинг 4–15 ноябрь кунлари малака оширган юрисконсультлар, туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқ-

кафолат мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳуқуқий ҳимоя қилиш усули эканлигини исботлайди.

лари ва ходимлари ҳамда Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) Марказида 2018 йил 2–31 октябрь кунлари малакасини оширган давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиларидан иборат 92 та респондентлар ўртасида “Кафолат-мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг мустақил ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш усули сифатида эътироф этасизми?” деган савол бўйича ўтказилган сўровномада респондентларнинг 75 таси (*82 фоизи*) эътироф этишини таъкидлашган.

IV-боб. МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ УНИВЕРСАЛ ВА БОШҚА УСУЛЛАРИ

4.1. Гаров–мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал усули сифатида

Бугунги тараққиёт ҳар қандай мажбуриятларни, яъни шартномали ва шартномадан ташқари келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлай оладиган усулларига зарурият сезмоқда. Ушбу заруриятдан келиб чиққан ҳолда, универсал хусусиятга эга бўлган усулларни аниқлаш юзасидан тадқиқот олиб бориш фуқаролик ҳуқуқи фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш соҳасида ижод қилиб келаётган аксарият ҳуқуқшунос олимлар томонидан таъминлаш усулларини универсал усуллар сифатида эътироф этишда уларнинг умумий жиҳатларига эътибор қаратадилар, холос. Жумладан, уларнинг самарали, ишончли бўлиши, барча мажбуриятлар бажарилишини таъминлай олиши лозимлиги ва ш.к. Хусусан, Н. М. Исмоилов, гаров – мажбурият бажарилишини таъминлашнинг энг самарали ва ишончли усулларидан бири[1], В. М. Мерзлов, гаров ва кафиллик кредит мажбуриятларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг энг самарали усулларидан бири[2] ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари ҳамда хорижий олимлар томонидан ҳам гаров мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг энг ишончли усулларидан бири эканлигини[3] таъкидлайди.

---

[1] Исмоилов Н.М. О некоторых проблемах цивилистической науки и законотворческой практики/Материалы международной научно-практической конференции на тему «Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства». - Т.: ТГЮИ, 2005. –С.185.

[2] Мерзлов В.М. Проблемы исполнения и способы обеспечения кредитных обязательств. // Вестник экономической безопасности. №3. 2019. -С.99.

[3] Зарипова Г. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси. -2012. -№12. –Б.43;

Муҳаддислардан имом Бухорий, Насоий, ибн Можжа ривоятларига кўра, Муҳаммад (с.а.в.) ўз совутларини бир яҳудийга гаровга қолдириб, ундан оилалари учун арпа олганлар. Ислом фиқҳида гаров деб, қарзнинг эвазига бирор буюмни ишонч тариқасида қолдириш тушунилади[1].

Қайд қилинган фикрларга қисман қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, гаров қарздор томонидан олинган мажбурият бажарилмаганида юзага келадиган нохуш оқибатни бартараф этишнинг *энг самарали ва ишончли усули* бўлиб, у орқали жуда кўплаб муаммолар ҳал этилади. Зеро, Е.И.Музыканинг фикрича, гаров иккита муаммони ҳал қилади: кредиторга қарз олувчи асосий мажбуриятни бажармаган тақдирда, гаровга қўйилган мулк қийматидан компенсация олишга имкон беради; кредит таваккалчилигини пасайтириш ва қарз олиш харажатларини камайтиришга ёрдам беради[2]. Бироқ бу каби қарашлар мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини универсал усуллар сифатида эътироф этиш учун етарли эмас. Ушбу ҳолат мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг универсал усулларига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш ва бу каби хусусиятларга эга бўлган усулларни универсал усуллар сифатида тавсия этиш юзасидан тадқиқот олиб бориш заруриятини юзага келтиради. Ушбу заруриятдан келиб чиққан ҳолда, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари бўлган гаров ва ушлаб қолишда универсал усулларга хос бўлган хусусиятлар мавжудлигини аниқлаш лозим. Зеро, бугун улар аллақачон

Сидиков А., Раджабов О. Гаров тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим жиҳатлари //Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси, -Т.: -2012, -№ 7. -Б.39; Уметова А.Т. Особенности и нормативно-правовое регулирование ипотеки как способа обеспечения исполнения обязательств в Кыргызской Республике. //Вестник Национальной академии наук Республики Казахстан. -2013. -№3. – С.132.

[1] Musulmon huquqi: IIV oliy ta’lim muassasalari uchun darslik / S. A. Isxakov, A.R. Raxmanov. – T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 120 b

[2] Музыка Е.И.Залог как способ обеспечения кредитов и инструмент снижения банковских рисков (на примере нефтегазового комплекса). Автореф. дисс. к.э.н. -М.: 2006.

универсал усул сифатида эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, Англия-Америка доктринасида гаровга қўювчининг барча мол-мулкига нисбатан таъминот белгиланиши, одатда, “universalsecurity” (универсал таъминлаш) ёки “universalcharges” (универсал айбловлар)ни англатиши қабул қилинган[1].

Назаримизда, гаровда мавжуд бўлган қуйидаги хусусиятлари уни универсал усул сифатида эътироф этиш учун асос бўлади: *биринчидан, гаров келгусидаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш хусусиятига эга.*

Р.Р.Ленковскаянинг эътироф этишича, келажакдаги ашёга нисбатан ипотека шартномасини тузишда гаровга олувчи мажбуриятнинг бажарилишини таъминламайди, чунки ипотека предмети – гаровга қўювчи гаровга эгалик ҳуқуқи ҳали вужудга келмаган келажак ашёсидир[2]. Р.Р.Ленковскаянинг фикри баҳсли, чунки шартномаси ва қонунда келгусида вужудга келадиган ашёлар ҳамда мулкий ҳуқуқлар гарови назарда тутилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси 2-қисмига асосан, гаров тўғрисидаги шартномада, қонун асосида вужудга келадиган гаровга нисбатан эса қонунда гаровга қўювчи келгусида қўлга киритадиган ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар гарови назарда тутилиши мумкин[3].

Франция Фуқаролик Кодексининг 2333-моддаси 2-қисмига кўра, мавжуд ёки келажакдаги дебиторлик қарзи ҳам гаров билан таъминланиши мумкин[4].

---

[1] Wood Ph.R. Comparative Law of Security Interests and Title Finance. London, 2007. -P. 94.

[2] Ленковская Р.Р. К вопросу о содержании круга существенных условия в договоре купли-продажи земельных участков // Проблемы экономики и юридической практики. 2015. № 3. -С.156-158.

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 96-модда.

[4] Civil Code France /https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006070721/

Бу ўринда К.В.Кукарскаянинг келажакдаги ашё, хусусан, кўп хонадонли уй кўринишидаги кўчмас мулк гаров сифатида вужудга келади[1] деган фикрини келтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси "Ипотека тўғрисида"ги Қонуннинг 63-моддасига асосан, уй қуриш учун кредит ёки аниқ мақсадли қарз берилаётганда ипотека тўғрисидаги шартномада мажбуриятни тугалланмаган қурилиш (ипотекага қўювчи келгусида оладиган мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар) билан таъминлаш назарда тутилиши мумкин[2].

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги эътирофини келтириб ўтиш жоиз: "Маълумки, мамлакатимизда якка тартибда уй-жойлар қуриш учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича жорий этилган янги тизим бугунги кунда ижобий натижа бермоқда"[3]. Ушбу эътирофдан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратишда гаровнинг ипотека тури келгусида вужудга келадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг самарали усули эканлигини англаш мумкин.

Ҳисоб-китобларга кўра, халқимиз эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қуриш керак. Бунинг учун эса, қарийб 30 триллион сўм зарур бўлади. Бу маблағ давлат бюджетининг 23 фоизидан зиёдини ташкил этади. Янги тизимга мувофиқ, кўп қаватли уй-жой қурилиши тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади. Давлат томонидан ер ва ипотека кредити учун банкларга маблағ ажратилади. 2020 йилда 12 мингта уй-жойдан 8 мингтаси амалдаги тартиб бўйича, 4 мингтаси хусусий сектор томонидан

---

[1] Кукарская К.В. 9.8. Залог будущего права из существующего или будущего обязательства //Проблемы экономики и юридической практики. -№5. 2017. -С.126.

[2] Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/acts/1063359.

[3] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017.-Б.229.

қурилиши кўзда тутилган[1]. Зеро, гаровга олувчи учун ипотека жуда ишончли воситадир, чунки унинг йўқолиш ёки нобуд бўлиш эҳтимоли кам. Кўчмас мулкдан фарқли равишда кўчар мулк гаров предмети бўлса, гаровга қўйиб қарз олган шахснинг инсофсиз ёки масъулиятсиз ҳаракати натижасида йўқ бўлиб кетиши, ишлатилиб юборилиши, нобуд бўлиш эҳтимоли ҳамиша мавжуд. Зеро, кўчмас мулк гаровга қўйилганда бундай салбий оқибат хавфи анча камаяди. Кўчмас мулк бир жойдан иккинчи жойга кўчирилмаслиги, қўзғалмаслиги сабабли уни сақлаш, назорат қилиш осон. Умуман олганда, у ҳар доим гаровга олувчини кўз ўнгида бўлади. Демак, бундай гаров турининг қулайлиги уни кенг қўлланишга замин яратади[2].

Ипотека мажбуриятнинг ўринли даражада бажарилишини таъминлашнинг усулларидан бири ҳисобланади. Унинг мазмуни шундаки, гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаганда ёки етарли даражада бажарилмаганда ундирувни ипотека нарсасига қаратишга ва уни сотишдан тушган маблағлардан ўзига берилиши керак бўлган қарз суммасини олишга ҳақли. Қоида тариқасида, кўчмас мулкнинг нархи юқори бўлади. Агар олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳолатларни ҳисобга олмаганда (масалан, АҚШ уй-жой бозоридаги ипотека облигациялари билан боғлиқ инқироз), кўчмас мулк баҳоси кутилмаган ўзгаришларга мойил эмас. Бундан ташқари, кўчмас мулк фойдаланиш муддатидан қатъи назар узоқ вақт давомида ўзининг асосий сифатларини йўқотмайди ва фойдаланишда қолаверади. Шунинг учун мажбуриятни таъмин-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 28 октябрь куни ўтказилган аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва ипотека бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда қайд этилган маълумотлар. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилди. /https://uza.uz/oz/politics/a-olini-uy-zhoy-bilan-taminlash-b-yicha-yangi-tizim-zhoriy-e-28-10-2019

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги қонунига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ, 2007. –Б.14-15.

лаш усуллари ичида ипотека ишонарли усуллардан бири ҳисобланади[1].

Иккинчидан, гаров ашёвий-ҳуқуқий ва мажбуриятли-ҳуқуқий хусусиятга эга.

Гаровнинг бу каби хусусиятларини кўплаб хорижий мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилигида кузатиш мумкин. Жумладан, Латвия Фуқаролик Қонунининг 1278-моддасига биноан, гаров ҳуқуқи ўзга ашёга бўлган ҳуқуқ бўлиб, унга асосан мазкур ашё билан кредиторнинг тўлов ҳақидаги талаби таъминланади.

Гаров ҳуқуқи ашёга бўлган ҳуқуқ эканлигига оид қоида ҳуқуқий адабиётларда Латвия Республикаси Фуқаролик кодексининг гаров ҳақидаги нормалари “Ашёвий ҳуқуқлар” бўлимида жойлашганлиги билан изоҳланади[2]. Луизиана Фуқаролик Кодексининг 3141-моддасида, гаров шартнома билан белгиланган мажбурият бажарилишини таъминлаш учун мулкка бўлган ашёвий ҳуқуқ эканлиги қайд қилинган[3].

Австрия Фуқаролик Кодексининг 447-параграфида, гаров ҳуқуқи – бу ашёвий ҳуқуқ бўлиб, агар мажбурият муайян муддатда бажарилмаса, кредиторга ашёдан талабини қондириш учун берилади. Кредиторнинг ашёга бўлган ҳуқуқи гаров деб аталади[4]. Зеро, гаров ашёвий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган ягона мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули ҳисобланади. Гаров предмети барча шу жумладан, ашё ва мулкий ҳуқуқ (талаб)ни ташкил этади[5].

---

[1] Ипотека: шарҳлар ва мақолалар тўплами /Муаллифлар: Н.Жўраев ва бошқалар. –Т.: Avto-Nashr, 2008, -Б.3.

[2] Гражданский кодекс Латвийской Республики. /Научное редактирование и предисловие Н.Э.Лившиц, обзорная статья А.В.Свиб. Перевод с латышского подруководством И.Алфеевой. -СПб.: «Юридический центр Пресс», 2001.

[3] Louisiana Civil Code/https://lcco.law.lsu.edu/?uid=125&ver=en#125

[4] Austria. Allgemeines bürgerliches Gesetzbuch (ABGB-Общий гражданский кодекс) /https://www.jusline.at/ gesetz/abgb/paragraf/447

[5] Даниленко С. Некоторые аспекты залога как виды обеспечения возврата потребительского кредита //Хозяйство и право. -№ 3. март. –М.: 2011 -С.105.

И.Насриев, М.Рахимжанова ва Ш.А.Нодироваларнинг фикрича, гаровнинг хусусиятини мажбурият бажарилишини таъминлаш усуллари билан таққослаганда унда ашёвий ҳуқуқий хусусиятли унсурлар мавжудлиги маълум бўлади[1]. Ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикрларини маъқуллаймиз. Чунки гаровда бошқа таъминлаш усулларига нисбатан ашёвий ҳуқуқий унсурлар кўпроқ. Бу хусусда Е.А.Мичуринанинг ашёвий ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари, биринчидан, гаров билан боғлиқ битимлар объекти мулк ҳисобланишида, иккинчидан, гаров олувчининг ҳуқуқи бузилган тақдирда унинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ашёвий-ҳуқуқий усулларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлишида, учинчидан, гаров учун ашёвий ҳуқуқий хусусият бу ҳуқуқнинг эргашиб юриши хослигида мужассамлашади[2] деган эътирофини келтириш масалага ойдинлик киритади.

Гаровни белгилашдан кўзланган мақсад мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашдан иборат. Кредитор мажбуриятли муносабатда аксарият қарздорнинг шахсига эмас балки “ашёсига ишониб” гаровдан фойдаланишга интилади. Бунда ашё ва мажбурият уйғунлашуви содир бўлади. Зеро, Д.Е.Зацепин таъкидлаганидек, гаровга оид ҳуқуқий муносабатлар аралаш, ашёвий ва мажбуриятли элементларни ўз ичига олади[3].

Қайд қилинган фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, гаров ашёвий ҳуқуқ, бироқ у мажбурият олиниши асосида вужудга келади. Шунинг учун ҳам гаровнинг ўзига хослиги – унинг ашёвий-ҳуқуқий ва мажбуриятли-ҳуқуқий хусусиятнинг ўзаро уйғунлашувидан ҳосил бўлади.

---

[1] Насриев И., Рахимжанова М. Залог как способ обеспечение исполнение обязательств. //Хозяйство и право. - 2004. - №2. –С.77; Нодирова Ш.А. Правовое регулирование залога в Республике Таджикистан: Автореф. дис.к.ю.н. Душанбе. 2003. -11 с.

[2] Мичурина Е.А. Некоторые способы обеспечения исполнения кредитных обязательств. Диссер. к.ю.н. Саратов. 2015.-С.99.

[3] Зацепин Д.Е. Природа залога обязательственных прав //Научный вестник Омской академии МВД России № 3 (70), 2018.-С.62

Учинчидан, гаров қарздор кредиторига бошқа кредиторларга қараганда имтиёз тақдим эта олиш хусусиятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 264-моддаси 2-қисмига асосан гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига, қонунда назарда тутилган тартибда, ҳақли бўлади[1].

Франция Фуқаролик Кодексининг 2333-моддаси 1-қисмига кўра, гаров – бу гаровга қўювчининг кредиторига бошқа кредиторларга қараганда кўчар мулк ёки ҳозир ёхуд келажакда моддий кўчар мулк мажмуасига нисбатан имтиёзли равишда тўловни олиш ҳуқуқини берадиган шартнома[2] ҳисобланади. Бу ўринда, Х. Раҳмонқуловнинг, гаровнинг мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи кучи шундан иборатки, агар қарздор томонидан мажбурият бажарилмаса, кредитор ўз талабини гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан қарздорнинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда биринчи галда қаноатлантиришга ҳақли бўлади. Асосий мажбурият (банк кредити, қарз, олди-сотди ва ҳ.к.) қандай бўлишидан қатъи назар, гаров барча ҳолларда кредиторга қарздордан ўз талабига монанд келадиган маълум миқдорда пул суммасини ундириш учун ҳуқуқ беради деган фикрини келтириш жоиз[3].

Гаров билан таъминланган мажбурият қарздор кредиторига бошқа кредиторларга қараганда имтиёз тақдим эта олиши уни бошқа таъминлаш усулларидан ажратиб туради.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. /https://www.lex.uz/docs/111189#154456

[2] Civil Code France/https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006070721/

[3] Рахмонқулов Х. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.90.

Тўртинчидан, гаров эркин шаклда қўллаш хусусиятли таъминлаш усули.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 280-моддасида, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тартиблари белгиланган, бўлиб унга асосан гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган кўчар мол-мулк ҳисобидан суд ҳужжатига мувофиқ қондирилади. Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ундирув гаровга олувчига топширилган гаров нарсасига гаров тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда қаратилиши мумкин[1].

Франция Фуқаролик Кодексининг 2355-моддасига кўра, гаров анъанавий ва суд тартибидаги гаровларга бўлинади. Суд тартибидаги гаров фуқаровий ижро юритиш қоидалари билан тартибга солинади. Анъанавий гаров қарз билан боғлиқ бўлиб, уни тартибга солиш юзасидан махсус қоидалар мавжуд бўлмаса, фуқаролик кодексининг ушбу моддасида белгиланган қоидалари билан тартибга солинади[2]. Испания Фуқаролик

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#155943
[2] Civil Code France/https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006070721/

Кодексининг 1759-моддасига кўра, гаров суд тартибида ёки суддан ташқари тартибда расмийлаштирилиши мумкин[1].

Ундирув гаров нарсасига қуйидаги ҳолларда фақат суднинг қарорига мувофиқ қаратилиши мумкин: 1) қонунда бошқа шахснинг ёки органнинг гаров тўғрисида шартнома тузиш учун розилиги ёхуд рухсати ҳақидаги талаб белгиланган бўлса; 2) гаров нарсаси тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга мол-мулк бўлса; 3) гаровга қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса (ЎзР ФК 280- моддаси)[2].

Демак, гаровнинг судга мурожаат қилмасдан ёки суд ҳужжатига асосан қўлланилиши мумкинлиги, унинг эркин шаклда қўлланила олиш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Бешинчидан, гаровда оммавий фойдаланиш хусусияти мавжуд. Гаровдан оммавий фойдаланишни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонуни[3] ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 155-сонли қарори билан тасдиқланган “Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, гаров реестри мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида қарздорларнинг бериб қўйилган мол-мулкига нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларига қонунга мувофиқ қўйилган чеклов ҳамда қарздор ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишини таъминлаши билан боғлиқ бошқа талаблар ҳақидаги ёзувларни ўз ичига олган маълумотларнинг ягона ахборот

---

[1] Spanish Civil Code /https://www.refworld.org/cgi-bin/texis/vtx/rwmain/opendocpdf.pdf?reldoc=y&docid=5a8ad 42e4

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#155943

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/2258572

базаси яратилди. Гаров реестридан ёзувларни излашга чекловларсиз барча шахслар ҳақли бўлди[1].

Гаров реестри давлат унитар корхонаси ушбу низомга мувофиқ, интернет тармоғи орқали гаров реестрининг узлуксиз кеча-кундуз фаолият юритишни таъминлайди[2].

Гаров тузилмасининг муҳим унсури – бу махсус оммавий реестрига (чет элда – Ер китоблари) гаров ҳақидаги ёзувни киритиш зарурлигидан иборат бўлган ошкоралик тамойилидир. Россияда бунинг учун махсус реестрлар яратилган. Кўчмас мулк гарови учун – кўчмас мулк ва у билан боғлиқ бўлган битимларга бўлган ҳуқуқлар ягона давлат реестри (ҲЯДР), кўчар мулк гарови тўғрисида хабардор қилиш учун – кўчар мулк гарови тўғрисидаги хабарномаларнинг тегишли реестри. Ушбу белги гаровни учинчи шахсларга маълум қилиш имконини беради, бу унинг мутлақлиги белгисини таъминлайди[3].

Ҳозирда гаров муносабатларига бино ва иншоотларнигина эмас, балки интеллектуал мулк, инвентарь ва хомашёлар, дебитор қарзлар, қишлоқ хўжалигининг кутилаётган ҳосили ва бошқа мулклар ҳам жалб этиш мумкин. Кредиторлар томонидан молиялаштириш амалиётларини шундай таъминотлар остида амалга ошириш ва таваккалчиликни камайтиришда гаров реестри муҳим ўрин тутади. Унинг юритила бошлаши билан қарздор ва кредиторлар ўртасидаги мулкий ҳуқуқлар, бу борадаги чекловлар ҳамда қарздор ўз мажбуриятини бажаришини таъминлашга оид ёзувлардан жамоатчилик кенг фойда-

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 155-сонли қарори билан тасдиқланган “Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/2410429#4141049.

[2] Рўзиназаров Ш, Бабаев Ж, Иноятова С, Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. - 60 б.

[3] Емелькина И. А.Залог как обеспечительное вещное право //Вестник Омского университета. Серия «Право». 2017. № 1 (50). -С.87.

ланиш имконияти юзага келиши гаровни оммавий фойдаланишга мўлжалланган таъминлаш усули даражасига кўтаради.

Олтинчидан, гаров ҳар қандай мажбурият бажарилишини таъминлаш хусусиятига эга.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули универсал усул сифатида эътироф этилиши учун аввало у ҳар қандай мажбуриятнинг бажарилишини таъминлай олиши лозим[1].

Ўзбекистон Республикаси "Гаров тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири)нинг 1-моддаси 3-қисмига асосан қонун бўйича ҳақиқий бўлган ҳар қандай мажбуриятнинг: заём, банк кредити, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар, давлат) ўртасидаги бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши гаров билан таъминланиши мумкин[2]. Испания Фуқаролик Кодексининг 1861-моддасига кўра, гаров ва ипотека билан мажбуриятнинг барча турлари таъминланиши мумкин[3]. Ўзбекистон Республикаси "Ипотека тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасига асосан, шартномавий мажбуриятлар, шунингдек, зарар етказилиши оқибатида вужудга келадиган мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкин[4].

Шу билан биргаликда, ипотека предмети кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар – узуфрукт (кўчмас мол-мулкдан фойдаланиб, ҳосил ва даромад олиш) ва эмфитевзис (кўчмас мулк –

---

[1] Суюнова Д.Ж. Современные способы обеспечения договорных обязательств: национально-правовое и международно-правовое регулирование /https://articlekz.com/article/7130

[2] Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/acts/59914

[3] Spanish Civil Code /https://www.refworld.org/cgi-bin/texis/vtx/rwmain/opendocpdf.pdf?reldoc=y&docid=5a8ad 42e4

[4] Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси./https://www.lex.uz/acts/1063359

ер участкалари бино ва иншоотлар қуриш ҳуқуқи) бўлиши мумкин[1].

К.Комилов ва О.Халмирзаевларнинг фикрича, гаров билан ҳар қандай қонуний мажбурият банк кредити, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва шу каби ҳуқуқ субъектлари (жисмоний, юридик ва давлат) ўртасидаги мажбуриятлар бажарилиши таъминланиши мумкин[2].

В.Б.Железный томонидан кредитлашда гаров предмети сифатида НИТФ – илмий техникавий фаолият натижалари (ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)га бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш[3], Х.А.Мамаджанов ва О.В.Перепечколар томонидан эса, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция ва Европа Иттифоқининг баъзи бир давлатларида интеллектуал мулк объектларини гаровга қўйиш орқали кредитлаш механизми кенг йўлга қўйилганлиги[4] эътироф этилади.

Келтирилган фикрларни маъқуллаган ҳолда қайд қилиш жоизки, гаров билан ҳар қандай нафақат гаров шартномаси билан, балки қонун билан вужудга келадиган мажбуриятлар бажарилиши таъминланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 421-моддаси еттинчи қисмига асосан, товар сотиб олувчига топширилган пайтдан бошлаб унинг ҳақи тўлаб бўлингунига қадар насияга сотилган товар сотиб олувчи томонидан товар ҳақини тўлаш маж-

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонунига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ, 2007.-Б.51.

[2] Комилов К., Халмирзаев О. Краткая характеристика системы залога в Узбекистане //Вестник Высшего хозяйственного суда. –2010.–№6.–С.75-80.

[3] Железный В.Б. Использование прав на РНТД в качестве предметов залога при кредитовании //Финансы, денежное обращение и кредит. -№1 (196) 2018. –С.62.

[4] Мамаджанов Х.А, Перепечко О.В. Интеллектуальная собственность как предмет залога. Проблемы и предложения. //Экономика и управление народным хозяйством.-№12(195) 2017. –С.21.

бурияти бажарилишини таъминлаш учун сотувчида гаровда турган деб ҳисобланади[1].

Р.С.Бевзенконинг эътирофича, гаровнинг “эгилувчанлиги”: гаров предметининг ташқи шакли ўзгарган тақдирда ҳам кредиторда гаровга қўйилган “ҳақиқий ёки ҳуқуқий ўрнини босувчи” мулк қийматининг ҳисобидан ўз талабларини қондириш ҳуқуқини сақлаб қолади[2].

Демак, гаров билан ҳар қандай, яъни гаров шартномаси, қонун бўйича юзага келадиган, шунингдек, зарар етказилиши оқибатида вужудга келадиган мажбуриятларнинг ҳам бажарилиши таъминланиши мумкин.

Еттинчидан, гаров кўп тармоқли хусусиятга эга.

Бунда, гаровни таъминлаш, рағбатлантириш ва қоплаш хусусиятларига эга эканлигини таъкидлаш лозим. Ш.А.Нодированинг фикрича, гаров қарздорни мажбуриятни бажаришга рағбатлантиради, акс ҳолда ундирув гаров нарсасига қаратилиши оқибатида қарздор учун салбий ҳолат ва қоида тариқасида қўшимча харажатлар қилинишига олиб келади (рағбатлантириш вазифа). Қарздор ўз мажбуриятини бажармаганида кредиторнинг барча йўқотишларини қоплаш мақсадида ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратишдек потенциал имконият амалга оширилади (қоплаш вазифаси)[3].

В.В.Скворцов ўзининг “Гаровнинг функциялари ва уларнинг тавсифи” номли мақоласида гаровнинг таъминлаш, тартибга солиш, қўриқлаш (манфаатини), рағбатлантириш, қопловчилик, огоҳлантириш-тарбиялаш функциялари ҳақида сўз

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552

[2] Бевзенко Р.С. Борьба за залог: третий этап реформы залогового права России// Вестник гражданского права. 2015. -№2. -С.10.

[3] Надирова Ш.А. Правовое регулирование залога в Республики Таджикистан: Автореф дис. к.ю.н. –Душамбе. 2003. -11с.

юритади[1]. Назаримизда, гаровнинг ўзига хос хусусиятлари ҳуқуқшунос олимлар томонидан баён этилган фикрларнинг уйғунлашган шакли, яъни рағбатлантириш, таъминлаш ва қоплаш хусусиятлари мажмуаси орқали намоён бўлиб, бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

гаров *рағбатлантириш хусусиятига* кўра, *биринчидан,* кредитор ўз талабларини қондиришда бошқа кредиторларга қараганда имтиёзга эга бўлиши; *иккинчидан,* гаров барча ҳолатларда кредиторга қарздорга билдирган талаби миқдорига мувофиқ равишдаги пул суммасини олиш ҳуқуқини бериши; *учинчидан,* ўз мажбурияти ҳажми билан қиёслаганда аҳамиятли қийматга эга бўлган мулкини йўқотишининг аниқ кўриниб туриши қарздор томонидан ўз мажбуриятини лозим даражада бажариши учун рағбат уйғотиши; *тўртинчидан,* гаровга қўйилган мол-мулк то кредитлар тўла тўланмагунча сотилиши ёки бошқа усулда бировга ўтказилишига йўл қўйилмаслиги.

Гаров *таъминлаш хусусиятига* кўра, *биринчидан,* қонунга кўра, ҳар қандай мажбурият гаров билан таъминланиши; *иккинчидан,* кредиторнинг фақат ҳақиқий талабигина гаров билан таъминланиши.

Гаров *қоплаш хусусиятига* кўра, *биринчидан,* қарздор ўз мажбуриятини бажариши даврийлигида гаровга қўйилган мулкнинг мавжуд бўлиши; *иккинчидан,* мулкнинг гаровга қўйилиши ҳар доим қарздор ёки учинчи шахс (гаровга қўювчи) иродаси билан шартнома асосида вужудга келиши; *учинчидан,* кредитор ва қарздор ҳисоб-китоб қилаётган вақтда гаров билан таъминланган мулк тўлиқ ҳолда сақланишда бўлишлиги; *тўртинчидан,* гаровга қўйилган мулкнинг баҳоси пулнинг қадрсизланишига мувофиқ равишда ошиб бориши; *бешинчидан,* қарздор мажбуриятини бажармаганида кредитор-

[1] Скворцов В.В. Функции залога и их характеристики//Гражданин и право, 2001, - №11.

нинг барча йўқотишларини қоплаш мақсадида ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратилиши.

Саккизинчидан, гаров деликт ва шартномадан ташқари мажбуриятларни ҳам таъминлай олиш хусусиятига эга.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 145-моддаси тўртинчи қисмига “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади” деган тарзда ўзгартириш киритилди. Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 6 октябрь куни қабул қилинган 808-сонли қарор билан тасдиқланган “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг[1] 29-бандида, гаров шартномаси қарздор ва ундирувчи ўртасида алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш ва алимент мажбуриятлари икки ойдан ортиқ муддат давомида бажарилмаган тақдирда ундирувчига ундирувни гаров предметига қаратиш ҳуқуқини бериш учун тузилади деб қайд қилинган.

Германия Фуқаролик Тузукларининг алимент тўлашни таъминлашга бағишланган 1585а – параграфига кўра, мажбуриятли шахс талабга биноан таъминот тақдим этилиши шарт, таъминлаш турлари мажбуриятдан келиб чиққан ҳолда бел-

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-сонли қарор билан тасдиқланган “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/3967908

гиланади. 232-параграфи (таъминлаш турлари)да кўрсатилган чекловлар бунга амал қилмайди[1].

Таҳлилларга асосан, алимент тўғрисидаги талабларни таъминлашдаги чекловни олиб ташлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 267-моддасидан бу каби талаблар гаров предмети бўла олмайди деган қоида чиқарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 268-моддасига асосан, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров талабнинг уни қондириш пайтидаги ҳажмини таъминлайди, хусусан фоизлар, неустойка, ижрони кечиктириб юбориш натижасида етказилган зарар тўланишини, шунингдек гаровга олувчининг гаровга қўйилган ашёни сақлашга қилган зарур харажатлари ва ундирув харажатлари тўланишини таъминлайди[2]. Қайд қилинган ҳолатлар, гаров шартномаси деликт ва шартномадан ташқари мажбуриятлар бажарилишини таъминлай олишидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”да Гаров муносабатлари ҳақидаги нормаларни ривожлантириш, жумладан таъминлаш чораларини расмийлаштириш тартибини соддалаштириш[3] вазифаси қўйилганлигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига гаров таъминотини расмийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган ўзгарти-

---

[1] German Civil CodeBGB/https://www.gesetze-im-internet.de/englischbgb/englischbgb.Pdf.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#154456

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/4272621

риш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, 267-моддаси 1-қисмидан *“алиментлар тўғрисидаги талаблар*” деган сўзлар чиқарилиши;

мазкур модда 3-қисм билан тўлдирилиши таклиф этилиб, унда тарафларнинг ўзаро келишувига асосан, алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш юзасидан шартнома тузилиши, шартнома алимент мажбуриятлари икки ойдан ортиқ муддат давомида бажарилмаган тақдирда ундирувчига ундирувни гаров предметига қаратиш ҳуқуқини бериши, алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлашда гаров қиймати қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозимлиги баён этилган.

Иккинчидан, 280-моддаси 2-қисми билан тўлдирилиши таклиф этилиб, унда тараф шартнома шартлари билан гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги туфайли келиб чиққан талабларни гаровга қўйилган мулк ҳисобига қондириш учун ундиришни мажбуриятларни таъминлаш сифатида гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли эканлиги баён этилган. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги туфайли келиб чиққан талабларни гаровга қўйилган мулк ҳисобига қондириш учун ундиришни мажбуриятларни таъминлаш сифатида гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш судсиз тартибда соддалаштирилган шаклда амалга оширилади.

Назаримизда, гаровни қўллаш учун қуйидаги асос мавжуд бўлиши, мезонлар бузилиши ва шартлар[1] юзага келганлигига риоя қилиш лозим:

асос – шартнома ёки қонун (ЎзР ФК 264-моддаси 4-қисми);

[1] 12-иловага қаранг.

мезон – қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги (ЎзР ФК 279-модда 1-қисм).

шарт – мажбуриятда йўл қўйилган бузилиш жиддий ва аҳамиятли бўлиши ҳамда гаровга олувчи талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулк қийматига мос келиши. Ўзбекистон Республикаси "Гаров тўғрисида"ги Қонунининг 26-моддаси 3-қисмига асосан, агар гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзимас бўлса ва шу туфайли гаровга олувчи талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига аниқ мос келмаса, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни рад этиш мумкин. Мазкур қонуннинг 26-моддаси 1-қисмига кўра, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин[1].

Баъзан шартнома тарафлари манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ушбу қоидадан ҳам *чекинишга йўл қўйилиши мумкин*. Масалан, мажбуриятларнинг бажарилиши ипотека билан таъминланган даврий тўловлар муддатлари мунтазам равишда бузилган ҳолатда қўлланилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги Қонуни 36-моддаси 2-қисмига асосан, даврий тўловлар билан бажариладиган мажбуриятни таъминлаш учун ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга, бу тўловларни тўлаш муддатлари мунтазам равишда, яъни ўн икки ой давомида уч мартадан ортиқ бузилган тақдирда, йўл қўйилади[2].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/acts/59914

[2] Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/acts/1063359

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида гаровни тарафлар тўғри танлашлари учун унинг афзалликлари ва нуқсонлари хусусидаги қуйидаги хулосамизни келтирамиз:

гаровнинг афзалликлари: гаров билан нафақат асосий мажбурият бажарилиши таъминланади, шу билан биргаликда, гаров предметини сақлаш учун қилинган харажатлар, шунингдек, неустойка ва бошқа келтирилган зарарлар ҳам қопланади; гаров предметини эгаллаш мажбурият бажарилишини энг юқори даражада кафолатлаш имкониятини яратади.

Гаровнинг нуқсонлари: гаров предметининг харидоргирлигини эътиборга олган ҳолда эҳтиёткорлик билан танлаш лозим; баъзи харидоргир мол-мулк (кўчмас мулк, интеллектуал мулк объектлари, қимматли қоғозлар) гаров сифатида расмийлаштириш бўйича қўшимча харажатлар қилинади; гаров нарсасини сақлаш учун харажатлар қилинади; гаров нарсанинг тасодифан нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфи уни ушлаб турувчи зиммасига тушади.

Хулоса шуки, гаров тарафлар томонидан тузиладиган ҳар қандай мажбуриятлар бажарилишини таъминлай оладиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг универсал усули бўлиб ҳисобланади.

4.2. Қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал усули сифатида

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг неустойка, гаров, кафиллик ва кафолат каби усулларига қараганда ушлаб қолиш усули фуқаролик ҳуқуқи назариясида кам ўрганилган ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида фақатгина 2 та модда (290–291-моддалар) мавжуд бўлиб, талабларни ушлаб қолинган ашё ҳисобидан қондириш ҳажми ва тартиби гаров билан таъминланган талабларга ҳавола қилинганлиги (ЎзР ФК 291-моддаси) сабабли, амалиётда у билан боғлиқ

ҳолда юзага келаётган турли муаммоларни мазкур нормалар ёрдамида тартибга солишнинг имконияти мавжуд эмас.

Ушлаб қолишнинг алоҳида шаклларини қўллаш амалиёти континенталь ҳуқуқига қараганда оммавий ҳуқуқ тизимида анча ривожланган. Инглиз умумий ҳуқуқида ушлаб қолиш (Lien)нинг умумий тушунчаси учта асосий турни – ушлаб туриш ҳуқуқини (Possessory lien), тенг ҳуқуқлиликдан келиб чиққан ҳолда ушлаб қолиш (Equitable lien) ва денгиз савдосида ушлаб қолишни (Maritime lien) ўз ичига олади[1].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 291-моддасида ашёни ушлаб қолган кредиторнинг талаблари унинг қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган хажмда ва тартибда қондирилиши кўрсатилган бўлса-да, бироқ ушлаб қолиш мустақил таъминлаш усули сифатида гаровдан бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туришини англаб етиш учун ушбу иккита усулнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларига тўхталиш муҳим ҳисобланади.

И.Б. Зокиров ва Ш.Н.Рўзиназаровнинг фикрича, ушлаб қолиш ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, ушлаб қолишда ашё фақат кредитор ихтиёрида бўлади, гаров нарсаси эса қарздорда ҳам, учинчи шахсда ҳам сақланиши мумкин. Иккинчидан, ушлаб қолинаётган ашё кредитор ихтиёрига турли асослар бўйича ўтган бўлиши, масалан, гаров нарсаси эса ҳар доим қарздор ёки учинчи шахс (гаровга қўювчи) иродаси билан шартнома асосидагина вужудга келади в.б. Демак, агар шартномада бошқача шарт назарда тутилмаса, ушлаб қолиш қўлланилади[2]. Ушбу фикрларни маъқуллаган ҳолда қайд қи-

---

[1] Суюнова Д.Ж. Современные способы обеспечения договорных обязательств: национально-правовое и международно-правовое регулирование /https://articlekz.com/article/7130

[2] Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм, -Т.: ТДЮИ. 2005, -Б.330; Рўзиназаров Ш.Н. Мажбуриятларни бажаришни таъминлаш

лиш лозимки, бу фикрларда ушлаб қолиш мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг мустақил усул сифатида ўзига хос хусусиятлари гаров билан қиёсий таҳлил орқали аниқ ифодалаб берилган.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари бўлган гаров ва қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш қуйидагича *ўхшаш жиҳатларга эга:*

– ҳар иккаласи ҳам мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули;

– ҳар иккала таъминлаш усулида ҳам қўшимча равишда зарарни ундириш имконияти мавжуд.

Гаров билан ушлаб қолишнинг *фарқли жиҳатлари:*

предмети бўйича:

– гаровнинг предмети **–** мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар;

– ушлаб қолишнинг предмети **–** ашё;

– гаровда – предмет олдиндан маълум; ушлаб қолишда – предмет олдиндан маълум бўлмайди;

предмет қайси тарафда бўлиши жиҳатидан:

– гаровда предмет **–** қарздорда (закалатда ва бир қатор бошқа ҳолларда) бўлади;

– ушлаб қолишда предмет – кредиторда бўлади;

мажбурият қандай юзага келиши жиҳатидан:

– гаровда **–** шартномадан юзага келади;

– ушлаб қолишда **–** тўлов ёки ашёни ушлаб қолиш ёки зарарларни ундириш билан боғлиқ мажбуриятдан юзага келади;

шакли бўйича:

-гаровда **–** ёзма, ҳақиқий саналмаслиги бир қатор ҳолатларда нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим;

усули сифатида мол-мулкни ушлаб қолишнинг аҳамияти. //Иқтисод ва ҳуқуқ. Экономика и право. –2017. –№12. –Б.33.

-ушлаб қолишда – шартнома, қонундан келиб чиқадиган турли асосларда;

қачондан бошлаб тузилган деб ҳисобланиши бўйича:

-гаров – консенсуал, агар шартномада бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, закалат бўлган ҳолатларда реал; ушлаб қолиш – реал;

қандай муносабатлар юзага келиши нуқтаи-назаридан:

-гаров – шартномавий муносабат, ушлаб қолиш – бир томонлама битим муносабатлари юзага келади ва ҳ.к.

Бу ўринда Ш.Рўзиназаровнинг қуйидаги фикрини келтириш жоиз, ушлаб қолишга хос ҳуқуқий белгилар биринчидан, қонунга мувофиқ ушлаб қолиш бўйича бир томонлама битим муносабатлари вужудга келади; иккинчидан, кредитор (ретентор)ни ҳақиқий эгалигида ашёнинг мавжуд бўлиши; учинчидан, қарздордаги ашё қонуний йўл билан қўлга киритилган бўлишида; тўртинчидан, талабларнинг гаров ҳақидаги қоида бўйича ашёни қийматидан қаноатлантириш имконияти яратилишида; бешинчидан, кредиторга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган (ўз ашёсини ушлаб қолиш) ашёни ушлаб қолишга йўл қўйилмаслигида намоён бўлади, чунки мажбуриятнинг таъминот хусусияти шу билан изоҳланадики, бегона мулк таркибидан (ўз мулкидан эмас) талабни қаноатлантириш мумкин бўлади[1].

Фикримизча, ушлаб қолиш гаровга нисбатан қулай ва мобил усул ҳисобланади. Бу хусусда амалиётчи юрист АКБ “Минск Комплекс Банк” Юридик бошқармаси бошлиғи Денис Калимов банк фаолиятида гаров ва ушлаб қолиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш натижаларига кўра қуйидаги фикрини баён этади: Банк “А” АЖга товар гарови эвазига 100000 АҚШ доллари миқдорида кредит беради. Кейинчалик шу АЖга де-

[1] Рўзиназаров Ш.Н. Мажбуриятларни бажаришнинг таъминлаш усули сифатида мол-мулкни ушлаб қолишнинг цивилистик моҳияти // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. -№5. -2020, -Б.15.

биторлик қарздорлиги (мулкий ҳуқуқлар) гарови эвазига 50000 АҚШ доллари миқдорида кредит берилади. Биринчи кредит бажарилиб, товар гарови бўйича мажбурият тугайди. Лекин иккинчи кредит бажарилмаган тақдирда, банк маъқул топса гаров ҳуқуқидан эмас, балки биринчи кредит бўйича қарздорнинг банкда бўлган товарини иккинчи кредит бўйича қарздор мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш учун ушлаб қолиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Банк гаровга қўйилган мулкка ундирувни қаратиш ҳақидаги қоидаларга асосан ундирувни қаратиши мумкин. Ушлаб қолиш ҳуқуқини амалга ошириш учун мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ушбу усули иккинчи кредит шартномасида алоҳида кўзда тутилиши талаб қилинмайди. Шундай қилиб, ушлаб қолиш ҳуқуқи гаровга қараганда **мобил** усул ҳисобланди[1].

Ушлаб қолиш кредитор томонидан қарздорга унга тегишли бўлган, ёинки унга ёки у кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни, қарздор ўз мажбуриятларини бажармагунча бермаслигидир. Ушлаб қолишни кенг қўллаш учун катта имкониятлар мавжуд[2]. Ушбу фикрлардан ушлаб қолишнинг умумфуқаролик ҳамда савдо (тадбиркорлик) ушлаб қолиш каби турланишидан келиб чиққан ҳолда бу борада келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солишидан унинг қўлланилиш доираси кенг ва катта имкониятларга эга эканлигини англаш мумкин.

Умумфуқаролик ушлаб қолишга оид қоидалар – ЎзР ФКнинг 290-моддаси 1-қисмида қуйидагича ифодаланган, қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у

---

[1] Калимов Д. Удержание как новый способ обеспечения кредитов. //Банкаўскі веснік, чэрвень 2002, -С.13.

[2] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 71 б.

билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли[1].

Савдо (тадбиркорлик) ушлаб қолишга оид қоидалар – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 290-моддаси 2-қисмида қуйидагича ифодаланган, гарчи ашёнинг ҳақини тўлаш ёки унинг чиқимларини ва бошқа зарарни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса-да, бироқ тарафлари тадбиркорлар сифатида иш кўраётган мажбуриятдан келиб чиққан талаблар ҳам ашёни ушлаб қолиш билан таъминланиши мумкин[2].

Шундай қилиб, гарчи ашёнинг ҳақини тўлаш ёки унинг чиқимларини ва бошқа зарарни тўлаш билан боғлиқ бўлмасада, агар томонлар тадбиркорлар сифатида иш кўраётган бўлса, кредиторга тушган қарздорнинг ҳар қандай ашёси, унинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ушлаб қолиниши мумкин[3].

Ашёни мажбуриятни бажарилгунига қадар ушлаб қолиш орқали ундан фойдаланишнинг чеклаб қўйилиши қарздорга мажбуриятини ўз вақтида бажариб, ашёсини тезда қайтариб олишига рағбатлантиради.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда ушлаб қолиш мобил усул сифатида ўз ўрнига эга бўлиб, ҳар қандай, айниқса, тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаши мумкин.

Шунингдек, ушлаб қолиш ўзида универсал усулларга хос хусусиятларни намоён қилади. Бунда, Д.В.Новакнинг ушлаб

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#154456

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/docs/111189#154456

[3] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. (Профессионал (малакали) шарҳлар).-Б.676.

қолиш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал усулига айланганлиги ҳақидаги фикрини келтириб ўтиш ўринли бўлар эди[1]. Ўз даврида Л.Н.Якушина ушлаб қолиш шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг универсал усули ҳисобланади[2] деган фикрини илгари сурган. Д.В.Новакнинг фикрини маъқулласак-да, Л.Н.Якушинанинг нуқтаи назари баҳсли эканлигини қайд этиш жоиз. Чунки ушлаб қолинаётган ашё нафақат шартнома, балки турли асослар бўйича кредиторга ўтиши билан вужудга келадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг универсал усули ҳисобланади.

Ушлаб қолиш мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг универсал усули сифатида олинган мажбурият доирасида ижобий ҳаракатни амалга оширишга қарздорда рағбат уйғотиш билан кредитор унинг ички туйғуларига таъсир кўрсатишига таянган ҳолда муносабатларга қўлланадиган универсал таъминлаш воситаси ҳисобланадиган мажбурият ҳуқуқининг институти сифатида ўзини намоён этади.

Фикримизча, ушлаб қолишнинг универсал усули эканлиги унинг қуйидаги хусусиятларида намоён бўлади:

Биринчидан, ушлаб қолиш ашёвий-ҳуқуқий ва мажбуриятли-ҳуқуқий хусусиятга эга.

Бу ўринда В.А.Белов “ушлаб қолиш ҳуқуқининг ашёвий табиати фойдасига иккита далил”ни ажратиб кўрсатади: (1) унинг мазмуни – ретентор объектга эгалик қилиши (бевосита хукмронлик қилиш) ва (2) унинг объекти ўзига хос муайян ашё бўлиши”. У ўз фикрини давом эттириб, “у ўзига тегишли бўл-

[1] Новак Д.В. Соотношение самозащиты гражданских прав и права удержания. //Хозяйство и право. -2002. -№ 6.

[2] Якушина Л.Н. Удержание в системе способов обеспечения исполнения обязательств: Автореф. дисс.к.ю.н. -Казань, -2002. -С.6.

маган ашёга нисбатан белгиланганлиги сабабли, бу чекланган ашёвий” бўлишини таъкидлайди[1].

В.А.Беловнинг фикри бироз баҳсли. Чунки ушлаб қолишнинг марказида ашё турса-да, уни ушлаб қолиш мажбурияти асосида юзага келишини инобатга оладиган бўлсак, унинг ашёвий-ҳуқуқий ва мажбуриятли-ҳуқуқий хусусиятга эга эканлигини англаш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 290-моддаси 1-қисмига асосан, қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган *ашёни* сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли *мажбурият* бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли. Бунда ҳуқуқшунос олимларнинг, ушлаб қолиш ҳуқуқи факти, энг аввало асосий мажбуриятнинг ёки талаб қилиш ҳуқуқининг мавжуд бўлиши билан изоҳланади деган фикрларини[2] келтириш жоиз.

Иккинчидан, ушлаб қолиш қарздор кредиторига бошқа кредиторларга қараганда имтиёз тақдим эта олиш хусусиятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 291-моддасида ашёни ушлаб қолган кредиторнинг талаблари унинг қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган ҳажмда ва тартибда қондирилиши[3] белгиланганлиги муносабати билан ЎзР “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси 2-қисмида қайд қилинган, қарздор (гаровга қўювчи) гаров билан таъминланган мажбуриятни ба-

---

[1] Белов В.А. Очерки вещного права, научно-полемические заметки. -М.: Юрайт, 2015. -С.101.

[2] Рўзиназаров Ш, Бабаев Ж, Иноятова С, Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 73 б.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#154456

жармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича гаровга қўювчи томонидан гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли равишда қаноатлантирилишига ҳақли бўлади деган қоида[1] ушлаб қолишга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ҳуқуқий манбаларда қайд этилишича, ашёнинг бошқа шахс фойдасига воз кечилган ҳолатда ҳам, кредиторнинг ашёни ушлаб қолишга бўлган ҳуқуқларининг имтиёзли устуворлигини белгилайди. Мазкур меъёрга мувофиқ, ашё кредитор эгалигига ўтганидан кейин унга бўлган ҳуқуқлар учинчи шахс томонидан олинганлигига қарамасдан, кредитор ўз қўлидаги бу ашёни ушлаб қолиш ҳуқуқига эга[2].

Демак, ушлаб қолишни қўллашда кредитор бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзга эга бўлади.

Учинчидан, ушлаб қолишда эркин шаклда қўллаш хусусияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 280-моддаси 1–2-қисмларига асосан, гаровга олувчи (кредитор)нинг талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилиши ҳамда гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/acts/59914

[2] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. (Профессионал (малакали) шарҳлар).-Б.677.

шахснинг даъвосига кўра, бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин[1]. Бу қоидаларнинг ЎзР ФКнинг 291-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда, ушлаб қолишга нисбатан ҳам татбиқ этилиши унинг судга мурожаат қилмасдан ёки суд қарорига асосан қўллаш мумкинлиги қўллаш тартибини эркин танлаш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Тўртинчидан, ушлаб қолиш оммавий равишда фойдаланиш учун қулай.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 155-сонли қарори билан тасдиқланган "Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 14-банди хатбошисига асосан, гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига кредиторнинг ҳуқуқлари тавсифи: сифатида ушлаб қолиш ҳақидаги ёзувлар қиритилади[2]. Бу ёзувлардан интернет орқали танишган фуқаролик ҳуқуқи субъектлари мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули бўлган ушлаб қолишдан оммавий равишда фойдаланишлари мумкин. Бу борада ҳуқуқшунос олимлар ушлаб қолишни кенг қўллаш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлашиб[3], бир нечта мисолларни келтиришади "Агар Сиз пойафзалингизни тузатиш учун берсангиз ёки кастюмни тозалаш учун топширсангиз, то тугатиш ёки тозалаш ҳақини тўлагунча хизмат кўрсатувчи шахс пойафзал ёки кастюмни ушлаб туришга ҳақлидир"[4] ёки бўлмаса, маиший техникани таъмирлаш бўйича уста у таъмир-

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://www.lex.uz/docs/111189#154456

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 155-сонли қарори билан тасдиқланган "Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси./https://lex.uz/docs/2410429#4141049.

[3] Рўзиназаров Ш., Бабаев Ж., Иноятова С., Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 71 б.

[4] Silvertown A.H. Law of Lien. London. 1988. -P.1.

лаган телевизорни, телевизор эгаси таъмирлаш бўйича хизмат ҳақини тўламагунча ушлаб туриши мумкин.

Ушлаб қолишнинг оддийлиги, ишончлилиги ва юқори самарадорлиги уни хорижий шартномавий ҳамшериклар иштирокидаги алоқаларда ҳам оммавий қўллаш учун қулайлик яратади[1].

Қайд қилинган фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, ушлаб қолиш оддий ва оммавий равишда кенг фойдаланишга қулай бўлган таъминлаш усулидир.

Бешинчидан, ушлаб қолиш билан кўчар ёки кўчмас ашё билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мажбурият бажарилиши таъминланиши мумкин.

Бу ўринда, Н.В.Южанин кўчар, шунингдек, кўчмас ашёларга ҳам ушлаб қолиш тўлиқ қўлланилиши мумкин деб ҳисоблайди ва муаллифнинг фикрича, бу борада қонунчиликка тузатишлар киритиш керак эмас[2].

Кўчмас мулкни ушлаб қолиш амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги қуйидаги мисолдан ҳам ойдин бўлади. Айтайлик, Банк томонидан бинони ижарага олиш шартномаси тузилиб, ижарага берувчининг розилиги билан катта миқдордаги маблағни ажратиш эвазига бино таъмирланади. Ижара муддати тугагач, мулк эгаси уни узайтиришдан ва таъмирлашнинг ажратиб бўлмас қисми билан боғлиқ тўловларни тўлашдан бош тортади. Бундай вазиятда, банк Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 290-моддасига асосланган ҳолда бинони бўшатишдан бош тортиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, ушлаб қолишга оид битимлар нотариал тасдиқланиши талаб қилинмайдиган ёхуд давлат рўй-

---

[1] Суюнова Д.Ж. Современные способы обеспечения договорных обязательств: национально-правовое и международно-правовое регулирование /https://articlekz.com/article/7130

[2] Южанин Н.В. Удержание как способ обеспечения исполнения обязательств //Юрист. 2003. -№2. -С.8.

хатидан ўтказилиши лозим бўлмаган объектларга нисбатан амал қилса-да, бироқ А.С.Цахариас томонидан суд амалиётида кўчмас мулк қиймати кредитор талабига айнан мувофиқ келмаслиги, шунингдек кредитор ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилиши мумкинлиги инобатга олинган ҳолда унинг ушлаб қолинишига йўл қўйилмаслиги таъкидланади[1]. А.С.Цахариас томонидан қайд этилган ҳолатларга асосан, кўчмас мулкни ушлаб қолиш рад этилиши билан келишмаймиз. Чунки бу ерда бош масала мулк ҳуқуқининг кредиторга ўтиши эмас, балки қарздорнинг мажбурияти бўйича юзага келган кредиторнинг талабларини қаноатлантиришдан иборат бўлиб, ушлаб қолиш ҳуқуқини қўллаш ўз-ўзидан мулк ҳуқуқининг ўзгаришига дахл қилмайди.

Бу ўринда ҳуқуқий адабиётлардаги қуйидаги фикрни келтириш жоиз, ушлаб қолишга бўлган ҳуқуқнинг қўлланилиши ўз-ўзидан мулк ҳуқуқининг кредиторга ўтишини назарда тутмайди. Кредитор фақат ушлаб қолинган ашёнинг қийматидан ўз талабларини қондириши мумкин[2].

Демак, кўчар ёки кўчмас ашё ушлаб қолиниши мумкинлиги ушлаб қолишнинг ўзига хос хусусиятга эга эканлигини намоён қилади.

Олтинчидан, ушлаб қолиш кўп тармоқли хусусиятга эга.

Ушлаб қолиш мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида кредиторнинг ҳуқуқ ва манфаатларини *ҳимоя қилиш* ҳамда қарздорда мажбуриятини бажаришига *рағбат уйғотиш* вазифасини бажаради. Ушлаб қолишнинг ушбу вазифаларни бажариши унинг *таъминлаш ва қоплаш функцияларига* эга эканлигидан далолат беради.

---

[1] Цахариас А.С. К вопросу о допустимости удержания недвижимого имущества. // Юридические науки: проблемы и перспективы: материалы междунар. заоч. науч. конф.(г. Пермь, март 2012 г.). – Пермь: Меркурий, 2012. -С.96-101.

[2] Рўзиназаров Ш, Бабаев Ж, Иноятова С, Нуралиев М. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 71 б.

Ушлаб қолишнинг *таъминлаш функцияси* миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 639-моддасига асосан, шартноманинг бажарилиши муносабати билан буюртмачи пудратчига белгиланган тегишли ҳақни ёки бошқа суммани тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, буюртмачи томонидан тегишли сумма тўлангунга қадар пудратчи ишнинг натижаларини, шунингдек буюртмачига тегишли ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашёларни, фойдаланилмай қолган материал қолдиғи ва пудратчининг ихтиёридаги бошқа мол-мулкни ушбу Кодекснинг 290 ва 291-моддаларига мувофиқ ушлаб қолиш ҳуқуқига эга[1].

Фуқаролик Кодексининг 818-модда 5-қисмига асосан, тижорат вакили сифатида иш олиб борувчи ишончли вакил ушбу Кодекснинг 290-моддасига мувофиқ, топшириқ берувчига топширилиши керак бўлган ўз қўлидаги ашёларни топшириқ шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли[2].

Фуқаролик Кодексининг 839-моддасига биноан, воситачи ушбу Кодекснинг 343-моддасига мувофиқ, воситачилик шартномаси бўйича ўзига тегишли бўлган суммаларни комитент ҳисобидан ўзига тушган ҳамма суммалардан ушлаб қолишга ҳақли. Бироқ комитентнинг ўз талабларини қондириш навбати бўйича гаров сақловчилар олдида имтиёздан фойдаланадиган кредиторлари бу талабларни воситачи ушлаб қолган суммалардан қаноатлантириш ҳуқуқидан маҳрум этилмайдилар[3].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/180552#186479

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#183894

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/180552#183894

Ўзбекистон Республикаси “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси 8-қисмига кўра, темир йўл транспорти корхоналари уларга ташиш учун берилган юкларни тегишли ташиш ҳақининг ва ташишга доир бошқа тўловларни таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушлаб қолиш ҳуқуқига эга[1]. Юқорида қайд қилинган нормаларда ушлаб қолишнинг *таъминлаш функцияси* намоён бўлади.

Бундан ташқари, ушлаб қолишнинг кредитор ҳуқуқини ҳимоя қилиш – келтирилган зарарни *қоплаш функцияси* қонунчилигимизда қуйидагича ўз ифодасини топган: агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортганида, пудратчи шартномага биноан иш натижаси буюртмачига топширилиши керак бўлган кундан бошлаб бир ой ўтгач ва шундан кейин буюртмачини икки марта огоҳлантирган ҳолда иш натижасини сотиб юборишга, тушган пулни эса пудратчига тегишли ҳамма тўловларни чегириб ташлаб, нотариал идоранинг депозитига буюртмачининг номига киритиб қўйишга ҳақли. Пудратчи пудрат нарсасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб қолиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли (ЎзР ФК 646-модда 6-қисм[2]).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 664-моддасига кўра, буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилиш учун келмаган ёки ишни қабул қилишдан бошқача тарзда бўйин товлаган тақдирда, пудратчи буюртмачини ёзма равишда огоҳлантириб, бундай огоҳлантиришдан кейин икки ой ўтгач, ишнинг натижасини оқилона нархда сотишга, тушган

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/docs/13081

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#183894

пулни эса ундан ўзига тегишли бўлган бутун тўловларни чегириб қолиб, ушбу Кодекснинг 249-моддасига мувофиқ буюртмачининг номига депозитга ўтказишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда пудратчи иш натижасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин[1].

Кредиторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва қарздорни ўз мажбуриятини бажаришига рағбат уйғотиши каби хусусиятларга эга эканлиги ушлаб қолишни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида эътироф этиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Бу ўринда, Н.В.Южаниннинг қуйидаги фикрини келтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди: ашёни ушлаб қолиш ҳуқуқи бир томонлама ҳуқуқни ҳимоя қилувчи, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи-таъминловчи деган номланишига мос равишда шартномавий шерик мажбуриятини бажаришига рағбат уйғотиш орқали мажбуриятларнинг ҳақиқатда бажарилишини таъминлаш чораси сифатида ўзини намоён қилади[2].

Юқорида қайд қилинган ҳолатларга кўра, ушлаб қолишни мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг универсал усули деб эътироф этиш мумкин. Зеро, Е.В.Коршикова таъкидлаганидек, ушлаб қолишнинг ҳуқуқий табиатини таҳлил қилиш, унинг содда ва универсал хусусияти етарли даражада юксак самарали мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули эканлигидан далолат беради[3].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#183894

[2] Южанин Н.В. Характер владения вещью при применении права удержания.//Юристъ-Правоведъ, 2016, № 6 (79). -С.57.

[3] Коршикова Е.В. Правовая природа удержания как способа обеспечения исполнения обязательств.//Актуальные проблемы Российского права. -2010. -№3.-С.162.

Шунингдек, ушлаб қолишни қўллаш масаласи хусусида тўхталиб, шуни қайд қилиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 291-моддасига асосан, ашёни ушлаб қолган кредиторнинг талаблари унинг қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган ҳажмда ва тартибда қондирилади[1]. Бироқ гаров шартномали ва деликт ҳамда шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлса, ушлаб қолишни шартномавий муносабатларда қўллаш мумкин. Ушлаб қолишни шартномадан ташқари мажбуриятларда қўллаш ноқонуний, чунки бундай муносабат ўзбошимчалик билан юзага келади. Зеро, Германия Фуқаролик Тузукларининг 1000-параграфида қайд қилинишича, эгалловчи қилган харажатлари тегишли равишда қопланмагунига қадар ашёни беришдан бош тортиши мумкин. Агар у тақиқланган ҳаракатларни қасддан амалга ошириш натижасида ашёни қўлга киритган бўлса, ашёни ушлаб қолишга ҳақли эмас[2].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида ушлаб қолишни қўллаш гаровни қўллашга оид қоидалар билан тартибга солиниши кўрсатилган бўлса-да, бироқ ушлаб қолишни қўллаш гаровни қўллашдан фарқ қилиб, мураккаблик касб этади.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан, мажбурият бажарилишини таъминлаш усули сифатида ушлаб қолишни қўллаш учун бир қанча *шартлар* мавжуд бўлиши лозимлиги таъкидланса-да, бироқ бу борада ягона фикр мавжуд эмас. Жумладан, В.В.Диаконов томонидан ушлаб қолиш учун учта шарт, яъни унинг нарсаси қарздорга тегишли бўлган ашё кредитор эга-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасиhttps://lex.uz/docs/111189

[2] Гражданское уложение Германии (ГГУ) Burgerliches Gesetzbuch Deutschlands mit Einfuhrungsgesetz (1900) http://oceanlaw.ru/wp-content/uploads/2018/02/1900-Гражданское-уложение-1.pdf

лигида бўлиши; таъминланувчи мажбурият ушбу ашё билан бевосита боғлиқ бўлиши (унинг қийматини тўлаш, у билан боғлиқ чиқимларни ва бошқа зарарларни қоплаш); қарздор томонидан бу мажбурият бажарилишини кечиктириш ўринли бўлсагина қўлланилиши[1] ҳамда Г.Б.Леонова томонидан, биринчидан, бегона ашё, шунингдек мулк ҳуқуқи билан бошқа бир шахсга тегишли ашё. Иккинчидан, ашё кредиторда бўлиши. Учинчидан, кредитор ашёни қонуний асосда эгаллаши. Тўртинчидан, ушлаб қолиш фақат мажбурият бузилганидан кейин вужудга келиши. Бешинчидан, асосий шартномада бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, кредитор унда турган қарздор ашёсини ушлаб қолишга ҳақли бўлиши лозимлигини эътироф этилади[2].

В.В.Диаконов ва Г.Б.Леоноваларнинг фикрлари баҳсли, чунки қайд этилган шартлар ушлаб қолиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи шартлардир. Ҳолбуки, “ушлаб қолиш ҳуқуқи” ва “ушлаб қолиш” бир хил категория эмас.

Бу ҳолат турли ҳуқуқ тизимларида турлича, хусусан, миллий қонунчилигимиз, яъни Фуқаролик Кодекси 290-моддаси 1-қисмида, қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли[3] ҳамда Япония Фуқаролик Кодексининг 295-моддасида эса ушлаб қолиш ҳуқуқи мажбуриятлар бажарилишининг ашёвий-ҳуқуқий кафолатларига тааллуқли бўлиб, бошқа шахсга тегишли ашёни у билан боғлиқ бўлган

---

[1] Диаконов В.В. Гражданское право РФ (Общая часть) Учебное пособие. /Allpravo.ru 2003.//http: //www.allpravo.ru/library/doc99p0/instrum959/item1291.html.

[2] Леонова Г.Б. Применение право удержания в тарговом обороте // Вестник Масковского университета. Серия II.Право. 2002. -№1. -С.72.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасиhttps://lex.uz/docs/111189

мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб туришдан иборат[1] деган тарзда баён этилган.

Масалага ойдинлик киритиш учун Ш.Н.Рўзиназаровнинг қуйидаги фикрини келтирамиз, яъни ушлаб қолиш ҳуқуқи таъминловчи субъектив фуқаролик ҳуқуқи бўлса, ушлаб қолиш бунга ҳақли бўлган шахс томонидан ҳуқуқни амалга оширишдир. Ушлаб қолишга хос мажбуриятни таъминловчи функция характерли бўлиб, кредиторнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишда яққол намоён бўлади. Кредиторнинг ашёни ушлаб қолишдан кўзланган асосий мақсади ўзини қўшимча мулкий харажатлардан сақлашдир[2].

Ш.Н.Рўзиназаровнинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда айтиш мумкинки, ушлаб қолишни мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг мустақил усули сифатида мажбурият вужудга келганидан бошлаб қўлланилиши лозим. Зеро, бир тараф мажбуриятини тўла бажариб бўлгач, иккинчи тарафдан бажарилган ишнинг ҳақи тўланишига тақалиб қолганида ушлаб қолишни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Ушлаб қолишни қўллашда ушлаб қолиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи шартлар мавжуд бўлиши муҳим ҳисобланса-да, миллий қонунчилигимизда буни ифодалайдиган норма йўқ, бироқ у хорижий мамлакатлар Фуқаролик кодексларида мавжудлиги ҳақида ҳуқуқий манбаларда келтирилади. Хусусан, Н.П.Зарубинанинг Япония хусусий ҳуқуқи ўқув қўлланмасида қайд қилинишича, Япония Фуқаролик Кодексига биноан, ушлаб қолиш ҳуқуқининг вужудга келиши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим: 1) ушлаб қолинадиган ашё билан боғлиқ бўлган мажбурият ҳуқуқининг мавжуд бўлиш; мажбу-

---

[1] Зарубина Н.П. Частное право Японии: учеб. пособие / Н.П.Зарубина. -Хабаровск: Изд. Тихоокеан. гос. ун-та, 2016. –С.39.

[2] Рўзиназаров Ш.Н. Мажбуриятларни бажаришни таъминлаш усули сифатида молмулкни ушлаб қолишнинг аҳамияти. //Иқтисод ва ҳуқуқ. Экономика и право. –2017. –№12. –Б.32.

риятни бажариш муддати келиши; 2) ашёга эгалик қилиниши; 3) ашёга эгалик қилиш қонуний бўлиши; 4) ушлаб қолинадиган ашё қарздорнинг мулки бўлмаслиги мумкин. Янада муҳимроқ ушлаб қолиш ҳақидаги нормалар белгиланиши мумкин. Масалан, ушлаб қолинган ашёнинг ҳосилини ўзлаштириш, ушлаб қолинган ашёни ижарага бериш, ашёни тузатиш ва ҳ.к.[1]

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Ушлаб қолинган нарсанинг йўқолиши ёки шикастланиши учун жавобгарлик” деб номланган 291-1-модда киритиш таклиф этилиб, унда нарсани ушлаб турган кредитор ушлаб турилган ашёнинг етишмаслиги ёки шикастланиши учун жавобгар бўлишига оид қоида баён этилди. Мазкур таклифнинг қабул қилиниши ашё эгасининг ҳуқуқини ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Ушлаб қолиш ҳуқуқининг вужудга келиши шарти” деб номланган 291-2-модда киритиш таклиф этилиб, унда ушлаб қолиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи шартларга оид қоида баён этилди. Бу таклифнинг қабул қилиниши билан кредитор қарздорнинг ашёсига бўлган ҳуқуқларини суистеъмол қилишининг олди олинади.

Ушлаб қолишни қўллаш учун қуйидаги асос мавжуд бўлиши, мезонлар бузилиши ва шартлар[2] юзага келганлигига риоя қилиш лозим:

асос – қонун ёки шартнома (ЎзР ФК 290-модда 3-қисм);

мезон – мажбурият муддатида бажарилмаслиги (ЎзР ФК 290-модда 1-қисм);

шартлар – қарздор ушлаб қолинган ашёнинг ҳақини ёки уни ушлаб туриш билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарар-

[1]Зарубина Н.П. Частное право Японии: учеб. пособие / Н.П.Зарубина. -Хабаровск: Изд. Тихоокеан. гос. ун-та, 2016. –С.39-40.
[2]13-иловага қаранг.

ларнинг (ушлаб турилган ашёнинг таъмирланиши харажати) тўламаслиги;

– мажбурият тарафлари тадбиркорлик субъекти бўлганида бошқа ҳар қандай мажбуриятлар бўйича ҳам қарздорга нисбатан талабнома мавжуд бўлиши;

– ашё қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашё бўлиши;

– кредитор ашёни қонуний асосларга кўра эгаллаган бўлиши;

– ашё қарздорнинг мулки бўлиши ёки унга бошқа ҳуқуқларга кўра ўтган ва кредитор учун бегона бўлиши.

Кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қарздор нафақат ушлаб қолинган ашёнинг ҳақини ёки уни ушлаб туриш билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарларни тўламаслиги, шунингдек, у тўловга қобилиятсиз бўлганда ҳам ашёни ушлаб қолишига йўл қўйилиши лозим. Бу каби қоидаларни хорижий мамлакатлар қонунчилигида учратиш мумкин. Масалан, Таиланд Фуқаролик ва Тижорат Кодексининг 243-моддасига кўра, қарздор тўловга лаёқатсиз бўлган тақдирда, кредитор, гарчи унинг талаби ҳали рўй бермаган бўлса ҳам, ушлаб қолиш ҳуқуқига эга. Агар тўловга лаёқатсизлик кредиторга мол-мулк топширилгандан кейин рўй берган бўлса ёки маълум бўлган бўлса, у илгари ўз зиммасига олган мажбурият ёки қарздорнинг кўрсатмаси бунга зид бўлса ҳам, ушлаб қолиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин[1].

Назаримизда, қарздорнинг ашёга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун унга бир қатор ҳуқуқлар берилиши лозим, жумладан, ушлаб қолинган ашё учун таъминот тақдим этиш. Зеро, Таиланд Фуқаролик ва Тижорат Кодексининг 249-моддасида мавжуд унга кўра, қарздор, агар тегишли таъминот тақдим

[1] Thailand Civil and Commercial Code. https://www.samuiforsale.com/law-texts/thailand-civil-code-part-1.html

этса ушлаб қолиш ҳуқуқини бекор қилишни талаб қилиши мумкин[1].

Хулоса сифатида қайд қилиш мумкинки, ушлаб қолиш тарафлар томонидан тузиладиган ҳар қандай ашёвий тусдаги шартномалар бажарилишини таъминлай оладиган мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал усули бўлиб ҳисобланади.

4.3.Товар неустойкаси, суғурта, делькредере, факторинг – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усуллари сифатида

Мажбуриятларнинг бажарилиши учун уларни таъминлашнинг турли самарали усулларини қўллашга бўлган зарурият континенталь ва англосаксон ҳуқуқ тизимлари ўртасида ўзаро яқинлашув, бир-биридан андоза олиш ва имплементация қилиш жараёнини вужудга келтирмоқда. Бу жараёнда ҳуқуқ тизимларида содир бўлаётган мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш соҳасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш учун тегишли таклифларни илгари суриш фуқаролик ҳуқуқи фанининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларидан ташқари, таъминлаш жараёнида ўз ўрнига эга бўлган чораларни таъминлаш усули сифатида эътироф этиш тенденцияси юзага келмоқда. Жумладан, Э.А.Габараев пул талабидан воз кечиш[2], Н.Имомов мажбуриятни муддатидан олдин бекор қилиш, гаров реестрини жорий

[1] Thailand Civil and Commercial Code. Https: //www.samuiforsale.com/law-texts/thailand-civil-code-part-1.html

[2] Габараев Э.А. Обеспечительная уступка денежного требования: обеспечительная мера или способ обеспечения исполнения обязательств? // Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА) №2. 2019 г.

этиш[1] ва Ю.С.Фёдорова, М.Д.Акатьева, А.Омоновлар[2] эса, товар неустойкасини мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг товар неустойкасини мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усули сифатида эътироф этиш хусусидаги фикрларини қўллаб-қувватлаймиз. Бироқ неустойканинг пул кўринишида бўлмаслиги мумкинлиги[3] назарияси ҳуқуқшунос олимлар ўртасида мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу борада ҳуқуқшунос олимларни уни мулкни, маҳсулотни бериш, кредитор учун бирор ҳаракатларни амалга ошириш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни англатишини таъкидлашларидан келиб чиққан ҳолда учта гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ иштирокчилари пул кўринишида бўлмаган неустойкани фақат товарнинг берилиши билан боғлаган ҳолда баён этишга интиладилар. Жумладан, А.А.Новикова товар (ашё) неустойкаси деганда, мажбурият бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида (шу жумладан бажариш кечиктирилганида) муайян шартномага асосан товар (ашё) қарздор томонидан кредиторга берилиши тушунилади[4] деган фикрни илгари сурса, А.И.Коновалов товар неустойкаси ўзида

---

[1] Имомов Н. Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларига нисбатан янгича ёндашувларнинг таҳлили. //Юридик фанлар ахборотномаси. 2/2020. -Б.40.

[2] Фёдорова Ю.С. Товарная неустойка как непоименованный в законе способ обеспечения исполнения обязательств //Вопросы современной юриспруденции: сб. ст. по матер. XVI междунар.науч.-практ.конф.-Новосибирск: СибАК, 2012; Акатьева М.Д. Неустойка – действенный способ защиты нарушенного права. //Правовое регулирование. №3 (171) 2014. -С.28; Омонов А. Неустойка как способ исполнения договорных обязательств // Вестник Высшего хозяйственного суда. 2014. -№9.

[3] Гришин Д.А. Неустойка: вопросы теории и практики. Автореф. дисс. к.ю.н. –М., 2004. -С. 7; Бевзенко Р.С. Неустойка, выраженная в неденежной форме // Законодательство. 2006, №6, -С. 36-43; Бычков А.И. Практические аспекты использования конструкции “вещная неустойка” //Юрист. 2012. -№12, -С.18-23; Карапетов А.Г., Савельев А.И. Свобода заключения непоименованных договоров и ее пределы // Вестник ВАС РФ. 2012.-№4,-С.32-33.

[4] Новикова А.А. Неденежная неустойка: теоретические и практические проблемы применения //Законы России: опыт, анализ, практика. -2011. -№2. -С. 70.

мазкур неустойка билан таъминланган мажбурият бўйича мулк (товар)ни қарздор кредиторга мулк қилиб бериш бўйича қўшимча мажбуриятни ифодалашини таъкидлайди[1].

Шуни таъкидлаш керакки, пул шаклида бўлмаган неустойка тўғрисидаги келишув асосий мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, кредиторга қарздордан шартномада кўрсатилган алоҳида-муайян ашёни (иш, хизмат) бир марталик топшириш (бажариш, кўрсатиш) воситасида ундириш имконини беради. Ўзининг бир марталик берилиш тузилмаси билан жарима (пеня) моделига ўхшайди[2].

Иккинчи гуруҳ иштирокчилари пул кўринишида бўлмаган неустойкани мулкни бериш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлаган ҳолда баён қиладилар. Хусусан, Д.И.Мейернинг фикрича, неустойка қарздор томонидан кредиторга муайян мулкни бериш ёки кредитор учун муайян ҳаракатларни амалга ошириш бўйича тузилади[3].

Учинчи гуруҳ вакиллари пул кўринишда бўлмаган неустойкани бир нечта ҳолатларга боғлаган ҳолда баён этадилар. Масалан, Ф. Шодмоновнинг фикрича, неустойкани қилинаётган иш ёки етиштириладиган маҳсулотнинг фоизи миқдорида ёки аниқ суммада ҳам белгилаш мумкин[4]. Ушбу фикрни маъқуллаймиз, чунки неустойкани фақат пул суммаси сифатида таърифлаш билан чекланиш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, нақд пул шаклида бўлмаган неустойка – бу шартли атама бў-

---

[1] Коновалов А.И. Неустойка в коммерческом обороте. Автореф. дисс.к.ю.н. - Санкт-Петербург. 2003. -С.7.

[2] Головчанский Н.В. Теоретические и практические аспекты неденежной неустойки // Полиматис, № 6, 2017 | Polymathis Scientific Journal, No. 6 (2017) –С. 29.

[3] Мейер Д.И. Русское гражданское право; В 2ч.8-е изд. исправ. и доп. 1902. Часть 2. – М.: -Статут. 1997, -С.133. (серия классика российской цивилистики).

[4] Шодманов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Ю.ф.д. дисс. –Т.,-2002. –Б.191.

либ, “неустойка” сўзи пул билан ифодаланган анъанавий неустойка табиатини ўзгартириб юбормайди[1].

Таъкидлаш лозимки, товар неустойкаси таъминлаш усули сифатида қўллаш бир қатор афзалликларга эга: кредитор ўз эҳтиёжига яраша қарздорга тегишли ашёни олади; пул захираси бўлмаган *қарздор* ўз товарини бериши унинг учун қулай ва ҳеч қандай ортиқча расмиятчилик талаб қилмайди; пул шаклидаги неустойкани суд тартибида ундиришдаги каби ортиқча вақт ва қўшимча харажатлар сарфланиши талаб қилмайди.

Бу ўринда А.В.Бодиловскийнинг “маҳсулот етказиб берувчига нақд пул билан тўлашдан” кўра “ортиқча” товарни бериш анча қулайроқ кечади ва харидор пул тўловини ундириш ҳақидаги суд муҳокамасини бошлаганидан кўра бироз кечроқ бўлса-да, ўзи учун зарур бўлган товарни олиши фойдалироқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам пул захиралари мавжуд бўлмаганида ашёвий неустойка мажбурият бузилганлиги учун ҳақиқатга яқинроқ қопламани олиш имкониятини яратади[2] деган фикрини келтириш жоиз.

Фикримизча, кредитор пул шаклидаги неустойкани ундириш учун судга мурожаат қилиш ўрнига қарздор билан келишувга асосан товар шаклидаги неустойкани олгани афзалроқдир. Чунки пул шаклидаги неустойкани суд тартибида ундириш билан боғлиқ бутун бир жараённи босиб ўтган кредитор охир-оқибат “ютқазиш” эҳтимоли юқори. Бу жараён қуйидагича кечади: *биринчидан,* суд томонидан кредиторнинг неустойкани ундириш ҳақидаги талаби кўрилиши жараёнида суд харажатлари (*3.5%*) (*бундан ташқари, адвокат хизматлари*

---

[1] Якимова А.М. Неденежная неустойка: теоретические и практические аспекты //Современные проблемы правотворчества и правоприменения. – Иркутск, 2016. – С. 152-155.

[2] Бодиловский А.В. Экономика впереди права. Непоименованные способы обеспечения исполнения обязательств // Раскрой свой научный потенциал: сборник научных трудов по материалам I Международной научно-практической молодежной конференции. – Нижний Новгород, 2016. – С. 4-7.

учун тўлов – 15%) ва ундирув ижрога қаратилганидан кейин эса, *2%* ижро йиғини (жами: *20.5%*) тўлаши; *иккинчидан,* кредитор томонидан сўралган неустойкани суд 1–50 фоизигача ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилиши, рад этилган қисми бўйича давлат божи кредитор зиммасига тушиши; *учинчидан,* суд инстанцияларида ишни кўриш ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун ойлаб вақт сарфланиши, *тўртинчидан,* баъзан қарздор иқтисодий ночор бўлиб қолиши ёки тугатилиши натижасида неустойканинг ундирилмасдан қолиши (ёки қопланган деб ҳисобланиши) кредиторнинг манфаатига зарар ва зиён етказади.

Товар неустойкасига оид тушунчалар бугун пайдо бўлиб қолган эмас. М.Я.Пергамент ўзининг “Рим ва ҳозирги замон фуқаролик ҳуқуқида шартномали неустойка ва манфаат” асарида[1] неустойка ўзгача тарзда пул бўлмаган шаклда ифодаланганлигини А.Одинаев Рим ҳуқуқида неустойка сифатида пул ҳам, мол-мулк кўринишидаги муайян турдаги бойлик ҳам амал қилиши мумкин бўлганлигини[2] қайд қилади.

В.А.Вятчин “Товар неустойкасининг ҳуқуқий табиати ҳақида” номли мақоласида таъкидлашича, биринчи марта қонунчиликда РСФСРнинг 1922 йилги ГК 141-моддасида неустойка шартнома бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида контрагент бошқа контрагентга пул суммаси ёки бошқа мулкий қимматликни етказиб беришга мажбур бўлиши тарзда баён этилган. “Бошқа мулкий қимматлик” тушунчаси моҳияти бирор-бир қонун, бирор-бир илмий адабиётларда ёритиб берилмаган[3].

---

[1] Пергамент М.Я. Договорная неустойка и интерес в римском и современном гражданском праве. Одесса, 1899, -С.254.

[2] Одинаев А. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда неустойка қўллашни такомиллаштириш: илмий-назарий таҳлил. // Юридик фанлар ахборотномаси. 2020 йил, махсус сон, -Б.125.

[3] Вятчин В.А. О правовой природе товарной неустойки. //Вестник Саратовской государственной юридической академии. - 2014. - № 2, – С.123.

Демак, товар неустойкаси Рим ҳуқуқида ва XX аср бошларига қадар қонунчиликда эътироф этилган бўлса-да, кейинги юз йилликда норма ижодкорлигида унутилиб, бугунги кунга қадар аксарият Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг фуқаролик кодексларида неустойка пул суммаси сифатида қайд қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 260-моддаси 1-қисми, Россия Федерацияси Фуқаролик Кодексининг 330-моддаси 1-қисми[1], Белоруссия Республикаси Фуқаролик кодекси 311-моддаси 1-қисмида[2] Қозоғистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 293-моддаси[3], Туркманистон Фуқаролик Кодексининг 427-моддаси 1-қисми[4] ва Тожикистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 355-моддаси 1-қисмида[5], Грузия Фуқаролик Кодексининг 417-моддасида[6], Ожарбайжон Республикаси Фуқаролик кодексининг 462.1-моддасида[7] ва Арманистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддаси 1-қисмида[8] неустойка – мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда қарздор томонидан кредиторга тўлаши лозим бўлган пул суммаси сифатида акс этган. Бироқ бу каби нормаларни қайта кўриб чиқиш вақти келди. Чунки уларда белгиланган қоидалар бугунги цивилистик тафаккур ҳамда қонунчилик

---

[1] Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси http://base.garant.ru/10164072/dc8ac69baa61b785e8510c75c9714f10/

[2] Белоруссия Республикаси Фуқаролик кодекси https://kodeksy-by.com/grazhdanskij kodeksrb.htm

[3] Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодекси https://online.zakon.kz/document/?docid=1006061#pos=3024;-54

[4] Туркманистон Фуқаролик кодекси https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ru/tm/tm037ru.pdf

[5] Тожикистон Республикаси Фуқаролик кодекси http://minfin.tj/downloads/009%20grajdkodeksrus.pdf

[6] Грузия Фуқаролик кодекси https://matsne.gov.ge/ru/document/download/31702/75/ru/pdf

[7] Ожарбайжон Республикаси Фуқаролик кодекси https://www.icnl.org/wp-content/uploads/AzerbaijanCivil CodeRUS.pdf

[8] Арманистон Республикаси Фуқаролик кодекси http://www.parliament.am/lawdocs/050598HO239rus.html? lang=rus

ривожланиш даражасига мос келмайди. Чунки бу соҳада кескин бурилишлар юз бермоқда. Жумладан, Лорд Ньюбергер, Лорд Сумптон ва уларнинг қарашларини қўллаб-қувватлаган Лорд Карнвотнинг фикрича, “Неустойка ҳақидаги қоида бу шартнома эркинлигига тўсқинлик қилади. У тарафларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларига бўлган ишончини йўқотади”[1].

Лорд Карнвотнинг фикрини маъқуллаган ҳолда қайд қилиш лозимки, тарафлар манфаат кўриш мақсадида, шартнома тузиб, ўз ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишни хоҳлайдилар. Бунга тўсқинлик қилиш, уларнинг манфаатларига зарар етказиши мумкин. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун тарафларга ўзаро келишувга асосан неустойкани эркин, яъни пул ёки товар шаклида қўллаш имконияти берилиши лозим.

Болтиқ бўйи мамлакатлари Фуқаролик кодексларида Латвия, Литва ва Эстония СССРга бирлашгунига қадар амалда бўлган товар неустойкаси ҳақидаги қоидалар қайта тиклангган[2]. Холбуки, неустойканинг пул ёки ўзга қимматлик шаклида бўлиши РСФСРнинг 1922 йил 31 октябрда қабул қилинган Гражданлик кодекси 141-моддаси 1-қисмида белгиланган эди[3].

Бир қатор МДҲ давлатлари фуқаролик қонунчилигида неустойка – пул ёки бошқа қимматликни ифодалаши аллақачон баён этилган. Хусусан, Латвия Республикаси Фуқаролик Қонунининг 1717-моддасида, у ҳар қандай шартномага киритилиши ва у нафақат пул, балки бошқа қимматлик сифатида белгиланиши[4], Украина Фуқаролик Кодексининг 549-моддаси 1-қисмида, мажбурият қарздор томонидан бузилган тақдирда кредиторга бериши шарт бўлган пул суммаси ёки бошқа мулк

[1] Judgment on Cavendish Square Holding BV v Tatal El Makdessi, ParkingEye Limited v Beavis (2015).

[2] Касымжанова Д.С. Правовая природа понятия и предмета неустойки. //Вестник Института законодательства Республики Казахстан. №3(23) 2011. –С.159.

[3] РСФСР Фуқаролик кодекси https://docs.cntd.ru/document/901808921

[4] Латвия Республикаси Фуқаролик қонуни http://www.pravo.lv/likumi/054gz.html

ҳисобланиши[1], Молдова Республикаси Фуқаролик кодексининг 624-моддаси (1)-қисмида, шартномавий мажбурият сифатида, унга мувофиқ тарафлар олдиндан зарарни баҳолаши ва қарздор мажбуриятини бажармаганида кредиторга маълум миқдордаги пул суммасини тўлаш ёки муайян ашё (неустойка) беришга мажбур бўлиши[2], Қирғизистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 320-моддаси 1-қисмида, мажбурият бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида қарздор томонидан кредиторга тўланиши ёки берилиши керак қонун ёки шартнома билан белгиланган пул суммаси ёхуд шартнома билан белгиланган ўзга мулкий қимматлик[3] сифатида белгиланган бўлиб, бу каби қоидаларни Чехия Республикаси Фуқаролик кодекси 2048-параграфида[4] ҳам кузатиш мумкин.

Шунингдек, бошқа хорижий давлатлар қонунчилиги, хусусан Германия Фуқаролик Тузукларининг 342-моддасига асосан, неустойка нафақат пул суммаси кўринишида, балки бошқача мулкий тақдим этиш кўринишида ҳам бўлиши мумкин[5]. Франция Фуқаролик Кодексининг 1226-модда ва Швейцария Мажбурият Қонунининг 160-моддасида ҳам неустойка мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда қарздор кредиторга тўлаши лозим бўлган пул суммаси ёки шартномада кўрсатилган бериши лозим бўлган бошқа мулкий қимматликни ташкил этади. Нидерландлар Фуқаролик Кодексининг 6:91-моддасида, қарздор ўз мажбуриятини бажар-

---

[1] Украина Фуқаролик кодекси https://meget.kiev.ua/kodeks/grazdanskiy-kodeks/glava-49/

[2] Молдова Республикаси Фуқаролик кодекси https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ru/md/md149ru.pdf

[3] Кирғизистон Республикаси Фуқаролик кодекси http://minjust.gov.kg/ru/content/313

[4] Чехия Республикаси Фуқаролик кодекси http://juristpraha.cz/ru/892012rus

[5] Cases, Materials & Texts on Contract Law (Casebooks on the Common Law of Europe) // Beale H., Kotz H., Hartkamp A., Tallon D. 2002. -P.869.

маса муайян пул суммасини тўлаши ёки бошқа ишни ҳам амалга ошириши лозимлиги[1] қайд қилинган.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва суд амалиётида неустойка у ёки бу шаклда ифодаланиб келинмоқда. Масалан, Австрия Фуқаролик Кодексининг 1336-моддаси 1-банди, Германия Фуқаролик Тузукларининг 339–345-моддалари, Франция Фуқаролик Кодексининг 1229 ва 1152-моддалари, Люксембург Фуқаролик кодексининг 1152 ва 1226-моддалари, Испания Фуқаролик Кодексининг 1152-моддаси, Греция Фуқаролик кодексининг 405-моддаси 2-банди, Италия Фуқаролик Кодексининг 1382–1384-моддалари, Нидерландлар Фуқаролик Кодексининг 6:91–6:94-моддаларида, шунингдек, умум ҳуқуқ мамлакатлари суд амалиётида (масалан, Dunlop Pneumatic Tyre Co. Ltd. v. New Garage and Motor Co.Ltd., 1915 Англиядаги, Clydebank Engineering &Shipbuilding Co. Ltd. v. Castaneda, 1904, Шотландиядаги, Banta v. Stamford Motor Co. 89 Conn., 1914 АҚШ даги ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари бўйича ва ҳ.к.)[2].

Шунингдек, Поволжск округ Федерал арбитраж суди қонунийлигига бирор-бир шубҳа қилмасдан “натура кўринишдаги неустойкани” ундирган[3]. Шимолий Кавказ округи Федерал арбитраж суди “ашёвий неустойка ўз-ўзидан Фуқаролик кодексининг 329-моддаси 1-бандига асосланади ва қонунга зид келмайди” деб ҳисоблаган[4].

Ҳуқуқий адабиётларда қайд қилинганидек, неустойка мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақ-

---

[1] Dutch Civil Code/http://dutchcivillaw.com/legislation/dcctitle6611aa.htm.

[2] Карапетов А.Г. Неустойка как средство защиты прав кредитора в российском и зарубежном праве. -М.: Статут,2005. -С.17-27.

[3] Постановление Федерального арбитражного суда Поволжского округа от 18 сентября 2001г. №3559/01-2. Доступ из справ. Правовой системы “Консультант Плюс”.

[4] Постановление Федерального арбитражного суда Северо-Кавказского округа от 12 апреля 2002г. №Ф08-1203/02. Доступ из справ. Правовой системы “Консультант Плюс”.

дирда қарздор кредиторга шартнома белгиланган мулкий қимматликни ёки пулни тўлашга мажбуриятли бўлади (ФФКнинг 1231–5-моддалари, ГФТ §339, ШМҚ 160-моддаси, НФКнинг 6-китоби 91-моддаси). Шундай қилиб, “неустойка” атамаси континенталь ҳуқуқ тизими мамлакатларининг барчасида амалий жиҳатдан бир хил қўлланилади[1].

Юқорида қайд қилинганлардан, товар неустойкасига оид қоидалар континенталь ҳуқуқ тизимига кирувчи аксарият мамлакатлар қонунчилиги ва суд амалиётида қўлланиб келинаётганлигини англаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, англосаксон ҳуқуқ тизимига кирувчи АҚШ ва Англияда неустойка институти мавжуд бўлмаганлиги сабабли “неустойка” атамаси ўрнига “олдиндан баҳоланган зарар” (ОБЗ) атамаси шартномаларда қўлланилади. Неустойка билан ОБЗ ўртасидаги фарқ негизидан бошланади. Олдиндан баҳоланган зарар – тарафларнинг шартнома тузишдаёқ, унинг бажарилмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар миқдорини белгилашга бўлган ҳаракатини ифодалайди. Неустойка эса аксинча, ҳақиқатда кўрилган зарар миқдорига қатъий боғлиқ эмас, балки уларнинг тижорат келишувидан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий равишда маълум бир миқдорда белгиланади. Шунингдек, иккита ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг расман ўхшаш жиҳати бор – тўланилиши лозим бўлган миқдори ҳужжатга асосланиши талаб этилмайди[2].

Иккита ҳуқуқ тизими ўртасидаги чегараланишга нисбатан муносабатнинг ўзгаришига 1915 йилда кўрилган Dunlop Pneumatic Tyre Co Ltd v New Garage& Motor Co Ltd иши сабаб бўлган, у ОБЗ га нисбатан қўйиладиган талаблар ва неус-

---

[1] Гражданское и торговое право зарубежных государств. Учебник: В 2 т. /Отв. ред. проф. А.С.Комаров, проф. А.А.Костин, проф. О.Н.Зименкова, доц. Е.В.Вершинина. Т. 1: Общая часть. – М.: Статут, 2019. -С.497.

[2] Литаренко Н.В. Изменение подхода к неустойке в Англии. //Актуальные проблемы российского права. 2016. № 11 (72) ноябрь. -С.215.

тойкага нисбатан ўзига хос тестни шакллантирган. Иш бўйича қабул қилинган суд қарори адабиётларда кенг ёритилган[1] бундай ёндошув эса қонунга ўхшашлик каби моҳият касб этган[2].

Бундан роппа-роса 100 йил ўтиб, Буюк Британия Олий суди 2015 йил 4 ноябрь куни Cavendish Square Holding BV v Tatal ElMakdessi ва ParkingEye Limited v Beavis иши бўйича қабул қилган қарорида неустойкага нисбатан танқидий муносабат билдирган. Ишда савдо марказида жойлашган тураргоҳ оператори томонидан ушбу ҳудуддан фойдаланувчилар учун икки соатлик юқори муддат белгиланган, агар фойдаланиш мазкур муддатдан ошса, 85 фунт санкция қўлланилиши кўрсатилган. Бу сумма суд томонидан мажбурият бузилганлиги учун белгиланган санкция эканлиги эътироф этилган[3].

Демак, неустойкага нисбатан муносабат континенталь ҳуқуқ тизими давлатлари қонунчилиги ва суд амалиётида ҳамда англосаксон ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатлар суд амалиётида ҳам ўзгараётганлигидан далолат беради.

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 260-моддаси 1-қисми янги таҳрирда баён этилиши юзасидан таклиф берилиб, унда, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд кечиктирган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси ёки товар лафзсизлик тўлови ҳисобланишига оид қоидалар, шунингдек, мазкур модда 5-қисм билан тўлдириш юзасидан таклиф берилиб, унда, мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ёхуд бажарилиши кечиктирилган тақ-

---

[1] Карапетов А.Г. Неустойка как средство защиты прав кредитора в российском и зарубежном праве. -М.: Статут, 2005. -С.117; Гришин Д. А. Неустойка: теория, практика, законодательство. -М : Статут, 2005. -С.40.

[2] Judgment on Cavendish Square Holding BV v Tatal El Makdessi, ParkingEye Limited v Beavis (2015).

[3] Литаренко Н.В. Изменение подхода к неустойке в Англии. //Актуальные проблемы российского права. 2016. № 11 (72) ноябрь. -С.216.

дирда, тарафларнинг ўзаро келишувига асосан, мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига мувофиқ келадиган товарнинг берилишини белгилашлари мумкинлигига оид қоидалар баён этилди. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан шартнома тарафлари учун белгиланган (неустойканинг фақат пул шаклида бўлиши каби) чекловлар бартараф этилади ва улар ўз ҳуқуқларини эркин амалга ошириш имконияти вужудга келади.

Айниқса, ўзаро келишувга асосан товар неустойкасининг мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга қўлланилиши молиявий қийинчиликни бошидан кечираётган қарздорда ўз мажбурияти бузилиши оқибатларини (ишлаб чиқариши жараёнида яратган товари эвазига) бартараф этиш ва янги мажбуриятли муносабатларга киришишга рағбатлантирса, кредиторнинг пул ўрнига товарни олишга бўлган ҳуқуқининг белгиланиши билан бузилган ҳуқуқини янада тўлароқ тиклаш имкониятини яратади.

Бу ўринда, А.Одинаев неустойкага оид фуқаролик-ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича – неустойка пул мажбурияти бўлибгина қолмай, муомаладан чиқарилмаган ашёлар (мол-мулк) ҳам неустойка предмети бўлиши мумкин ва буни қонунчиликда мустаҳкамлаш керак[1] деган таклифни илгари суради. Шунингдек, у бошқа бир ўринда таъкидлашича, бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ночор корхоналар ёки молиявий аҳволи ёмон бўлган фуқаролар неустойкани айнан пул (муайян валюта) шаклида тўлай олиш қобилиятига эга бўлмасликлари мумкин. Агар натура шаклида неустойка тўланиши таъминланса, фуқаролик ва хўжалик судларининг

[1] Одинаев А. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда неустойка қўллашни такомиллаштириш: илмий-назарий таҳлил. //Юридик фанлар ахборотномаси. 2020 йил, махсус сон, -Б.126.

неустойкани ундириш билан боғлиқ ҳал қилув қарорлари ижроси янада самаралироқ бўлади[1].

Хулоса шуки, товар неустойкаси мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган хусусиятларга эга. Хусусан, бузилган мажбурият оқибатлари ўзидаги товари эвазига бартараф этилиши мумкинлиги қарздорни мажбуриятини бажаришига рағбатлантирса (*рағбатлантириш функцияси*), мажбурият бузилганидан кейин эса зарарни қоплаши (*қоплаш функцияси*) кредитор ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Замонавий бозор шароитида суғурта молиявий глобаллашув жараёнида, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мураккаб соҳасида, узлуксизликни, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мутаносиблигини таъминлайдиган ва аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшадиган хавфларнинг олдини олиш ҳамда камайтиришнинг энг самарали усулларидан биридир. Суғурта нафақат етказилган зарарларни қоплаш кафолати, балки энг йирик институционал инвестор ҳисобланади[2]. Зеро, “Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси” Концепцияда[3] ички ва ташқи савдони рағбатлантириш мақсадида, молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари сифатида суғуртанинг 14 та тури белгиланганлиги бежизга эмас.

Суғурта шартномасининг таъминлаш табиати муаммоси аниқ ёритилмаган ва бир хил ечим топмаган; суғурта шартномаси “номуайян таъминлаш истиқболли институт”[4] ҳисоб-

---

[1] Одинаев А.С. Неустойкани қўллашга оид фуқаролик-ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштириш. Молодой учёный. №22 (312). Май 2020 г. -С.667.

[2] Полякова А.А., Кожанчикова Н.Ю., Дударева А.Б. Современные тенденции функционирования рынка страховых услуг России //Управленческое консультирование. -№10,-2018. -С.71.

[3] Концепция Стратегии развития Республики Узбекистан до 2035г. –С.51./ https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-RUS.pdf

[4] Комиссарова Е.Г., Торкин Д.А. Непоименованные способы обеспечения обязательств в гражданском праве. -М.: АспектПресс, 2008. 144 с.

ланади. Бу фикрга қўшиламиз, чунки бугунги кунда суғурта ўз ўрнини кенг жабҳаларда намоён қилмоқда. Зеро, эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини ташкил этиш омил ва хусусиятлари уларнинг мустақил бюджетга эга бўлишида, эркин иқтисодий зонага кириш, чиқиш ва унинг ҳудудида бўлишнинг соддалаштирилган тартиби, эркин иқтисодий зоналар қатнашчилари инвестицияларини ва таваккалчиликларини суғурта қилиш кафолатларининг яратилганлиги ҳам ўз навбатида ҳудудни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади[1].

Таъкидлаш жоизки, суғуртанинг таъминлаш усули эканлиги масаласида ҳуқуқий адабиётларда турлича ёндошувлар мавжуд. Хусусан, бир гуруҳ олимлар томонидан суғуртани ёки унинг қайсидир бир қисмини мажбурият бажарилишини таъминлаш усули сифатида тан олишдан тортиб, кескин рад этилишига қадар нуқтаи назарлар илгари сурилади[2]. Иккинчи бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар суғуртанинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлашини рад этишади ва одатда бу каби қараш суғуртанинг мустақил, махсус ҳуқуқий тартибга солиш факти эканлигига асосланади[3]. Шунингдек, улар суғуртада таъминлаш функцияси бўлиш мумкинлигини рад этишади ёки аксинча, суғурта шартномалари бўйича мазкур сифатни тан олмасдан, суғурта ва таъминлаш усулларини акцессорлик даражаси бўйича қарама-қарши қўйишади[4] ёхуд кафиллик ва мустақил кафолатдан фарқли равишда махсус ва лицензия-

---

[1] О.Оқюлов, Н.Имомов, Ш.Рўзиназаров, Б.Самарходжаев, И.Рустамбеков, Қ.Мехмонов, Э.Мусаев, У.Сайдахмедов, А.Тожибоев, А.Ибрагимова, А.Жумагулов. Инвестиция ҳуқуқи. – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2019. – 196 б.

[2] Бормотов А.В. Обеспечительная функция договора страхования в российском гражданском праве: дисс. к.ю.н. Пермь, 2011. –С.216; Латынцев А.В. Система способов обеспечения исполнения договорных обязательств: дисс.к.ю.н. -М.: 2002. –С.220.

[3] Рассказова Н.Ю. Вопросы общей теории обеспечительных обязательств // Правоведение. 2004. №4. -С.57.

[4] Демидова Г.С. Отграничение договора страхования от смежных гражданско-правовых обязательств //Российская юстиция. 2003. -№8. -С.21.

ланган хусусиятга эга бўлган суғурталовчининг фаолияти эканлигини эътироф этишади[1].

Бир қатор ҳуқуқшунос олимлар суғуртани таъминлаш усули сифатида эътироф этган бўлсалар-да[2], бироқ бу борада алоҳида илмий тадқиқот олиб боришмаган. Суғурта мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос хусусиятларга эга эканлигини аниқлаш орқали унга таъминлаш усули сифатида баҳо бериш учун тадқиқот олиб бориш зарурияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига асосан суғурта билан қуйидагилар таъминланади: мол-мулкни суғурта қилиш (ФК 917-моддаси), шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш (ФК 919-моддаси), тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш (ФК 920-моддаси), биргаликда суғурта қилиш (ФК 941-модда), қайта суғурта қилиш (ФК 959-модда). Зеро, ушбу суғурта турлари кимнинг фойдасига тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси фақат суғурта қилдирувчининг фойдасига тузилиши мумкин (ФК 920-моддаси). Жавобгарликни суғурта қилиш шартномаси эса суғурта қилдирувчининг ҳаракатлари натижасида зарар кўриши мумкин бўлган шахс фойдасига тузилиши мумкин (ФК 918, 919-моддалари). Мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси фақат мол-мулкнинг асралишидан манфаатга эга бўлган шахс фойдасига тузилиши мумкин (ФКнинг 917-моддасининг биринчи қисми)[3].

---

[1] Фогельсон Ю.Б. Страховое право: теоретические основы и практика применения: монография. -М.: Норма, Инфра-М. 2012. –С.576.

[2] Аминжонова М.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Ю.ф.н.дисс. –Т., 2004. -Б.67, 122; Рахимов Д. Страхование как способ обеспечения исполнения обязательств //Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. –Т.: 2012. -№6. –С.81-85;Суюнова Д. Современные способы обеспечения договорных обязательств. //Вестник Высшего Хозяйственного суда Республики Узбекистан. –Т.: 2011. -№3, -С.83.

[3] Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т3. /Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Тошкент: Baktria press, 2013. –Б.100.

Бугунги кунда ипотека мажмуаси суғуртаси кенг тарқалмоқда, унинг доирасида суғурта қилиш учун бир нечта объектлар қабул қилинади: гаровга қўйилган кўчмас мулк (йўқолиш, зарарланиш хавфларидан), қарз олувчининг ҳаёти ва соғлиғи (ва кафиллар), титул ёки кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи (хавфлардан оғирлик ва чеклашлар ўрнатилиши, ҳуқуқнинг тугатилиши)[1].

Суғурта билан юқорида қайд қилинганлардан ташқари, бошқа мажбуриятларнинг ҳам бажарилиши таъминланиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 918-моддаси 1-қисмига биноан, бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ўзининг ёки бундай жавобгарлик юкланиши мумкин бўлган бошқа шахснинг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин[2].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 274-моддаси 1-қисмига 1) хат бошига асосан, гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфи; мазкур кодекснинг 289-моддаси 4-қисмига биноан, ломбард гаровга қабул қилинган ашёлар, Ҳаво кодексининг 110-моддаси 1-қисмига биноан, ташувчи йўловчиларга, ташишга қабул қилинган қўл юки ва юкларга, шунингдек ўзга шахсларга етказиладиган зарарни қоплаш юзасидан ўз масъулиятини,[3] “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасига асосан,

[1] Митричев И.А. Правовое регулирование титульного страхования // Бизнес, Менеджмент и Право. 2013. -№2. -С.52-54, 86.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195958

[3] Ўзбекистон Республикаси Ҳаво Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/docs/55594

туристлар ва экскурсантлар[1], “Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси 1-қисмига биноан, гаровга қўйилган мол-мулк, йўқолиш ва шикастланиши[2], “Лизинг тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объекти[3] суғурта қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси 1-қисмига биноан, деҳқон хўжалиги ўз фаолиятини амалга ошириш учун кредитлар”, суғурта[4] ҳамда “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси 1-қисмига кўра, истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши: банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати[5] билан таъминланиши мумкин.

Амалда “Кафолат суғурта компанияси” ва “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятлари томонидан умумий суғурта соҳасида мажбурий ва ихтиёрий шаклларда 17 классдан иборат суғурта қилиш амалга оширилиб келинмоқда, яъни бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт (1-класс); касалликдан эҳтиёт шарт (2-класс); ер усти транспорт воситаларини (3-класс); ҳаракатланадиган темир йўл таркибини (4-класс); авиация (5-класс); денгиз (6-класс); йўлдаги мол-мулкни (7-класс); мол-мулкни олов ва табиий офатлардан (8-класс); мол-мулкни зарардан (9-класс); автофуқаролик жавобгарлигини (10-класс); авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни (11-класс); денгиз суғуртаси доирасидаги жавобгарликни (12-класс); умумий фуқаролик жа-

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/4428097

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/acts/1063359

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/85259

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/5351631

[5] Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/docs/1004687

вобгарлигини (13-класс); кредитларни (14-класс); кафилликни (кафолатларни) (15-класс); бошқа молиявий таваккалчиликлардан (16-класс) ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни суғурта қилиш (17-класс). Суғурта фаолияти бу билан чекланиб қолмайди. Жумладан, суғурта фаолияти классификаторига кўра, ҳаёт ва аннуитетлар (I класс), никоҳ ва туғилиш (II-класс), ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш (III-класс) ва соғлиқни суғурта қилиш (IV-класс) ҳаётни суғурта қилиш тармоқларига бўлинади[1].

Қайд қилинган ҳолатлар суғурта билан таъминланиши лозим бўлган мажбуриятлар доираси кенглигини англатади. Бу ҳолат хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам кузатилади. Жумладан, Австрия Фуқаролик Кодексининг 1289-параграфига асосан, ушбу шартноманинг одатий предмети қуруқликда ёки денгизда фойдаланиладиган товарлар ҳисобланади. Аммо шунга ўхшаш уй ва мулк ёнғин, сув ва бошқа хавфлардан суғурталанган бошқа нарсалар ҳам бўлиши мумкин[2].

Суғуртани таъминловчи чораларни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида эътироф этиш учун тан олинган қуйидаги белги ва хусусиятларга таяниб, таъминлаш усули сифатида эътироф этиш мумкин:

Биринчидан, суғурта таъминлаш усулларига хос бўлган белгига эга, яъни у аввалambор *мажбурият* ҳисобланади.

Суғурта бу суғурта хизматларини кўрсатиш мажбурияти. Суғурта хизмати суғурталовчининг маблағларни захиралаш йўли билан суғурта қилдирувчи (наф олувчи, суғурталанган шахс) мулкий манфаати учун суғурта ҳодисасининг салбий

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сон қарори билан тасдиқланган “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низоми 1-иловаси. Суғурта фаолияти классификатори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/342368

[2] Austria. Allgemeines bürgerliches Gesetzbuch (ABGB-Общий гражданский кодекс) https://www.jusline.at /gesetz/abgb/paragraf/1289

оқибатлари хавфини қабул қилиш мажбуриятида, суғурта ҳодисаси юз берганда эса суғурта тўловини амалга ошириш мажбуриятида ифодаланади[1].

Суғурта шартномасининг предмети сифатида эса – суғурталовчининг муайян воқеа юз берганида белгиланган суғурта товонини тўлаш мажбурияти ифодаланади. Яъни суғурта шартномасининг предмети пул мажбурияти ҳисобланади. Бу мажбурият “суғурта мажбурияти” деб аталади. Чунки шартномада айни шу мажбуриятнинг мавжудлиги суғурта ҳимоясини таъминлайди[2].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 915-моддаси 1-қисмига асосан, мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади[3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 921-моддаси 1-қисмига кўра, шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян

---

[1] Бормотов А.В. Обеспечительная функция договора страхования в российском гражданском праве: Автореф.дисс.к.ю.н. -Пермь,2011. –С.9.

[2] Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т.3/Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Тошкент: Baktria press, 2013. –Б.99.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195958

ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади[1].

Хорижий давлатлар суғурта амалиётида молиявий рискларни суғурталаш бўйича энг кўп қизиқиш кредитларни суғурталаш ҳисобланади[2]. Унинг ажралиб турадиган хусусияти шундаки, бошқа турдаги суғурталар билан уйғунлашиб кетади. Ўзининг келиб чиқиш жойи ва сабабларига кўра, ҳозирги кундаги замонавий компанияларда рискларни суғурталашнинг энг эътиборли турлари қуйидагилар:

– истеъмол кредитини суғурталаш;

– тижорат кредитини суғурталаш;

– банк кредитларини суғурталаш ва ҳ.к[3].

“Ўзагросуғурта” АЖ томонидан 2018 йил давомида Компания томонидан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида аҳолига ажратилаётган кредитларни имтиёзли, қулай суғурта тарифлари асосида суғурталаш ишлари амалга оширилган бўлиб, 6020 та суғурта шартномаси имзоланди ва 108 миллиард сўмлик суғурта мажбуриятлари олинди[4].

“Xalq Sug‘urta” МЧЖ шаклидаги суғурта компанияси Қашқадарё вилоят филиали ЎзР АТ “Халқ банки” Шаҳрисабз филиали ўртасида 2019 йил 1 март куни 05/01-14/004-сонли “Кредитни суғурта қилиш бош суғурта шартномаси” тузилган. Унга мувофиқ, суғурта ҳодисаси – қарздор томонидан кредитнинг асосий қисмини тўлиқ ёки қисман қайтариш бўйича мажбуриятларини а) қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги (қарз-

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195958

[2] Robert Dankiewicz Insurance in the process of financial risk management in enterprise activity // Insurance Review. Volume 4. 2018.

[3] Юлдашев О.Т., Мирсултонов М.М. Молиявий рисклар суғуртаси: муаммо ва ечимлар // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019. –Б.6.

[4] http://xs.uz/uzkr/post/ozagrosugurta-sugurta-mazhburiyatlarini-tolab-berolyaptimi

дор бахтсиз ходиса натижасида вафот этиши ёхуд доимий тўлиқ меҳнатга умумий лаёқатини йўқотиши (ногиронлик) оқибатида кредит бўйича асосий қарзни тўлай олмаслиги), б) узоқ муддат тўламаслик – кутиш даври ўтганидан кейин қарздор кредит бўйича асосий қарзни (фоиз, пеня, жарималардан ташқари) ўз вақтида бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ҳамда қарздорнинг бахтсиз ҳодиса натижасида соғлигига зарар етиши ёхуд вафот этишини ташкил этади. Шартномада қайд қилинган ҳолатларда суғурта ҳодисаси содир бўлсагина суғурталовчи кредитни қайтариш мажбуриятини олади[1].

Иккинчидан, суғурта мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган *шартнома асосида вужудга келиши каби белгига* эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 914-моддасига асосан, суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкий ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади. Шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкини ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади. Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт. Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини давлат

[1] https://exarid.uzex.uz/files/images/file190719172239324.pdf

бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий суғуртаси) назарда тутилиши мумкин[1].

Суғуртанинг шартномага мувофиқ вужудга келишини Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида ўз аксини топган қуйидаги тушунчадан ҳам англаш мумкин, суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан, шунингдек, суғурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади[2].

Юқорида қайд қилинган қоидалар суғуртанинг шартнома асосида вужудга келишини исботлайди.

Учинчидан, суғурта мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган *рағбатлантириш хусусиятига* эга.

Суғурта шартномаси тузилиб, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтдан кучга кириши (ЎзР ФК 947-моддаси 1-қисми) ва суғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимоли йўқолгунига қадар амалда бўлиши (ЎзР ФК 948-моддаси) орқали тарафларни ўз олган мажбуриятини бажаришга *рағбатлантириши* мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги 505-сонли қарори билан тасдиқланган “Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тартиби тўғрисида”ги Низом 27-бандида ўз аксини топган, яъни суғурта қилдирувчи томонидан экинни экиш, парваришлаш ва ҳосилни йиғиштириб олиш даврида агротехника талабларига риоя қилмаганлиги аниқланганда, суғур-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195958

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/40253

та товони қуйидаги миқдорларда камайтирилади: ўғит белгиланган меъёрдан кам берилган бўлса, 5 (беш) фоиз; бегона ўтлар босиб кетган бўлса, 5 (беш) фоиз; ўз вақтида суғорилмаган (сув берилмаган) бўлса, 5 (беш) фоиз, суғурта товони чамаланган (апробациядан ўтказилган) ҳосил олинмаган бўлса, 5 (беш) фоиз миқдорларда камайтирилиши мумкин[1].

Жиззах вилояти Дўстлик туманлараро иқтисодий суди томонидан 2019 йил 6 март куни даъвогар “Сирож-Сайфиддин” фермер хўжалиги манфаатида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Дўстлик туман кенгашининг жавобгар “Ўзагросуғурта” АЖ Дўстлик туман бўлинмаси ва қўшимча жавобгар “Ўзагросуғурта” АЖ дан 157987700 сўм суғурта товонини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўриб чиқилган. Аниқланишича, “Ўзагросуғурта” АЖ Дўстлик туман бўлинмаси (суғурталовчи), “Сирож-Сайфиддин” фермер хўжалиги (суғурта қилдирувчи) ва “Агробанк” АТБ Дўстлик филиали (наф олувчи) ўртасида 2018 йил 16 июнь куни қишлоқ хўжалик корхоналарининг бўлғуси пахта экинидан кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарини суғурта қилиш шартномаси имзоланган. Шартноманинг 7.5-бандида суғурта қилдирувчи томонидан экинни экиш, парваришлаш ва ҳосилни йиғиштириб олиш даврида агротехника талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланганида, жумладан ўғит белгиланган меъёрдан кам берилганда 10 фоиз, бегона ўтлар босиб кетган бўлса 10 фоиз, ўз вақтида сув берилмаган бўлса 10 фоиз, чамаланган ҳосил олинмаган бўлса 10 фоиз суғурта товони камайтирилиши белгиланган. Ушбу ҳолатлар мавжудлиги Дўстлик туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан тайёрланган 2018 йил 15 августгача бўлган ҳосил чамалови маълумот-

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги 505-сонли қарори билан тасдиқланган “Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/4379349

номаси билан тасдиқланганлиги сабабли суғурталовчи томонидан фермер хўжалиги бўйича 10 фоиздан 40 фоизгача чегирма ушлаб қолинган ҳолда суғурта мукофоти тўлаб берилган. Юқорида қайд қилинган ҳолатлар инобатга олинган ҳолда, суд даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этган[1].

Демак, суғурта қилдирувчи мажбуриятнинг амалда бўлган бутун даври давомида маълум бир талабларга риоя қилиши шарт. Унга риоя қилинганлигидан келиб чиққан ҳолда суғурта товони тўланиб, мажбурият бажарилиши таъминланади, акс ҳолда эса, юзага келган уни *камайтириш тенденцияси* "таъминот" самарадорлигини янада оширади. Зеро, М. Г. Жигас томонидан таъкидлаганидек, суғурта қопламаси (ҳимояси) эҳтиёжининг пайдо бўлиши унинг автоматик қондирилишини англатмайди[2].

Суғурта қилдирувчининг қилиши шарт бўлган талабларни қилмаслиги – *биринчидан,* кутилган ҳосилни олмаслиги, *иккинчидан,* суғурта товони камайтирилиши каби йўқотишларни юзага келтириши уни ўз мажбуриятини бажаришга *рағбатлантиради.* Зеро, тадбиркорлик таваккалчилигини суғурталаш шартномасида суғурта объекти фаолиятнинг зарар кўрмаслиги билан боғлиқ мулкий манфаатлар, шунингдек ундан маълум моддий фойда (фойда) олиш ҳисобланади[3].

---

[1] Жиззах вилояти Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг 4-1304-1901/306-сонли иши. 06.03.2019 й.

[2] Жигас М.Г. Перспективы развития страхования в условиях кризиса в экономике /М.Г.Жигас // Известия Иркутской государственной экономической академии (Байкальский государственный университет экономики и права). -2015. -Т.6, №1.

[3] Родин Р.С. Страхование предпринимательского риска //Вестник Московского университета МВД России. №7, 2016.-С.56; Ленковская Р.Р.14. Правовое обеспечение предпринимательской деятельности 14.1. Содержание договора страхования предпринимательских рисков //Проблемы экономики и юридической практики. 2017. №6. –С.210.

Тўртинчидан, суғурта мулкий оқибат вужудга келтириши орқали манфаатларни *ҳимоя қилиш* (*зарарни қоплаш) хусусиятига* эга.

Суғурта шартномаси қўлланилиши натижасида мустақил мулкий оқибатлар юзага келади. Бу эса, унинг мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳимоя қилиши (зарарни қоплаш) хусусиятига эга эканлигидан далолат беради.

Шартнома бўйича жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси мустақил мулкий оқибатларга эга. Қарздорнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузиши унинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар бўлишига сабаб бўлади. Тузилган суғурта шартномасида агар наф олувчи суғурта ҳодисаси тўғрисида даъво қилса, кредитор қарздорга талабнома киритиш ўрнига наф олувчи сифатида суғурта тўловини олишга бўлган ҳуқуқини амалга оширади. Шундай қилиб, суғурта шартномасини бажариш суғурталанган шахс томонидан шартномани бузганлиги оқибатида мустақил мулкий оқибат юзага чиқади[1].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 934-моддасига асосан, мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (суғурта пули) суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига кўра ушбу модда қоидаларига мувофиқ белгиланади. Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан (суғурта қийматидан) ошмаслиги лозим, қуйидагилар шулар жумласига киради:

мол-мулк учун – унинг суғурта шартномасини тузиш куни турган жойидаги ҳақиқий қиймати; тадбиркорлик хавфи – су-

[1] Бормотов А.В. Страхование ответственности по договору как способ обеспечения исполнения обязательств //Вестник Пермского университета 2010, Выпуск 3(9) – С.98.

ғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчи тадбиркорлик фаолиятидан кўриши мумкин бўлган зарар. Шахсий суғурта шартномаларида ва фуқаровий жавобгарликни суғурталаш шартномаларида суғурта пулини тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно[1].

“Kafolat Sug‘urta Kompaniyasi”АЖ томонидан 2019 йил 1 октябрь ҳолатига 5570 та суғурта даъволари кўриб чиқилиб, 24,7 млрд. сўм суғурта қопламалари амалга оширилган[2]. “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан 2019 йилда жами 11335 та суғурта даъволари кўриб чиқилиб, 24,2 млрд. сўм суғурта қопламаси тўлаб берилган[3].

Қайд қилинганлардан англаш мумкинки, суғурта ҳодисаси натижасида суғурта қопламаси тўлаб берилиши мулкий оқибатларни юзага келтириб, тарафнинг манфаати ҳимоя қилинади. Бу ҳолат мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган ҳимоя қилиш функцияси суғуртада мавжудлигидан далолат беради. Зеро, И.Н.Романованинг белгиланган тартибда суд қарори қонуний кучга кириши ёки суғурталовчи томонидан суғурталанган шахс, учинчи шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун зарур бўладиган харажатларни келтириб чиқарган шартноманинг бажармаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги фактининг суғурта қилувчи томонидан тан олиниши шартнома бўйича фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича суғурта ҳодисаси ҳисобланади[4] деган фик-

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси/https://lex.uz/docs/180552#195958

[2] https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/5691-9-ojda-25-mlrd-s-m-suurta-oplamasi-t-landi

[3] https://nuz.uz/iktisod-va-biznes/46496-zbekinvest-2019-yilda-242-mlrd-sm-suurta-oplamalari-tlab-berdi. html

[4] Романова И.Н. Правовые проблемы страховой защиты имущественных интересов субъектов предпринимательства от рисков неисполнения или ненадлежащего

ридан суғурта ҳодисаси ҳам бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун хизмат қилишини англашимиз мумкин.

Бешинчидан, суғурта мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга хос бўлган *қўшимчалик* (акцессорлик) *хусусиятига* эга.

Қўшимчалик (*акцессорлик*) анъанавий равишда тегишли оқибатларга олиб келадиган асосий мажбуриятга боғлиқлилик тушунилади[1]. Бироқ суғуртанинг асосий мажбуриятга нисбатан қўшимча эканлиги масаласи ўзига хос. Зеро, суғурта институти мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида қуйидаги ўзига хос хусусият ва белгиларга эга: биринчидан, зарар етказганлик ва шартномани бузганлик ҳамда қайта суғурталаш сабабли жавобгарликни суғурталаш ҳар доим асосий мажбуриятга боғлиқ. Иккинчидан, Россия Федерацияси Фуқаролик Кодексининг 167-моддаси 3-қисмига биноан суғурта шартномаси фақат келажак вақт учун тўхтатилиши мумкин. Аслида, суғурта хизмати кўрсатилганлиги сабабли, қайта тиклаш қоидалари тўлиқ қўлланилиши мумкин эмас (РФ ФКнинг 167-моддаси 2-қисми). Учинчидан, суғуртанинг акцессорлиги заифлашиши: суғурта шартномаси таъминланган мажбурият пайдо бўлгунга қадар тузилиши ёки у бажарилганидан кейин ҳам давом этиши мумкин; кредиторнинг (наф олувчининг) ҳуқуқлари баъзи ҳолларда (масалан, шахсий суғурта шартномаси) асосий мажбурият тугаганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Тўртинчидан, асосий мажбурият бўйича кредитор ҳар доим ҳам суғурта шартномаси бўйича суғурталанган ва (ёки) наф олувчи сифатида иштирок эта

исполнения принятых на себя договорных обязательств // Юридическая наука. -2017. -№4. –С.104.

[1] Гражданское право: учебник / под общ.ред. С.С. Алексеева. -М.: Проспект, 2009. 171,172 с; Гражданское право: учебник / под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. 6-е изд.,перераб. и доп. -М.: ООО «ТК Велби»,2005. 683 с; Комиссарова Е.Г., Торкин Д.А. Непоименованные способы обеспечения обязательств в гражданском праве. -М.: АспектПресс, 2008. 26 с; Рассказова Н.Ю. Вопросы общей теории обеспечительных обязательств // Правоведение. 2004. №4. -С.58.

олмайди, бу эса суғурта шартномасининг таъминлаш функциясига ҳеч қандай таъсир қилмайди[1].

Суғуртанинг асосий мажбуриятга нисбатан қўшимчалик хусусияти кредит шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида суғурта (суғурта полиси)дан фойдаланилганда яққол намоён бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” (янги таҳрир)даги Қонуннинг 16-моддаси 3-қисмига асосан, тадбиркорлик фаолияти субъекти кредит шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида ўз мол-мулкидан, шу жумладан, ашёлари ва мулкий ҳуқуқларидан, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфини суғурта қилиш полисидан фойдаланиши мумкин[2].

Шунингдек, хорижий мамлакатлар қонунчилигида суғурта полисини қўлланишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти қайд қилинади. Жумладан, Сингапур “Суғурта ҳақида”ги Қонунининг 24.1.1-моддасига кўра, суғурта полисининг таваккалчиликларни бошқариш функцияси ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга, чунки бу жисмоний ва юридик шахсларга таваккал қила олмайдиган ёки ўзлари хоҳламайдиган таваккалчиликларни ва ноаниқ йўқотишларни ҳимоя қилишга имкон беради[3].

Шартнома бўйича олинган мажбуриятларнинг бузилиши натижасида суғурта ҳодисаси юзага келганда, суғурта шарт-

---

[1] Почтарев А.А Страхование как непоименованный в гражданском кодексе РФ способ обеспечения обязательств// Право и политика №3 (183), 2015.-С.408; Бормотов А.В. Обеспечительная функция договора страхования в российском гражданском праве: Автореф.дисс. к.ю.н. -Пермь,2011. -С.9-10.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” (янги таҳрир) ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://www.lex.uz/acts/2006789

[3] Commercial law in Singapore. Ch. 24 Insurance Law.https://www.singaporelawwatch.sg/About-Singapore-Law /Commercial-Law/ch-24-insurance-law.

номаси қоида тариқасида, асосий мажбурият ҳисобланган кредит шартномасига қўшимча сифатида таъминлаш усулларига хос бўлган кредитор манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган қоплаш функциясини бажаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, суғуртани “усул сифат” деб эътироф этувчи олимлар ҳам мавжуд. Жумладан, “Россия фуқаролик ҳуқуқида суғурта шартномасининг таъминлаш функцияси” хусусида тадқиқот олиб борган А.В.Бормотовнинг таъкидлашича, бошқа олимлар суғурта бирор мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг “усул сифати” (квазиспособ) деб ҳисоблашади[1]. Бироқ ҳуқуқшунос олимларнинг бундай фикрлари билан келишмаймиз. Чунки суғуртада мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган қуйидаги белги ва хусусиятларга эга ҳамда улар таъминлаш усули сифатида унга баҳо бериш учун етарли деб ҳисоблаймиз: *биринчидан,* у энг аввало мажбурият эканлиги (*белги*); *иккинчидан,* у шартнома асосида вужудга келиши (*белги*); *учинчидан,* у мажбурият бажарилишига рағбатлантириши (*хусусияти*); *тўртинчидан,* мустақил мулкий оқибатларни юзага келтира олиши, яъни мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳимоя қилиши (зарарни қоплаш) (*хусусияти*); *бешинчидан,* асосий мажбуриятга нисбатан қўшимча (акцессор) эканлиги (*хусусияти*). Буни ўтказилган социологик сўров натижалари ҳам тасдиқлайди[2].

---

[1] Бормотов А.В. Обеспечительная функция договора страхования в российском гражданском праве: Автореф.дисс. к.ю.н. -Пермь, 2011. –С.14.

[2] Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида 2018 йил 18-30 июнь ва 2019 йил 4-15 ноябрь кунлари ҳамда Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) Марказида 2018 йил 2-31 октябрь кунлари малакасини оширган давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари жами 92 та респондентлар ўртасида “Товар неустойкаси, суғурта, “делькредере” ва факторинг”ни мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари сифатида эътироф этасизми?” деган савол бўйича ўтказилган сўровномада респондентларнинг 62 таси (67,*3 фоизи*) суғуртани таъминот усули сифатида эътироф этишган.

Назаримизда, суғуртани *қўллаш* учун қуйидаги асос мавжуд бўлиши, мезонлар бузилиши ва шартлар[1] юзага келганлигига риоя қилиш лозим:

асос – қонун ёки шартнома (ЎзР ФК 914-моддаси);

мезон – суғурта ҳодисаси юз бериши (ЎзР Суғурта фаолияти тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддаси);

шартлар – суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар суғурта шартномаси муддатидан илгари (ЎзР ФК 948-моддаси) ва суғурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши (ЎзР ФК 950-моддаси) натижасида бекор бўлмаган бўлиши;

– суғурта шартномаси ҳақиқий бўлиши (ЎзР ФК 919-моддаси);

– суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида хабардор (ЎзР ФК 951-моддаси) қилинмаслиги, суғурта қилдирувчи эҳтимол тутилган зарарни камайтириш чора кўрмаслиги (ЎзР ФК 952-моддаси), суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи айби билан юз берганлиги (ЎзР ФК 953-моддаси) сабабли ва қонунда кўрсатилган бошқа асослар (ЎзР ФК 954-моддаси) бўйича суғурта пули тўлашдан озод қилинмаган бўлиши;

– суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ёхуд суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси ҳолатларини текшириб кўришга ёки етказилган зарар миқдорини аниқлашга тўсқинлик қилгани туфайли суғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъво қўзғатилмаган бўлиши (ЎзР ФК 955-моддаси).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида”ги 45-сонли қарорининг 22-бандида судлар томонидан

[1] 14-иловага қаранг.

эътибор қаратилиши лозим бўлган бир нечта шартлар ҳам белгиланган:

– суғурталовчига талаб билдирилгунга қадар кредитор-қарздордан қарзни ундириш чораларни кўриши зарур;

- фақат қарздорнинг мажбуриятни бажариш учун мол-мулки етарли бўлмаслиги[1].

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 259-моддаси 1-қисми “мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат” деган сўзлардан кейин “*суғурта”* деган сўз билан тўлдирилиши таклиф этилади.

Шунингдек, мулкий суғурта ва шахсий суғурта шартномаларига оид қоидалар белгиланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 915 ва 921-моддаларида қайд этилган “наф олувчи”ни янада аниқлаштириш мақсадида, ФКнинг 915-моддаси учинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилиб, унда, асосий мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида мулкни суғурта қилиш шартномаси тузилиши, унда қарздордан асосий мажбурият бўйича бажаришни қабул қилиб олишга ваколатли шахс наф олувчи деб ҳисобланиши баён этилди.

Суғуртани мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида тарафлар тўғри танлашлари учун унинг афзалликлари ва нуқсонлари хусусидаги қуйидаги хулосамизни келтирамиз:

суғуртанинг афзалликлари: исботланган зарар миқдори ва мажбурият суммасини қайтариш эҳтимоли юқори бўлади; кредитор ўзи суғурталовчини танлайди; кредитор таваккалчиликни суғурталашга оид барча ҳужжатларни сақловчи ҳисобланади;

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида”ги 45-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz

суғуртанинг нуқсонлари: неустойка қопланмайди; суғурта қопламаси камдан-кам ҳолларда мажбурият қийматининг 100 фоизини ташкил этади; юзага келиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш бўйича ҳаракатлар (шу жумладан, дебиторлик қарзларини ундириш бўйича процессуал ҳаракатлар)ни амалга ошириш – суғурта қопламасини тўлашнинг зарурий шарти ҳисобланади; дебиторлик қарзлари бўйича ҳужжатлар тўпламини суғурталовчига топширишнинг қисқа муддатлари белгиланади.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш шартномалари айниқса, воситачилик шартномасидан келиб чиқадиган муносабатлар ижтимоий ҳаётда кенг тарқалган бўлиб, фуқаролик ҳуқуқида ўз ўрнига эга. Бироқ ушбу муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш масаласи деярли илмий тадқиқ қилинмаган. Шу нуқтаи назардан воситачилик шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда "делькредере"[1]нинг ўрнини аниқлаш ва илмий хулосалар чиқариш фуқаролик ҳуқуқи фанининг олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Делькредеренинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган хусусиятларини аниқлаш ва уни таъминлаш усули сифатида эътироф этиш масаласида тадқиқот олиб борар эканмиз, бунда, аввало унинг бошқа институтлар билан муносабатини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу делькредеренинг таъминлашдаги ўрнини аниқлашга ёрдам беради.

Бу борада турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, С.В.Скороходовнинг фикрича, "делькредере" алоҳида фуқаролик-ҳуқуқий институт бўлиб, ўз табиатига кўра, мулкий суғурта институтига яқин, бироқ воситачи "РФда суғурта ишини

[1] "Делькредере" (немисча *delkredere* – кафиллик, италянча *del credere* - ишончга) /https://ru.wikipedia.org/ wiki /Делькредере.

ташкил этиш ҳақида”ги Қонунининг 6-моддаси 1-бандига асосан, суғурталовчи сифатида чиқиши мумкин эмас, кафолатлаш ҳақидаги келишув қонун билан суғурта шартномасига қўйилган талабларга жавоб бермайди. Мазкур келишув воситачи ва комитент ўртасидаги хизмат кўрсатиш (ўз табиатига кўра суғурталаш) бўйича мустақил мажбуриятни вужудга келтиради[1]. С.В.Скороходовнинг фикрини маъқуллаган ҳолда қайд қилиш жоизки, суғуртадан фарқли равишда делькредере воситачи ва комитент ўртасидаги хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича мустақил равишда юзага келадиган мажбуриятдир.

Одатда, делькредере топшириқ ва воситачилик шартномалари асосида вужудга келади ва қўлланилади деб эътироф этилади. Жумладан, Нидерландлар Фуқаролик Кодексининг 7:429-моддасига асосан, “делькредере ҳақидаги келишув” – бу тижорат агентлиги тўғрисидаги шартномада белгиланган қоида бўлиб, унга мувофиқ агент томонидан принципал билан учинчи шахслар ўртасида тузиладиган шартномаларни ташкиллаштирилиши ёки бу шартномаларни принципал номидан бажаришга ёхуд унинг номидан шартномада иштирок этиш юзасидан принципалга кафолат берилишидир[2].

Делькредере ҳақида бир тўхтамга келиш учун топшириқ ва воситачилик шартномаларини қиёсий таҳлил қилиш лозим. Топшириқ ва воситачилик шартномалари бўйича мажбуриятлар ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлашга оид қоидалар бир-бирига жуда ўхшаш, бироқ бир хил эмас.

Биринчидан, топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф *(топшириқ берувчи)*нинг *номидан* ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбу-

---

[1] Скороходов С.В. Договор комиссии по законодательству РФ и практика его применения в предпринимательской деятельности. Автореф. дисс. к.ю.н. –Томск. 2003. – С.7-8.

[2] Dutch Civil Code (Civil Code of the Netherlands)/ http://dutchcivillaw.com/legislation/dcctitle7777.htm.

риятини олади. Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчида вужудга келади (ЎзР ФК 817-моддаси 1-қисми)[1].

Воситачилик шартномаси бўйича бир тараф *(воситачи)* иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича *ўз номидан*, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт (ЎзР ФК832-моддаси 1-қисми)[2].

Иккинчидан, тижорат вакили сифатида иш олиб борувчи ишончли вакил ФКнинг 290-моддасига мувофиқ, топшириқ берувчига топширилиши керак бўлган ўз қўлидаги ашёларни топшириқ шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли бўлади[3].

Комитент воситачига ҳақ тўлаши, воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан *бажарилиши учун кафолатни ўз зиммасига олган (делькредере)* ҳолларда эса шартномада белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ ҳам тўлаши шарт (ЎзР ФК 833-моддаси 1-қисми)[4].

Фикримизча, бунда асосий фарқ таъминот нуқтаи назаридан воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилиши учун кафолатни ўз зиммасига олишида (делькредере) намоён бўлади.

Мажбуриятларнинг бажарилиши делькредере билан таъминланиши амалиётда кўплаб учрайди. Масалан, “Shahrizoda Exspres” МЧЖ (“Комитент”) ва “Moddiy-Texnika Ta'minoti Bazasi” МЧЖ (“воситачи”) ўртасида жами: 72.722.000 сўмлик “Ёрлик, этикетка”дан иборат бўлган товар-моддий бойлик-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

[4] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

ларини етказиб бериш тўғрисида 2018 йил 20 декабрь куни тузилган 175-сонли воситачилик шартноманинг 4.3-бандига асосан, комитент томонидан товар-моддий бойликлар сотиш учун воситачига топширилгандан кейин воситачи сотиш учун олинаётган товар-моддий бойликлар қийматининг 30 фоизигача миқдордаги кафолат (делькредере – ФКнинг 834-моддаси) маблағини комитентга ўтказилиши ҳамда 4.5-бандига биноан, воситачи томонидан комитентнинг товар-моддий бойликлари сотилгунга қадар ўтказилган барча маблағлар кафолат маблағи ҳисобланиши белгиланган.

Бу каби шартларни “Ohangaron Trio Group” МЧЖ (“Комитент”) ва “Moddiy-Texnika Ta'minoti Bazasi” МЧЖ (“Воситачи”) ўртасида жами: 313.500.000 сўмлик “Қоғоз қоп”дан иборат бўлган товар-моддий бойликларини етказиб бериш тўғрисида 2018 йил 21 декабрь куни тузилган 177-сонли воситачилик шартноманинг 4.3, 4.5-бандларида ҳам учратиш мумкин.

Шунингдек, ҳуқуқий адабиётларда, делькредерени кафилликнинг бир кўриниши сифатида эътироф этиш ҳолатлари учрайди. Жумладан, Э.А.Суханов таҳрири остида тайёрланган фуқаролик ҳуқуқи дарслигида делькредере кафилликнинг бир кўриниши сифатида эътироф этилиб, унинг акцессор хусусияти қайд этилади[1].

Фуқаролик ҳуқуқи дарслигида қайд қилинган ушбу фикр бироз баҳсли. Чунки ЎзР ФКнинг 292-моддаси 1-қисмига асосан, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади[2]. Ушбу моддада бир шахснинг бошқа шахс учун, яъни қарздор учун жавоб бериши белгиланган.

---

[1] Российское гражданское право. Учебник: в 2 т. Т.II: Обязательственное право /Отв. ред. Е.А.Суханов. – 2-е изд., стер. – М.: Статут, 2011.-С.791.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

Делькредере ҳақидаги келишув бўйича эса аксинча, воситачи учинчи шахс учун эмас, балки шартноманинг бажарилиши учун кафолат беради.

Кафиллик билан делькредере аниқ бир субъект, яъни қарздор учун эмас, балки мажбурият бажарилиши учун жавоб бериши билан фарқланади. Бу воситачи томонидан мажбурият бажарилиши учун бир қатор ҳаракатларни амалга оширилишида кузатилиб, унинг ҳуқуқий асослари қонунчиликда белгиланган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 835-моддаси биринчи қисмига мувофиқ воситачи воситачилик шартномасини бажариш мақсадида бошқа шахс билан қўшимча воситачилик шартномасини тузишга ҳақли бўлади[1].

Фикримизча, воситачининг бундай ҳаракатлари мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган. Бироқ кафилликда кафилга нисбатан бундай шартлар белгиланмаган.

Ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилиги хусусан, Хитойнинг Макао Тижорат кодекси 631-моддаси (делькредере шартномаси) 1-қисмига асосан, агент ёзма шартнома асосида ўзи томонидан тузилган ёки тузилган шартномалар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлаши мумкин. Мазкур модданинг иккинчи қисмига биноан эса, бундай делькредере шартномаси фақат унда шартнома кўрсатилган ёки кафолатланган шахслар белгиланган ҳолларда амал қилади[2].

Бунда, Н.Е.Сосипатрова ва Д.А.Софроноваларнинг “воситачи аниқ бир субъект учун эмас, балки улар томонидан тузил-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

[2] Макао Тижорат кодекси. /http://www.asianlii.org/mo/legis/laws/cca601700141/

ган битимларнинг бажарилиши учун кафолат беради”[1] деган фикрини келтириш жоиз.

Шунингдек, Ю.П.Свит[2] воситачининг кафолати ўз табиатига кўра, кафиллик билан ўхшаш, яқин, бироқ, у билан айнан бир хил эмас деганида ҳақли эди. Ю.П.Свитнинг фикрини маъқуллаган ҳолда айтиш мумкинки, кафиллик билан делькредере айнан бир хил хусусиятларга эга эмас. Чунончи, делькредереда “комитент-воситачи-учинчи шахс” ва кафилликда “кредитор-кафил-қарздор” субъект ҳисобланади. Кредитор ва қарздор ўзаро мажбурият билан боғлиқ бўлиб, қарздор кредитор фойдасига ижрони амалга оширишга мажбур бўлган шахс, кредитор қарздордан бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланади. Кафил акцессор мажбурият ўрнатиб, қарздор кредитор олдида ўз мажбуриятини бажариши учун кафиллик беради.

Учинчи шахс ҳисобланган воситачи комитент билан бирор-бир ҳуқуқий муносабатда боғлиқ бўлмаган ҳолда шартномани амалга оширади ва унинг кредитори бўлиб фақат воситачи ҳисобланади.

Шундай қилиб, кафолат берган воситачининг мажбурияти кафилликдан мустақил бўлиб, у билан тузилган шартномани бажариш бўйича учинчи шахс мажбурияти билан ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай боғлиқ эмас, унга нисбатан муносабатда акцессор ҳисобланмайди.

Шу билан бирга, делькредере кафолатдан фарқ қилади ва бу қуйидагиларда намоён бўлади: *биринчидан, кафолатда* – банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил)

---

[1] Сосипатрова Н.Е., Софронова Д.А. Делькредере: правовая природа и вопросы, связанные с квалификацией // Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского. – 2015. – № 4. – С.176.

[2] Комментарий к Гражданскому кодеку Российской Федерации (части второй) /Под.ред. С.П. Гришаева, А.М. Эрделевского. -М.: Юристъ, 2006.-С.508.

бошқа шахс (принципал) иштирок этади. *Делькредереда* – воситачи ва комитент ҳамда учинчи шахслар иштирок этади.

Иккинчидан, кафолатда – кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради. *Делькредереда* – воситачи учинчи шахс билан тузилган битимнинг бажарилиши учун кафолатни ўз зиммасига олади.

Делькредерени мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи чораларни таъминлаш усуллари сифатида эътироф этиш учун тан олинган қуйидаги белги ва хусусиятларга таянган ҳолда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида эътироф этиш мумкин:

-делькредере мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари хос бўлган белгига эга, яъни у аввало *мажбуриятдир*.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 832-моддаси 2-қисмига биноан, “Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳуқуқларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади”[1].

Учинчи шахс билан тузилган битим бўйича олинган мазкур мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, воситачи битимнинг ижроси учун комитентга кафолат беради (делькредере).

“Делькредере” воситачилик шартномаси орқали кенг доирадаги муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун қўлланилади. Бу қишлоқ хўжалиги

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

маҳсулотлари, фуқароларга қарашли кенг истеъмол товарлари ва уй-рўзғор буюмлари, корхона ва ташкилотларда ортиқча бўлган ва ишлатилмаётган ускуналар ва бошқа материаллар, ташқи савдо соҳасида, ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган паст сифатли маҳсулотларни воситачилик асосида сотиш бўйича юза келадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашни ўз ичига қамраб олади.

Бундан ташқари, делькредере мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари каби *шартнома асосида вужудга* келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 833-моддаси 1-қисмига асосан, комитент воситачига ҳақ тўлаши, воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилиши учун кафолатни ўз зиммасига олган (делькредере) ҳолларда эса шартномада белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ ҳам тўлаши шарт. Шунингдек мазкур кодекснинг 834-моддаси 3-қисмига кўра, воситачи битимнинг ижроси учун комитентга кафолат берган (делькредере) ҳолларда у воситачилик шартномасида келишилган миқдорда қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади[1].

Қайд қилинган қоидалардан аён бўладики, воситачи учинчи шахслар билан тузилган битимнинг бажарилиши учун кафолат олиши (делькредере) каби мажбурияти воситачилик шартномаси асосида вужудга келади.

Шунингдек, делькредере таъминлаш усулларига хос бўлган мажбурият бажарилишига *рағбатлантириш хусусиятига* эга.

Ҳуқуқий рағбатлантириш ва ҳуқуқий чекловларнинг умумий назарий таърифларини инобатга олган ҳолда А.Б.Щербаков делькредеренинг воситачи ҳаракатларининг

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

эркинлигини чеклашнинг бир тури сифатида, бошқа томондан, делькредере воситачининг воситачилик шартномани лозим даражада бажарилиши учун янада фаол ҳаракатларига туртки берувчи сифатида асослайди. Шундай қилиб, ҳуқуқий рағбатлантириш ва ҳуқуқий чеклашлар назарияси нуқтаи назаридан делькредере иккиёқлама ҳуқуқий табиатга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам рағбатлантириш ҳам ҳуқуқий чекловни ўзида намоён қилади[1] деб таъкидлайди.

А.Б.Щербаковнинг фикрини маъқуллаган ҳолда айтиш мумкинки, делькредереда воситачи ҳаракатларининг эркинлиги маълум бир шартлар билан чекланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 834-моддаси 4-қисмига асосан, комитент ҳисобидан учинчи шахс билан тузилган битим учинчи шахс томонидан бажарилмаганлиги учун воситачи комитент олдида жавобгар бўлмайди, воситачи ушбу шахсни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган ёки битимнинг бажарилишига кафолат берган (делькредере) ҳоллар бундан мустасно[2]. Бу каби ҳолат Е.В.Горячева томонидан ҳам эътироф этилади[3].

Демак, делькредереда воситачи ҳаракатлари эркинлиги дастлаб учинчи шахсни тўлиқ текширган ҳолда танлаши ёки битимнинг бажарилишига кафолат бериши билан кейинчалик эса, учинчи шахс томонидан мажбурият бажарилмаганида комитент томонидан воситачига талаб қўйилмагунича ҳаракатлана олмаслиги билан чекланар экан.

---

[1] Щербаков А.Б. Договоры комиссии и агентирования сравнительно-правовое исследование, соотношение с договором поручения. Автореф. дисс. ...к.ю.н. Казань – 2007.-9 с.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

[3] Горячева Е.В. Договор комиссии в гражданском законодательстве Республики Казахстан. //Вестник Института законодательства РК №1 (46) 2017.-С.116-117.

Учинчи шахс томонидан битим бажарилмаганида комитент томонидан талаб қўйилганидан кейин воситачининг ҳаракатлари фаоллашади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 834-моддаси 5-қисмига кўра, “Воситачи учинчи шахс билан тузган битимни учинчи шахс бажармаган тақдирда, воситачи бу ҳақда дарҳол комитентга хабар бериши, зарур далил-исботларни тўплаши ва таъминлаши, шунингдек комитентнинг талабига кўра бундай битим юзасидан ҳуқуқларни талабларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда (ушбу Кодекснинг 313-317, 319, 320-моддалари) унга топшириши шарт”[1].

Воситачига нисбатан қўйилган ушбу шартлардан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиши билан мажбуриятларнинг бажарилмаслик хавфи камаяди.

Е.Я.Токар делькредеренинг қўлланишига муносабат билдирар экан, унинг ишлатилиши натижасида битим бўйича юзага келадиган хавфни камайтиришга ёрдам беради. Профессионал вакиллар алоҳида тўлов (мукофотнинг оширилиши) эвазига кафолатланган натижага эришиш ҳақидаги шартни муваффақиятли қўллаши мумкинлиги тасдиқланган[2] деб таъкидлайди. Е.Я.Токарнинг фикрини маъқуллаган ҳолда қайд қилиш лозимки, воситачилик шартномаси билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган мажбуриятлар бажарилиши делькредере билан таъминланиб, воситачига қўшимча ҳақнинг тўланиши, уни рағбатлантириб, вужудга келиши мумкин бўлган хавфларнинг камайтирилиши соҳасида самарали ҳаракат қилишига туртки беради.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

[2] Токар Е.Я. Представительство в сфере предпринимательской деятельности: проблемы законодательного регулирования и правоприменения. Автореф. дисс..д.ю.н.-М.: 2018.-41 с.

Делькредере билан таъминланган мажбурият учинчи шахс томонидан бузилганидан комитент талабига кўра, воситачи тўловни амалга оширади. Бу жараёнда воситачига воситачилик ҳақи ва делькредере учун қўшимча ҳақ (ЎзР ФК 833-моддаси) ҳамда воситачилик топшириғини бажариш юзасидан сарфланган суммаларнинг ҳам комитент томонидан тўлаб берилиши (ЎзР ФК 842-моддаси), шунингдек, воситачи мажбурият тарафларига нисбатан қўядиган талаблари юзасидан қонунчиликда бир қатор ҳуқуқ ва имтиёзлар белгиланганлиги уни ўз мажбуриятини бажаришига *рағбатлантиради.*

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 838-моддаси 2-қисмига асосан, “Воситачи ушбу Кодекснинг 290-моддасига мувофиқ ўз қўлида бўлган, комитентга ёки комитент кўрсатган шахсга топширилиши керак бўлган ашёларни воситачилик шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли” бўлса, 3-қисмига биноан эса,“Комитент ночор (банкрот) деб эълон қилинган тақдирда воситачининг мазкур ҳуқуқи бекор қилинади, унинг ўзи ушлаб турган ашёлар қиймати доирасида комитентга қўядиган талаблари ушбу Кодекснинг 291-моддасига мувофиқ гаров билан таъминланган талаблар қаторида қаноатлантирилади”[1].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 839-моддасига кўра, воситачи ушбу Кодекснинг 343-моддасига мувофиқ воситачилик шартномаси бўйича ўзига тегишли бўлган суммаларни комитент ҳисобидан ўзига тушган ҳамма суммалардан ушлаб қолишга ҳақли[2]. Бироқ комитентнинг ўз талабларини қондириш навбати бўйича гаров сақловчилар олдида имтиёздан фойдаланадиган кредиторлари бу талабларни во-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

ситачи ушлаб қолган суммалардан қаноатлантириш ҳуқуқидан маҳрум этилмайдилар.

Шунингдек, делькредере таъминлаш усулларига хос бўлган мажбурият тарафларининг манфаатини *ҳимоя қилиш хусусиятига* эга.

Бу ўринда Д.З.Гильмутдиновнинг воситачи ўзига учинчи шахс билан тузган шартномасининг бажарилиши учун кафолатни қабул қилади (делькредере), бироқ комитент томонидан воситачига харидорларнинг қарздорлиги бўйича шартнома бўйича олган мажбуриятини бажариш хусусида талабнома қўймагунча, бу қарздорлик бевосита воситачининг қарздорлиги ҳисобланмайди[1] деган фикрини келтириш жоиз.

Демак воситачилик шартномаси бўйича воситачи мажбуриятни бажаришга кафолат олар экан (делькредере), бунда унга бевосита бирданига мажбурият юклана олинмаслиги унинг ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини англатади. Маълумки, воситачилик шартномаси муддати кўрсатилиб ёки муддати кўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай ҳолатларда шартнома тарафлари манфаатларининг ҳимоя қилиниши ўзига хос. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 844-моддаси 1-қисмига асосан, агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачи шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас, шартнома амал қилиш муддати кўрсатилмасдан тузилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда воситачи комитентга шартномани бекор қилиши ҳақида, агар хабар қилишнинг узоқроқ муддати шартномада назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабар бериши шарт[2]. Мазкур Кодекснинг 847-моддасига кўра, воситачи муддати кўрсатилмасдан тузилган воситачилик

---

[1] Гильмутдинов Д.З. Об ответственности комиссионера за исполнение сделки третьим лицом //Судебная практика. №6 (168) – 2013, -С.31.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195355

шартномасини бажаришдан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда комитентни, агар хабардор қилишнинг узоқроқ муддати шартномада кўзда тутилган бўлмаса, ўттиз кундан кечиктирмасдан хабардор қилади[1]. Мазкур моддаларнинг мазмунидан англашиладики, воситачилик шартномаси муддати кўрсатилмасдан тузилганида (ЎзР ФК 847-моддаси) воситачи шартномани бажаришдан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлса, аксинча шартнома муддати кўрсатилиб (ЎзР ФК 844-моддаси) тузилганида воситачи шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас.

Таъкидлаш жоизки, иккинчи ҳолатда (ЎзР ФК 844-моддаси) воситачининг манфаатлари комитентнинг манфаатларига қараганда камроқ ҳимоялангандек кўринади. Бироқ аслида ундай эмас. Бу ҳолатда ҳам воситачининг манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланади.

Миллий қонунчилигимизда (ФК 834-моддаси 4-қисми) битимнинг бажарилишига кафолат берган (делькредере) ҳолларда, битим учинчи шахс томонидан бажарилмаганлиги учун воситачи жавобгар бўлишига оид қоидалар белгиланган. Бироқ бундай ҳолда воситачининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун унинг жавобгарлиги чекланиши масалалари бироз эътибордан четда қолган. Хорижий мамлакатлар қонунчилигида бу масалалар эътиборга олинган. Масалан, Нидерландлар Фуқаролик Кодексининг 7:429-моддаси 2-хат бошига асосан, агар ёзма равишда бошқача келишув бўлмаса, агент делькредере шартига мувофиқ “учинчи шахснинг тўлов қобилиятлилиги” учун жавобгар бўлиши, 3-хат бошига биноан эса, агар делькредере шарти муайян шартнома ёки агент принципал номидан тузган шартномалар билан боғлиқ бўлмаса, агент воситачиликда келишилган миқдордан ошган сумма учун жавобгар-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195355

ликни ўз зиммасига олиши мумкин эмас, 4-хат бошисига кўра, агар агент томонидан ўзига олинган хавф ва воситачилик келишуви ўртасида аниқ номутаносиблик мавжуд бўлса, агар ушбу миқдор воситачилик миқдоридан ошса, суд агент жавобгар бўлган миқдорни камайтириши мумкин. Суд барча ҳолатларни, хусусан, агентнинг ишонч билдирган шахснинг манфаатларини қандай ҳимоя қилганлигини ҳам инобатга олади[1].

Хитойнинг Макао Тижорат кодексининг 601-моддаси 1-қисмига асосан, воситачи у шартнома тузган шахслар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлмайди, шартнома тузиш пайтида у уларнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида билган ёки билиши шарт бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Мазкур модданинг 2-қисмига биноан, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда, бундай жавобгарлик тўғридан-тўғри белгиланган ёки фойдаланиш натижасида вужудга келган бўлса, воситачи фақат шартнома тузган шахсларнинг мажбуриятларини бажариш учун жавобгар бўлади[2].

Таиланд Фуқаролик ва Тижорат Кодексининг 838-моддасига кўра, шартноманинг бошқа тарафи ўз мажбуриятини бажармаганида, шартнома билан белгиланмаган ёки принципал ва агент ўртасидаги иш муносабатларида ёки маҳаллий фойдаланишда ўзгача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, тижорат агенти жавобгар бўлмайди. Мазкур модданинг 1-қисмида кўрсатилган шартларда шартнома бажарилишини кафолатлашни ўз зиммасига олган тижорат агенти делькредере агенти ҳисобланиб, мукофот олиш ҳуқуқига эга бўлади[3].

---

[1] Dutch Civil Code. /http://www.dutchcivillaw.com/legislation/dcctitle7777.htm

[2] Макао Тижорат кодекси. /http://www.asianlii.org/mo/legis/laws/cca601700141/

[3] Thailand Civil and Commercial Code. https://www.samuiforsale.com/law-texts/thailand-civil-code-part-2.html

Бу суд амалиётида судлар томонидан бир неча маротаба таъкидланганидек, делькредере ҳақидаги шарт шартномада тўғридан-тўғри ва аниқ белгилаб қўйилган бўлиши керак[1].

Таҳлилларга асосланиб, шартнома тарафларининг манфаатини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 834-моддаси 4-қисмидаги “воситачи ушбу шахсни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган” деган сўзларни “воситачи ушбу шахснинг тўловга қобилиятсизлигини билган ёки билиши шарт бўлган ҳолларда уни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган” деган сўзлар билан алмаштирилиши таклиф этилади.

Фикримизча, делькредере билан мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланиши жараёнида манфаатлар ҳимоя қилиниши жиҳатидан *“триада”* юзага келиб, делькредеренинг мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашга хос бўлган хусусиятлари намоён бўлади.

Делькредере билан мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланиб, сотиб олувчи томонидан товар учун тўланиши лозим бўлган ҳақ кечиктирилганида воситачи томонидан мазкур ҳақнинг комитентга тўланиши унинг *манфаатини ҳимоя қилади*. Воситачи томонидан сотиб олувчининг ўрнига тўловни амалга ошириб, мажбурият бажарилишини таъминланганлиги учун комитент томонидан воситачига делькредере учун ҳақ ўтказади. Мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланиши жараёнида *воситачининг ҳам ҳуқуқлари ҳимоя* қилинганлигини англаш мумкин. Делькредере билан мажбуриятлар бажарилиши таъминланиб, тўлов амалга оширилиши орқали товарнинг олиниши оралиғидаги вақт ичида сотиб олувчи ўзи олган товарнинг яроқлигига оид барча хусусиятларини англаб етиш имкониятига эга бўлади. Бу унинг товарни сотиб олишидан

[1] Постановление ФАС Западно-Сибирского округа от 13 июля 2004 г. по делу № Ф04/38013-1558/А27-2004.

кутилган манфаати юзага чиқади. Натижада *сотиб олувчининг манфаати* ҳам таъминланади.

Делькредере мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган *қоплаш хусусиятига* эга.

Б.И.Пугинский томонидан “делькредере ҳақидаги келишувни *зарарни қоплаш* хусусидаги мажбурият”[1] ва Ю.В.Кондратьева томонидан эса, англосаксон ҳуқуқида делькредере кафолат шартномаси эмас, балки *зарарларни қоплаш ҳақидаги шартнома* ҳисобланиши[2] таъкидланади. Б.И.Пугинский фикри билан тўлиқ келишсак-да, Ю.В.Кондратьеванинг нуқтаи назари бироз баҳсли, чунки делькредере кафолат шартномасидан ҳамда зарарларни қоплаш ҳақидаги шартномалардан мустақил бўлган келишувдир[3].

Зарарларни қоплаш ва делькредере ҳақидаги шартларнинг ўзаро нисбатини ўрганган А.Темникова зарарларни қоплаш (РФ ФК 406.1-моддаси) ва делькредере (РФ ФК 993-моддаси 1-банди) табиати ўхшаш бўлиб, олдини олиш ва қоплаш хусусиятига эга бўлган шартнома шартлари ҳисобланади деган хулосага келишимизга имкон беради. Шу билан бирга, улар орасидаги фарқларнинг мавжудлиги, улар мазмунан мутлақо бир хил тушунчалар деган хулосага келишимизга имкон бермайди. Аксинча, фуқаролик ҳуқуқида шартнома ёки қонуннинг тегишли шартлари асосида харажатлар ва йўқотишларни қоплаш институти мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир[4].

Делькредеренинг қоплаш хусусияти намоён бўладиган жараённи у билан таъминланган ҳолда товарни сотиш бўйича

---

[1] Пугинский Б.И. Энциклопедия юриста.-М.: 2005. /https://dic.academic.ru/dic.nsf/enclaw/529/delcredere.

[2] Кондратьева Ю.В. Делькредере в гражданском праве // Гражданское право. –2008. –№ 2. –С.36-38.

[3] 15-иловага қаранг.

[4] Темникова Н.А. Соотношение условий о возмещении потерь и делькредере по российскому гражданскому праву.//Вестник Омского университета. Серия «Право». 2019. Т.16, №2. –С.73.

воситачилик шартномаси бўйича муносабатларни амалга оширилишини баён этиш орқали тушунтириш мумкин. Воситачилик шартномасига асосан, комитент товарни воситачига беради. Воситачи эса, ўз навбатида ҳақ тўлаш эвазига товарни сотиб олувчига жўнатади. Воситачи учинчи шахслар томонидан олинган мажбуриятлар бажарилишини ҳар қандай қонуний воситалардан фойдаланган ҳолда таъминлашга ҳаракат қилади. Бунинг учун ўз қўлида бўлган, комитентга ёки комитент кўрсатган шахсга топширилиши керак бўлган ашёларни ушлаб туришга ҳақли бўлади. Сотиб олувчи томонидан олинган товарнинг ҳақини тўлаш кечиктирилганида тўлов амалга оширилиши делькредере билан таъминлаш жараёни юзага келади. Яъни сотиб олувчига жўнатилган товарнинг ҳақи ўз вақтида тўланмаганида воситачи делькредере тартибида комитентга тўловни амалга оширади. Воситачи томонидан делькредере тартибида тўлов амалга оширилиб, мажбурият бажарилишини таъминланганлиги учун комитент унга ҳақ тўлайди. Шу билан бирга, воситачилик шартномасини бажарилганлиги учун комитент воситачига воситачилик ҳақини ўтказади. Охир оқибат сотиб олувчи олган товарининг ҳақини воситачига тўлайди. Натижада олинган мажбуриятлар тўлиқ бажарилади[1].

А.И.Бычковнинг фикрича, делькредере “бу фуқаролик-ҳуқуқий келишув бўлиб, унинг предмети воситачи томонидан учинчи шахслар билан тузилган битимларни бажариш учун комитент олдида тўлов кафолатини олишидир. Агар делькредере тўғрисидаги келишувда унинг томонлари бошқача ҳолатни кўрсатмаган бўлсалар, воситачи учинчи шахс билан тузилган битимларни тўлиқ ҳажмда бажарилишини кафолатлашни ўзига қабул қилган деб ҳисобланади”[2].

---

[1] 16-иловага қаранг.

[2] Бычков А.И. Делькредере в договоре комиссии // Ленинградский юридический журнал. – 2012. – № 2 (28). – С. 92.

Делькредере мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган асосий мажбуриятга нисбатан *қўшимчалик (акцессор) хусусиятига* эга. А.И.Бычков Россия Федерацияси Фуқаролик Кодексининг 993-моддаси 1-қисмида қайд қилинган қоидалардан келиб чиққан ҳолда "делькредере ҳақидаги келишув асосий воситачилик шартномасига нисбатан акцессор (қўшимча) ҳисобланади" деган хулосага келади. Унинг хулосасига кўра, воситачи томонидан учинчи шахс билан комитент учун тузилган битимларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган ва бундай шартнома воситачилик шартномасиз мавжуд бўла олмайди"[1].

А.И.Бычковнинг фикрини маъқуллаган ҳолда қайд қилиш лозимки, бу қўшимча мажбурият Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 834-моддаси 3-қисмида белгиланганидек, воситачи битимнинг ижроси учун комитентга кафолат бериши (делькредере) тарзида намоён бўлади ва алоҳида келишув билан расмийлаштирилади[2].

Демак делькередере ҳақидаги келишув воситачилик шартномасига қўшимча (акцессор) мажбурият ҳисобланади. Зеро, воситачилик шартномаси бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олса (ЎзР ФК 832-моддаси 1-қисми), воситачи битимни бажариш бўйича учинчи шахслар билан муносабатга киришиб, воситачилик шартномасига қўшимча бўлган делькредере ҳақидаги келишувни тузади.

Қайд қилинганлар делькредерени мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида эътироф этиш учун асослар мавжудлигини кўрсатади.

---

[1] Бычков А.И. Делькредере в договоре комиссии // Ленинградский юридический журнал. – 2012. – № 2 (28). – С. 93.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#195261

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 259-моддаси 1-қисми “мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат” деган сўзлардан кейин “*делькредере”*деган сўз билан тўлдирилиши таклиф этилади. Мазкур таклиф қабул қилиниши фуқаролар, юридик шахсларга тегишли бўлган ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, ишлатилмаётган ускуналар ва бошқа материалларни, паст сифатли маҳсулотларни, кенг истеъмол товарлари ва уй-рўзғор буюмларини воситачилик асосларида ички ва ташқи савдоларда сотиш жараёнида юзага келадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга оид муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам беради.

Делькредерени қўллаш учун қуйидаги асос мавжуд бўлиши, мезонлар бузилиши ва шартлар юзага келганлигига риоя қилиш лозим:

асос **–** шартнома (ЎзР ФК 833-моддаси 1-қисми);

мезон **–** учинчи шахс томонидан битимнинг бажарилмаслиги (ЎзР ФК 834-моддаси 4-қисми);

шартлар – битимнинг учинчи шахслар томонидан бузилганида комитент томонидан воситачига талаб қўйилиши;

– делькредере ҳақидаги келишув ҳақиқий бўлиши.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, делькредере хизмат кўрсатиш соҳасидаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг самарали усулидир.

Иқтисодий айирбошлашнинг узлуксиз ривожланиши шартнома ҳуқуқи билан тартибга солинадиган мулкий муносабатларни таъминлаш усулларига эҳтиёж сезмоқда. Бунда пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) шартномаси алоҳида ўринга эга. Бироқ бу борада олиб борилган умумназарий тадқиқотлар унинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида эътироф этилиши учун етарли эмас. Шунинг учун факто-

рингнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган хусусиятларга эга эканлигини аниқлаш ва уни таъминлаш усули сифатида эътироф этиш юзасидан тадқиқот олиб бориш фуқаролик ҳуқуқи олдида турган муаммолардан бири ҳисобланади.

Факторингни ривожлантириш мамлакатимиз тараққиётига ўзининг катта ҳиссасини қўшади. Зеро, “Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси” Концепцияда[1] ички ва ташқи савдони рағбатлантириш мақсадида молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари сифатида факторингни молиялаштириш белгиланганлиги бежизга эмас.

Ҳуқуқшунос олимлар факторингни таърифлашга турлича ёндашадилар. Жумладан, И.Зокиров хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар қаторида пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш – факторинг (ФК 749-758-моддалари)[2], Е.Н.Пузырёва, факторинг – бу товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган тижорат корхоналарига молиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятини ўзида ифодалашини[3], Н.Л.Бондаренко ва О.Н.Шкутлар, факторинг шартномаси доирасида, қоида тариқасида, кредит бериш амалга оширилмайди – молиялаштириш қайтариб берилмайдиган асосда талабдан воз кечиш ҳисобига таъминланади. РФ ФКнинг 824-833-моддаларида кўзда тутилган шартномадан истисно сифатида, қайтарилиши шарт бўлган молиялаштириш ҳам амалга оширилиши мумкин (бунда талабдан воз кечиш мажбуриятлар

[1] Концепция Стратегии развития Республики Узбекистан до 2035 г. –С.51./ https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-RUS.pdf

[2] Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. –Т.: ТДЮИ, 2009. –Б.456.

[3] Пузырёва Е.Н. 10.2. Правовое регулирование договора международного факторинга.//Бизнес в законе -№2. -2014. –С.140.

бажарилишини таъминлаш усули ҳисобланади)[1] деб таъкидлайдилар.

Шунингдек, Е.А.Сорочинская ва А.С.Галстянлар факторинг – факторинг компанияси (банк) томонидан амалга ошириладиган савдо-воситачилик операцияси. Бу қарзни қайтариб сотиб олиш бўйича амалга ошириладиган операция, чунки у мижознинг дебиторлик қарзларининг инкасса қилинишини таъминлайди ва мижозларнинг кредиторлик қарзларидан кафолатлайди[2] деб таъкидлашса, бошқа бир ўринда, факторинг мижоз учун қулай, чунки қарзни тўлашда банк унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни амалга оширади банк эса воситачилик хақини олади[3] деб қайд қиладилар.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан факторинг турлича ифодаланса-да, у пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 749-758-моддаларида акс этганлигини таъкидлаш жоиз.

Фикримизча, факторингнинг ҳуқуқий табиати – *молиялаш ва пул талабномасидан воз кечиш* унсури орқали намоён бўлади.

Факторингнинг *молиялаш унсури* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 41-бобида назарда тутилган қарз ва кредит институти талабига яқин.

С.Д.Людвигнинг фикрича, пул талабномасидан воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларидан бири сифатида банк фаолиятида, кредит беришда фойдаланилиши мумкин, аммо у қарз ёки кредит

---

[1] Бондаренко Н.Л, Шкут О.Н. Субъектный состав договора факторинга по законодательству России, Белоруссии, Латвии: сравнительно-правовое исследование // Вестник Пермского Университета.-2013.-№2(20)-С.105.

[2] Сорочинская Е.А., Галстян А.С. Условия предоставления услуг кредитными организациями в Российской Федерации // Лучшая научная статья 2017: сборник статей XIII Международного научно практического конкурса. В 2 ч. Ч. 2. - Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». - 2017. -С.78.

[3] Сорочинская Е.А,. Галстян А.С. Ўша ерда. -Б.79.

шартномаси тури сифатида қаралиши мумкин эмас[1]. С.Д.Людвигнинг фикрини маъқуллаган ҳолда қайд қилиш лозимки, факторинг шартномаси қарз ёки кредит шартномасидан фарқ қилади ва бу миллий қонунчилигимизда қуйидагича акс этган:

Фуқаролик Кодексининг 732-моддаси 1-қисмига мувофиқ, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади[2].

Фуқаролик Кодексининг 744-моддаси 1-қисмига асосан, кредит шартномаси бўйича банк ёки бошқа кредит ташкилоти иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул маблағларини (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади[3].

Фуқаролик Кодексининг 749-моддаси 1-қисмига биноан эса, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасига кўра, молия агенти мижозга шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (қарздорга) товарлар беришидан, унинг ишларини бажаришидан ёки унга хизматлар кўрсатишидан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини

---

[1] Людвиг С.Д. Договор финансирования под уступку денежного требования. Автореф.дисс… к.ю.н. –М. 2003. -С.6.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#190096

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#190096

олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади[1].

Факторингнинг *пул талабномасидан воз кечиш унсури* ўз табиатига кўра, ФКнинг 23-бобида назарда тутилган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (цессия) табиатига шу даражада яқинки, баъзан уни цессия сифатида эътироф этиб, хато қилиш мумкин. Жумладан, В.В.Почуйкин ва Е.Е.Шевченколар пул талабномасидан воз кечишни молиялаш бўйича муносабатлар доирасида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун воз кечиш (цессия) ҳақидаги нормаларни (мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари рўйхатининг очиқлигидан келиб чиқиб) замонавий фуқаролик ҳуқуқида қўллаш имконияти ҳақида таъкидлашади[2].

Цессия ва факторинг турли ҳуқуқий табиатга эга бўлган шартномалар сифатида ўзини намоён қилиши ҳақида бошқа ҳуқуқий манбаларда ҳам эътироф этилади[3].

Қайд қилинган фикрларни маъқуллаган ҳолда таъкидлаш жоизки, факторинг бошқа молиялаш институтларидан фарқ қиладиган мустақил таъминлаш усули[4] бўлиб, унинг хусусиятлари *молиялаш ва пул талабномасидан воз кечиш* унсурларининг ўзаро уйғунлигида намоён бўлади.

Фикримизча, молиялашни талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш (кенг маънодаги талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#190096

[2] Почуйкин В.В.Уступка права требования: основные проблемы применения в современном гражданском праве России. -М.: Статут, 2005. -С.127–128; Шевченко Е.Е. Договор финансирования под уступку денежного требования в системе гражданского права России. -М., 2005. -С.284.

[3] Клёмина Ж.В. Соотношение договоров цессии и факторинга в законодательстве России. //Международный научный журнал «Символ Науки», -№8;2016. -С.101; Раздобудько А.Е. Факторинг в целях обеспечения и уступка требования: общее и особенное в правовых конструкциях. //Актуальные проблемы Российского права. 2012. -№3. -С.134; Калиманов С.С. Некоторые сходства и различия правовых институтов цессии и факторинга в законодательстве России. //Вестник РУДН, сер.юридические науки, 2006.№3(21), -С.56-57.

[4] 17-иловага қаранг.

шарти билан молиялаш) ва ФКнинг 42-бобидаги (тор маънодаги пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш) нормалар билан тартибга солинадиган мижоз томонидан товарни тақдим қилиш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган (факторинг белгисини ифодаловчи) пул талабномасидан воз кечиш шарти билан молиялашга оид битимлар тузилиши доирасида чегаралаш зарур.

Факторинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган қуйидаги белги ва хусусиятларга эга:

биринчидан, факторинг аввало *мажбуриятдир.* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 749-моддаси 1-қисмига асосан, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (қарздорга) товарлар беришидан, унинг ишларини бажаришидан ёки унга хизматлар кўрсатишидан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади[1]. Зеро, мижознинг молия агенти олдидаги мажбуриятини таъминлаш учун пул талабномасидан воз кечишда иккита мажбурият вужудга келади. Биринчисининг мазмуни молия агенти томонидан тақдим этилган пул воситаларини қайтариши, иккинчисининг мазмуни эса биринчи мажбуриятнинг бажарилиши ҳисобланади. Мижознинг молия агентига пул талабномасидан воз кечиш бўйича муносабати мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг анъанавий усулларидан бири – пул мажбуриятлари бўйича ҳуқуқлар (талаблар) гарови сифатида кўриб чиқилиши керак. Шундай қилиб, мижоздан молиявий агентга пул талабномасининг ўтиши фақат

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#190096

мижознинг тақдим этилган пул воситаларини қайтариш бўйича мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилган тақдирдагина амалга оширилади[1].

Пул талабномасидан воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси – бу учинчи шахслар олдидаги муайян мажбуриятлар мижоз томонидан текин бажаришидан келиб чиқадиган, молиявий агент учинчи шахсга мижоз пул талаби ҳисобига пул воситаларини мижозга бериш (беришни ўз зиммасига олиши) ҳақидаги шартномадир[2]. Ушбу фикрларни маъқуллаган ҳолда эътироф этиш жоизки, пул талабномасидан воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси тузилган пайтдан бошлаб, мижоз қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади: *биринчидан,* ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни бериш (ЎзР ФК 316-моддаси), *иккинчидан*, талабни амалга ошириш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни билдириши (ЎзР ФК 316-моддаси), *учинчидан,* шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мижоз бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномасининг ҳақиқийлиги учун молия агенти олдида жавобгар бўлиши (ЎзР ФК 752-моддаси 1-қисми).

Иккинчидан, факторинг тарафларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини *ҳимоя қилиш (зарарни қоплаш)* хусусиятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 751-моддасига асосан, тўлов муддати келган пул талабномаси ҳам (мавжуд талабнома), шунингдек келажакда вужудга келадиган пул маблағларини олиш ҳуқуқи (бўлажак талабнома) ҳам молиялаш эвазига бошқа шахс фойдасига воз кечиладиган нарса бўлиши мумкин.

---

[1] Герценштейн О.В. Договор финансирования под уступку денежного требования. Автореф. дисс... к.ю.н. Томск, 2004, -С.15.

[2] Качер О.В. Правовое регулирование договора финансирования под уступку денежного требования. Автореф. дисс... к.ю.н. Санкт-Петербург. 2007.-С.7.

Молиялаш эвазига бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномаси мижознинг молия агенти билан тузадиган шартномасида шундай белгиланган бўлиши керакки, мавжуд талабнома шартнома тузиш пайтига монанд бўлсин, бўлажак талабнома эса – кечи билан талаб вужудга келган пайтга монанд бўлсин.

Бўлажак пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечилганида, у шартномада назарда тутилган талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул маблағларини қарздордан олиш ҳуқуқи вужудга келганидан кейин молия агентига ўтган ҳисобланади. Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш маълум воқеага боғлиқ бўлса, бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу воқеа юз берганидан кейин кучга киради. Бундай ҳолларда пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни қўшимча расмийлаштириш талаб қилинмайди[1].

Шарҳланаётган моддада воз кечиш предмети бўлган талабномани идентификация қилишнинг иложи бўлмаган ҳоллардан келиб чиқадиган оқибатлар қараб чиқилмаган. Молия агентининг идентификация қилишнинг иложи бўлмаган талабномалар бўйича олинмаган суммалар натижасида кўрган зарарларини молия агенти мижоздан талаб қилиш ҳуқуқига эга деб қаралади[2].

Демак, алоҳида ҳолларда молия агенти мижоздан кўрилган зарарларни ҳам талаб қилишга ҳақли бўлади. Шу билан биргаликда, факторинг етказиб берувчини турли хавфлардан ҳам ҳимоя қилиш хусусиятига эга. Т.А.Галимованинг фикрича, факторинг етказиб берувчини тўлов ўз вақтида амалга оширил-

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#190096

[2] Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Профессионал шарҳлар. Т 2./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Тошкент: Baktria press, 2013. - Б.688.

маслиги хавфидан ва сотиб олувчининг тўловга лаёқатсизлиги хавфидан ҳимоя қилади, мижознинг айланма маблағлари айланишини тезлаштиришга имкон беради, бу эса ўз навбатида сотиш хажмини кўпайтириш учун шарт-шароит ҳисобланади[1].

Т.А.Галимованинг фикрини маъқуллаган ҳолда таъкидлаш жоизки, факторинг тўловнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги хавфидан ва сотиб олувчининг тўловга лаёқатсизлиги хавфидан ҳимоя қилиш орқали тарафларнинг манфаатини таъминлайди.

О.В.Качернинг эътироф этишича, факторингда таъминлаш воз кечилган тушум ҳисобланади (баъзан таъминлаш номоддий шаклга, кафолат, кафилликка эга бўлади). Хатарларни камайтириш қарздорларни диверсификация қилиш ва уларнинг ҳар бири учун алоҳида чегараларни белгилаш орқали эришилади. Шундай қилиб, бирон-бир қарздор томонидан тўланмаган қарз бошқа қарздорларнинг тўловлари эвазига қопланади, чунки, молиялаштириш ҳажми етказиб бериш суммасининг 50–90 фоизини ташкил этса, қарздорлар эса 100 фоиз тўлайди[2]. А.Е.Раздобудьконинг нуқтаи назарича, ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш учун пул талабномасидан воз кечилиши мумкин, чунки қарздор томонидан мажбурият бажарилмаган тақдирда кредиторнинг манфаати қарздорнинг дебиторларидан олинган суммалар ҳисобидан ўз талабини қондириш ва ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида унга воз кечишни амалга ошириш орқали қондирилиши мумкин. Шу сабабли, таъминланган воз кечиш нафақат пул талабномасидан воз кечишни молиялаш ҳақидаги шартнома мажбуриятларини, балки ҳар қандай маж-

---

[1] Галимова Т.А.Теоретические основы факторинга//Проблемы экономики и менеджмента. 2012, № 5 (9).С.7.

[2] Качер О.В. Правовое регулирование договора финансирования под уступку денежного требования. Автореф. дисс... к.ю.н. Санкт-Петербург. 2007.-С.18.

бурият бажарилишини таъминлашнинг универсал воситаси сифатида қаралиши мумкин[1].

Факторинг орқали таъминланган мажбуриятда *мижоз ҳамда молия агентининг ҳуқуқлари ҳимояланиши таъминланади*.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 756-моддаси 2-бандига асосан, агар мижознинг мажбуриятлари молия агентига бажарилишини таъминлаш мақсадида пул талабномасидан унинг фойдасига воз кечилган бўлса ва талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, молия агенти мижозга ҳисобот тақдим этиши ҳамда мижознинг талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан таъминланган қарзидан ортиб қолган суммани мижозга бериши шарт. Агар молия агенти қарздордан олган пул маблағлари мижознинг молия агентига талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан таъминланган қарзи суммасидан кам бўлиб чиқса, мижоз қарзнинг қолдиғи учун молия агенти олдида жавобгар бўлиб қолаверади[2].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 752-моддаси 1-қисмига кўра, агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мижоз бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномасининг ҳақиқийлиги учун молия агенти олдида жавобгар бўлади[3].

Фикримизча, қарздор учун мижознинг кафиллиги унсурларини факторинг шартномасига киритилишининг қонуний йўл қўйилиши муҳим, бироқ, хорижий мамлакатлар амалиё-

---

[1] Раздобудько А.Е.Факторинг в целях обеспечения и уступка требования: общее и особенное в правовых конструкциях // Актуальные проблемы российского права 2012, -№3 -С.127.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#190096

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/180552#190096

тида ишлаб чиқилиб, кенг қўлланиб келаётган факторингда регресс механизмини реализация қилиш шарти сифатида етарли эмас. Қарздор учун мижознинг кафиллиги институти билан биргаликда, қарздор томонидан тўланмаган пул талабномаси қайта сотиб олиш ҳуқуқий тузилмаси факторинги ҳақидаги қоидани амалдаги қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий нуқтаи-назардан, бундай шарт факторинг шартномасида юзага келиш ёки келмаслиги нисбатан номаълум бўлган ҳолатларга боғлиқ ҳолда пул талабномасини қайта сотиб олишни молия агентининг талаб қилишга бўлган ҳуқуқининг вужудга келиши доирасидаги шарт (қайта воз кечиш кесимида) билан амалга ошириладиган битим сифатида қаралиши лозим.

Мазкур шартни “Молия агентининг қайта воз кечишга бўлган ҳуқуқи” сифатида эътироф этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Қайта воз кечиш” деб номланган 754-1-модда киритилиши таклиф этилиб, унда, молия агенти мижоз ўртасида тузилган шартнома билан белгиланган муддатда қарздор томонидан тўланмаган пул талабномасини мижозга қайта воз кечишга, қарздор томонидан пул талабномаси бажарилмаган ҳолатда молия агенти пул талабномасини мижоз томонидан қайта сотиб олишни талаб қилишга ҳақли эканлиги, мижоз пул талабномаси билан боғлиқ молия агентининг харажатларини қоплаш ва пул талабномасини қайта сотиб олишга йўналтирилган ҳаракатни амалга оширишга мажбур бўлиши баён этилган. Ушбу таклиф қабул қилиниши билан мазкур ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқий эркинлиги янада мустаҳкамроқ таъминланади.

Факторингда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган *рағбатлантириш* хусусияти мавжуд.

А.Ю.Буркованинг фикрича, факторингда воз кечишдан фойдаланиш таъминлаш чоралари кўринишидан бири бўлиши

мумкин. Бундай чора факторингда воз кечишда қуйидаги ҳолатлар мавжудлиги учун а) мижоз каби молия агенти учун ҳам қиммат эмаслиги; б) бундай таъминлаш муносабати билан ўз активларини музлатиб қўйишига имконият бермаслиги; в) алоҳида таъминловчи шартнома тузилиши талаб этилмаслиги ва шартнома шартини белгилашда эркинлик тақдим этиши; г) мавжуд ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган талаблардан воз кечиш имкониятини тақдим этиши; д) бошқа таъминлаш усулларидан фарқли равишда шартномада пул талабномасидан воз кечиш тақиқланган бўлса-да мижоз воз кечишга ҳақли бўлиши мумкинлиги мижоз учун ўз мажбуриятини таъминлашнинг қўшимча имкониятини бериши; е) шартномада мижоз воз кечиладиган талабнинг ҳақиқийлиги учун жавоб беришининг белгиланиши имконияти берилиши факторинг шартномасининг шубҳасиз афзаллиги ҳисобланади; ж) давлат томонидан тартибга солиниши нуқтаи назаридан минимал талабларни сақлаши билан мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг самарали усули ҳисобланади[1].

А.Ю.Буркованинг фикрини маъқуллаган ҳолда, *қуйидаги омиллар факторингни* мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларига хос *рағбатлантириш хусусиятини мавжудлигини кўрсатади:*

биринчидан, мижозга қараганда молия агенти учун молиялашнинг қиймати юқори эмаслиги (бу ерда субъектив омил назарда тутилмоқда ЎзР ФК 750-моддасига кўра, молия агенти – банк ва бошқа кредит ташкилоти); *иккинчидан,* мажбуриятнинг бундай таъминланиши мижоз ўзининг маблағларини ишлатишига зарурати бўлмаслиги; *учинчидан,* таъминоти бўлган алоҳида шартнома тузиш талаб қилинмаслиги ва шартнома шартларини эркин белгилаш имкониятини бериши; *тўртин-*

[1] Буркова А.Ю. Использование конструкции факторинга для обеспечения исполнения обязательств и его государственное регулирование в рамках банковского права. Автореф.дисс.к.ф.н. –М., 2004. - С.5.

чидан, мавжуд талабнома, шунингдек, бўлажак талабномалардан ҳам воз кечиш имкониятини бериши; *бешинчидан,* мижоз билан унинг қарздори ўртасида талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақидаги келишув бўлган тақдирда ҳам пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиш ҳақиқий ҳисобланиши (ЎзР ФК 753-моддаси 1-қисми); *олтинчидан,* шартномада воз кечилаётган талабноманинг ҳақиқийлиги учун мижознинг жавобгарлиги белгилаб қўйилиши факторингнинг имкониятини янада ошириши (Ўз Р ФК 752-моддаси 1-қисми).

Ю.А.Алексановнинг фикрича, пул талабномасидан молия агентига воз кечиш мижознинг молиявий агент олдидаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш сифатида гаровга ўхшаш ҳуқуқий хусусиятга эга. Шу муносабат билан мижоз банкрот бўлганида пул талабномасидан воз кечиш билан таъминланган қарз маблағларини қайтариш гаров билан таъминланган сифатида учинчи навбатда амалга оширилади[1]. Ю.А.Алексановнинг фикрини маъқулланган ҳолда эътироф этиш мумкинки, имтиёз берилиши тарафларни ўз мажбуриятининг бажарилишини рағбатлантиради.

Шунингдек, факторингнинг асосий мақсади – асосий фаолиятни амалга ошириш учун айланма маблағларнинг етишмаслиги хавфини камайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига пул воситаларини тақдим этишдир[2].

Ҳозирги кунда Россияда факторинг бозори 3 трлн. рублни ташкил этади, аксарияти ишлаб чиқариш ва савдо саноатига йўналтирилган, ҳамда асосан йирик компаниялар (нефть қазиб

---

[1] Алексанова Ю.А. Правовые проблемы финансирования под уступку денежного требования. Автореф. дисс... к.ю.н. –М.: 2004.-С.8.

[2] Мудунов А.С., К.Н.Цахаева. Кредитование предпринимательства в современных условиях. //Приоритетные направления развития науки и образования: сборник статей XII Международной научно-практической конференции. В 2 ч. Ч. 1. – Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». – 2020. -С.125-126.

олиш сектори, металлургия соҳаси, тармоқ чакана сотувчилари) томонидан ишлатилади[1].

Ўзбекистон факторинг бозорини “Азия Инвест Банк” мисолида кўриш мумкин. Банк томонидан “Ашан”, “X5 Retail”, “Магнит”, “Детский Мир”, “Лента”, “Модис” каби Россия Федерациясининг федерал ва минтақавий савдо тармоқларига тўғридан-тўғри ўзбек маҳсулотларини етказиб берадиган савдо уйлари ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида “факторинг” кредит линияси очилиб, амалга жорий қилинган. Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги товар айланишини кенгайтириб бориб, Банк томонидан 2020 йилнинг охиригача миллий текстил корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишни молиялаштиришни 8–10 млн. долларгача етказишни режалаштирмоқда.[2]

Таъкидланганидек, иқтисодий манфаатдорлик, тезкор пул айланмаси линиялари жорий этилиши, харажатларнинг камайиши ва турли хавфларнинг бартараф этилиши факторингнинг рағбатлантириш хусусиятини янада оширади.

Факторинг мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларига хос бўлган *қўшимчалик (акцессор)* хусусиятга эга.

Е.А.Сухановнинг фикрича, фактор олдида мижознинг кредит мажбурияти бажарилишини таъминлашда амалга ошириладиган талабдан воз кечиш хамма вақт консенсуал шартнома бажарилишида амалга оширилади, уни амалга ошириш бўйича мажбурият эса қўшимчалик (акцессор) хусусиятга эга бўлади[3]. Таъминловчи воз кечиш ҳақидаги келишувнинг қўшимча

---

[1] Российский рынок факторинга – итоги 2019 года и прогноз на 2020-й: курс на цифровизацию /https://www.raexpert.ru/researches/factoring/factoring_2019.

[2] «Азия Инвест Банк» финансирует экспорт Узбекистана. /https://www.gazeta.uz/ru/2020/01/24/aib/

[3] Гражданское право: Учебник. В 2 т. Т. II. Полутом 2 / Отв. ред. Е. А. Суханов. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: 2000. -С.235.

(акцессор)лигини Л.А.Новоселова[1] ва В.А.Беловлар[2] ҳам эътироф этади.

Пул талабномасидан воз кечиш билан таъминланган ҳолда пул маблағларини қарзга бериш билан молиялаштириш икки-кита мажбурият муносабатларини – асосий ва таъминловчи муносабатларни келтириб чиқаради. Биринчисининг моҳияти шундан иборатки, унда молия агенти томонидан берилган пул маблағлари мижоз томонидан қайтарилади. Иккинчисининг моҳияти эса, пул талабномасини қарздор томонидан мижоз-нинг молия агентига қарзларини тўлаш бўлса-да, унинг асосий мажбуриятга нисбатан таъминловчилик функцияси устун туради[3].

Мажбуриятлар ижросини таъминлаш усули сифатида пул талабномасидан воз кечишга таъминловчи ёки асосий маж-буриятлар ҳақиқий эмас деб топилганда келиб чиқадиган оқи-батлар ҳақидаги ФК 259-моддаси тартиблари қўлланилади[4].

Таҳлилларга асосан, қонунчиликда мажбуриятлар бажари-лишини таъминлаш усули сифатида бевосита эътироф этил-маган товар неустойкаси, суғурта, делькредере ва факторинг ўзининг хусусиятлари билан таъминлаш усули даражасига кў-тарила олади[5] деган хулосага келиш мумкин.

4.4. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг замонавий усуллари

Бугунги кунда, миллий қонунчилигимизда мавжуд бўлган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари мажбу-риятларнинг бажарилишини тўлиқ таъминлай олмайди. Бу эса

---

[1] Новоселова Л.А. Сделки уступки права (требования) в коммерческой практике. Факторинг. -М.: Статут; 2003. -С.375.

[2] Белов В. А. Сингулярное правопреемство в обязательстве. -М.: 2000. -С.168.

[3] Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Профессионал шарҳлар. Т 2./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Baktria press, 2013. -Б.682.

[4] Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Профессионал шарҳлар. Т 2./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Baktria press, 2013. -Б.684.

[5] 21.5-иловага каранг.

ўз навбатида мажбурият субъектларининг қонуний манфаатларини тўла таъминлай оладиган бошқа замонавий усулларга заруриятни юзага келтиради.

Биринчидан, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини такомиллаштиришнинг замонавий истиқболларини белгилашда **«Астрент»** (суд неустойкаси)ни таъминлаш усули сифатида миллий қонунчилигимизга киритиш ва уни ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Ш.Рўзиназаров эътироф этганидек[1] ҳуқуқий тадқиқотларнинг янги истиқболли йўналишлари фуқаролик ҳуқуқида янги институтлар бўлмиш эстоппель, абстрент (суд неустойкаси) экология ва мерос шартномаларининг ҳуқуқий табиатини ўрганиш билан ҳам узвий боғлиқ[2].

Астрент французча – «astreinte» деган сўзидан олинган бўлиб, чет эл ҳуқуқида қарздорни суд қарорини бажаришга мажбурлашда қўлланиладиган институт бўлиб ҳисобланади[3]. У процессуал институт сифатида дунёда, айниқса Европада табора оммавийлашиб бормоқда. Қарздорнинг иродасига босим ўтказишга қаратилган махсус суд жаримаси Франция, Италия, Бенилюкс мамлакатларида (Белгия, Голландия, Люксембург), Грецияда (ЖПК 946-модда), Португалияда (ФК 829-А-модда), Германия, Швеция, Исроил ва бошқа мамлакатларнинг қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган[4]. Зеро, “Астрент”нинг сама-

---

[1] Рўзиназаров Ш.Н. Рақамли фуқаролик муомаласи: мақсадли ва концептуал илмий-назарий ёндошув// Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences 01/ 2020. -Б.61

[2] Гущин В.В., Добравинская А.В. Правовое конструкция наследственного договора в России: плюсы и минусы // Наследственное право 2016. – №4. – С.9; Гребенкина И.А. Теоретические и практические аспекты наследственного договора в свете текущего реформирования российского гражданского право // Наследственное право 2016. – №4 – С.13.

[3]. Нестолий В.Г. Астрэнт и обязательство // Юрист 2016. – №5. – С.25.

[4] Ерпылева Н.Ю., Клевченкова М.Н. Унификация норм о международной судебной юрисдикции в международном процессуальном праве // Международное право и международные организации. 2013. N 3. -С. 343 - 378.

радорлиги қарздорга нисбатан иқтисодий босим ўтказишда намоён бўлади[1].

Франция қонунларига кўра, астрентни дастлабки (вақтинча) ва якуний бўлиш мумкин. Биринчиси бирданига судья томонидан қарздорни қарорни дарҳол бажаришга ундаш мақсадида қилинадиган таҳдид сифатида белгиланади. Якуний астрент қарздорнинг қарорни ўз вақтида бажармаганидан кейин ёки агар қарздорнинг айби билан умуман бажарилмаганлиги ва бундай бажарилмаслик сабабларини ҳисобга олган ҳолда ундирилади[2].

Астрент Россия қонунчилигида 2015 йил 1 июндан бошлаб, яъни РФ ФКга 308.3-модда киритилиши билан пайдо бўлди. Ушбу модданинг 1-қисмига биноан, қарздор мажбуриятни асл шаклда бажариш ҳақидаги кредиторнинг талабини қаноатлантириш тўғрисидаги суд қарори бажармаган тақдирда, суд кредитор фойдасига пул тўловини белгилаш ҳуқуқига эга.

Россия Федерацияси Олий судининг 2016 йил 24 мартдаги “Россия Федерацияси Фуқаролик Кодексининг мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик ҳақидаги баъзи бир қоидаларини судлар томонидан қўллаш ҳақида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, суд неустойкаси қарздорга нисбатан қаратилган қўшимча, билвосита мажбурловчи ва рағбатлантирувчи чора эканлиги қайд қилинган[3].

---

[1] Семенов Г.В., Касьянов А.И. Процессуальная ответственность в виде судебной неустойки и судебного штрафа. // Научно-практической юридический журнал. -№3 (44), Воронеж, 2019. – С-5.

[2] Christian Di Mauro, Christelle Coslin.Новые итальянские правила, регулирующие финансовые санкции, налагаемые в целях принудительного исполнения судебных решений: Сходства и различия с правовым режимом во Франции//Парижский международный судебный бюллетень. - С. 24. /http://www.sma-nn.ru/redactor/files/6621637f035b973bc4b08cd3c4bde1d6.pdf

[3] Россия Федерацияси Олий судининг 2016 йил 24 мартдаги “Россия Федерацияси Фуқаролик Кодексининг мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик ҳақидаги баъзи бир қоидаларини судлар томонидан қўллаш ҳақида”ги 7-сонли қарори (2017 йил 7 февраль таҳрири) /http://www.consultant.ru/document/consdoc LAW195783/

А.Парфенчиковнинг фикрича, хорижий мамлакатлар ҳуқуқ тартибида қарздорларни ижро ҳужжатлари талабларини бажаришга билвосита мажбурлашнинг турли хил чоралари мавжуд. Бундай чоралар қарздорни мажбуриятини иложи борича тезроқ бажаришга ундайди, бир вақтнинг ўзида ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тақдирда санкция ролини бажаради[1].

Шунингдек, Н.А.Резина ва Л.В.Ивановаларнинг эътирофича, астрент (astreinte) бу француз қонунчилигидан олинган институт бўлиб, суд ҳужжати бажарилмаган тақдирда, неустойка сифатида ўзини намоён қилиб, қарздорни суд қарорини ижро этишни рағбатлантириш механизмларидан бири ҳисобланади[2]. А.Парфенчиков, Н.А.Резина ва Л.В.Ивановаларнинг фикрларини маъқуллаймиз, чунки астрент (суд неустойкаси) мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг учинчи "Якуний-тиклаш" босқичида амалда бўлиб, суд томонидан чиқарилган қарор ижро этилмаган тақдирда қўлланилиши кредиторнинг бузилган ҳуқуқларини тиклайди ва қонуний манфаатини таъминлайди. Бу ҳолат кредиторда мажбуриятнинг бажарилишига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, шартномавий муносабатларни давом эттиришга рағбатлантиради.

Ривожланган мамлакатлар қонунчилигида қайд қилинган дастлабки ва якуний астрент (суд неустойка) каби турлари, хусусан, дастлабки астрентда қарздорга суд қарорини дарҳол бажариш учун имконият берилиши ва якуний астрентда жарима қўлланилишини англаган қарздорда ортиқча тўловлардан қочиш ҳисси вужудга келиб, бу эса уни мажбуриятни бажаришга

---

[1] Парфенчиков А. Астрент в российском праве /А.Парфенчиков [и др.] //Закон. – 2014. –№ 4. –С.35.

[2] Резина Н.А., Иванова Л.В. Астрент: проблемы применения//Вестник Омской юридической академии. 2016. -№1 (30); Иванова Т.Н. Французский астрент на российкий манер: применение и правовое регулирование судебной неустойки в свете нового постановление Пленума Верховного суда Российской Федерации №7 от 24.03.2016г. "О применении судами некоторых положений Гражданского кодекса Российской Федерации об ответственности за нарушение обязательств" /Т.Н.Иванова, О.В.Монченко //Вестник арбитражной практики. -2016. -№2. -С.3.

рағбатлантиради. Миллий қонунчилигимизда астрент (суд неустойкаси) каби таъминлаш усули мавжуд эмаслиги, яъни, кредиторда суд қарор ижросини мобил тарзда таъминлашни талаб қилиш ҳуқуқи йўқлиги, ижро жараёнларининг узоқ муддат давом этиши ва бу жараёнларда иштирок этаётган кредитор тушаётган шартномавий таклифларни йўқотиши натижасида унинг манфаатига катта зарар етказса, қарздорга нисбатан суд томонидан чиқарилган қарорни ижро қилмаганлиги учун жарима қўлланиш таҳдиди йўқлиги унда мажбуриятни бажаришга рағбатни сўндиради.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Астрент” билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган “Мажбурият бўйича кредиторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” деб номланган 258-1-модда киритилиб, унда, қарздор томонидан мажбурият бажарилмаган тақдирда, кредитор суддан мажбуриятнинг асл ҳолда бажарилишини таъминлашни талаб қилишга, шунингдек, суд ҳужжати бажарилмаган тақдирда, кредиторнинг талабига биноан, суд томонидан суд ҳужжатида белгиланган миқдорда кредитор фойдасига пул маблағларини ундиришга ҳақли эканлиги, бунда қарздор ўз мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинмаслигига оид қоидалар баён этилган. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан мажбурият бажарилмаган тақдирда кредитор мажбурият бажарилиши юзасидан суд ҳужжати чиқарилиши борасида судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Суд ҳужжати бажарилмаган тақдирда эса, унинг ижросини таъминлаш мақсадида, қарздордан пул маблағи (суд неустойкаси) ундирилади.

Суд қарздор ўз мажбуриятини мунтазам бажармаётганлигини ёки қисман бажармаётганлигини аниқласа, неустойканинг миқдорини шунга мутаносиб равишда ўзгартириши мумкин. Бу каби қоидалар Испания Фуқаролик Кодексининг 1154-моддасида, судья агар асосий мажбурият қарздор томо-

нидан қисман ёки тартибсиз бажарилса, белгиланган жарима-ни адолатга риоя қилган ҳолда ўзгартириши мумкин[1] деган тарзда белгиланган.

Фикримизча, ижро давомида мажбуриятларнинг самарали бажарилиши учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198[1]-моддасидаги қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаганлик[2] ва Жиноят Кодексининг 232-моддасидаги, суд ҳужжатини ижро этмаслик[3] учун жарима белгилашга оид қоидаларни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш жараёнига татбиқ этиш лозим. Бу ҳолат мажбурият бузилган ҳолда, кредиторларнинг манфаатини тўлиқ кафолатлайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига биноан, “Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир”[4].

Демак, астрент (суд неустойкаси) ҳақидаги суднинг қарори қарздорни ўз мажбуриятини бажаришга мажбурлаши орқали мажбуриятнинг лозим даражада бажарилиши таъминланади.

Иккинчидан, Шартли депонентлаш шартномаси **“Эскроу”**-ни таъминлаш усули сифатида миллий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнига татбиқ этиш.

“Эскроу” сўзи англ. escrow сўзидан олинган бўлиб, “шартли депонентлаш” маъносини англатади. Амалда “Эскроу-ҳисоб” сифатида муайян мажбуриятлар бажарилиши ёки муайян вазият юзага келгунига қадар пул маблағлари ёхуд ҳужжатлар,

---

[1] Spanish Civil Code/https://boe.es/buscar/act.php?lang=es&id=BOE-A-1889-4763&tn=1&p=20151006#liv

[2] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://www.lex.uz/acts/97664#1427657

[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://lex.uz/docs/111453#1427044

[4] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси /https://constitution.uz/uz/clause/index#section23

мол-мулкни сақлаш учун мўлжалланган махсус шартли ҳисоб ҳисобланади. Депонентлаш (сақлаш) – банкда қимматликларни белгиланган тартибда ўралган ва муҳрланган ҳолда сақланишини ифодалайди. Банк бу қимматликлардан мижознинг капитал қўйилмаси сифатида фойдаланмайди, балки фақат сақлайди, холос[1].

Бу каби муносабатлар эскроу шартномаси орқали тартибга солинади. Эскроу шартномаси уч томонлама битим бўлиб, унга мувофиқ, эскроу-агенти сифатида ҳар қандай шахсга қарздор томонидан пул, ҳужжатлар, қимматли қоғозлар ва (ёки) бошқа мол-мулк қарздор (депозитга қўювчи) томонидан топширилади ва бу а) қарздорнинг кредитор (бенефициар) олдидаги мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди; б) мол-мулкнинг кредиторга (бенефициар) берилишини фақат кредитор эскору шартномаси шартларини бажарган тақдирдагина таъминлайди; в) қарздор олдида ҳам, кредитор олдида ҳам ишончли мажбурият бўлади[2].

АҚШ ва Россия ҳуқуқида шартли депозит (ЭСКРОУ) масаласи хусусида тадқиқот олиб борган М. А. Токмаковнинг фикрича, шартли депозит – депозитга қўйиладиган мулкни тарафларнинг кўрсатмаларига мувофиқ уни холи қилган ҳолда кейинчалик учинчи бир манфаатдор бўлмаган шахсга (эскроу-агентига) топшириши ва бу мулк бенефициар фойдасига депозитга қўйилишини ифодалайди[3].

Шунингдек, Н.Ю.Белокопытова ва В.В.Колесникованинг эътирофича, эскроу шартномаси шартнома томонларнинг яхши нияти кафолатига хизмат қилади ва бунда у унинг барча

---

[1] https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin_enc/12882

[2] Степанян И.Г. Заверения, гарантии, обязательства по возмещению потерь (indemnity), опцион и эскроу по праву России, США, Англии в трансграничных коммерческих договорах. Автореф. дисс. к.ю.н. -М.: 2014. -С.13.

[3] Токмаков М.А. Условное депонирование (ЭСКРОУ) в праве России и США. Автореф.дисс.к.ю.н. Самара, 2017, -С.24.

иштирокчилари учун шартнома тузилиши ва таваккалчиликсиз бажарилиши хавфсизлигини таъминлайди[1].

Д.К.Дубнова фикрича, эскроу кўп томонлама таъминловчи мажбурият сифатида хизмат қилиши мумкин[2].

Қайд қилинган фикрларни маъқуллаган ҳолда эътироф этиш лозимки, амалиётда “Эскроу”га ўхшаш бир қатор ҳуқуқий тузилмалар мавжуд, жумладан, аккредитив, ишончли бошқариш, нотариус депозитига қўйиш, учинчи шахс фойдасига банкка омонат қўйиш, омонат сақлаш. Агар аккредитив билан шартли депозитнинг чақириб олинмаслиги қиёсланадиган бўлса, шартли депозитда тарафлар депозит активларини чақириб олиш ҳуқуқига эга эмас. Бу эса, “эскроу”нинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида юридик кучини янада оширади.

“Эскроу”га оид шартномавий муносабатларда иштирок этувчи тарафлар доираси хорижий мамлакатлар қонунчилигида турлича, жумладан, Россия қонунчилигига биноан, эскроу-агенти сифатида банк иштирок этиши мумкин. Бунда, банк (эскроу-агент) шартли депозит шартномасига асосан, белгиланган шарт бошланганида депозитга қўювчи томонидан келиб тушган пул маблағларини бенефициарга топшириш учун уларнинг ҳисобини юритиши ва тақиқ қўйиш учун эскроу-ҳисоб рақамини очади.

Америка Қўшма Штатларида эскроу-агентлари рўйхати кенгроқ, бироқ шартли депозит бозори профессионал иштирокчилари бир қатор чекловлар белгиланган. Биринчидан, уларнинг фаолияти лицензияланади ва тегишли департаментлар томонидан назорат қилиб турилади. Иккинчидан, АҚШ қонунларида эскроу-агентларининг жавобгарлик шакллари аниқ

---

[1] Белокопытова Н.Ю., Колесникова В.В. Договор эскроу как новый способ обеспечения исполнения обязательств. // Вестник Омской юридической академии. 2019. Том 16, -№ 1.–С.23.

[2] Дубнова Д.К. Правовая природа договора счета эскроу // Юрист. 2018. -№ 2.

белгилаб қўйилади: интизомий чоралар, компенсация тўлаш, жарима, касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш.

Шартли депозит, одатда, шартнома бўйича тараф номидан учинчи шахсдан ушлаб туриладиган пулларга нисбатан татбиқ этилади. Бу АҚШнинг кўчмас мулк саноатида (айниқса, ипотека доирасида қўлланилади, хусусан, ипотека муддати давомида суғурта ва кўчмас мулкка нисбатан солиқ тўлаш учун ипотека компаниялари томонидан шартли депозит ҳисоб-рақами очилади) машҳур.

“Эскроу” АҚШда нафақат йирик халқаро битимлар, шунингдек, кўчмас мулкни, ҳаттоки маиший техника олди-сотдисида ҳам қўлланилади[1].

Қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, “эскроу” таъминлаш усули сифатида ривожланган хорижий мамлакатларда кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган битимларда фойдаланиш қулай ва мустаҳкам восита бўлиб ҳизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, муайян мажбуриятлар бажарилиши ёки муайян вазият юзага келгунига қадар пул маблағлари ёхуд ҳужжатлар, мол-мулкнинг учинчи бир манфаатдор бўлмаган шахсда сақланиши билан мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи “таъминот” юзага келади. Бу “таъминот” тарафларда олинган мажбуриятларнинг бажарилишига ишонч уйғотади ва бу уларни фаол ҳаракатга келтириб, олган мажбуриятини бажаришга рағбатлантиради.

Таҳлилларга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Шартли депонентлаш шартномаси (“Эскроу”) деб номланган 975-1-модда киритилиб, унда, шартли депонентлаш шартномаси (эскроу**)** бўйича депонент мол-

[1] Пуряев А. В. Номинальный счет (счет эскроу) как способ обеспечения исполнения обязательств // Вестник Волжского университета им. В.Н.Татищева. 2010. -№ 72, -С.125.

мулкни эскроу-агентга депозитлашга топшириш ва эскроу-агентнинг шартномадаги шартлар вужудга келганида, ушбу мол-мулкни сақлаш ва бенефициарга топширилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши, мол-мулкни депонентлаш муддати, эскроу-агент депонентланган мол-мулкни шартнома шартларига мувофиқ бенефициарга топшириши, депонентлаш объекти, депонентнинг мол-мулкни бенефициарга топшириш бўйича мажбуриятининг бажарилган деб ҳисобланиши баён этилган. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан мол-мулкни депозитлашга топшириш, уни сақлаш ва шартнома шартларига мувофиқ бенефициарга топширилишини таъминлаш мажбурияти билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Эскроу-агентига ҳақ тўлаш” деб номланган 975-2-модда киритилиб, унда, эксроу-агенти ўз мажбуриятини бажаргани учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли эканлиги, депонент ва бенефициарнинг эксроу-агентга хизмат ҳақини тўлаш мажбурияти солидар ҳисобланиши, эксроу-агенти депонентдан олинган мол-мулкни тўлов сифатида ёки унинг хизмат ҳақини тўлаш учун таъминот сифатида ҳисобга олишга ёки ушлаб туришга ҳақли эмаслиги баён этилган. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан эксроу-агенти ўз мажбуриятини бажарганлиги учун ҳақ тўлашни талаб қилишга бўлган ҳуқуқи вужудга келиши ва унга нисбатан ҳақ тўлашда баъзи бир чекловларга йўл қўйилиши билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади.

Учинчидан, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида **“Indemnity”**ни миллий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнига қўллаш.

“Indemnity” атамаси лотинча in (йўқ), damn (зарар), ficere (бажарилиши керак) сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлиб, зарар етказмаслик (огоҳлантириш) деган маънони англатади. Индемнити шартнома ҳуқуқи доирасида кафолат (assurance)

ёки гаров шартномаси (collateral contract) сифатида қаралиб, унга биноан, бир шахс бошқасини кутилган зарардан холи қилиш ёки учинчи шахсларнинг ҳаракатларидан салбий оқибатлар юзага келишини бартараф этишни ифодалайди[1].

Буюк Британия ва Америка судларининг қарорларини таҳлил қилиш натижасига кўра, айни пайтда,“Indemnity” атамаси Америка ва Буюк Британия судлари томонидан учинчи шахслар томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан ёки учинчи шахсларнинг талабларидан кўра кенгроқ талқин қилинмоқда деган хулосага келиш мумкин. Шунингдек, “Indemnity” атамаси бир томоннинг бошқа томонга нисбатан ҳар қандай тўғридан-тўғри талаб киритишидан сақланиши ёки шу каби талаб қўйиши натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти сифатида талқин этилади[2].

“Профилактик Indemnity” – indemnity-кредитори (hold harmless)га зарар етказилишининг олдини олиш ёки бартараф этиш мажбуриятини ўзида намоён қилади. “Қопловчи indemnity” аксинча, аллақачон учинчи шахсларнинг талаблари ёки indemnity – қарздор томонидан indemnity-кредиторга етказилган зарарни қоплаш каби предметга эга бўлади”[3].

“Indemnity”тўғрисидаги келишув (indemnity clause) шундай келишувки, унга биноан келишувнинг бир томонига келишувни бажаришда бошқа томонни ҳар қандай жавобгарлик

---

[1] Black`s Law Dictionary. 5th ed. L., 1979. -P. 692 ; Gorman F. J. Indemnity and Contribution under Maritime Law. -P. 1166.

[2] Степанян И.Г. Заверения, гарантии, обязательства по возмещению потерь (indemnity), опцион и эскроу по праву России, США, Англии в трансграничных коммерческих договорах. Автореф. дисс. к.ю.н. -М.: 2014. -С.17.

[3] Пшеничников М.А. Правовая природа договора гарантии // Опыты цивилистического исследования:сб. ст. / рук. авт. кол. и отв. ред. А.М.Ширвиндт, Н.Б.Щербаков. – М.: Статут, 2018. – Вып. 2. –С.343; Д.Е.Богданов. Возмещение потерь в российском и зарубежном праве //Сравнительное правоведение -№ 5 (126) май 2017 -С.174-193.

(зарарни қоплаш)дан ҳимоя қилиш юзасидан мажбурият юклатилади[1].

“Шартномавий “Indemnity”нинг барча турларининг моҳияти иккита белги орқали очиб берилади: ҳимоянинг самарадорлиги (the efficacy of protection) ва аниқ ҳимоя қилишни таъминлаш (the exactness of protection) “аниқ ҳимоялаш концепцияси” (the concept of exact protection) бирлаштиради. Биринчи белги, индемнити тўғрисидаги келишув кредиторни келишув билан қамраб олиниши мумкин бўлган йўқотишларидан самарали ҳимоя қилишни англатади. Шундай қилиб, ушбу усул уни қоплаш оралиғини аниқлашга асосланган келишув сифатида талқин қилишга асосланган. Иккинчи белги ҳимоя қилишни аниқ таъминлаш билан боғлиқ[2].

Германия, Франция, Белгияда “Indemnity” (моҳиятан, мустақил бўлган кафолат) ва кафиллик ҳақидаги шартномалар бир-биридан мустақил бўлган институтлар сифатида қаралади. Италияда (ФКнинг 1939-моддаси) ва Нидерландларда (Н ФКнинг 7:863-моддаси) индемнити ҳақидаги шартномаларга нисбатан кафиллик тўғрисидаги қоидалар қўлланилиши мумкин. Ульрих Дробниг индемнити ҳақидаги қоидаларни таҳлил қилар экан охир-оқибат кафиллик ва индемнити шартномалари мажбуриятларнинг “шахсий таъминлаш” (personal security)нинг иккита яқин усули сифатида қаралиши керак деган хулосага келади[3]. Германия мажбурият ҳуқуқига бағишланган мақолаларда “Indemnity” тушунчаси ҳақида сўз юритилиб, моҳиятан мустақил кафолат эканлиги тўғрисидаги хулосаларга келинади[4].

---

[1] McKendrick E. Contract Law. 7th ed. PalgraveMacmillan, 2007. -P. 246.

[2] Courtney W. The nature of contractual indemnities. -P. 1-18.

[3] Drobnig U. The law governing credit security // The private law systems in the EU: Discrimination on the ground of nationality and the need for European Civil Code / Christian von Bar (head of team). EuropeanParliament, 2000. -P. 57-82.

[4] Markesinis B., Unberath H., Jonston A. The German law of contract. A comparative treatise. 2nd ed. Oxfordand Portlend, Oregon : Hurt Publishing, 2006. -P. 162.

“Indemnity”га нисбатан турлича тушунчалар ҳосил бўлишининг олдини олиш учун у билан ўхшаш мажбуриятлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Сингапурнинг “Кафолатлар тўғрисида”ги Қонуни 23.2.6-моддасида Indemnity билан ўхшаш мажбуриятлар сифатида зарарни қоплаш, суғурта шартномаси, хизмат хати ва мажбуриятлар бажарилишини кафолатлашга оид қоидалар баён этилган[1]. Бу ўринда индемнитининг бошқа институтлардан фарқли жиҳатини ифодалашда Е.А.Останина томонидан баён этилган, индемнитининг биринчи ва асосий белгиси зарарни қоплаш мажбурияти жавобгарлик ҳисобланмайди[2] деган қайдларини келтириш жоиз.

Зарарни қоплаш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз юритиб таъкидлаш жоизки, олдиндан белгиланадиган зараралар концепцияси ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади. Бундан ташқари, ҳалқаро воситалар[3] ва ҳуқуқий тизимлар “common law” (Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Канада, Янги Зеландия, Ҳиндистон ва бошқалар) ёки Француз ҳуқуқига (Белгия, Квебек, Луизиана) асосланган, зарарларни олдиндан белгилаш Италия (ФК 1225-моддаси) ва Испания (ФК 1104, 1107-моддаси) ҳуқуқларида ҳамда Лотин Америкаси давлатлари, масалан, Чили Фуқаролик кодексининг 1150-моддасида ўз аксини топган. Ушбу ёндашув Узоқ Шарқда ҳам қўлланилади (Жанубий Корея Фуқаролик Кодексининг 416-моддаси, Япония Фуқаролик Кодексининг 393-моддаси)[4].

---

[1] Commercial law in Singapore. Ch. 23 The Law of Guarantees. https://www.singaporelawwatch.sg/About-Singapore-Law/Commercial-Law/ch-23-the-law-of-guarantees

[2] Останина Е.А. Судьба индемнити при несостоятельности должника. // Закон. №7 июль. 2015. -С.58.

[3] Такой критерий ограничения убытков, как предвидимость, предусмотрен: в статье 74 Венской конвенции о международной купле-продаже товаров (CISG); в статье 7.4.4 Принципов международных коммерческих договоров УНИДРУА (PICC); в статье III.-3:703 Модельных правил Европейского частногоправа (DCFR).

[4] Jonh Y. Gotanda. Damages in Lieu of Performance Because of Breach of Contract // Villanova UniversitySchool of Law. PubliclawandLegalTheoryWorkingPaper № 2006-8. July 2006.

Англия-Америка қонунчилигидаги “Indemnity”нинг тузилишини ва Россия қонунчилигидаги зарарни қоплаш тузилишига қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш қуйидаги хусусиятларни аниқлашга имкон берди: 1) зарарларни қоплаш фақат томонлар ўртасидаги келишув асосида вужудга келиши мумкин; 2) зарарларни қоплаш тузилишининг мазмуни фақат аллақачон етказилган зарарни ёки келажакда муқаррар равишда юзага келадиган зарарларни тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади, аммо, юзага келиши мумкин бўлган зарарлардан ҳимоя қилишни чеклаш бўйича мажбуриятни назарда тутмайди; 3) томонлар ўзларининг келишувлари билан зарар миқдорини аниқлашлари ёки уни аниқлаш тартибини белгилашлари шарт; 4) зарарни қоплаш мажбурияти фақат унинг тарафи томонидан мажбуриятнинг бузилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда белгиланиши мумкин[1].

Қайд қилиш жоизки, Indemnity ўзига хос таъминлаш усули сифатида кафолатдан фарқ қилади. Улар ўртасидаги фарқ Сингапурнинг “Кафолатлар тўғрисида”ги Қонуни 23.2.2-моддасида бир нечта сабабларга кўра баён этилади, хусусан, кафолат қонунчиликка мувофиқ ёзма шаклда тасдиқланиши шарт бўлса, бу шарт “Indemnity”га нисбатан татбиқ этилмайди, асосий мажбурият бекор қилиниши билан кафолат ҳам бекор бўлади, бироқ “Indemnity” бўйича мажбурият бекор бўлмайди ва ш.к. ифодаланган[2].

Таъкидлаш лозимки, оммавий ҳуқуқ мамлакатларида “Indemnity”га талаб катта бўлиб, кенг тарқалган. Бир қатор мамлакатларда махсус ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос ҳуқуқини қўллаш амалиёти шаклланган. Жумладан,

---

[1] Санникова Л.В. Возмещение потерь в странах общего права и в России // Вестник Пермского университета. Юридические науки. Вып 34. -2016 -С.448.

[2] Commercial law in Singapore. Ch. 23 The Law of Guarantees https://www.singaporelawwatch.sg/About-Singapore-Law/Commercial-Law/ch-23-the-law-of-guarantees

Ҳиндистонда қонуний равишда (The Indian Contract Act, 1872) индемнитининг фақат битта турига – шартномавий индемнити (contract of indemnity) рухсат берилади. Қўшма Штатларнинг 50 та штатида индемнитига қарши йўналтирилган (anti-indemnitystatutes) қонунларни қабул қилиниши билан қурилиш шартномаларида индемнитидан фойдаланиш сезиларли даражада чеклаб қўйилган[1]. Бироқ бундай чекловлар “Indemnity”ни мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг самарали усули сифатида эътироф этишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмайди. Зеро, индемнити мажбуриятлар бажарилишини самарали таъминлаш усули сифатида судлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, Россия Федерацияси Урал округ арбитраж суди томонидан халқаро шартномадаги индемнити ҳақидаги келишувда белгиланган зарарни қоплаш миқдори тўғрисидаги банд самарали деб тан олинган[2].

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси “Шартномада белгиланган шартлар юзага келганида келтирилган зарарларни қоплаш” деб номланган 336–1-модда билан тўлдирилиб, унда мажбурият тарафлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганида ўз келишувларида, кўрсатилган шартлар юзага келган тақдирда, бир тарафнинг бошқа тараф билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятнинг бузилиши билан келиб чиқадиган зарарларни қоплаш мажбуриятини назарда тутишлари, суд зарарни қоплаш миқдорини камайтириши, кўзда тутилган зарарлар, шартнома тузилмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинишидан қатъи назар қопланиши, кредиторнинг учинчи шахсга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаби зарарни қоплаган томонга ўтишига оид қоидалар баён этилган. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан миллий

[1] Санникова Л.В. Возмещение потерь в странах общего права и в России // Вестник Пермского университета. Юридические науки. Вып 34. -2016.-С.441

[2] Постановление Арбитражного суда Уральского округа от 31 августа 2015 г. № Ф09-5885/15 по делу№ А07-4379/2014 // СПС «КонсультантПлюс».

қонунчилигимизда шартномадаги шартлар юзага келганида келтирилган зарарларни қоплаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари белгиланади. Бу ҳолат айниқса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган тарафлар ўз ҳуқуқларини эркин равишда амалга ошириш имкониятини юзага келтириб, келтирилган зарарлар қопланиши орқали манфаати таъминланади.

Тўртинчидан, "Warranty"ни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётида жорий этиш.

"Warranty" – бу шартноманинг бир қисми ҳисобланган ҳар қандай ашё хусусида кафолат беришни англатади[1]. "Warranty" ҳақидаги қоидалар Австрия Фуқаролик Кодексининг 922-моддаси 1-қисмида қуйидагича ифодаланади: ҳар қандай шахс ашёни кимгадир ҳақ эвазига топширса, унинг шартномага мувофиқлигини таъминлайди. Бинобарин, у ашёнинг талаб ёки одатда талаб қилинадиган хусусиятларга эга бўлиши, унинг тавсифи, намунаси ёки намунасига мос келиши ва бизнес хусусиятига ёхуд тузилган шартномага мувофиқ ишлатилиши учун жавобгардир[2].

С.Л.Будылиннинг фикрича, кафолат (warranty) ўз мақсади билан шартнома тузишга рағбат уйғотиши лозимлиги, шартнома тузиш вақтида ишончга сазовор бўлсагина келгусида вужудга келадиган ҳолатларга нисбатан ҳам берилиши, шартнома матнига киритилиши ва бажарилмаганида бошқа ҳар қандай шартнома мажбуриятини бузиш каби бир хил жавобгарликка сабаб бўлади[3]. С.Л.Будылиннинг фикрини маъқул-

---

[1] Thomas William Saunders. A Treatise on the Law of Warranties and Representations Upon the Sale ofPersonal Chattels. "LawTimes" Office, 1874.-P.3.

[2] Austria. Allgemeines bürgerliches Gesetzbuch (ABGB-Общий гражданский кодекс) https://www.jusline.at/ gesetz/abgb/paragraf/922

[3] Будылин С.Л. Деликт или нарушение договора? Заверения и гарантии в России и за рубежом //Вестник экономического правосудия Российской Федерации. 2016. -№ 3, -№ 4. -С.9.

лаймиз, чунки мажбурият бажарилишини таъминловчи ҳар қандай усул мажбуриятни бажаришга рағбатлантириши лозим. Зеро, тарафларни олган мажбуриятларини бажаришга рағбатлантириш орқали мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг мақсади уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, “warranty” кафолат (ишонтириш) мажбурият бажарилишини таъминлашда ўз ўрнига эга. Бироқ бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ушбу кафолат (“warranty”) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 299–310-моддаларида назарда тутилган кафолатдан тубдан фарқ қилади. Жумладан, инглизча “warranty” ва “guarantee” каби кафолатни англатувчи сўзлар амалий жиҳатдан бир-бирига ўхшаш, расман ҳуқуқий нуқтаи назардан тез-тез ўзаро алмашиниб туради. Иккала сўз ҳам “garantir” (ҳимоя қилиш, кафолат бериш, кафолатлаш) сўзидан олинган бўлиб, қадимги французча “garantie” сўзига бориб тақалади. Бу сўз роман тиллар оиласида “warjan” сифатида жаранглаган.

“Warranty”– бу аниқ кўрсатилган шартлар билан ёзма равишда ифодаланган кафолатга тегишли бўлган алоҳида ҳолат ҳисобланса, guarantee эса, кенгроқ тушунчадир. Ҳуқуқий нуқтаи назардан, сотувчи харидор олдидаги ўз мажбуриятини ифода этиш учун иккаласидан қайси бирини танламасин, барибир у ҳар қандай ҳолатда ҳам жавобгар бўлади. Одатий нуқтаи назардан guarantee маҳсулотнинг қийматини тўлиқ қоплаш ёки алмаштириш, унинг сифати ва чидамлилиги билан боғлиқ ҳолатнинг йиғиндисидан иборат бўлса, warranty эса таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ. “Warranty” – кейинги ўринларда “кафолат” деб юритилади.

Америка Қўшма Штатлари ва Канадада **маиший буюмлар кафолати** мавжуд бўлиб, у совутгичлар, ошхона печкалари ва идиш-товоқ ювиш машиналари каби янги жиҳозлардан одатдаги уй шароитида фойдаланилганида юзага келадиган носоз-

ликлар ёки таъмирлаш ишлари бўйича тайёрланган материалларда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш хусусидаги ёзма кафолат бериш ҳисобланади. Кафолат муддати кўпинча маҳсулот сотиб олинганидан ёки етказиб берилганидан кейин бир йил давомида нуқсонларга нисбатан қўлланилади. Бироқ баъзи бир ишлаб чиқарувчилар уй ёки маиший техника бир йил ичида сотилганда янги эгалар бу қоидадан истисно қилинадилар (Frigidaire, LG, Samsung). Бошқалар янги мижозларга кафолатларни топширишга имкон беради (Amana, General Electric, Whirlpool). Ўзга бир ишлаб чиқарувчилар музлатгичларнинг ёпиқ қисмларини (компрессорлар, қувурлар ва бошқалар) беш йил (General Electric, Samsung, Whirlpool) ёки етти йил (LG) ёки ўн йил (KitchenAid) кафолат берадилар[1].

Кафолатнинг бир қатор турлари мавжуд. Жумладан, автотранспорт воситалари кафолатида янги машиналар, одатда, бир йилдан беш йилгача кафолатланади ва баъзи ҳолатларда, бу муддат 10 йилга узайтирилади, одатда маълум бир масофани босиб ўтиши билан чекланади. Автотранспорт воситасининг кафолат муддати ишлаб чиқарувчи ёки бошқа компаниялар томонидан тўловлар амалга оширилиши билан узайтирилиши мумкин. Ишлатилган транспорт воситаси, одатда, 3 ойга ва 3000 мил масофани босиб ўтишга бўлган яроқлилиги кафолатланади.

Шунингдек, АҚШда таъминлашга сарфланадиган харажатлардан ҳимоя қилиш мақсадида уйларни кафолатлаш тури ҳам мавжуд. АҚШнинг баъзи штатлари, масалан, Нью-Жерсида, янги уй қурувчилар уй сотиб олувчиларга уй кафолатини беришлари шарт[2]. Бундан ташқари, мавжуд бўлган умрбод кафолатда – маҳсулот харидорга хизмат муддати давомида ишлашига кафолат бериш эмас, балки материалларни тайёрлаш-

[1] Гарантия /https://ru.qaz.wiki/wiki/Warranty
[2] Гарантия на дом /https://ru.qaz.wiki/wiki/Home_warranty

даги нуқсонлар бўйича талабнома бериш муддати бўйича чекловга йўл қўйилмаслигини ифодалайди[1].

Ривожланган хорижий мамлакатлар фуқаролик кодексларида “Warranty”ни иккита турга, яъни “Warranty of quality” – “Сифат кафолати” ва “Conventional warranty” – “Шартли кафолат”га ажратган ҳолда баён этувчи нормалар мавжуд. Жумладан, Квебек Фуқаролик Кодексининг бир қатор моддаларида “Warranty of quality”га оид қоидалар белгиланган. Ушбу кодекснинг 1726-моддасида, сотувчи мол-мулк ва унинг аксессуарларини харидорга сотиш пайтида уларнинг яширин нуқсонлардан ҳоли бўлишига кафолат беришга мажбур, бунда харидор уларни қандай мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган бўлса, бунинг учун яроқли ҳолга келтириши[2], мазкур кодекснинг 1727-моддасида эса, агар мол-мулк сотиш пайтида мавжуд бўлган яширин нуқсони туфайли яроқсиз ҳолга келса, агар зарар ортиқча хавф манбаи орқали ёки харидорнинг айби билан етказилган бўлса, сотувчи зарарни қоплаши шартлиги ва 1728-моддасида, сотувчи яширин нуқсонлар ҳақида билган ёки билиши мумкин бўлган бўлса, у нафақат баҳосини тиклаши, балки харидорга етказилган зарарни ҳам тўлашга мажбурлигига[3] оид қоидалар белгиланган.

“Conventional warranty”га оид қоидалар – Квебек Фуқаролик Кодексининг 1732-моддасида, ҳуқуқий кафолат бўйича мажбуриятга, унинг оқибатларини камайтириш ёки бутунлай чиқариб ташлашни томонлар ўзаро келишувга қўшишлари мумкин, бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам сотувчи ўзининг шахсий ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарликдан озод қилинмаслиги[4] тарзида белгиланган. Бироқ мазкур кодекснинг 1733-моддасида қайд қилинишича, агар сотувчи,

---

[1] Гарантия /https://ru.qaz.wiki/wiki/Warranty

[2] Civil Code of Québec./http://legisquebec.gouv.qc.ca/en/showdoc/cs/ccq-1991.

[3] Civil Code of Québec./http://legisquebec.gouv.qc.ca/en/showdoc/cs/ccq-1991

[4] Civil Codeof Québec./http://legisquebec.gouv.qc.ca /en /showdoc/cs/ccq-1991

мулк ҳуқуқига ёки мулк сифатига таъсир қиладиган камчиликларни билган ёки билиши мумкин бўлган ҳолда уларни ошкор қилмаса ўзининг жавобгарлигини истисно этиши ёки чеклаши мумкин эмас, агар харидор кўчмас мулкни касби сотувчи бўлмаган сотувчидан ўз таваккалига асосан сотиб олган ҳоллар бундан мустасно[1].

Бундан ташқари, Луизиана Фуқаролик Кодексининг 2520-моддаси тақиқловчи нуқсонлардан кафолатга бағишланган бўлиб, унга кўра, сотувчи харидорга сотилган буюмда тақиқловчи нуқсонлар ёки камчиликлар йўқлигига кафолат беради[2]. Бироқ бу ҳолатлар сотувчи ва харидор ўртасидаги эркин шартномавий муносабатлар натижасида юзага келиши ҳар иккала тарафнинг ашё сифатига бўлган эътибори диққат марказида туриши лозим. Зеро, Хитой Халқ Республикасининг 351-моддасида қайд қилинишича, агар харидор ашёни сотиб олиш пайтида камчиликларни билган бўлса, агар шартномада бошқача ҳолатлар белгиланмаган бўлса, сотувчи бундай камчиликни кафолатлашга мажбур эмас ва бу шартнома оқилона тузилган деб ҳисобланади[3].

АҚШда бу борада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган АҚШ штатлари “Лимон қонунлари” мавжуд. Улар автоуловлар ва бошқа истеъмол товарлари харидорларини сифат ва мақсадга мувофиқлик стандартларига жавоб бермайдиган маҳсулотлардан ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситали ҳисобланади. Гарчи, товарларнинг кўп турлари нуқсонли бўлиши мумкин бўлса-да, “лимон” атамаси асосан автоуловлар, юк машиналари ва мотоцикллар каби нуқсонли транспорт воситаларини таърифлаш учун ишлатилади. Худди шундай, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси-

[1] Civil Code of Québec /http://legisquebec.gouv.qc.ca/en/showdoc/cs/ccq-1991
[2] Louisiana Civil Code/https://lcco.law.lsu.edu/?uid=94&ver=en#94
[3] Civil code China /https://archive.org/stream/civilcodeofrepub00chin/civilcodeofrepub00chindjvu.txt

даги қонунчиликни кучайтириш мақсадида “Лимон қонуни” 2012 йил 1 сентябрда Сингапур Парламентида қабул қилинган. Ушбу қонун барча товарларга (шу жумладан, сарфланадиган ва тез бузиладиган товарларга) нисбатан қўлланилади, хизматлар бундан истисно[1].

Калифорниянинг “Лимонлар тўғрисида”ги Қонунида “warranty”нинг “Товарнинг яроқлилиги учун тақдим этиладиган кафолат” (Implied Warranty) ва “Экспресс кафолат” (Express Warranty) каби турлари белгиланган. Мазкур қонуннинг 1791.1-моддасига кўра, товарнинг яроқлилиги учун тақдим этиладиган кафолат – бу истеъмол товари унга қўйилган талабларга жавоб беришини англатиб, савдо учун яроқлилигини ифодаласа, 1791.1-моддасида эса, экспресс кафолат – товарни сотишдан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқарувчи, дистрибютор ёки чакана сотувчи истеъмолчи олдида товарнинг фойдалилиги ёки фойдаланишга яроқлилигини сақлашга ёхуд буни қўллаб-қувватлашга ёки унинг фойдалилиги ёхуд фойдаланишга яроқлилигига зарар этса, уни қоплаш тўғрисида мажбурият олишидир[2].

Назаримизда, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда кафолат муддатларини белгилаш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, кафолат муддати товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (онлар ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, нечта иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к.) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизмат-

[1] Лимонный закон /https://ru.qaz.wiki/wiki/Lemonlaw

[2] California Lemon Law Statute. http://thelemonlawcalifornia.com/lemon-law-2/ca-lemon-law-statute/

нинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди[1].

Россия ва МДҲ давлатлари учун IT технологияларини сотиш бўйича “Cisco System” компанияси маҳсулотларини сотиб олганидан бошлаб, “Cisco кенгайтирилган кафолат муддати” 12 ой қилиб белгиланган. Мижознинг хоҳишига кўра, кафолат муддати 24 ёки 36 ойга узайтирилиши мумкин. Компаниянинг ҳар бир харид қилинган маҳсулоти учун маҳсулот тури ва мижознинг ҳолатидан қатъи назар “Cisco System” стандарт хизмат кўрсатиш пакетлари (SMARTnet, IPS Service, SMB SA, SAS ёки SAU) даражаларидан бири билан техник ёрдам кўрсатилади[2].

Ўзбекистонда “ARTEL” бренди остида фаолият юритаётган корхона томонидан ишлаб чиқилаётган совутгичлар, газ плиталари, кондиционерлар учун 7 йил; телевизорлар, мониторлар, аудио-видео ускуналар, чанг ютгичлар ва электр иситгичлар учун 5 йил; мини печлар ва микротўлқинли печлар учун 3 йил ва кичик маиший техникалар учун 1 йил хизмат кўрсатиш ва ушбу бренд остидаги барча товарларга нисбатан 36 ой (майда маиший товарлар учун 12 ой) кафолат муддати белгиланган[3].

Таъкидлаш лозимки, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда кафолат муддатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш муҳим ҳисобланади. Франция Истеъмол Кодексининг L217–18-моддасига кўра, сотувчи томонидан фойдаланишга топшириш ўрнатиш ва текшириш ишларидан иборат бўлади. Етказиб бериш ёки фойдаланишга топшириш фойдаланиш

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни https://www.lex.uz/acts/4704
[2] https://www.cisco.com/web/RU/partners/warrantyprogram.html
[3] https://www.artelgroup.org/guarantee/

учун кўрсатмалар, агар лозим бўлса, қурилманинг кафолат сертификати тақдим этилади[1].

Эътироф этиш жоизки, истеъмолчиларнинг товардан фойдаланишини таъминлаш учун қўлланма ва кафолат талони ёки товарлар хавфсизлигини тасдиқлаш учун сертификат тақдим этилиши ва уларда кўрсатилган кўрсатмаларга риоя қилиниши олинган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига "Ҳолатлар бўйича кафолат" деб номланган 310–1-модда киритилиб, унда, тараф шартнома тузилаётганида ёки тузилгунга қадар ёки ундан кейин иккинчи тарафга унинг бажарилиши ёки бекор қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар бўйича ишончга сазовор бўлмаган кафолат бериши, унинг натижасида келиб чиққан зарарни қоплаш ёки неустойкани тўлаш тўғрисида талаб қилиши, шартномадан бош тортиш ҳуқуқига оид қоидалар баён этилган. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан шахслар шартнома олди ва уни амалга ошириш жараёнида ҳамда ундан кейин ҳам мажбуриятнинг бажарилиши ёки бекор қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар бўйича ишончга сазовор бўлмаган кафолат берилиши натижасида бузилган ҳуқуқини тиклаш билан боғлиқ талаб қилиш, шартномадан бош тортиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу ҳуқуқ уларга қонуний манфаатларини таъминлаш имкониятини беради.

Бешинчидан, "Estoppel"ни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида таъминлаш жараёнига татбиқ этиш.

---

[1] French Consumer Code.Book II: formation and execution of contracts (Articles L211-1 to L253-2)
https://www.legifrance.gouv.fr/codes/section_lc/LEGITEXT000006069565/LEGISCTA000032221199/#LEGISCTA000032227021

Эстоппель “*estoppel”* инглизча “estop” сўзидан, “эътироз билдириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш” ёки лотинча “venire contra factum proprium” сўзидан олинган бўлиб, “қарама-қарши хатти-ҳаракатнинг тақиқланиши” деган маъноларни англатади. У билан боғлиқ қоидалар дастлаб англосаксон ҳуқуқ тизимида ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро суд жараёнлари ва ҳакамлик амалиёти томонидан қабул қилинган[1].

Манбаларда “Estoppel” тушунчаси қуйидагича баён этилади: умуман олганда, эстоппель (французча “estoupe”– рад этиш) деганда томонга аввалги тасдиқлаши, рад этиши, хулқ-атвори, иқрор бўлиши ёки суднинг якуний қарорига кўра бирор-бир фактни рад этиши ёки тасдиқлашини тақиқловчи ҳуқуқий тамойил тушунилади[2].

“Estoppel”– инглиз ҳуқуқи доктринаси (аниқроғи, доктрина билан боғлиқ бутун бир оила) бўлиб, унинг моҳияти, томонларнинг қарама-қарши хатти-ҳаракатларини процессуал жиҳатдан тақиқлашдан иборат. Шу билан бирга, “Estoppel”нинг бошқа кўплаб турлари мавжуд. Улардан бири “шартномавий эстоппель” (contractual estoppel)дир. У шартнома доирасида тузилган, тасдиқланганлиги учун ҳам шундай ном олган[3].

Хорижий ҳуқуқшунослар томонидан англосаксон ҳуқуқи учун “Estoppel” кенг қўлланилганлиги туфайли ҳуқуқ тамойили даражасига кўтарилганлиги қайд қилинади[4]. Шунингдек, Сингапурнинг “Шартнома тўғрисида”ги Қонуни 23.5.4-

---

[1]https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%AD%D1%81%D1%82%D0%BE%D0%BF%D0%BF%D0%B5%D0%BB%D1%8C#citeref-c1_1-1

[2] Black H.C. Black's Law Dictionary // 4th ed. St. Paul, Minn., West Publishing Co., 1951, -C.28.

[3] Mitchell A., Sher A.Contractual Estoppel in Mis-Selling Claims // Norton Rose Fulbright - Banking and financedisputes review. 2015. -No.6. -P.3-5.

[4] Sean Wilken, Karim Ghaly The Law of Waiver, Variation and Estoppel. Third edition, Oxford, 2011. -P.538.

моддасига кўра, “эстоппель” тамойили шартнома бўйича кафилнинг жавобгарлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин[1].

Эстоппелни фақат принцип сифатида эътироф этувчи ёндошувни унчалик ўринли деб бўлмайди. Принциплар тақиқ шаклида шакллантирилиши мумкин эмас, чунки бу ҳолатда мўлжал (ориентир) бўлишдан тўхтайди ва бевосита муносабатни тартибга солиш бошланади. Бу вазиятда эстоппель ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атворга нисбатан тақиқ кўринишида шакллантирилганки, бунинг бузилиши ҳуқуқни ҳимоя қилишни рад этиш кўринишидаги санкция (ҳуқуқни йўқотиш) қўлланилишига олиб келади. Шу жиҳатдан эстоппелни принцип сифатида талқин этиш мумкин эмас[2].

“Эстоппель” ҳолати бир тарафнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан иккинчи тарафда ишонч шаклланиши ва унинг ҳаракати шу ишончга асосланиши каби унсурлар мавжудлиги билан тавсифланади[3].

Шундай қилиб, “эстоппель” фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шартномавий ҳамкорлар томонидан ҳуқуқларининг суиистеъмол қилинишига йўл қўймасликнинг жуда фойдали ва самарали воситаси ҳисобланади[4].

“Эстоппель” Германияда “ҳуқуқларни йўқотиш доктринаси” (rechtsverwinkung), Италияда “қонуний кутишларни ҳимоя қилиш” (“legittimo affidamendo”) ва Францияда “назарда тутилган рад этиш” (“renunciation implicite”) деган турли номлар билан аталса-да “эстоппель” доктринаси номи билан машҳур[5].

---

[1] Commercial law in Singapore. Ch. 08 The Law of Contract.https: //www.singaporelawwatch.sg/About-Singapore-Law/Commercial-Law

[2] Имомов Н. Фуқаролик ҳуқуқида эстоппель ва унинг ифодаланиши //Юридик фанлар ахборотномаси. Махсус сон IIқисм. 2021. –Б.46.

[3] Сорокина Ю.А. Эстоппель и неосуществление права //Юридические исследования. – 2020. – №3. – С.1-10.

[4] Гузеева А.О. Проблемы применения принципа эстоппель в гражданском праве РФ // Новый юридический вестник № 5 (19), 2020. -С.6.

[5] Воднев А. Н. К вопросу о доктрине эстоппель в российском праве. //Вестник ТвГУ. Серия «Право». 2017. -№ 2. -С.70.

“Эстоппель” билан боғлиқ суд амалиётини тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиққан низони А40–12113/16-171-105-сонли иш орқали ҳам кузатиш мумкин. Москва арбитраж судининг 2016 йил 29 августдаги қарори билан кредит линиясини очиш тўғрисидаги шартномани ҳақиқий эмас деб топиш рад этилган. Бунда, суд томонидан эстоппель ёрдамида ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўладиган белгиларга эга бўлган шартномани малакалаш амалга оширилган[1].

Қайд қилинганлардан англаш мумкинки, “Estoppel” мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигида мавжуд ва суд амалиётида кенг фойдаланиб келинмоқда. “Estoppel”ни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида таъминлаш жараёнида қўллаш шартноманинг тарафини иккинчи тараф манфаатига зарар етказишдан тийилиши каби инсофли бўлишини таъминлаб, ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилишининг олдини олади.

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишдан ёки шартномани бажаришдан бош тортиш” деб номланган 382–1-модда киритилиб, унда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда, бир тараф иккинчи тараф ўз мажбуриятини бажаргунига қадар уни хабардор қилган ҳолда мажбуриятини бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли эканлиги, бунда шартноманинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши, айнан бир асослар бўйича кейинчалик бош тортишга йўл қўйилмаслиги каби қоидалар баён этилди. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан қонун ҳужжатлари ёки шартномага биноан, тарафлар бир-бирини хабардор қилган ҳолда ўз мажбуриятини бажаргунига қадар мажбуриятини ба-

[1] https://kad.arbitr.ru

жаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 354-моддаси 1–2-қисмларида, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркин эканликлари ва уларни шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслигига оид қоидалар белгиланган[1]. Зеро шахсларга шартнома тузишни эркин ҳолда амалга ошириш ҳуқуқи берилган экан, у билан боғлиқ ҳолда мажбуриятларни бажариш жараёнида ҳам бу ҳуқуқ кафолатланиши лозим. Бу тарафларга ўз ҳуқуқларини эркин равишда амалга ошириш имкониятини яратади.

4.5. Рақамли реаллик шароитида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларини такомиллаштиришнинг замонавий истиқболлари

Жаҳон миқиёсида кечаётган глобаллашув жараёнида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини такомиллаштиришнинг замонавий истиқболларини белгилашда қитъа ва англо-америка ҳуқуқ тизимларида мавжуд бўлган ҳамда халқаро миқиёсда унификациялашган қоидаларини инобатга олган ҳолда миллий қонунчиликка тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш лозим. Ушбу мақсаднинг амалга ошиши учун бир қанча вазифаларни бажариш тақозо этилади.

Биринчидан, мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш юзасидан қонунлар ишлаб чиқиш ҳам истиқболли вазифадир.

Бозор иқтисодиёти шароитида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усули сифатида гаров

[1] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси https://lex.uz/docs/111189

айниқса, ломбарддаги ашёлар гарови ўзини яққол намоён қилади. Ломбардлар шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни закалат шаклида гаровга қабул қилиб, фуқароларга қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатга) кредитлар беради. Улар қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни қонунчиликда белгиланган тартибда бериладиган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси асосида амалга оширишга ҳақли бўлиб, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим этилганида фуқаролар билан шартномалар тузадилар. Улар томонидан қабул қилинган мол-мулк, ломбардга тегишли бўлган барча тўловлар қопланганидан сўнг эгасига қайтарилиши мумкин. Бу кўчар мол-мулкнинг закалат сифатида қабул қилинишидан бошлаб, берилган кредитлар қопланганидан кейин эгасига қайтарилишини ифодалайдиган шартнома асосида вужудга келадиган бутун бир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлган жараён бўлиб, унда иштирок этувчи шахслар учун иқтисодий-ижтимоий нуқтаи-назардан қулайликлар яратади.

Марказий банк Бошқарувининг 2021 йил 7 майдаги 5/10-сонли қарори билан тасдиқланган “Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги” Низом мавжуд бўлиб, 21-бандига кўра, ломбардлар шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни закалат шаклида гаровга қабул қилиб, фуқароларга қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатга) кредитлар беради ҳамда фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар ашёларни сақлашга қабул қилади. Мазкур Низомнинг 22-бандига асосан, фуқаролардан шахсий истеъмол учун мўлжалланган кўчар мол-мулкларни (ашёларни) ломбардда гаровга қўйиш, сақлаш, ломбарддан талаб қилиб олинмаган ашёларни сотиш ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка ундирувни қаратиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Гаров тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ломбарддаги ашёлар гаровига оид Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 289-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида” (янги таҳрири)ги қонуннинг 35-моддасига биноан, фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар – лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Гаровга қўйилаётган ашёлар ломбардга топширилади.

Ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаши шарт.

Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас.

Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Башарти, ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда (ушбу Кодекснинг 281-моддаси) ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли. Шундан кейин ҳатто гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади.

Ломбардлар томонидан фуқароларга уларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонунчилик билан белгиланади.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартноманинг гаровга қўювчининг ҳуқуқларини ушбу Кодекс ёки бошқа қонунлар билан унга бериладиган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Юқорида қайд қилинган қонунчиликда акс этган қоидалар ломбардлар фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни тўлиқ тартибга солиш учун етарли эмас.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари табора тараққий этиши ломбарддаги ашёлар гаровига оид вужудга келаётган кенг қамровли муносабатларни юзага келтираётганлигини, шунингдек, бу соҳада бир қатор ломбард ташкилотлари фаолият олиб бораётган бўлса-да, улар маълум бир қонунга асосан эмас, балки қонун ҳужжатларида акс этган айрим нормаларга таянган ҳолда фаолият юритаётганлигини инобатга олган ҳолда бу муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши учун алоҳида қонун ишлаб чиқилиши зарур.

Ҳозирги кунда, дунёнинг деярли барча давлатларида ломбардлар ҳақидаги қонунлар қабул қилинган, хусусан Малайзия (1972), Арманистон Республикаси (2003), Россия Федерацияси (2007), Америкaнинг барча 50 та штатида давлат ломбардлари ҳақидаги қонунлар мавжуд, жумладан Алабама штати (2013), Тожикистон Республикаси (2014), Сингапур (2015), Қирғизистон Республикаси (2016), Хитой Халқ Республикаси (2019). Шунингдек, Украина Олий Радаси томонидан “Ломбардлар ва ломбардлар фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси (2019 йил 26 декабрдаги 2674-сон) рўйхатдан ўтказилган.

Ривожланган хорижий мамлакатларда қайд қилинган қонунлар доирасида, масалан, АҚШда тахминан 25.000 ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида эса тахминан 10.000 ломбард ўз фаолиятини самарали амалга ошириб

келмоқда. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда интернет воситасида смартломбард каби замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда ломбардлар ўз фаолиятини янада такомиллаштирмоқда.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ҳам ломбардлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни махсус қонун қабул қилиш орқали тартибга солиш зарурияти мавжуд.

Бугуни кунда Республикамизда фаолият олиб бораётган ломбардлар сони 2019 йил 1 март ҳолатига 99,2 млрд. сўм капитал йиғилмасига (шу жумладан Устав капитали 39,2 млрд.сўм) эга бўлган 55 та ломбардни, 2020 йил 1 март ҳолатига эса, 119,6 млрд. сўм капитал йиғилмасига (шу жумладан Устав капитали 46,6 млрд.сўм) эга бўлган 61 та ломбардни ташкил этади. Тошкент шаҳрининг ўзида “Lombard Profit Service”, “Sergeli Kredit Ломбард” МЧЖ каби 19 та ломбард 10 йилдан ортиқ фаолият кўрсатиб келмоқда. Бироқ мазкур ломбардларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун мавжуд эмас.

Юқорида қайд қилинган ҳолатларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Ломбардлар тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси 15 моддадан иборат ҳолда ишлаб чиқилди[1] ва унда қонуннинг мақсади; ломбард ва унинг асосий вазифалари; ломбард фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги касбий сирни ташкил қилувчи ахборотлар; ломбард тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг сақланишини лозим даражада таъминламаганлик оқибатлари; гаровга ёки сақлаш учун берилган ашёларнинг баҳоси; гаровга ёки сақлаш учун берилган ашёларни суғурталаш; қарз шартномаси; қарз олувчининг ломбард олдидаги мажбурият суммаси; сақлаш шартномаси; қарз шартномаси бўйича имтиёзли муддат;

[1] 18-иловага қаранг.

сақлаш шартномаси бўйича имтиёзли муддат; талаб қилиб олинмаган ашёга ундирувни қаратиш каби нормалар баён этилган.

Ушбу қонун лойиҳасини қабул қилиш ломбардлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга, фуқароларнинг шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулк эвазига қисқа муддатли кредитлар олиш жараёнларидан янада самарали фойдаланишга бўлган ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишга кенг имконият яратади.

Шунингдек, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш институтини такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, яъни 105-моддаси 1-қисмига “Битимлар электрон шаклда тузилиши”; 258-1-модда “Мажбурият бўйича кредиторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”; 259-модда “таъминот тўлови”; 259-2-модда “Мажбурият бажарилишини таъминлаш усулининг ўзгартирилиши ёки бир нечта усулларнинг жалб этилиши”; 260-модда “Лафзсизлик тўлови тушунчаси”; 261-модда “Лафзсизлик тўлови шакллари”; 265-1-модда “Мутлақ ҳуқуқлар гарови”; 267-моддасидан “алиментлар тўғрисидаги талаблар” деган сўзларни чиқариш; 291-1-модда “Ушлаб қолинган ашёнинг йўқолиши ёки шикастланиши учун жавобгарлик”; 291-2-модда “Ушлаб қолиш ҳуқуқининг вужудга келиши шарти”; 292-модда “Кафиллик шартномаси”; 292-1-модда “Биргаликдаги кафиллик”; 293-модда кафилнинг жавобгарлик ҳажми, юридик шахснинг кафил бўлиши; 293-1-модда “Кафилнинг жавобгарлигини истисно қиладиган ҳолатлар”; 294-модда “Кредитор талабига қарши эътироз билдиришга бўлган кафилнинг ҳуқуқи”; 296-1-модда “Кафил мажбуриятни бажарганлиги ҳақида қарздорни хабардор қилиш”; 296-2-модда “Кредиторнинг мажбурият ва ҳуқуқлари”; 299-модда “Кафолат олиш учун принципалга қўйиладиган талаблар”; 301-модда “Кафолатнинг бошқа мажбу-

риятлардан мустақиллиги”; 302-модда “Кафолатнинг чақириб олиниши ва ўзгартирилиши; 310-1-модда “Ҳолатлар бўйича кафолат”; 311-модда закалат, у билан боғлиқ ҳолда мажбуриятни бажаришдан бош тортиш ҳуқуқи, мажбуриятнинг тугаши; 312-1-модда “Таъминот тўлови”; 326-модда “Суд қарори билан лафзсизлик тўлови миқдорини камайтириш”; 326-1-модда “Лафзсизлик тўловини қўллашнинг соддалаштирилган тартиби”; 336-1-модда “Шартномада белгиланган шартлар юзага келганида келтирилган зарарларни қоплаш”; 382-1-модда “Шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишдан ёки шартномани бажаришдан бош тортиш”; 754-1-модда “Қайта воз кечиш”; 975-1-модда “Шартли депонентлаш шартномаси (Эскроу); 975-2-модда “Эскроу-агентига ҳақ тўлаш” каби моддаларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб[1], Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим қилинди.

Иккинчидан, *“таъминловчи битимлар”*ни ифодаловчи шартномавий қурилмаларни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида талқин этиш.

“Таъминловчи битимлар” масаласи ҳусусида Н. Имомов сўз юритар экан, ФК 259[1]-моддасида келтирилган “кредиторнинг мол-мулк билан таъминланган мажбуриятлар” фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган бир қатор “таъминловчи битимлар”дан келиб чиқадиган мажбуриятларни англатади. Хусусан, насияга товар сотиш (ФКнинг 421-моддаси), товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш (ФКнинг 422-моддаси), ижара (ФКнинг 535-моддаси), лизинг (ФКнинг 587-моддаси), пудратчининг ушлаб қолиш ҳуқуқи (ФКнинг 639-моддаси) ва шу каби конструкцияларни “таъминловчи битимлар” жумласига киритиш мумкин. Бу битимларда кредитор, яъни талаблари бевосита қарздорда мавжуд бўлган ва у билан тузилган битим нарсаси бўлган мол-

[1] 19-иловага қаранг.

мулкка қаратилган шахс, шу қарздорнинг бошқа кредиторларига қараганда, талабларини фақат мазкур мол-мулк ҳисобидан имтиёзли қаноатлантиришга ҳақли бўлади[1]. Н.Имомовнинг фикрини маъқуллаган ҳолда таъкидлаш жоизки, “таъминловчи битим”ларда кредитор қарздорнинг бошқа кредиторларига нисбатан талабини мол-мулк ҳисобидан имтиёзли қаноатлантиришга ҳақли бўлиши, бу каби битимларнинг таъминлаш кучини янада оширади. Бу каби таъминлаш усулларига бугунги кунда эҳтиёж катта. Чунки барча таъминлаш усуллари ҳам бирдек тарафларнинг манфаатига тўла мувофиқ келавермайди. Масалан, амалиётда гаров энг кўп қўлланиладиган бўлса-да, бироқ унинг ҳам бир қатор камчиликлари мавжуд. Бу камчиликлар кредитор учун бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ўринда, P.R.Woodнинг қарздор ўз мажбуриятини бажармаганида гаров мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида кредитор манфаатини қаноатлантиришнинг алоҳида процедураси сифатида ўзини намоён қилади. Бу процедура узоқ давом этиши, моддий харажатлар талаб қилиши ва бошқа ҳавфларни ҳам келтириб чиқариши билан кредитор учун “ноқулайлик” туғдириши мумкинлиги ҳақидаги фикрини келтириш жоиз[2].

Таъкидлаш жоизки, Д.В.Данилов томонидан олди-сотди шартномасининг таъминлаш хусусияти гаровга нисбатан қиёслаш орқали баён қилинади. Бу ўринда унинг таъминловчи олди-сотдининг гаровга нисбатан афзаллиги унда гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан ундирувни қаратиш зарурати-нинг мавжуд эмаслигида ифодаланади ва бунда кредитор таъминловчи мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ҳеч бир

[1] Имомов Н. Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларига нисбатан янгича ёндашувларнинг таҳлили.// Review of law sciences (2020) 39-45. - Б.43.

[2] Wood P.R. Comparative Law of Security Interests and Title Finance. 2nd ed. (The Law and Practice of International Finance Series. Vol. 2). Thomson; Sweet & Maxwell, 2007. P. 675.

бошқа ҳаракатларсиз битим тузилаётган пайтнинг ўзидаёқ қўлга киритади ва бу ҳолат шу турдаги битимлар тузишга ундовчи муҳим омил саналади[1] деган фикрини келтириш мақсадга мувофиқ.

Олди-сотди шартномасининг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш хусусиятини ифодалайдиган қоидаларни хорижий мамлакатлар Фуқаролик кодексларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Бразилия Фуқаролик Кодексининг 1140-1142-моддаларида, сотувчи сотилган ашёни муайян муддат давомида қилинган харажатларни ва баҳосини тиклаган ҳолда қайтариб олиш ҳуқуқини сақлаб қолиш[2], шунингдек, Франция Фуқаролик Кодексининг 1659-1673-моддаларида, сотувчи сотилган ашёга нисбатан қайта сотиб олиш ҳуқуқини ўзида сақлаши[3], Испания Фуқаролик Кодексининг 1507-1525-моддаларида, одатдаги сотиб олиш сотилган ашёни сотувчи қайтариб олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш орқали амалга оширилиши[4], Польша Фуқаролик Кодексининг 593-595-моддаларида, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга қайта сотиб олиш ҳуқуқи[5], Таиланд Фуқаролик ва Тижорат Кодексининг 491-502-моддаларида кўчмас мулк ўн ва кўчар мулк уч йилдан кўп бўлмаган муддатга қайта сотиб олиш ҳуқуқи[6], Грузия Фуқаролик Кодексининг 509-515-моддаларида сотиш-сотиш шартномаси бўйича сотувчи сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, ушбу ҳуқуқдан

---

[1] Данилов Д.В. Обеспечительная купля-продажа как способ обеспечения, не поименованный в законе //Вестник Челябинского государственного университета. 2015. - № 17 (372). Право. Вып. 43. -С.76-81.

[2] Civil Code Brazil /https://archive.org/stream/civilcodebrazil00whelgoog/civilcodebrazil00whelgoog_djvu.txt

[3] Civil Code France /https://archive.org/stream/frenchcivilcodea00franuoft/frenchcivilcodea00franuoft_djvu.txt

[4] Civil Code Spanish /https://archive.org/stream/spanishcivilcode00spairich/spanishcivilcode00spairich_djvu.txt

[5] Civil Code Polish /https://supertrans2014.files.wordpress.com/2014/06/the-civil-code.pdf

[6] The Thailand Civil and Commercial Code. https://www.samuiforsale.com/law-texts/thailand-civil-code-part-1. html#193

фойдаланиш сотувчининг хоҳишига боғлиқлиги[1], Туркманистон Фуқаролик Кодексининг 533-538-моддаларида, сотувчи олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олиш ҳуқуқига розилик берган бўлса, сотувчи харидорга ўз ҳуқуқидан фойдаланишни хоҳлашини эълон қилганда, сотиб олиш ҳақиқий ҳисобланиши[2] каби қоидалар белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, “таъминловчи битимлар”ни ифодаловчи шартномавий қурилмалар мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида шартномалар, келишувлар тарзида ўзини намоён қилади.

“Таъминловчи келишув” тушунчаси гаровга, шартли сотувга (ашёлар ва мутлоқ ҳуқуқларга нисбатан), шунингдек шартли цессияга (мажбурий хусусиятга эга бўлган мулк ҳуқуқларига нисбатан) ҳам қўлланилиши мумкин[3].

“Таъминловчи битим”ни келишув тарзида ифодалашга оид қоидалар хорижий мамлакатлар кодексларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, АҚШ Бирхиллаштирилган Савдо Кодекси 9-105-моддасига кўра, “Таъминловчи битим” электрон мулк ҳужжатларидан фойдаланишга шароит яратишга қаратилган келишув[4].

“Таъминлашга хизмат қилишга мўлжалланган ... ижара ва консигнация каби шартномалар воситасида яратилган” (АҚШ БСК 9-102-модда) таъминланган манфаатлар ҳақидаги ғоялар Америка шартнома доктринасида кенг тарқалган[5]. Бу ўринда, АҚШда суғурта полиси бўйича талабни ёки манфаатни бериш

---

[1] Гражданский Кодекс Грузии /https://matsne.gov.ge/ru/document/download /31702/75/ru/pdf

[2] Гражданский Кодекс Туркменистана /http://www.untuk.org/publications/ legislation/gr_kod/ch3r02.htm#st0533

[3] Овсейко С.В. Обеспечительные сделки в законодательстве США // Юрист, 2006, №10, -с.58.

[4] Единого торгового кодекса Соединенных Штатов Америки. /https://ru.glosbe.com/en/ru/uniform%20 commercial%20code

[5] Шаблова Е.Г. Актуальные проблемы гражданского и предпринимательского права: учеб. Пособие для бакалавриата и магистратуры /-М.: Изд. Юрайт, 2017, Екатеринбург, Изд. Урал. Ун-та. – С.63.

таъминловчи битимлар сифатида қаралишини[1] ҳам таъкидлаш лозим.

Хорижий мамлакатларда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш асосий воситаларининг муҳим қисмини: неустойка, кафиллик, гаров, кафолат, закалат ва ушлаб қолиш ташкил қилади. Шунингдек, айрим давлатларнинг қонунчилигида: аккредитив, чек, вексел, тижорат хатарларини суғурталаш, мулк ҳуқуқининг сақланиши, факторинг, товарларни жўнатишдан олдин амалга ошириладиган тўловлар ва ш.к. усуллар сифатида белгиланган[2].

Бугунги кунда, ҳуқуқшунос олимлар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг анъанавий усуллари билан биргаликда шартномавий қурилмаларни ҳам таъминлаш усуллари сифатида талқин қилишга уринишлар кузатилмоқда[3]. Шартномавий қурилмаларни титул усуллари сифатида талқин қилган Е.Р.Усманова титул таъминлаш усулларига сотувчида мулк ҳуқуқини сақлаш шарти билан олиш-сотиш шартномаси, сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара, молиявий ижара, талаб ҳуқуқидан воз кечиш орқали таъминлаш ва РЕПО тааллуқли эканлигини қайд қилади[4].

---

[1] Овсейко С.В. Обеспечительные сделки в законодательстве США //Банкаўскі веснік, САКАВІК 2004.-С.39.

[2] Федоров А.Г., Демина Т.С. Оптимальные способы обеспечения исполнения обязательств от неправомерных действий в сфере договорных отношений: Международный опыт. ART /«Colloquium-journal»#26(50), 2019. -С.227.

[3] Гринь О.С. Основные подходы пониманию способов обеспечения исполнения обязательств //Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА). 2016. – №10. – Б.44-51.

[4] Усманова Е.Р. Титульное обеспечение гражданско-правовых обязательств. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва. 2017. – С. 9; Яна қаранг. Е.В.Кругликова. Титульное обеспечение как способ обеспечения исполнения обязательств. //Российская юстиция в XXI веке: реалии, проблемы, перспективы. -С.414-431 /https://cyberleninka.ru/article/n/titulnoe-obespechenie-kak-sposob-obespecheniya-ispolneniya-obyazatelstv/viewer.

М.Э.Бобожонов фикрича, репо битимида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш функцияси мавжуд[1].

Д.А.Ивановнинг нуқтаи назарича, қарз мажбуриятини таъминлаш воситаси, таъминловчи битим сифатида лизинг шартномасини киритиш мумкин[2]. Бу каби фикрлар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари[3] томонидан ҳам эътироф этилади.

Ҳар қандай битимни ҳам "таъминловчи битим" сифатида эътироф этиб бўлмайди. Бунинг учун битимлар маълум бир мезонларга жавоб бериш лозим. Бу ўринда, Н.Имомов ва С. Ғайбуллаевларнинг муайян турдаги битимларни "таъминловчи битимлар" жумласига киритиш учун битим қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим: мол-мулк кредитор ихтиёрида бўлиши; қарздор томонидан мол-мулк қонуний асосларда берилиши; мулкнинг титули ўтиши қўшимча мажбурият сифатида эмас, асосий мажбурият сифатида амалга оширилиши; таъминлаш воситаси сифатида учинчи шахсларнинг иштирок этмаслиги[4] ҳақидаги фикрини келтириш жоиз. Н. Имомов ва С. Ғайбуллаевларнинг фикрига қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, "таъминловчи битимлар" мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида эътироф этиш ва уларни таъминлаш жараёнига татбиқ этиш мажбуриятларнинг бажарилишини самарали таъминлашнинг гарови ҳисобланади.

Фикримизча, "электрон битимлар"ни ҳам "Таъминловчи битимлар" сифатида тавсия қилиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги

---

[1] Бобожонов М.Э. Қимматли қоғозлар воситасида тузиладиган репо битимларини қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш масалалари. Ю.ф.ф.д. (PhD) дисс.. автореферати. -Т.: 2018. 14 б.

[2] Иванов Д.А. Общая юридическая характеристика договора лизинга: признаки и существенные условия //Государственная служба и кадры.2014. –№ 4. -С.57.

[3] Ғайбуллаев С. Фуқаролик ҳуқуқида таъминловчи битимлар//Юрист ахборотномаси - Вестник юриста-Lawyer herald. -№4 (2020). –Б.76-82.

[4] Имомов Н. Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларига нисбатан янгича ёндашувларнинг таҳлили.// Юридик фанлар ахборотномаси.2/ 2020.-Б.44; Ғайбуллаев С. Фуқаролик ҳуқуқида таъминловчи битимлар//Юрист ахборотномаси.-№4 (2020). –Б.76-82.

Қонунинг 7-моддасига кўра, электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади[1].

Мазкур қонунда қайд қилинган қоидадан англаш мумкинки, электрон битимлар ёзма равишда тузиладиган битимлар билан тенглаштирилади ва бир хил юридик кучга эга.

Электрон шартномалар воситасида давлат харидлари билан боғлиқ мажбуриятлар бажарилиши самарали таъминланиб келинаётганлиги ҳусусида монографиянинг 1-боби 1.1-параграфида батафсил тўхталиб ўтган эдик.

“Электрон шартнома деганда товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси учун ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда сотувчи ва харидор ўртасида тузиладиган шартнома”[2] тушунилади.

Рақамли реаллик шароитида электрон шартномаларнинг қўлланиш доираси кенг. Зеро, электрон битимлар нафақат ички, балки халқаро савдо муомаласида ҳам қўлланилади[3].

Рақамли фуқаролик муомаласида томонларнинг хоҳиш-ирода билдиришининг бошқа шакллари билан бир қаторда, электрон битимлардан кенг ва самарали фойдаланилади[4].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/docs/165079

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 185-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/2973939#undefined

[3] Типовой закон ЮНСИТРАЛ «Об электронной торговле» // Model law of electronic commerce the united nations commission on international trade law// Принят в Нью-Йорке 28 мая-14 июня 1996 г. на 29-й сессии ЮНСИТРАЛ, одобрен 16 декабря 1996 г. резолюцией 51/162 на 85 Пленарном заседании Генеральной Ассамблеи ООН// Комиссия ООН по праву международной торговли. Ежегодник Т.: XXXII 1999 г. Нью-Йорк, 1998. Стр. 319-333

[4] Рузиназаров Ш.Н. Ачилова Л.И. Электронные сделки и проблемы их применения в условиях цифрового гражданского оборота. Развитие общества и науки в условиях цифровой экономики: [монография / Ачилова Л.И. и др.]; под общей ред.А.Б. Черемисина. Петрозаводск : МЦНП «Новая наука», 2020. -5 с.

Давлат харидлари бўйича 2021 йил апрель ойида 734,0 млрд сўмлик электрон битимлар тузилган бўлиб, бу кўрсатгич март ойига нисбатан 20,2 %га ошганлигини кузатиш мумкин[1]. Демак, кундан-кунга электрон шартномалар тузиш кўлами ортиб бормоқда.

Назаримизда, нафақат давлат харидлари бўйича, балки бошқа соҳаларда ҳам электрон шартномалар тузиб, мажбуриятлар бажарилиши орқали манфаатлар таъминланишига оид ҳаракатлар олиб борилмоқда. Л. Ефимова томонидан банк амалиётига ахборот технологияларини жорий этиш давом этаётганлиги, шартномавий ишларни ҳуқуқий таъминлаш хусусида сўз юритилар экан, бунда кредит ташкилотлари электрон товар айланишига ўтиш, шу жумладан электрон шаклда шартномалар тузишдан манфаатдор эканлиги таъкидланади[2].

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги[3], “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги[4] ва “Электрон тижорат тўғрисида (янги таҳрири)”ги Қонунлари қабул қилинган[5] бўлиб, уларда битимларни электрон тарзда амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган бўлса-да, бироқ ҳолат Фуқаролик кодекси доирасида тартибга солинмаган. Бу эса, ушбу қоидаларни кенг қамровда муносабатларни тартибга солишга қўллаш имкониятини бермайди.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги, хусусан, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 152-моддасида, битим-

---

[1] Ежемесячные итоги по электронным государственным закупкам http: //xarid.uz/news/details/3

[2] Ефимова Л.Г. Правовые особенности электронной формы банковских сделок. //Вестник Университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА). 2017/1. -С.23.

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/165079

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/docs/64467

[5] Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида (янги таҳрири)”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / https: //www.lex.uz/acts/2650293

нинг ёзма шакли қоғозда ёки электрон шаклда тузилиши[1], Украина Фуқаролик Кодексининг 205-моддаси 1-қисмида эса, битим оғзаки ёки ёзма (электрон) шаклда тузилиши мумкин. Агар қонунчилик билан ўзга ҳолат белгиланган бўлмаса, тарафлар битим шаклини танлаш ҳуқуқига эга[2] эканлиги қайд қилинган. Зеро, Л.Ефимова таъкидлаганидек, ҳужжатнинг электрон шакли шартноманинг оддий ёзма шаклининг бир кўриниши эмас, балки иродани ифодалашнинг сифат жиҳатидан янги усулидир. Шунинг учун битимнинг электрон шакли махсус ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилади[3].

Таҳлилларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 105-моддаси 1-қисмига “Битимлар оғзаки ёки ёзма ёхуд электрон шаклда тузилади. Агар қонунчилик билан ўзга ҳолат белгиланган бўлмаса, тарафлар битим шаклини танлаш ҳуқуқига эга” деган ўзгартириш киритиш таклиф этилади. Мазкур таклиф қабул қилиниши битим тарафларига ўз ҳуқуқларини эркин равишда амалга ошириши учун кенг имконият яратади. Зеро, тарафларнинг ўз иродасини эркин равишда амалга оширишини таъминлаш уларнинг қонуний манфаатини тўла кафолатлайди.

Учинчидан, интеллектуал мулк объектларини таъминлаш усуллари сифатида эътироф этиш.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси ўз ҳуқуқини ФК ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган ҳар қандай тарзда тасарруф этишга ҳақли. Масалан, мутлақ ҳуқуқлар эгаси бу ҳуқуқларни ўз мажбурияти ёки учинчи

---

[1] Гражданский Кодекс Республики Казахстан (Общая Часть). https://online.zakon.kz/document/ ?doc_id= 1006061#pos=5;-106

[2] Гражданский кодекс Украины от 16 января 2003 года № 435-IV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.07.2021 г.). https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418568#pos=6;-106

[3] Ефимова Л. Правовые особенности сделок в электронной форме в банковской практике//Хозяйство и право. 2012. №7.– С.101

шахслар мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш усули сифатида гаровга қўйиши мумкин[1].

Мутлақ ҳуқуқлар гарови мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг нодир ва ўзига хос усули ҳисобланади[2].

Қайд қилинган фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, “Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно” (ЎзР ФК 267-моддаси 1-қисми)[3].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 97-моддаси 1-қисмига асосан, ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда интеллектуал фаолиятнинг аниқ ифода этилган натижалари ҳамда юридик шахснинг бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари, ана шу ишлар ёки хизматларни адо этаётган жисмоний ёки юридик шахснинг маҳсулотлари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.)га нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади[4].

Бугунги кунда Россия банклари томонидан мутлақ ҳуқуқлар гарови эвазига янада кўпроқ кредитлар бериш амалиёти кечмоқда. Мутлақ ҳуқуқлар гарови ривожланган хорижий мамлакатларда инновацион фаолият соҳасида, тадбиркорликни бошлашнинг дастлабки жараёнида пул воситаларини жалб қилиш усулларидан бири ҳисобланади. Демак, бу ҳуқуқ

---

[1] Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Тошкент, 2005.-Б.23

[2] Петрова У.А. Залог исключительных прав как способ обеспечения исполнения обязательств. //Вопросы Российской Юстиции. Выпуск 8. 2020. -С.268.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.https://lex.uz/docs/111189

[4] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. https://lex.uz/docs/111189

инновацион фаолият ва тадбиркорликни ривожлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, Германияда мутлақ ҳуқуқлар гаровининг иккита модели мавжуд: гаровнинг ўзи (Pfandrecht an Rechten) ва титул таъминлаш (Sicherungsabtretung). Иккинчи моделда, гаровга қўювчи гаровга олувчига мутлақ ҳуқуқни беради ва кейинчалик, агар таъминланган мажбурият бажарилса, гаровга олувчи мутлақ ҳуқуқни гаровга қўювчига қайтаради[1].

Мутлақ ҳуқуқлар гарови тўғрисидаги шартномага мувофиқ, гаровга қўювчи гаровга олувчининг розилигисиз мутлақ ҳуқуқни бегоналаштиришни исътесно қилган ҳолда, гаровга олинган интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланишга ва бундай натижа юзасидан топшириқ беришга ҳақли бўлади. Мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномаси билан ўзгача ҳолатлар ҳам белгиланиши мумкин[2].

Интеллектуал мулк объектлари қандай фаолият маҳсули эканлиги, ҳуқуқий режими ва ш.к. хусусиятларига қараб, қуйидаги турларга бўлинади: а) интеллектуал фаолият натижалари: фан, адабиёт, санъат асарлари; эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограмма ва эшиттиришлари; электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумот базалари; ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари; селекция ютуқлари; ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)дан иборат; б) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар (фирма номлари; товар (хизмат) белгилари; товар чиқарилган жой номи;

---

[1] Екимова В.С. Залог исключительных прав – возможность для развития. //Право будущего: интеллектуальная собственность, инновации, интернет: Ежегодник. Вып. 1. – М., 2018.-С.120-121.

[2] Харитонова Ю.С. Залог исключительных правв системе способов обеспеченияисполнения обязательств.// Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруд. 2015. № 3 (28). -С.24

в) ФКда ва б. қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситалар (ФК 1031-модда). Мазкур фаолиятнинг янги маҳсулларига, фирмалар, товарлар, ишлар, хизматларнинг янги номлари ва аломатларига нисбатан ҳам ФК (4-бўлим) да ва б. қонунларда интеллектуал мулкка оид белгиланган қоидалар қўлланади[1]. Зеро, И.Б.Зокиров таъкидлаганидек, интеллектуал фаолият (ижодий меҳнат) натижаларига фан, адабиёт ёки санъат асарлари, ихтиролар, кашфиётлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, муаллифлик ҳамда саноат мулки ҳуқуқи нормаси билан тартибга солинадиган ва қўриқланадиган ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлади[2].

Ҳозирда интеллектуал мулк объектлари мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда кенг қўлланилиб келинмоқда. Жумладан, В.Б.Железный томонидан кредитлашда гаров предмети сифатида НИТФ-илмий техникавий фаолият натижалари (ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)га бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш[3], Х.А.Мамаджанов ва О.В.Перепечколар томонидан эса, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция ва Европа Иттифоқининг баъзи бир давлатларида интеллектуал мулк объектларини гаровга қўйиш орқали кредитлаш механизми кенг йўлга қўйилганлиги[4] эътироф этилади.

---

[1] Интеллектуал мулк ҳукуқи. https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/intellektual-mulk-hukuqi-uz/

[2] Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи қисм.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.-Б.122

[3] Железный В.Б. Использование прав на РНТД в качестве предметов залога при кредитовании //Финансы, денежное обращение и кредит. -№1 (196) 2018. –С.62.

[4] Мамаджанов Х.А, Перепечко О.В. Интеллектуальная собственность как предмет залога. Проблемы и предложения. //Экономика и управление народным хозяйством. - №12(195) 2017. –С.21.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг гарови билан боғлиқ қоидалар Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик Кодексининг 444-моддасида, интеллектуал мулк ҳуқуқининг гарови алоҳида рўйхатдан ўтказилган товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи, патент ҳуқуқи ёки муаллифлик ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилгандан сўнг вужудга келади.

Агар гаровга олувчи ва гаровга қўювчи билан келишувда бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса, интеллектуал мулкка бўлган мулк ҳуқуқи гаровга қўйилганидан кейин гаров қўювчи томонидан бошқа шахсга берилиши ёки гаровга қўйилиши мумкин эмас. Гаровга қўйилган интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқини бериш ёки лицензиялашдан гаровга қўювчи томонидан олинган тушумлар мажбуриятни бажариш учун гаров эгасига тўлаш учун қўлланилади[1] тарзида баён этилади.

Товар белгисидан гаров шартномасида фойдаланиш миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида янгидир. Гарчи миллий қонунчиликда товар белгисини гаров шартномасида фойдаланиш бўйича ҳеч бир монелик бўлмаса-да, қонунчиликда у ҳали-ҳануз алоҳида муносабат сифатида такомиллаштирилмаган ёки уни тартибга солишда махсус қоидалар ишлаб чиқилмаган. Хорижий давлатлар (АҚШ, Германия, Швеция, Япония, Буюк Британия) қонунчилигида эса товар белгилари гарови одатий, анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тоифасига киради[2].

Тижорат товарларига бўлган муносабатда таъминланган манфаат саноат ускуналари, дебиторлик қарзлари, акциялар, облигациялар, банкдаги ҳисобварақлар, шунингдек “номоддий” мулк (интеллектуал мулк) шаклида – муаллифлик

---

[1] Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик Кодекси //http://www.npc.gov.cn/englishnpc/c23934/202012/f627aa3a4651475db936899d69419d1e/files/47c16489e186437eab3244495cb47d66.pdf

[2] Бабакулов З.Қ. Товар белгиларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. Тошкент, 2018. –Б.16.

ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари ва бошқалар орқали амалга оширилиши мумкин[1].

Патентлар гарови мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида унинг товар айланиши ва харидоргирлиги паст даражада эканлиги[2] унинг амалда кам қўлланилаётганлигини кўрсатади. Шундай бўлса-да, рақамли реаллик шароитида АҚШда бу борадаги муносабатларни ривожлантириш мақсадида патент ва товар белгидан ўзганинг фойдасига воз кечишни расмийлаштириш учун ҳужжатларни тақдим этишнинг электрон тизими ишлаб чиқилган[3].

Бугунги кунда, амалиёт ходимлари томонидан банк амалиётида мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан брендлар (товар белгиси)дан гаров сифатида фойдаланиш мумкинлиги[4] таъкидланмоқда.

Бу фикрга қўшиламиз. Чунки брендлар (товар белгиси) ўз қиймати билан битимларни таъминлаш хусусиятига эга. Масалан, “Interbrand” маълумотларига кўра, мутахассислар томонидан “Apple” бренди 322,999 млн. АҚШ доллари (+38%), “Amazon” бренди 200,667 млн. АҚШ доллари (+60%) ва “Microsoft” бренди 166,001 млн. АҚШ доллари (+53%)га баҳоланмоқда[5].

Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 28 январь куни “Интеллектуал мулк объект-

---

[1] Медведев С.В. Обеспечительный интерес в правовой системе США /https://www.gorodissky.ru/publications /articles/obespechitelnyy-interes-v-pravovoy-sisteme-ssha/

[2] Кибенко Е.Р. История одного дела: залог патентов (имущественных прав на изобретение) в международном частном праве //Право та інновації № 1–2 (5–6) 2014.-С.158

[3] Гаева Я.А. Обзор правового регулирования в сфере учета и коммерциализации патентных прав в США// Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА) 2017. №6. -С.79.

[4] Никитин К.В. Использование товарного знака в качестве залога в банковских сделках. // Юридическая работа в кредитной организации № 1 (43). 2015. -С.63.

[5] Рейтинг лучших мировых брендов 2020. https://www.interbrand.com/best-brands/

ларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарори қабул қилиниб, унда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида: 2021 йил 1 апрелдан бошлаб: интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиқиб, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги мавжуд чекловлар бекор қилинганлиги[1] айни муддао бўлди.

Товар белгисини гаровга қўйиб, мажбуриятлар, айниқса кредит мажбуриятларини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳеч қандай қўшимча келишувлар қилиш ёки алоҳида расмиятчиликларга риоя қилиш талаб этилмаслиги тарафларни шартномалар тузишга рағбатлантириб, олинган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш кучини янада оширади.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Мутлақ ҳуқуқлар гарови” деб номланган 265-1-модда киритилиши таклиф этилиб, унда интеллектуал фаолият натижалари ҳамда бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари мутлақ ҳуқуқи гаров предмети бўлиши мумкинлиги, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, мутлақ ҳуқуқ тўғрисидаги шартномага мазкур кодекснинг гаров тўғрисидаги қоидалари қўлланилиши, ушбу шартнома бўйича тарафларнинг ҳуқуқлари ва чекловлар баён этилди. Мазкур таклиф қабул қилиниши билан бугунги кунда хорижий мамлакатларда кенг ва самарали қўлланилиб келаётган мутлақ ҳуқуқлар гаровининг миллий мажбуриятлар ба-

[1] https://lex.uz/docs/5248263

жарилишини таъминлаш жараёнига қўллашнинг ҳуқуқий асослари яратилади.

Хулоса шуки, бугунги цивилистик тараққиёт интеллектуал мулк объектларини мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида эътироф этиш ва кенг миқиёсда қўллаш самарали эканлигини кўрсатмоқда.

ХУЛОСА

Мазкур монографияда қуйидаги концептуал хулосалар қилинди ҳамда тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар баён этилди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1.1. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш – мажбуриятлар бажарилиши жараёнидаги қарздор ва кредитор ўртасидаги муносабатларни ифодалаши билан чегараланиб қолмасдан, балки у учта босқични ўз ичига қамраб олувчи муносабатлар мажмуаси, яъни шахсларни шартнома тузишга (тайёргарлик босқичи), тарафларни олган мажбуриятини бажаришини таъминлаш (асосий босқич) ва мажбурият бузилганидан кейин ижрони таъминлаш жараёнлари (якуний-тиклаш босқич)ни ўз ичига қамраб оладиган тизим эканлиги очиб берилди.

1.2. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тушунчасига бугунги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: “Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш деганда, шартнома олди, уни амалга ошириш ва ижрога қаратиш даврида қарздорда олган мажбуриятини бажаришига бевосита рағбат уйғотиш, мажбурият бузилишининг олдини олиш орқали бошқа иштирокчилар билан бирга кредитор манфаатини таъминлаш мақсадида бевосита махсус қонун ёки қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада белгиланадиган тизим тушунилади”.

1.3. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг цивилистик аҳамияти ва роли таҳлил қилиш асосида очиб берилди:

биринчидан, мажбурият бажарилиши кафолатланади; *иккинчидан,* мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг манфаати таъминланади; *учинчидан*, мажбуриятни бажаришга

қарздорда рағбат уйғотилади; *тўртинчидан,* инфляция, ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетиши, етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловнинг амалга оширилмаслиги хавфи бартараф этилади; *бешинчидан*, тарафлар мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлсалар, уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юкланади ёки мажбуриятнинг бажарилишига эришиш учун қарздор мулки захираланади; *олтинчидан,* мажбурият қарздор томонидан бажарилмаганида кафил зиммасига мажбурият бажарилиши юкланиши захираланиб қўйилади ва кредитор мажбурият билан боғлиқ бўлган талабларининг бажарилишини нафақат қарздордан, шу билан биргаликда кафилдан ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади; *еттинчидан,* шартнома шартларини бажаришга тарафларда рағбат уйғотиш учун мажбуриятни виждонан бажаришга даъват этилиши орқали шартнома интизомининг мустаҳкамланиши таъминланади.

1.4. Фуқаролик ҳуқуқида таъминловчи чораларни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишнинг ягона бир мезонлари мавжуд эмас. Фикримизча, таъминловчи чораларни “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари” сифатида эътироф этиш учун лозим бўладиган белги ва хусусиятларни ягона бир тизимга бирлаштирувчи мезонлар: *биринчидан*, унинг мажбурият эканлиги (*белги*); *иккинчидан,* қонунчилик ёхуд келишув бўйича вужудга келиши (*белги*); *учинчидан,* асосий мажбурият бажарилишини рағбатлантириши (*хусусият*); *тўртинчидан,* мустақил мулкий оқибатларни юзага келтира олиши, яъни мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳимоя қилиши (зарарни қоплаш) (*хусусияти*) ҳамда *бешинчидан,* асосий мажбуриятга нисбатан қўшимча (акцессор) *хусусиятга* эга эканлиги инобатга олиниши лозим.

1.5. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларига нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирилди: “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари деб, қарздор зиммасига олган мажбуриятини бажара олмаслигининг олдини олиб, уни ўз мажбуриятини бажаришига рағбатлантириш орқали мажбурият бажарилишини лозим даражада таъминлаш йўли билан мажбурият иштирокчиларининг мулкий манфаатининг ҳимоя қилинишини кафолатловчи мажбуриятлар сифатида бевосита махсус қонун ёки қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада белгилаб қўйиладиган чораларга айтилади”.

1.6. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларини тўғри белгилаш, уларни қўллаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турлаш, тарафларга уларни белгилашга нисбатан тўғри ёндошиш имкониятини яратади. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг мавжуд усулларини қуйидагича; 1) мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг рағбатлантирувчи усуллари – неустойка ва закалат (*дифференциаллашиш хусусиятини ҳам инобатга олган ҳолда*); 2) мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳуқуқий ҳимоя қилиш усули – кафиллик (*кредитор, қарздор ва учинчи шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш хусусиятини инобатга олган ҳолда*); 3) мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг мажбурият иштирокчилари манфаатини ҳуқуқий ҳимоя қилиш усули – кафолат (*акцессор хусусиятга эга бўлмаганлигини ҳамда кредитор, қарздор ва учинчи шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш хусусиятини инобатга олган ҳолда*); 4) мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг “универсал усуллари” – гаров ва қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш каби турлаш асослаб берилди.

1.7. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини қуйидагича: 1) **анъанавий усуллар** – неустойка (ЎзР ФК 260-263-моддалари), гаров (ЎзР ФК 264-289-моддалари), кафиллик (ЎзР ФК 292-298-моддалари), закалат (ЎзР ФК 311-312-моддалари). Бу таъминлаш усуллари Рим ҳуқуқидаёқ маълум бўлган; 2) **бошқа таъминлаш усуллари** – қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш (ЎзР ФК 290-291-моддалари) ва кафолат (ЎзР ФК 299-310-моддалари). Бу таъминлаш усуллари ЎзР ФКга янги киритилган (1995 йил 21 декабрь); 3) таъминлаш усуллари сифатида – **таъминловчи битимлар** (насияга товар сотиш (ЎзР ФК 421-моддаси), товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш (ЎзР ФК 422-моддаси), ижара (ЎзР ФК 535-моддаси), лизинг (ЎзР ФК 587-моддаси), пудратчининг ушлаб қолиш ҳуқуқи (ЎзР ФК 639-моддаси), пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) (ЎзР ФК 749-моддаси), шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш (ЎзР ФК 919-моддаси); 4) **Замонавий таъминлаш усуллари** – “Estoppel”, “Warranty”, “Indemnity”, “Эскроу”,“Астрент”. 5) “**урфга айланган”** таъминлаш усулларига туркумлаш зарурияти асослаб берилди.

1.8. Таъкидлаш жоизки, неустойкани мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг жавобгарлик усули сифатида эътироф этиш анъанага айланган. Бироқ бугунги цивилистик тафаккур ва қонунчилик тараққиётини ҳисобга олган ҳолда неустойкага мажбурият бузилгунига қадар *таъминлаш усули* ва бузилганидан кейин эса, *жавобгарлик чорасига* айланиши каби иккиёқламалик хусусиятига эга бўлган институт сифатида баҳо берилиши лозимлиги асослаб берилди.

1.9. Кафилликни мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг фақат кредитор манфаатини ҳимоя қилиш усули сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу жараёнда қарздор ва кафилнинг манфаатлари ҳам ҳимоя қилиниши лозим бўлади. Ушбудан келиб чиқиб, кафилликни кре-

дитор (келтирилган зарар кафил томонидан қопланиши орқали), қарздор (кафил томонидан қарздор манфаатлари тикланишини таъминловчи ҳуқуқлар амалга оширилишига бўлган жараён ҳимоя қилиниши орқали) ва кафилнинг (кафил ўз мажбуриятини бажарганидан кейин қарздорга нисбатан регресс талаб қўйиши орқали) ҳуқуқини ҳимоя қилувчи усул сифатида эътироф этиш жоиз.

1.10. Кафолатни мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг фақат кредитор манфаатини ҳимоя қилиш усули сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу жараёнда қарздор ва кафилнинг манфаатлари ҳам ҳимоя қилиниши лозим бўлади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда кафолатни кредитор (мажбурият бажарилмаганида келтирилган зарар кафил томонидан тўланиши), қарздор (кафил томонидан кафолат чақириб олинмаслиги билан қарздор манфаатлари тикланишига имконият яратувчи жараён ҳимоя қилиниши) ва кафилнинг (кафилнинг бенефициар талабини рад этиши, кафил ўз мажбуриятини бажарганидан кейин принципалга нисбатан регресс талаб қўйиши орқали) ҳимоя қилувчи усул сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

1.11. Мажбуриятларнинг бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларига хос бўлган хусусиятлар ёритиб берилди. Бунда уларнинг, *биринчидан,* қарздор томонидан олинган мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганида юзага келадиган нохуш оқибатни бартараф этиш учун энг ишончли усули бўлиши; *иккинчидан,* ашёвий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиши; *учинчидан,* у билан таъминланган мажбурият қарздор кредиторига бошқа кредиторларга қараганда имтиёз тақдим эта олиши; *тўртинчидан,* мажбурият бажарилишини таъминлашда эркин шаклда қўлланила олиш имкониятига эга бўлиши; *бешинчидан,* оммавий фойдаланишга мўлжалланган бўлиши; *олтинчидан,* ҳар қандай мажбурият бажарилишини таъминлай олиши; *еттинчидан,* мажбуриятлар-

нинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида кўп тармоқли хусусиятга эга бўлиши; *саккизинчидан,* деликт мажбуриятларни ҳам таъминлай олиши (гаров) лозимлиги, айнан ушбу хусусиятлар гаров ва ушлаб қолишда мавжудлиги тадқиқ қилиниб, уларни универсал усул сифатида эътироф этиш таклиф этилди.

1.12. Товар неустойкаси, суғурта, делькредере ва факторингда таъминлаш усулларига хос бўлган белги ва хусусиятлар мавжудлиги асослаб берилди. Бунда уларнинг, аввало, мажбурият ва қонунчилик ёхуд шартнома асосида вужудга келиши (*белгилари)* ҳамда асосий мажбурият бажарилишини рағбатлантириши (*рағбатлантириш хусусияти*), мулкий оқибат вужудга келтириши орқали манфаатларни ҳимоя қилиши (*зарарни қоплаш хусусияти*) ва асосий мажбуриятга нисбатан қўшимча (акцессор) хусусиятга эга эканлиги инобатга олинди.

1.13. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашни такомиллаштиришнинг истиқболларини белгилашда “Астрент”, “Эскроу”, “Indemnity”, “Warranty” ва “Estoppel” каби замонавий конценциялардан, шунингдек, “Таъминловчи битимлар” ва интеллектуал мулк объектларидан гаров нарсаси сифатида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида фойдаланиш самарали эканлиги исботланди.

II. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Мажбуриятлар бажарилишини таъминланиш усулининг ўзгартирилиши ёки бир нечта усулларнинг жалб этилиши” деб номланган 291-1-модда билан қуйидагича тўлдириш мақсадга мувофиқ: “Мажбурият бажарилишини таъминлаш усули кредиторнинг розилиги ёки суд қарорига биноан бошқа таъминлаш усули билан алмаштирилиши мумкин. Агар кредитор

айбига кўра, мажбурият етарли даражада таъминланган бўлмаса, таъминлашга бир нечта усуллар жалб этилиши мумкин". Чунки тадбиркорлик соҳасида олинган мажбуриятлар бажарилиши бир неча усуллар билан таъминланиши, мажбуриятлар бузилганида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш имконияти яратилиши лозим.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 260-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим: "Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд кечиктирган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси ёки товар лафзсизлик тўлови ҳисобланади". Чунки "Неустойка" сўзи "Лафзсизлик тўлови" тарзида ўзбек тилида баён этилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси талабларига мувофиқлаштирилиши лозим.

Шунингдек, қуйидаги мазмундаги 5-қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: "Мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ёхуд бажарилиши кечиктирилган тақдирда, ўзаро келишувга асосан, мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига мувофиқ келадиган пул суммаси ёки товарнинг берилиши белгиланиши мумкин". Неустойка предмети пул билан биргаликда, бошқа мулкий қимматлик ҳам бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, мажбурият субъектлари молиявий жиҳатдан тўловга қобилиятсиз бўлиб қолган шароитида ҳам тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни соддалаштириш, маълум бир қимматлик (товар) бўйича ҳам лафзсизлик тўловини белгилаш орқали кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш лозим.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 267-моддаси 1-қисмидаги" алиментлар тўғрисидаги талаблар"

деган сўзлар чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ. Чунки алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш 2018 йил 6 октябрдан бошлаб амалда қўлланилиб келинмоқда. Бу тарафларнинг ўз ҳуқуқларини эркин амалга ошириш имкониятини яратади.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Биргаликдаги кафиллар” номли 292-1-модда киритиш мақсадга мувофиқ: “Бир нечта шахслар ўзаро келишувга кўра, биргаликдаги кафиллар сифатида мажбурият бажарилиши юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олишлари мумкин. Бунда, улар мажбуриятнинг бажарилиши учун солидар жавобгар ҳисобланадилар. Мажбуриятни бажарган кафил янги кредитор сифатида кредиторнинг ўрнини эгаллайди ва ундан барча ҳуқуқлар ва талабни тасдиқловчи ҳужжатларни унга ўтказилишини талаб қилишга ҳақли бўлади”. Чунки мажбурият бажарилишини таъминлаш учун бир нечта кафиллар жалб қилиниши ва мажбурият бажарилмаганида ушбу кафилларга нисбатан асосий мажбуриятни бажариш мажбурияти юкланиши, агар битта кафил асосий мажбуриятни тўлиқ бажарса, у янги кредиторга айланиб, асосий мажбурият бўйича талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритиши орқали кредитор ва кафил (янги кредитор)нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши лозим.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 267-моддаси “суғурта” деган сўздан кейин “*ва ўзга*” деган сўзлар билан ҳамда қуйидаги мазмундаги 2-қисми билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: “Кафолат олиш учун принципал қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: зарар кўриб ишламаётган бўлиши ҳамда ноликвид балансга эга бўлмаслиги; муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзларининг мавжуд бўлмаслиги; охирги уч молиявий йил натижалари бўйича ижобий аудиторлик хулосасига эга бўлиши; ижобий кредит тарихига эга бўлиши”. Чунки бугунги кунда тадбиркорлик соҳасида

вужудга келаётган янгидан-янги мажбуриятли муносабатларни таъминлаш учун фақатгина банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилотининг чекланган доираси етарли эмас. Уларнинг доирасини янги вужудга келаётган ўзга ташкилотлар билан кенгайтириш лозим. Шунингдек, кафилнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кафолат олиш учун принципалга нисбатан бир қатор талаблар қўйилиши керак бўлади.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Кафолатнинг чақириб олиниши ва ўзгартирилиши” номли 302-модда киритиш мақсадга мувофиқ: “Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил томонидан чақириб олиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас.

Агар кафолат шартига кўра, кафил томонидан уни чақириб олиш ёки ўзгартиришга йўл қўйиладиган бўлса, бунда бошқача шакл кўрсатилган бўлмаса, кафолатда берилган шаклда чақириб олиш ёки ўзгартириш амалга оширилади.

Агар кафолат шартига кўра, кафил томонидан бенефициар билан келишган ҳолда уни чақириб олиш ёки ўзгартиришга йўл қўйиладиган бўлса, кафилнинг мажбурияти у томонидан бенефициарнинг розилигини олган пайтдан бошлаб, ўзгарган ёки тугаган ҳисобланади.

Принципалга кафолат берилганидан кейин кафилнинг мажбурияти ўзгарган бўлса, бу ҳолат принципалнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилмайди, агарда у томонидан бундай ўзгаришларга розилик берилмаган бўлса”.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 311-моддаси 3-қисми янги таҳрирда қабул қилиниши таклиф этилиб, унда закалат берилганидан кейин бир ой ичида келишилган мажбурият бажарилмаса, бир тараф закладни йўқотиши ёки иккинчи тараф уни икки баравар миқдорида тўлаши лозимлиги тегишли тарафга мажбуриятни бажаришдан бош тортиш ҳуқуқини бериши баён этилди. Чунки тарафлар закалат бериб, шартнома тузилишидан закалатдан кўра каттароқ

манфаат кўришни мақсад қилиб қўядилар. Шартноманинг бажарилмаслиги натижасида кредитор нафақат закалатни йўқотади, шу билан бирга, қарздор томонидан пухта ўйланмасдан килинган таклиф асосида каттароқ фойдани ҳам йўқотиши мумкин.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига “Суд қарори билан лафзсизлик тўлови миқдорини камайтириш” деб номланган 326-модда киритилиб, унда тўланадиган лафзсизлик тўлови мажбурият бузилишига нисбатан номутаносиб равишда кўп миқдорда белгиланган бўлса, у қарздорнинг илтимосига биноан суд қарори билан мутаносиб миқдорга қадар камайтирилиши, мутаносиблигини баҳолашда кредиторнинг нафақат мулкий, шу билан биргаликда қонун билан қўриқланадиган бошқа ҳар қандай манфаатлари ҳам инобатга олиниши лозимлиги қайд қилинди. Ушбу таклиф қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, чунки мажбурият тарафларининг ҳуқуқлари бузилиб, манфаатларига зарар етказилганида бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун судга мурожаат қилиб, қонуний манфаатларини таъминлаш имконияти юзага келиши лозим.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси “Шартномада белгиланган шартлар юзага келганида келтирилган зарарларни қоплаш” деб номланган қуйидаги таҳрирдаги 336-1-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ: “1. Мажбурият тарафлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганида ўз келишувларида, кўрсатилган шартлар юзага келган тақдирда, бир тарафнинг бошқа тараф билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятнинг бузилиши (мажбуриятни бажариш мумкин эмаслиги, учинчи шахслар ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан келишув тарафига ёки келишувда кўрсатилган учинчи шахсга нисбатан талаб қўйиши ва бошқалар) билан келиб чиқадиган зарарларни қоплаш мажбуриятини назарда тутишлари мумкин. Томонларнинг келишувига биноан бундай зарарларни қоплаш миқдори ёки уни аниқлаш тартиби бел-

гиланиши мумкин. 2. Суд ушбу моддада назарда тутилган зарарни қоплаш миқдорини камайтириши мумкин эмас, зарар миқдорининг ошишига томоннинг қасддан қилган хатти-ҳаракатлари сабаб бўлганлиги исботланган ҳоллар бундан мустасно. 3. Агар томонларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу моддада кўзда тутилган зарарлар, шартнома тузилмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинишидан қатъи назар қопланади. 4. Учинчи шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда зарарлар вужудга келган тақдирда, кредиторнинг ушбу учинчи шахсга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаби зарарни қоплаган томонга ўтади". Чунки бу каби қоидалар "Indemnity" сифатида халқаро воситалар ва ҳуқуқий тизимларда мавжуд бўлиб, улар орқали мажбуриятлар бажарилиши самарали таъминланиб келмоқда.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси "Шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишдан ёки шартномани бажаришдан бош тортиш" деб номланган қуйидаги таҳрирдаги 382-1-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ: "1. Қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда, бир тараф иккинчи тараф ўз мажбуриятини бажаргунига қадар уни хабардор қилган ҳолда мажбуриятини бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома ушбу хабарнома олинган пайтдан эътиборан бекор бўлган ҳисобланади. 2. Агар шартномани тўлиқ ёки қисман бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилса, шартнома бекор қилинган ёки ўзгартирилган деб ҳисобланади. 3. Агар шартномани бажаришдан бош тортиш учун асослар мавжуд бўлса, бундай бош тортиш ҳуқуқига эга бўлган томон шартноманинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди ва шунингдек, иккинчи тарафдан таклиф этилган мажбурият бажарилишининг охирги натижаларини қабул қилиб олади, айнан шу асослар бўйича кейинчалик бош тортишга йўл қўйилмайди". Чунки шартнома

тарафларига мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқи (“Estoppel”) кафолатланиши лозим. Бу эса, уларга ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширишини таъминлайди.

2.11. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси “Таъминот тўлови” деб номланган қуйидаги таҳрирдаги 312-1-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ: пул мажбурияти, шу жумладан шартнома бузилган тақдирда лафзсизлик тўловини тўлаш ёки зарарларни қоплаш мажбурияти томонларнинг келишувига кўра томонлардан бири томонидан бошқа томон фойдасига муайян миқдордаги пул (таъминот тўлови) тўлаш орқали таъминланиши мумкин. Таъминот тўлови билан келажакда вужудга келадиган мажбуриятлар бажарилиши таъминланиши мумкин.

Шартномада белгиланган ҳолатлар юзага келганда, таъминот тўлови миқдори тегишли мажбуриятнинг бажарилиши билан ҳисобга олинади.

Мазкур модданинг 2-қисмида назарда тутилган ҳолатлар шартномада белгиланган муддат ичида вужудга келмаса ёки таъминланган мажбурият бекор қилинган бўлса, тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, таъминот тўлови қайтарилади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, таъминот тўлови суммасига ушбу Кодекснинг 327-моддасида белгиланган фоизлар ҳисобланмайди Чунки, “таъминот тўлови” хорижий ривожланган мамлакатларда мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг энг қулай ва кўп қўлланиладиган усули сифатида пул муносабатлари, шунингдек, нарсалар, қимматли қоғозлар – акциялар, облигациялар ва ш.к. билан боғлиқ муносабатларга нисбатан ҳам самарали татбиқ этилади.

2.12. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси “Ҳолатлар бўйича кафолат” деб номланган қуйидаги таҳрирдаги 310-

1-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ: “1. Тараф шартнома тузилаётганида ёки тузилгунга қадар ёки ундан кейин иккинчи тарафга шартнома тузилиши, унинг бажарилиши ёки бекор қилиниши (шу жумладан, шартнома предмети, уни тузиш ваколатлари, шартноманинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги, зарур бўлган лицензиялар ва рухсатномалар мавжудлиги, учинчи шахс билан боғлиқлиги ёки унинг молиявий аҳволи) учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар бўйича ишончга сазовор бўлмаган кафолат берган бўлса, унинг талабига кўра, бундай ишончга сазовор бўлмаган кафолат бериши натижасида етказилган зарарни қоплаш ёки шартномада белгиланган лафзсизлик тўловини тўлашга мажбур. Шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ёки тузилмаган деб эътироф этилиши, ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган оқибатларнинг қўлланилишига тўсқинлик қилмайди. 2. Агар шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномавий ҳамкорнинг ишончга сазовор бўлмаган кафолатига таянган тараф бунинг натижасида келиб чиққан зарарни қоплаш ёки лафзсизлик тўловини тўлаш тўғрисида талаб қилиши билан бирга, шартномадан бош тортиш ҳуқуқига эга. 3. Тараф томонидан берилган ишончга сазовор бўлмаган кафолат натижасида келиб чиққан янглишиш ёки алданиш таъсирида шартнома тузган тараф шартномани бажаришдан бош тортиш ўрнига шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақли”. Чунки маиший буюмлар ҳолати бўйича кафолат (“Warranty”) белгиланиб, бу соҳадаги муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши лозим.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси “Шартли депонентлаш шартномаси (Эскроу)” деб номланган қуйидаги таҳрирдаги 975-1-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ: “1. Шартли депонентлаш шартномаси (эскроу) бўйича депонент мулкни бошқа шахсга (бенефициарга) топши-

риш бўйича мажбуриятни бажариш учун мол-мулкни эскроу-агентга депозитлашга топшириш мажбуриятини олади ва эскроу-агент эса, шартномадаги шартлар вужудга келганида, ушбу мол-мулкни сақлаш ва бенефициарга топширилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Эскроу шартномаси депонент, бенефицар ва эскроу-агенти ўртасида тузилади ва унда, мол-мулкни депонентлаш муддати кўрсатилиши шарт. Эскроу шартномаси беш йил муддатга тузилади. Эскроу шартномаси нотариал тасдиқланиши шарт, нақдсиз пул маблағларни ёки ҳужжатсиз қимматли қоғозларни депозитга қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

2. Мол-мулкни бенефициарга топшириш учун эскроу шартномасида кўрсатилган асослар вужудга келганида (жумладан, бенефициар ёки учинчи шахс томонидан шартномада назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилганда ёхуд шартномада белгиланган муддат ёки ҳодиса рўй берганида) эскроу-агент депонентланган мол-мулкни эскроу шартномаси шартларига мувофиқ бенефициарга топшириши шарт. Агар эскору шартномасида кўрсатилган мол-мулк бенефициарга тошириш бўйича асослар эскроу шартномаси амал қилиш муддати давомида вужудга келмаса, эскроу-агент олинган мол-мулкни депонентга қайтариб беришга мажбур.

3. Депонентлаш объекти кўчар мулк (жумладан, нақд пул, ҳужжатли, қимматли қоғозлар ва ҳужжатлар), нақдсиз пул маблағлар, ҳужжатсиз қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

4. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, депоненлаш объекти эскроу-агентга топширилгандан сўнг эскроу шартномаси амал қилган муддат давомида, депонент ушбу мол-мулкни тасарруф этишга ҳақли эмас.

5. Депонентнинг мол-мулкни бенефициарга топшириш бўйича мажбурияти ушбу мол-мулк эскроу-агентига топширилган пайтдан бошлаб бажарилган ҳисобланади”. Чунки мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида “эскроу”-

дан кўчмас мулк ва маиший битимлардан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солишда фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

III. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

3.1. Бозор иқтисодиёти шароитида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усули сифатида гаров айниқса, ломбарддаги ашёлар гарови ўзини яққол намоён қилади. Ломбардлар шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни закалат шаклида гаровга қабул қилиб, фуқароларга қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатга) кредитлар беради. Бу кўчар мол-мулкнинг закалат сифатида қабул қилинишидан бошлаб, берилган кредитлар қопланганидан кейин эгасига қайтарилишини ифодалайдиган шартнома асосида вужудга келадиган бутун бир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлган жараён бўлиб, унда иштирок этувчи шахслар учун иқтисодий-ижтимоий нуқтаи-назардан қулайликлар яратади.

Бироқ, бу борадаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинмаган. Хусусан, “Ломбардлар фаолияти ва операцияларни амалга ошириш Қоидалари”нинг 5-бандида, ломбард томонидан гаровга ёки сақлаш учун мол-мулкни қабул қилиш, шунингдек, гаровга қўйилган мол-мулкка ундирувни қаратиш Фуқаролик кодекси ва “Гаров тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

ЎзР ФКнинг 289-моддаси ва ЎзР “Гаров тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)нинг 35-моддасида ломбардлар фаолиятига оид муносабатларни тартибга солишнинг умумий қоидалари ҳамда фуқароларга уларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгила-

ниши шунингдек, “Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш” қоидаларида унинг талабларини ломбардлар бажармаганликлари учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши қайд қилинган. Мазкур ҳолатлар бу борадаги муносабатларни махсус қонун, яъни “Ломбардлар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш орқали тартибга солиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

3.2. Неустойкани камайтириш масаласи суд томонидан турлича миқдорларда “назоратсиз” тарзда қўлланилиб келмоқда. Баъзан судлар томонидан асоссиз равишда неустойкани ундиришни рад қилиш ёки унинг миқдорини аниқ бир мезонлар бўлмагани ҳолда турлича белгилаш анъанага айланган. Бу ҳолат бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар ҳуқуқлари шартномавий муносабатларда ҳимояланишининг таъминланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу борада уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд томонидан адолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун иқтисодий судларнинг неустойкани камайтириш масаласидаги суд амалиётини бирхиллаштириш зарур.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли қарори мавжуд бўлса-да, бироқ ушбу қарорнинг айрим бандларида берилган тавсиялар билан неустойкани ундиришни камайтириш суд амалиётини бирхиллаштиришнинг имконияти йўқ. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 326-моддасини амалиётга қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори қабул қилиниши лозим. Ушбу Пленум қарори қабул қилиниши билан бу борада

адолатли қарор қабул қилинишини таъминловчи суд амалиёти бирхиллаштирилади.

3.3. Бугунги кунда мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларини қўллаш юзасидан маълум бир мезонлар ишлаб чиқилмаган бўлиб, мажбурият иштирокчилари ўз ички ишончига асосланган ҳолда уларни қўллаб келадилар. Натижада таъминлаш усуллари самара бермаслик ҳолатлари кўплаб учрайди. Мажбуриятларнинг бажарилишини тўлиқ ва самарали таъминлаш учун уларни қўллашнинг маълум бир асослари, шарт ва мезонларга риоя қилиниши лозим бўлади.

3.4. Фуқаролик ҳуқуқий субъектлар шартномавий муносабатларга киришар эканлар, ундан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишидан манфаатдор бўладилар. Бироқ ҳамма вақт ҳам улар кутганидек мажбурият лозим даражада бажарилавермайди. Натижада, мажбурият тарафлари манфаатига катта зиён етади. Ушбу ҳолатнинг олдини олиш учун мажбурият тарафлари таъминлаш усулларига мурожаат қиладилар. Улар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларини мақсадга мувофиқ тарзда тўғри танлаш самарали ҳисобланади. Бу борада улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларининг ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари, нуқсонлари ва бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатларини англаш ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда уларни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнига қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Таъминловчи чораларни “Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари” сифатида эътироф этиш учун лозим бўладиган белги ва хусусиятларини ягона бир тизимга бирлаштирувчи МЕЗОНЛАРИ

Таъминловчи чораларни таъминлаш усули сифатида эътироф этишда уларнинг мажбурият эканлиги ва қонунчилик ёхуд шартнома асосида вужудга келиши *белгилари* бўлиб, шунингдек, улар бир қанча *хусусиятларни* ҳам намоён қиладилар яъни, асосий мажбурият бажарилишини рағбатлантириши (*рағбатлантириш хусусияти*), мулкий оқибат вужудга келтириши орқали манфаатларни ҳимоя қилиши (*зарарни қоплаш хусусияти*) ва асосий мажбуриятга нисбатан қўшимча (акцессор) хусусиятга эга эканлиги.

2-илова

Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларининг ТУРЛАНИШИ



Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари ўзига хос хусусиятлари масалан, неустойка ва закалат – *дифференциаллашиш,* кафиллик – *кредитор, қарздор ва учинчи шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш,* кафолат – *акцессор хусусиятга эга бўлмаганлигини ҳамда кредитор, қарздор ва учинчи шахслар манфаатларини ҳимоя қилишини* инобатга олган ҳолда турланиши тавсия этилмоқда.

3-илова

Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари

Ушлаб қолиш	Закалат	Неустойка	Гаров	Кафиллик	Кафолат
Таснифи					
Мажбурият бажарилишининг таъминлаш усули	Мажбурият бажарилишининг таъминлаш усули	Мажбурият бажарилишининг таъминлаш усули	Мажбурият бажарилишининг таъминлаш усули	Мажбурият бажарилишининг таъминлаш усули	Мажбурият бажарилишининг таъминлаш усули
Предмети					
Ашё	Пул	Пул	мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар	Пул	Пул
Предмет қайси тарафда бўлиши					
Кредиторда бўлади	Битимнинг пул билан боғлиқ бўлмаган қисми бажарувчи тарафда бўлади	Қарздорда бўлади, кредиторга мажбурият бажарилмаган ҳолда берилади	Гаровга қўйувчи - қарздор ёки учинчи шахсда	Қарздорда, мажбурият бажарилмаган ҳолда кафилда бўлади	Қарздорда, мажбурият бажарилмаган ҳолда кафилда бўлади
Мажбурият қандай юзага келиши					
Тўлов ёки ашёни ушлаб қолиш ёки зарарларни ундириш билан боғлиқ мажбуриятдан	Пул тўлови билан боғлиқ шартномадан	Қонун ҳужжатлари ёки шартномадан	Қонун ҳужжатлари ёки шартномадан	Шартномадан	Шартномадан
Шакли					
Ушлаб қолиш қо-	Ёзма, аммо унга риоя	Ёзма, ҳақиқий саналмаслиги	Ёзма, ҳақиқий санал-	Ёзма, аммо унга риоя	Ёзма

нундан келиб чиқадиган шартнома	қилмаслик ҳақиқий эмасликни келтириб чиқармайди	ёки қонунга асосан неустойка ундирилиши хавфи остида	маслиги бир қатор ҳолатларда нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги билан	қилмаслик ҳақиқий эмаслигига олиб келади	
Қачондан бошлаб тузилган деб ҳисобланиши					
Реал	Реал	Консенсуал	Консенсуал, агар шартномада бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, закалат бўлган ҳолатларда реал	Консенсуал	Консенсуал
Жавобгарликнинг белгиланиши					
Мажбурият муддати билан боғлиқ ҳолда бажарилмаслиги	Тарафлар томонидан мажбурият бажарилмаслиги	Мажбурият бажарилмаган лиги ёки бир томонлама бажарилиши (қисман, кечиктириб) учун тараф жавоб бериши	Мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун гаровга қўювчи жавоб бериши	Мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун кафил ва қарздор солидар жавоб бериши	Мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун кафил жавоб бериши
Зарарни ундириш бўйича имконияти					
Қўшимча равишда зарарни ундириш имконияти мавжуд	зарарни ундириш имконияти мавжуд, агар келишув билан бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса	зарарни ундириш имконияти мавжуд (шартнома ёки қонун билан бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, неустойка билан қопланмаган қисми)	Қўшимча равишда зарарни ундириш имконияти мавжуд	Қўшимча равишда зарарни ундириш имконияти мавжуд	Келишувда белгиланган бўлса

4-илова

Неустойканинг жавобгарликка ўсиб ўтиш нуқтаси



Шартнома тарафлари томонидан олинган мажбурият бузилиб, зарар кўришлари натижасида манфаатларига зиён етганидан кейингина охирги чора сифатида жавобгарликни қўллашга мажбур бўладилар. Фақат шундагина неустойкани қўллаб, уни ундириб бериш юзасидан судга мурожаат қиладилар.

5-илова

НЕУСТОЙКАНИНГ ТУРЛАНИШИ



Неустойканинг турланишига оид қоидалар Фуқаролик кодексининг бир нечта моддаларида ўз аксини топган бўлиб, уни қўллаш жараёнида зарар ва неустойкага оид муносабатлар ўзаро уйғунлик ҳосил қилади.

6-илова

Неустойкани ундиришдан озод қилиш АСОСЛАРИ ва ШАРТИ



7-илова

“ЗАКАЛАТ”
функциялари
(ФК 311–312-моддалари)
ҚОПЛОВЧИЛИК
(ФК 312-модда 2-қисм)
ФК 312-модда 1-қисм)
ТЎЛОВ
(ФК 311-модда 3-қисм)
ИСБОТЛАШ
(ФК 311-модда 1-қисм)
ТАЪМИНЛОВЧИЛИК
(ФК 311-моддаси 1-қисм)
Закалатнинг қопловчилик функциясининг тасвири бошқа функцияларига қараганда **икки баравар қилиб тасвирланган.**
Чунки ФКнинг 312-моддаси 2-қисмига асосан агар шартноманинг бажарилмаслиги учун **закалат пули берган тараф** жавобгар бўлса, **закалат** иккинчи тарафда **қолади**. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун **закалат олган тараф** жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга **закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт**.

8-илова

Закалатни қўллаш ва унинг натижасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш учун
АСОС, МЕЗОН ВА ШАРТЛАР



9-илова

ЗАКАЛАТ ҲАҚИДА КЕЛИШУВ

_____ ш “__”_____

Мен,_____, _____да ва _____манзилда яшовчилар ушбу келишувни қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Мен,_____,

фуқаро _____га _____манзилда жойлашган_____, _____ даги олди-сотди шартномасига асосан тегишли бўлган турар-жой бўйича _____сўмнинг _____ сўмини закалат сифатида бераман.

2. Мен, _____, _____сўм закалатни олувчи сифатида шартнома бўйича мажбуриятимни бажармаганимда (менга тегишли бўлган турар-жойни олди-сотди қилиш ҳақида шартнома тузишдан бош тортсам) фуқаро_____га _____ сўм (закалатнинг икки баравари миқдорида) тўлайман.

Агар шартнома фуқаро _____нинг айби билан бажарилмасдан қолса, закалат суммаси бўлган _____ сўм фуқаро_____да қолади.

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 312-моддаси нотариус томонидан тушунтирилди.

4. Келишув тузишда вужудга келадиган барча харажатлар тарафлар томонидан баравар тўланади.

5. Ушбу келишувнинг бир нусхаси _____ _____да жойлашган нотариал идорадаги жилдда сақланади, бошқа нусхалари фуқаро_____га ва фуқаро _____ га берилади.

Тарафларнинг имзоси:

Нотариал идоранинг тасдиқлаш хати

10-илова

Кафилликни қўллаш учун
АСОС, МЕЗОН ВА ШАРТЛАР



11-илова

Кафолатни қўллаш учун
АСОС, МЕЗОН ВА ШАРТЛАР



12-илова

Гаровни қўллаш учун
АСОС, МЕЗОН ВА ШАРТ



13 - илова

Ушлаб қолишни қўллаш учун АСОС, МЕЗОН ВА ШАРТЛАР

14-илова

Суғуртани қўллаш учун АСОС, МЕЗОН ВА ШАРТЛАР

15-илова

Мулкни сотиш бўйича _____ йил _____даги
_____-сонли воситачилик шартномасига
делькредере ҳақидаги
КЕЛИШУВ

_____ 20__ йил “___”_____
(шартнома тузилган жой)

_____асосида иш юритувчи_____ бундан
(ҳужжат номи) (шахс номи)
буён матнда “комитент” деб номланувчи номидан
_____
(Ф.И.О)
бир томондан ва _____асосида иш юритувчи _____
(ҳужжат номи)
_____ буён матнда “воситачи” деб номланувчи номидан _____
(шахс номи)
_____иккинчи томондан, биргаликда томонлар деб номланувчи,
(Ф.И.О)

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 832-моддаси 2-қисмига биноан қуйидаги келишувни туздилар:

1. Мазкур келишувга мувофиқ воситачи мулкни сотиш бўйича _____ йил_____даги_____ -сонли воситачилик шартномасига (кейинги ўринларда – шартнома) асосан, воситачи сотиши лозим бўлган “комитент” товарнинг ҳақини тўлаш бўйича сотиб олувчи мажбуриятининг бажарилиши учун ўзига кафолат (делькредере) олади. Сотиб олувчи белгиланган муддатда товарнинг ҳақини тўлаш бўйича ўз мажбуриятини бажармаса, воситачи комитент томонидан қўшимча талаб қўйилмасдан _____ кун ичида олинган товар ҳақини “комитент”га тўлашга мажбур.

2. Воситачи сотиб олувчининг асосий қарзи миқдорида комитент олдида жавобгар бўлади.

3. Сотиб олувчи билан муносабатда “комитент” фойдасига талабдан воз кечганида “воситачи” ва “сотиб олувчи” “комитент”

олдида солидар жавобгар бўлади. Бунда воситачи сотиб олувчининг асосий қарзи, унга ҳисобланган фоизлар, неустойка тўлаш ва келтирилган зарарларни қоплаш учун жавоб беради.

4. Мазкур келишув бўйича комитент олдидаги мажбурият воситачи томонидан бажарилган ҳолларда сотиб олувчига нисбатан барча талаб қилиш ҳуқуқи воситачида қолади. Бунда комитент сотиб олувчига талабдан воз кечишни талаб қилиш ҳуқуқини йўқотади.

5. Комитент воситачига сотиб олувчи мажбуриятини бажариши учун кафолатга олган (делькредере) учун ҳар ой ҳақ тўлайди, шунингдек асосий тўлов билан биргаликда ойнинг ҳар якуни бўйича воситачининг ҳисоботи комитент томонидан тасдиқланганидан бошлаб _____ кун давомида воситачилик хизмати ҳақини тўлайди. Делькредере учун тўлов миқдори шартномага асосан сотилган товар воситачи томонидан комитент ҳисоб рақамига ҳисобот ойида ҳақиқатда келиб тушган сумманинг _____ фоизини ташкил этади.

6. Мазкур келишувда кўрсатилган мажбуриятларни воситачи ўз муддатида ва тўлиқ бажармагани учун тўлов бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ бажаргунига қадар кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг Марказий банк молиялаш ставкасининг икки баравари миқдорида комитентга пеня тўлайди.

7. Мазкур келишув амалда бўлиш муддати шартноманинг амалда бўлиш муддатига мувофиқ келади. Шартнома муддати узайтирилганида унга мувофиқ тарзда мазкур келишувнинг ҳам муддати узаяди.

8. Мазкур келишув _____ дан бошлаб кучга киради ва шартноманинг ажралмас қисмига айланади.

Тарафларнинг юридик манзили, банк реквизитлари ва имзоси

комитент:	**воситачи:**

М.Ў. М.Ў.

16-илова

Делькредере билан таъминланган ҳолда мол-мулкни сотиш тўғрисидаги воситачилик шартномаси бўйича муносабатларни амалга оширилиши

СХЕМАСИ

Юқорида келтирилган схемадан ҳам аён бўладики, воситачилик шартномаси бўйича сотиб олинган мулкнинг ҳақи сотиб олувчи томонидан тўланилиши кечиктирилганида, делькредере билан асосий мажбурият бажарилиши таъминланади.

17-илова

Факторинг ва Цессиянинг фарқли жиҳатлари

№	Ҳолатлар	Факторинг	Цессия
1	Вужудга келиши	Шартномага асосан	Шартномага асосан ёки қонунга мувофиқ
2	Предмети	Пул мажбурияти	Ҳар қандай мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш *(пул тўлаш, мол-мулк бериш ва ҳ.к.)*
3	Воз кечишнинг янги кредиторга ўтиши	Ҳақ эвазига	ҳақ эвазига ёки текин
4	Талабнинг даврийлиги	Мавжуд ва бўлажак талаб	Мавжуд талаб
5	Субъектлари	Тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик шахслар	Юридик ва жисмоний шахслар
6	Қарздорнинг розилиги талаб қилиниши	Қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди	Агар шартнома ёки қонунда бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, қарздор розилиги талаб қилинмайди
7	Янги кредиторга талаб қўйиши	Қарздор талабномадан молия агенти фойдасига воз кечилганлиги ҳақида билдириш олган пайтда ихтиёрида бўлган ўз пул талабномаларини инобатга олиш учун тақдим этиши мумкин	Қарздор мажбурият бўйича ҳуқуқлар янги кредиторга ўтганлиги ҳақида огоҳлантириш олган пайтда дастлабки кредиторга қарши эътирозларини янги кредиторнинг талабига қарши қўйиши мумкин

8	Олинган талабнома натижалари бўйича ҳисобдорлиги	Молия агенти талабнома бўйича қарздордан олинган суммаси бўйича мижозга ҳисобот беради	Қарздордан олинган талаб натижасининг миқдори бўйича кредиторга ҳисобот бермайди
9	Расмийлаштири–лиши	Икки тарафлама шартнома бўйича	Бир тарафлама (*текин тузиладиган цессияда*)
10	Талабдан воз кечишнинг тақдим этилиши асоси	Қарздорлик пайдо бў-лиши билан талаб бў-линган ҳолда тақдим этилади *(маҳсулот етказиб бериш бўйича)*	Талабдан воз кечиш бир марталик ҳуж-жатга асосан

18-илова
Лойиҳа

“Ломбардлар тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу қонуннинг мақсади фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилишга ихтисослашган ташкилотлар лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилишида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ломбард ва унинг асосий вазифалари

1. Ломбард фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилишга ихтисослашган ташкилот.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади. Гаровга қўйилаётган ашёлар ломбардга топширилади.

2. Ломбард фуқароларга тегишли бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, муомаласи чекланмаган шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкларни гаровга қабул қилиш ҳуқуқига эга.

3. Ломбард шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш, ашёларни сақлаш, шунингдек маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатишдан ташқари бирор-бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади.

4. Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас.

5. Ломбардда гаровга қабул қилинган ашёга бегона шахслар томонидан зарар етказилишидан ҳимоя қилиниши учун шароит яратилиши шарт.

3-модда. Ломбард фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги касбий сирни ташкил қилувчи ахборотлар

Ломбард ва унинг ходими ломбард томонидан қарздордан гаровга қабул қилинган ашёга, жумладан, ашёни сақлаш шартномаси ҳамда қарз шартномасини тузиш билан боғлиқ бўлган шартномага оид қарздордан олинган ахборотлар ломбард фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги касбий сирини ташкил қилувчи ахборотлар ҳисобланади. Ушбу ахборотлар махфий ҳисобланади.

Ломбард ва унинг ходими мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган касбий сирини ташкил қилувчи ахборотларнинг махфий сақланишига оид қоидага амал қилишга мажбур, акс ҳолда улар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4-модда. Ломбард тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг сақланишини лозим даражада таъминламаганлик оқибатлари

Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Башарти, ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш учун белгилаб қўйилган тартибда ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли. Шундан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади. Агар қарз ва бошқа харажатлар тўланганидан кейин тушум суммасининг қолдиғи бўлса, у гаровга қўювчига қайтарилади.

5-модда. Гаровга ёки сақлаш учун берилган ашёларнинг баҳоси

Гаровга ёки сақлаш учун берилган ашёларнинг баҳоси ашёлар гаровга ёки сақлашга қабул қилинган жой ва пайтдаги савдода мавжуд бўлган шунга ўхшаш тур ҳамда сифатдаги ашёларга нисбатан белгиланган баҳо асос қилиб олинган ҳолда тарафларнинг келишувига кўра белгиланади.

6-модда. Гаровга ёки сақлаш учун берилган ашёларни суғурталаш

1. Ломбард ашёларни гаровга қабул қилинаётган пайтида шундай турдаги ва сифатдаги ашёларнинг нархларига мос баҳодаги суммада ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаши шарт. Гаровга ёки сақлаш учун берилган ашёларнинг ломбардда жойлашиш кўламидан келиб чиққан ҳолда суғурталаниши шарт.

2.Гаровга ёки сақлаш учун қабул қилинган ашёларни қарздор ёки гаровга қўювчи шахснинг ҳисобидан суғурталашга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

3. Ломбард гаровга ёки сақлаш учун қабул қилинган ашёлар билан боғлиқ бўлган ўзга таваккалчиликларни ҳам ўз ҳисобидан суғурталашга ҳақли.

7-модда. Қарз шартномаси

1. Қарз шартномасига кўра ломбард (қарз берувчи) фуқаро (жисмоний шахсга) қарз олувчига бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга бадал тўлаш ва қайтариш шарти билан қарз беради, қарз олувчи эса гаровга қўювчи сифатида ломбардга гаров нарсаси бўлган ашёни топширади.

2. Қарз шартномаси ёзма шаклда ҳамда ломбардга гаровга қўйиладиган ашё топширилиши ва қарз суммаси қарз олувчига берилиши билан тузилган ҳисобланади.

3. Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси қарз олувчига берилиши йўли билан расмийлаштирилади. Гаров паттасининг иккинчи нусхаси ломбардда қолдирилади. Гаров паттасининг бланкаси Ўзбекистон хукумати томонидан белгиланган тартибда қатьий хисоби юритиладиган шаклда тасдиқланади.

4. Гаров паттасининг мазмуни:

1) Ломбарднинг номи, манзили (жойлашган жойи);

2) Қарз олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти, фуқаролиги (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланмайдиган шахслар учун) паспорт ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатларида акс этган маълумотлар;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ гаровга қўйилган ашёларнинг номи ва уларни идентификация қилишга имкон берадиган тавсифи;

4) гаровга қўйилган ашёнинг суммаси;

5) тақдим қилинадиган қарз суммаси;

6) қарзни қайтариш муддатини кўрсатган ҳолда тақдим қилиш муддати ва санаси;

7) қарз бўйича фоиз миқдорлари;

8) қарзни муддатидан илгари қоплаш имконияти мавжудлиги ва унинг тартиби;

9) қарздор қарз шартномасида кўрсатилган мажбуриятни бажармаган ҳолда гаровга қўйилган ашёни нотариуснинг ижро хатисиз ундирувни гаров ашёсига қаратишга қарз олувчининг рози ёки норозилиги.

5. Гаров паттасида қарз олувчи томонидан тақдим қилинган сумма белгиланган муддатда қайтарилмаганда, гаров ашё сотилгунигача бўлган ҳар қандай вақтда гаров билан таъминланган қарз шартномасида кўрсатилган мажбурият бажарилиб, уни сотиш ва ундирувга қаратишни тугатиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги ахборот акс этиши шарт.

6. Гаров паттасида гаровга қўйилган ашё реализация қилинишидан тушган сумма гаровга олувчининг гаров билан таъминланган талабидан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтариб берилиши ҳақида ахборот бўлиши шарт.

7. Мазкур модданинг 4–6-бандларида белгиланган шаклга риоя қилинмасдан тузилган қарз шартномаси тарафлардан бирининг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

8. Гаров паттасида Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ келадиган бошқа ҳолатлар ҳам қайд қилиниши мумкин.

8-модда. Қарз олувчининг ломбард олдидаги мажбурият суммаси

1. Қарз олувчининг ломбард олдидаги мажбурият суммаси ўз таркибига:

1) тақдим қилинаётган қарз суммаси;

2) шартномада белгиланган қарз бўйича фоиз ставкаларига мувофиқ ундан ҳақиқатда фойдаланилган даврни ҳисобга олган ҳолда қарздан фойдаланганлик учун фоизлар.

2. Ломбард ўз талаблари суммасига ушбу модданинг 1-қисмида қайд қилинган мажбуриятдан келиб чиқмайдиган бошқа талаблар суммасини қарз олувчисига қўйишга ҳақли эмас.

9-модда. Сақлаш шартномаси

1. Сақлаш шартномасига кўра фуқаро (жисмоний шахс) ўзига тегишли бўлган ашёни сақлаш учун ломбардга топширади, ломбард эса бадал эвазига қабул қилинган ашёни сақлаш мажбуриятини олади.

2. Сақлаш ҳақидаги шартнома оммавий шартнома бўлиб ҳисобланади. Сақлаш шартномасининг муҳим шартларига, сақлашга топширилган ашёнинг номи, ушбу қонуннинг 5-моддасига мувофиқ келадиган унинг баҳоси, уни сақлаш муддати, сақлаганлик учун мукофот миқдори ва уни тўлаш тартиби киради.

3. Сақлаш шартномасининг тузилганлиги ашёни сақлашга топширувчига шахсан ломбард томонидан квитанция берилиши билан тасдиқланади. Ушбу квитанциянинг бошқа нусхаси ломбардда сақланади. Квитанциянинг бланкаси Ўзбекистон ҳукумати томонидан белгиланган тартибда қатьий ҳисоби юритиладиган шаклда тасдиқланади.

4. Квитанциянинг мазмуни:

1) ломбарднинг номи, манзили (жойлашган жойи);

2) сақлашга топширувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти, фуқаролиги (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланмайдиган шахслар учун), паспорт ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатларида акс этган маълумотлар;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ сақлашга топширилган ашёларнинг номи ва уларни идентификация қилишга имкон берадиган тавсифи;

4) сақлашга топширилган ашёнинг суммаси;

5) ашёни сақлашга топширилган вақт ва уни сақлаш муддати;

6) ашёни сақлашга оид техник шартлар;

7) сақланганлик учун мукофот ва уни тўлаш тартиби.

5. Квитанцияда ашё сақлашга топширувчи томонидан талаб қилиб олинмаслиги натижасида реализация қилинадиган бўлса, ломбарддан талаб қилиб олинмаган ашё сотилишидан тушган тушумни ёки сақлаш учун сарфланган чиқимларни чегириб ташлаган ҳолда қолган суммани олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги ахборот акс этиши шарт.

6. Квитанцияда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ келадиган бошқа ҳолатлар ҳам қайд қилиниши мумкин.

10-модда. Қарз шартномаси бўйича имтиёзли муддат

1. Агар қарз шартномасида белгиланган муддат давомида қарз қарз олувчи томонидан қопланмаса, ломбард бир ойлик имтиёзли муддат мобайнида ундирувни гаровга қўйилган ашёга қаратиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

2. Ойлик имтиёзли муддатнинг бошланиш куни гаров паттасида кўрсатилган қарзни қайтаришнинг эртанги куни ҳисобланади.

3. Ойлик имтиёзли муддат давомида ва гаровга қўйилган ашё реализация қилинадиган кунга қадар ломбард қарз шартномасида кўрсатилган қарз бўйича фоизлар миқдорини кўпайтириш, гаровга қўйилган ашёни сақлаш шароитларини ёмонлаштириш, шунингдек уни сақлаш учун ҳақ олишга ҳақли эмас.

11-модда. Сақлаш шартномаси бўйича имтиёзли муддат

1. Сақлаш шартномасида белгиланган муддат давомида сақлаш учун топширилган ашё талаб қилиб олинмаса, ломбард икки ойлик имтиёзли муддат давомида уни сақлашга мажбур.

2. Икки ойлик имтиёзли муддатнинг бошланиш куни квитанцияда кўрсатилган сақлаш муддати тугайдиган куннинг эртанги куни ҳисобланади.

3. Ломбард икки ойлик имтиёзли муддат давомида, шунингдек, сақлашга топширилган ашё реализация қилинадиган вақтгача сақланиш муддатида ашёни сақлаш шароитларини ёмонлаштиришга ҳақли эмас. Кўрсатилган даврда ашё сақланганлиги учун мутаносиб равишда мукофот ундирилади.

12-модда. Талаб қилиб олинмаган ашёга ундирувни қаратиш

1. Мазкур Қонуннинг 10–11-моддаларида белгиланган имтиёзли муддат давомида қарз олувчи қарз шартномасида кўрсатилган мажбуриятни бажармаса ёки сақлашга топширувчи сақлашга топширилган ашёни талаб қилиб олмаса, бундай ашё талаб қилиб олинмаган ашё ҳисобланади.

2. Ломбард талаб қилиб олинмаган ашёга ундирувни қаратишга ҳақли.

3. Талаб қилиб олинмаган ашёга ундирувни қаратиш низосиз тарзда нотариуснинг ижро хатига асосан амалга оширилади. Қарз шарт-

номаси бўйича талаб қилиб олинмаган ашёга ундирувни қаратиш нотариус томонидан ижро хати ёзилмасдан амалга оширилиши мумкин.

4. Қарз олувчи ёки ашёни кўювчи талаб қилиб олинмаган ашё сотилгунига қадар ҳар қандай вақт мобайнида ломбард олдидаги ўз мажбуриятини бажариб, ундирувни ашёга қаратишни тугатиш ҳуқуқига эга.

13-модда. Талаб қилиб олинмаган ашёни реализация қилиш тартиби

1. Талаб қилиб олинмаган ашёни реализация қилишдан кўзланган мақсад ломбарднинг қарз олувчига ёки ашёни гаровга қўювчига нисбатан талабини қарз шартномаси ёки сақлаш шартномаси шартларига мувофиқ талаб қилиб олинмаган ашё сотилиши кунида аниқланган миқдорда қаноатлантиришдан иборат.

2. Ундирувга қаратилган талаб қилиб олинмаган ашёни реализация қилиш уни сотиш, шу жумладан очиқ савдода сотиш йўли билан амалга оширилади. Агар қарз шартномасида ёки сақлаш шартномасида ўзга ҳол кўрсатилмаган бўлса, талаб қилиб олинмаган ашёни сотиш шакли ва тартиби ломбард томонидан қабул қилинган қарорга асосан белгиланади.

3. Ломбарднинг қарз олувчига ва ашёни қўювчига нисбатан талаби талаб қилиб олинмаган ашё сотилгач, ҳаттоки талаб қилиб олинмаган ашёни реализация қилишдан тушган тушум бу талабни тўлиқ қаноатлантиришга етарли бўлмасада, қопланган ҳисобланади.

4. Агар талаб қилиб олинмаган ашё сотилганидан кейин қарз олувчи ёки ашёни гаровга қўювчининг ломбард олдидаги мажбурият суммаси, талаб қилиб олинмаган ашёни сотиш натижасида тушган тушумдан кам бўлса, қуйидаги ҳолларда ломбард уни қарз олувчи ёки ашёни гаровга қўювчига қайтариши шарт:

1) талаб қилиб олинмаган ашёнинг баҳоси билан қарз олувчи ёки ашёни гаровга қўювчининг ломбард олдидаги мажбурият суммаси ўртасидаги фарқ, агар талаб қилиб олинмаган ашёни сотишдан тушган тушум унинг баҳосидан ошмаса;

2) талаб қилиб олинмаган ашёни реализация қилишдан тушган тушум билан қарз олувчи ёки ашёни гаровга қўювчининг ломбард олдидаги мажбурият суммаси ўртасидаги фарқ, агар ушбу сумма талаб

қилиб олинмаган ашё реализация қилишдан тушган тушум суммаси унинг баҳосидан ошса.

5. Ломбард қарз олувчи ва ашёни гаровга қўювчининг талабига кўра, талаб қилиб олинмаган ашё сотилган кундан бошлаб уч йил давомида мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ аниқланган пул воситаларини топшириши шарт. Агар кўрсатилган муддат давомида қарз олувчи ва ашёни гаровга қўювчи ўзига тегишли бўлган пул воситаларини олиш учун мурожаат қилмаган бўлса, ушбу пул воситалари ломбард ҳисобига ўтади.

14-модда. Ушбу қонуннинг кучга кириши

Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

15-модда. Якуний хулоса.

Мазкур Қонун у кучга киргандан кейин вужудга келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

19-илова

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қуйидагича қўшимча ўзгартишлар киритилсин:

1) 105-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Битимлар оғзаки ёки ёзма ёхуд электрон шаклда тузилади. Агар қонунчилик билан ўзга ҳолат белгиланган бўлмаса, тарафлар битим шаклини танлаш ҳуқуқига эга”;

2) қуйидаги мазмундаги 258-1-модда билан тўлдирилсин:

“**258-1-модда. Мажбурият бўйича кредиторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Агар ушбу Кодекс, қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки мажбуриятнинг моҳиятидан ўзгача ҳолат англашилмаса, қарздор томонидан мажбурият бажарилмаган тақдирда, кредитор суддан мажбуриятнинг асл ҳолда бажарилишини таъминлашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Суд ҳужжати бажарилмаган тақдирда, кредиторнинг талабига биноан, адолат, мутаносиблик тамойилларига ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатлардан фойдаланишга ва ноинсоф хулқ-атворда бўлишга йўл қўймаслик мақсадида, суд томонидан суд ҳужжатида белгиланган миқдорда, кредитор фойдасига пул маблағларини ундиришга ҳақлидир.

Кредитор томонидан ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши қарздорни мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди”;

3) 259-модда:

биринчи қисми “таъминот тўлови” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Асосий мажбуриятнинг бекор бўлиши унинг бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятнинг бекор бўлишига олиб келади, банк ва бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти кафолати билан таъминланиши натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар бундан мустасно”;

4) қуйидаги мазмундаги 259-2-модда билан тўлдирилсин:

“259-2-модда. Мажбурият бажарилишини таъминлаш усулининг ўзгартирилиши ёки бир нечта усулларнинг жалб этилиши

Мажбурият бажарилишини таъминлаш усули кредиторнинг розилиги ёки суд қарорига биноан бошқа таъминлаш усули билан алмаштирилиши мумкин.

Агар кредитор айбига кўра, мажбурият етарли даражада таъминланган бўлмаса, таъминлашга бир нечта усуллар жалб этилиши мумкин”;

5) 162-модданинг матнидаги, 259-модданинг биринчи қисмидаги, 260-модданинг номидаги ва матнидаги, 261-модданинг номидаги ва матнидаги, 262-модданинг номидаги ва матнидаги, 263-модданинг номидаги ва матнидаги, 325-модданинг номидаги ва матнидаги, 326-модданинг номидаги ва матнидаги, 330-модданинг матнидаги, 436-модданинг матнидаги, 454-модданинг номидаги ва матнидаги, 554-моддаси учинчи қисмидаги ва 720-модданинг биринчи қисмидаги *“неустойка” деган сўз “Лафзсизлик тўлови”* деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 260-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд кечиктирган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси ёки товар лафзсизлик тўлови ҳисобланади”;

қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ёхуд бажарилиши кечиктирилган тақдирда, тарафлар ўзаро келишувга асосан, мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига мувофиқ келадиган товарнинг берилишини белгилашлари мумкин”;

7) 261-модданинг:

биринчи қисмидаги “пеня” деган сўз “айбона” деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги “пеня” деган сўзи “айбона” деган сўз билан алмаштирилсин;

8) қуйидаги мазмундаги 265-1-модда билан тўлдирилсин:

“265-1-модда. Мутлақ ҳуқуқлар гарови

Интеллектуал фаолият натижалари ҳамда бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари бўлган юридик шахснинг маҳсулотлари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.)га нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи гаров предмети бўлиши мумкин.

Мутлақ ҳуқуқлар гаровини давлат рўйхатидан ўтказиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Интеллектуал фаолият натижалари ҳамда бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқ тўғрисидаги шартномага мазкур кодекснинг гаров тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Интеллектуал фаолият натижалари ҳамда бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқ тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўювчи ушбу шартнома амалда бўлган муддат давомида интеллектуал фаолият натижалари ҳамда бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалардан гаровга олувчининг розилигисиз фойдаланиш ёки бундай натижалар ёхуд бундай воситаларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли, агарда шартномада бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш бундан мустасно. Агар шартномада ўзгача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчи гаровга олувчининг розилигисиз мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказишга ҳақли эмас”;

9) 267-моддасининг:

биринчи қисмидаги “алиментлар тўғрисидаги талаблар” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

“тарафларнинг ўзаро келишувига асосан, алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш юзасидан шартнома тузилиши мумкин. Мазкур шартнома алимент мажбуриятлари икки ойдан ортиқ муддат давомида бажарилмаган тақдирда ундирувчига ундирувни гаров предметига қаратиш ҳуқуқини беради. Алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлашда гаров қиймати қонунчиликда белгиланган

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим”.

10) 280-моддаси 2-қисми қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин:

“Тараф шартнома шартларида, гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги туфайли келиб чиққан талабларни гаровга қўйилган мулк ҳисобига қондириш учун ундиришни мажбуриятларни таъминлаш сифатида гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли”;

11) қуйидаги мазмундаги 291-1-модда билан тўлдирилсин:

“291-1-модда. Ушлаб қолинган ашёнинг йўқолиши ёки шикастланиши учун жавобгарлик

Нарсани ушлаб турган кредитор ушбу Кодекснинг 889-моддаси биринчи қисмида ва 890-моддасида белгиланган тартибда ушлаб турилган ашёнинг етишмаслиги ёки шикастланиши учун жавобгар бўлади”;

12) қуйидаги мазмундаги 291-2-модда билан тўлдирилсин:

“291-2-модда. Ушлаб қолиш ҳуқуқининг вужудга келиши шарти

Ушлаб қолиш ҳуқуқининг вужудга келиши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим: 1) ушлаб қолинадиган ашё билан боғлиқ бўлган мажбурият ҳуқуқининг мавжуд бўлиши; 2) мажбуриятни бажариш муддати келиши; 3) ашёга эгалик қилиниши; 4) ашёга эгалик қилиш қонуний бўлиши; 5) ушлаб қолинадиган ашё қарздорнинг мулки бўлмаслиги мумкин”;

13) 292-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кафиллик шартномаси бўйича кафил кредитор олдида унинг қарздори томонидан олинган мажбуриятнинг тўлиқ ёки қисман бажарилиши учун мажбуриятли ҳисобланади. Кафиллик шартномаси пул ва пул билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек, келгусида юзага келадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун тузилиши мумкин.

Кафиллик қонунга асосан, унда кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида вужудга келиши мумкин. Мазкур кодекснинг кафиллик ҳақидаги қоидалари агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, келишувга кўра, қонунга асосан вужудга келадиган кафилликка нисбатан қўлланилади.

Агар кафиллик шартномасида асосий мажбуриятга тегишли бўлган кафиллик шарти вужудга келган ёки келгусида вужудга келадиган

шартномага хавола қилинган бўлса, келишилган ҳисобланади. Кафил тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс бўлса, кафиллик шартномасида кафиллик билан барча мавжуд ёки келгусида кредитор олдида вужудга келадиган қарздор мажбуриятининг муайян қисми чегарасида таъминланиши кўрсатилиши мумкин”;

14) қуйидаги мазмундаги 292-1-модда билан тўлдирилсин:

“292-1-модда. Биргаликдаги кафиллик

Бир нечта шахслар ўзаро келишувга кўра, биргаликдаги кафиллар сифатида мажбурият бажарилиши юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олишлари мумкин. Бунда, улар мажбуриятнинг бажарилиши учун солидар жавобгар ҳисобланадилар. Мажбуриятни бажарган кафил янги кредитор сифатида кредиторнинг ўрнини эгаллайди ва ундан барча ҳуқуқлар ва талабни тасдиқловчи ҳужжатларни унга ўтказилишини талаб қилишга ҳақли бўлади;

15) 293-модда:

қуйидаги мазмундаги – тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

“Кафиллик билан таъминланган мажбурият бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, қарздор ҳаракатсизлиги оқибатига мутаносиб равишда кафилнинг жавобгарлик ҳажми белгиланади.

Юридик шахснинг таъсис шартномасида ёки қонунчиликда кафил бўлишга бўлган ҳуқуқи белгиланган бўлсагина кафил бўлиши мумкин.

Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятни бажариш жараёнида вазият ўзгарганида кредитор етти календарь кун ичида кафилнинг жавобгарлиги ошиши ёки ўзгача салбий оқибат юзага келганлиги сабабли асосий мажбуриятга ўзгартириш киритилиши ҳақида огоҳлантириши, кафил ушбу хабарномани олгач, етти календарь кун ичида, янги вазиятда қарздор учун асосий мажбурият бажарилиши бўйича жавоб бериши бўйича ўзининг якуний рози ёхуд рози эмаслиги ҳақида кредиторни хабардор қилиши лозим”;

16) қуйидаги мазмундаги 293-1-модда билан тўлдирилсин:

“293-1-модда. Кафилнинг жавобгарлигини истисно қиладиган ҳолатлар

Агар кредитор бошқа шахс билан тил бириктирган ҳолда алдаш йўли билан ёки таҳдид қилиш, фирибгарлик ёки бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда ҳақиқатни яшириш эвазига кафиллик беришга мажбур қилган бўлса кафил жавобгарликдан озод қилинади”;

17) 294-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“294-модда. Кредитор талабига қарши эътироз билдиришга бўлган кафилнинг ҳуқуқи

Башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, кафил кредиторнинг талабига қарши қарздор билдириши мумкин бўлган эътирозларни қўйишга ҳақли. Қарздор эътироз билдиришдан бош тортган ёки ўз қарзини тан олган тақдирда ҳам кафил кредиторнинг талабига қарши эътироз билдиришга бўлган ҳуқуқини йўқотмайди.

Кредитор асосий қарздорга нисбатан ўз мажбуриятини бажариши юзасидан талаб қўйиб, ушбу талаб бажарилиши юзасидан барча зарурий чораларни кўрмагунича, кафил кредитор фойдасига мажбуриятни бажаришни рад қилиши мумкин”;

18) қуйидаги мазмундаги 296-1-модда билан тўлдирилсин:

“296-1-модда. **Кафил мажбуриятни бажарганлиги ҳақида қарздорни хабардор қилиш**

Кафил етти кунлик муддат ичида кафиллик шартномаси бўйича мажбурият бажарилганлиги ҳақида қарздорни хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда, кафил бажарилган мажбурият бўйича қарздорга нисбатан регресс тартибда талаб қўйиш ҳуқуқини йўқотади”;

19) қуйидаги мазмундаги 296-2-модда билан тўлдирилсин:

“296-2-модда Кредиторнинг мажбурият ва ҳуқуқлари

Кафиллик шартномаси тузилганлиги ва талабнинг кафилга нисбатан қўйиши ҳақида кредитор қарздорни беш кунлик муддат ичида хабардор қилишга мажбур.

Кредитор қарздордан тўловга қобилиятсиз бўлган кафилни бошқа кафил билан алмаштирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар қарздор томонидан кафилни алмаштириш ҳақидаги талаб бажарилмаса, кредитор қарздордан кафиллик билан таъминланган мажбуриятни дарҳол бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади”;

20) 299-моддасидаги:

“муассасаси” сўзи “ташкилоти” сўзи билан алмаштирилсин, “суғурта” деган сўздан кейин “ва ўзга” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Кафолат олиш учун принципал қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: зарар кўриб ишламаётган бўлиши ҳамда ноликвид балансга эга бўлмаслиги; муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзлари-

нинг мавжуд бўлмаслиги; охирги уч молиявий йил натижалари бўйича ижобий аудиторлик хулосасига эга бўлиши; ижобий кредит тарихига эга бўлиши”;

21) 301-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“301-модда. Кафолатнинг бошқа мажбуриятлардан мустақиллиги

Кафилнинг бенефициар олдидаги кафолатда назарда тутилган мажбурияти улар ўртасидаги муносабатларда бажарилишини таъминлаш учун шу кафолат берилган асосий мажбуриятга, шунингдек ҳар қандай бошқа мажбуриятга, гарчи кафолатда ушбу мажбуриятларга ҳавола қилинган бўлсада, боғлиқ эмас.

Кафил кафолат билан таъминланган асосий мажбуриятдан шу жумладан, кафолат бериш ҳақидаги келишувдан келиб чиқадиган бошқа мажбуриятлардан юзага келадиган эътирозни бенефициар талабига қарши қўйишга ва кафолатни бажариш ҳақидаги бенефициар талабига қарши эътирозларини кафолатда кўрсатилмаган ҳолатларга ҳавола қилишга ҳақли эмас.

Агар бенефициар ва кафил ўртасидаги келишувда ёки кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, принципал томонидан кафил фойдасига воз кечилган талабни бенефициарга нисбатан қўйишга ҳақли эмас”;

22) 302-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“302-модда. Кафолатнинг чақириб олиниши ва ўзгартирилиши

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил томонидан чақириб олиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас.

Агар кафолат шартига кўра, кафил томонидан уни чақириб олиш ёки ўзгартиришга йўл қўйиладиган бўлса, бунда бошқача шакл кўрсатилган бўлмаса, кафолатда берилган шаклда чақириб олиш ёки ўзгартириш амалга оширилади.

Агар кафолат шартига кўра, кафил томонидан бенефициар билан келишган ҳолда уни чақириб олиш ёки ўзгартиришга йўл қўйиладиган бўлса, кафилнинг мажбурияти у томонидан бенефициарнинг розилигини олган пайтдан бошлаб, ўзгарган ёки тугаган ҳисобланади.

Принципалга кафолат берилганидан кейин кафилнинг мажбурияти ўзгарган бўлса, бу ҳолат принципалнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилмайди, агарда у томонидан бундай ўзгаришларга розилик берилмаган бўлса”;

23) 306-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиши, муддат кўрсатилмаганда эса – етти кунлик муддат ичида бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш керак”;

24) 307-моддаси:

биринчи қисми қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин:

“Кафил бенефициар талабини қаноатлантиришни бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Кафил тўлов асоссиз равишда тўхтатиб қўйилганлиги учун принципал ва бенефициар олдида жавобгар бўлади”;

25) қуйидаги таҳрирдаги 310-1-модда билан тўлдирилсин:

“310-1-модда. Ҳолатлар бўйича кафолат

Тараф шартнома тузилаётганида ёки тузилгунга қадар ёки ундан кейин иккинчи тарафга шартнома тузилиши, унинг бажарилиши ёки бекор қилиниши (шу жумладан, шартнома предмети, уни тузиш ваколатлари, шартноманинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги, зарур бўлган лицензиялар ва рухсатномалар мавжудлиги, учинчи шахс билан боғлиқлиги ёки унинг молиявий аҳволи) учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар бўйича ишончга сазовор бўлмаган кафолат берган бўлса, унинг талабига кўра, бундай ишончга сазовор бўлмаган кафолат бериши натижасида етказилган зарарни қоплаш ёки шартномада белгиланган лафзсизлик тўловини тўлашга мажбур.

Шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ёки тузилмаган деб эътироф этилиши ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган оқибатларнинг қўлланилишига тўсқинлик қилмайди.

Агар шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномавий ҳамкорнинг ишончга сазовор бўлмаган кафолатига таянган тараф бунинг натижасида келиб чиққан зарарни қоплаш ёки лафзсизлик тўловини тўлаш тўғрисида талаб қилиши билан бирга, шартномадан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Тараф томонидан берилган ишончга сазовор бўлмаган кафолат натижасида келиб чиққан янглишиш ёки алданиш таъсирида шартнома

тузган тараф шартномани бажаришдан бош тортиш ўрнига шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақли”;

26) 311-моддаси учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Закалат берилганидан кейин бир ой ичида келишилган мажбурият бажарилмаса бир тараф закалатни йўқотиши ёки иккинчи тараф уни икки баравар миқдорида тўлаш лозимлиги тегишли тарафга мажбуриятни бажаришдан бош тортиш ҳуқуқини беради”;

27) қуйидаги таҳрирдаги 312-1-модда билан тўлдирилсин:

“312-1-модда. Таъминот тўлови

Пул мажбурияти, шу жумладан шартнома бузилган тақдирда лафзсизлик тўловини тўлаш ёки зарарларни қоплаш мажбурияти томонларнинг келишувига кўра томонлардан бири томонидан бошқа томон фойдасига муайян миқдордаги пул (таъминот тўлови) тўлаш орқали таъминланиши мумкин. Таъминот тўлови билан келажакда вужудга келадиган мажбуриятлар бажарилиши таъминланиши мумкин.

Шартномада белгиланган ҳолатлар юзага келганда, таъминот тўлови миқдори тегишли мажбуриятнинг бажарилиши билан ҳисобга олинади.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар шартномада белгиланган муддат ичида вужудга келмаса ёки таъминланган мажбурият бекор қилинган бўлса, тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, таъминот тўлови қайтарилади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса таъминот тўлови суммасига ушбу Кодекснинг 327-моддасида белгиланган фоизлар ҳисобланмайди”;

28) 325-моддаси:

биринчи ва иккинчи қисмларидаги “неустойка” сўзи “лафзсизлик тўлови”деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Лафзсизлик тўлови миқдори бажарилмаган мажбурият қисмининг ярмидан ошиб кетиши мумкин эмас”;

29) 326-моддаси “**Суд қарори билан лафзсизлик тўлови миқдорини камайтириш”** деб номлансин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агар тўланадиган лафзсизлик тўлови мажбурият бузилишига нисбатан номутаносиб равишда кўп миқдорда белгиланган бўлса, у қарз-

дорнинг илтимосига биноан суд қарори билан мутаносиб миқдорга қадар камайтирилиши мумкин. Лафзсизлик тўлови миқдорининг мутаносиблигини баҳолашда тарафларнинг нафақат мулкий, шу билан биргаликда қонун билан қўриқланадиган бошқа ҳар қандай манфаатлари ҳам инобатга олиниши лозим. Лафзсизлик тўлови тўланганидан кейин уни камайтиришга йўл қўйилмайди";

30) қуйидаги мазмундаги 326-1-модда билан тўлдирилсин:

"**326-1-модда. Лафзсизлик тўловини қўллашнинг соддалаштирилган тартиби**

Агар тарафларнинг келишувида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, қарздор олган мажбуриятини бажариб бориш даврилигида унинг бузилишига йўл қўймаса лафзсизлик тўловини тўлашдан озод қилинади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Лафзсизлик тўловини қўллашнинг соддалаштирилган тартиби қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан суд томонидан лафзсизлик тўловини ундириш тўғрисида қарор қабул қилинганида;

лафзсизлик тўловини ундириш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;

худди шундай жавобгарлик қўлланилганидан мажбурият бузилиши такрор содир этилганда.

31) қуйидаги мазмундаги 336-1-модда билан тўлдирилсин:

"336-1-модда. Шартномада белгиланган шартлар юзага келганида келтирилган зарарларни қоплаш

Мажбурият тарафлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганида ўз келишувларида, кўрсатилган шартлар юзага келган тақдирда, бир тарафнинг бошқа тараф билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятнинг бузилиши (мажбуриятни бажариш мумкин эмаслиги, учинчи шахслар ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан келишув тарафига ёки келишувда кўрсатилган учинчи шахсга нисбатан талаб қўйиши ва бошқалар) билан келиб чиқадиган зарарларни қоплаш мажбуриятини назарда тутишлари мумкин. Томонларнинг келишувига биноан бундай зарарларни қоплаш миқдори ёки уни аниқлаш тартиби белгиланиши мумкин.

Суд ушбу моддада назарда тутилган зарарни қоплаш миқдорини камайтириши мумкин эмас, зарар миқдорининг ошишига томоннинг қасддан қилган хатти-ҳаракатлари сабаб бўлганлиги исботланган ҳоллар бундан мустасно.

Агар томонларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу моддада кўзда тутилган зарарлар, шартнома тузилмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинишидан қатъий назар қопланади.

Учинчи шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда зарарлар вужудга келган тақдирда, кредиторнинг ушбу учинчи шахсга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаби зарарни қоплаган томонга ўтади";

32) 380-модданинг саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Берилган закалат суммаси ким ошди савдосида иштирок этиш ҳуқуқини бериб, талабгорнинг аризасини таъминлайди ва ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган закалат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишида ҳисобга олинади";

33) қуйидаги таҳрирдаги 382-1-модда билан тўлдирилсин:

"**382-1-модда. Шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишдан ёки шартномани бажаришдан бош тортиш**

Қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда, бир тараф иккинчи тараф ўз мажбуриятини бажаргунига қадар уни хабардор қилган ҳолда мажбуриятини бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома ушбу хабарнома олинган пайтдан эътиборан бекор бўлган ҳисобланади.

Агар шартномани тўлиқ ёки қисман бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилса, шартнома бекор қилинган ёки ўзгартирилган деб ҳисобланади.

Агар шартномани бажаришдан бош тортиш учун асослар мавжуд бўлса, бундай бош тортиш ҳуқуқига эга бўлган томон шартноманинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди ва шунингдек, иккинчи тарафдан таклиф этилган мажбурият бажарилишининг охирги натижаларини қабул қилиб олади, айнан шу асослар бўйича кейинчалик бош тортишга йўл қўйилмайди";

34) қуйидаги мазмундаги 754-1-модда билан тўлдирилсин:

“754-1-модда. Қайта воз кечиш

Молия агенти ва мижоз ўртасида шартнома билан белгиланган муддатда қарздор томонидан тўланмаган пул талабномасини мижозга қайта воз кечишга молия агенти ҳақли эканлиги белгиланиши мумкин. Агар шартнома билан бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, муайян муддатда қарздор томонидан пул талабномаси бажарилмаган ҳолатда молия агенти мазкур пул талабномасини мижоз томонидан қайта сотиб олишни талаб қилишга ҳақли, мижоз эса, мазкур пул талабномаси билан боғлиқ молия агентининг харажатларини қоплаш ва пул талабномасини қайта сотиб олишга йўналтирилган ҳаракатни амалга оширишга мажбур бўлади”;

35) 834-моддасининг тўртинчи қисмидаги “воситачи ушбу шахсни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган” деган сўзлар “воситачи ушбу шахснинг тўловга қобилиятсизлигини билган ёки билиши шарт бўлган ҳолларда уни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган” деган сўзлар билан алмаштирилсин”;

36) 915-моддаси қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Қонунда ёки асосий мажбуриятни белгиловчи шартномада кўрсатилган ҳолларда, асосий мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида мулкни суғурта қилиш шартномаси тузилиши мумкин. Бунда, агар суғурта шартномасида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, суғурта шартномасида қарздордан асосий мажбурият бўйича бажаришни қабул қилиб олишга ваколатли шахс наф олувчи деб ҳисобланади”.

37) “**Шартли депонентлаш (Эскроу)”** деб номланган 53-1-боб билан тўлдирилсин;

38) қуйидаги таҳрирдаги 975-1-модда билан тўлдирилсин:

“**975-1-модда. Шартли депонентлаш шартномаси (Эскроу)**

Шартли депонентлаш шартномаси (эскроу)га асосан депонент мулкни бошқа шахсга (бенефициарга) топшириш бўйича мажбуриятни бажариш учун мол-мулкни эскроу-агентга депозитлашга топшириш мажбуриятини олади ва эскроу-агент эса, шартномадаги шартлар вужудга келганида, ушбу мол-мулкни сақлаш ва бенефициарга топширилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Эскроу шартномаси депонент, бенефицар ва эскроу-агенти ўртасида тузилади ва унда, мол-мулкни депонентлаш муддати кўрсатилиши шарт. Эскроу

шартномаси беш йил муддатга тузилади. Эскроу шартномаси нотариал тасдиқланиши шарт, нақдсиз пул маблағларни ёки ҳужжатсиз қимматли қоғозларни депозитга қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

Мол-мулкни бенефициарга топшириш учун эскроу шартномасида кўрсатилган асослар вужудга келганида (жумладан, бенефициар ёки учинчи шахс томонидан шартномада назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилганда ёхуд шартномада белгиланган муддат ёки ҳодиса рўй берганида) эскроу-агент депонентланган мол-мулкни эскроу шартномаси шартларига мувофиқ бенефициарга топшириши шарт. Агар эскроу шартномасида кўрсатилган мол-мулк бенефициарга тошириш бўйича асослар эскроу шартномаси амал қилиш муддати давомида вужудга келмаса, эскроу-агент олинган мол-мулкни депонентга қайтариб беришга мажбур.

Депонентлаш объекти кўчар мулк (жумладан, нақд пул, ҳужжатли қимматли қоғозлар ва ҳужжатлар), нақдсиз пул маблағлар, ҳужжатсиз қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, депонентлаш объекти эскроу-агентга топширилгандан сўнг эскроу шартномаси амал қилган муддат давомида, депонент ушбу мол-мулкни тасарруф этишга ҳақли эмас.

Депонентнинг мол-мулкни бенефициарга топшириш бўйича мажбурияти ушбу мол-мулк эскроу-агентига топширилган пайтдан бошлаб бажарилган ҳисобланади”;

39) қуйидаги таҳрирдаги 975-2-модда билан тўлдирилсин:

“975-2-модда. Эскроу-агентига ҳақ тўлаш

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, эксроу-агенти ўз мажбуриятини бажаргани учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, депонент ва бенефициарнинг эксроу-агентга хизмат ҳақини тўлаш мажбурияти солидар ҳисобланади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, эксроу-агенти депонентдан олинган мол-мулкни тўлов сифатида ёки унинг хизмат ҳақини тўлаш учун таъминот сифатида ҳисобга олишга ёки ушлаб туришга ҳақли эмас”.

20-илова
Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
ҚАРОРИ
__.___.20__ й.
N ___

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ 326-МОДДАСИНИ АМАЛИЁТГА ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА”

Иқтисодий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасини (кейинги ўринларда ФК) қўллаш бўйича суд амалиётини бир хилда шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига асосан қуйидаги тушунтиришларни беришга

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кредитор неустойкани ундириш ҳақидаги талаб билан иқтисодий судига мурожаат қилишда, қонун ҳужжатлари ёки шартномага асосан қарздор томонидан олинган мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ёхуд бажарилиши кечиктирилган тақдирда қарздор томонидан неустойка сифатидаги пул суммасини (ФКнинг 260-моддаси 1-банди) кредиторга тўлаш мажбурияти вужудга келишини инобатга олган ҳолда, кредитор қарздор томонидан мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ёхуд бажарилиши кечиктирилганлигини исботлаши шарт.

Неустойка миқдори мажбуриятнинг бузилиш оқибатларига мутаносиб бўлиши шарт.

Фуқаролик ҳуқуқ субъектлари фуқаролик ҳуқуқларини ўз эркига асосан манфаатларини кўзлаб амалга ошириши та-

мойилидан (ФКнинг 1-моддаси 2-банди) келиб чиққан ҳолда ФКнинг 326-моддасига асосан жавобгар томоннинг аризаси мавжуд бўлган тақдирдагина иқтисодий судлари томонидан неустойкани камайтириш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Бунда жавобгар мажбурият бузилиш оқибати, неустойка миқдорига мутаносиб эмаслигини хусусан, мажбурият бузилиши натижасида кредитор кўриши мумкин бўлган зарар миқдори ҳисобланган неустойкадан аҳамиятли даражада кам эканлигини аниқ далиллар билан исботлаши шарт. Кредитор бундай аризани қаноатлантиришни рад этиш учун мажбурият бузилиши оқибатида тўланилиши лозим бўлган неустойка миқдорини исботловчи важларини судга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Модомики, ФКнинг 326-моддаси 2-бандига асосан неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмаслигини инобатга олган ҳолда у жавобгарнинг неустойкани камайтириш ҳақидаги аризасини рад этишда қандай оқибатлар кредитор учун мажбурият бузилишидан далолат беришини амалда фуқаролик муомаласидаги қиёсий ҳолатлар, яъни бозордаги ўртача кўрсатгичлар (ушбу даврдаги муайян товар турларининг бозор баҳоси ёки кредитларга ҳисобланган фоиз ставкалари ўзгариши, валюта курсларининг беқарорлиги ва ш.к.)ни таққослаш асосида далиллар тақдим этиши мумкин.

Жавобгарнинг оғир молиявий ҳолати натижасида мажбуриятини бажариш имкониятига эга эмаслиги; иккинчи тарафнинг мажбуриятини бажармаслиги; бошқа кредиторлар олдида қарздорлиги мавжудлиги; жавобгарнинг пул воситалари ёки ўзга мулкига тақиқ қўйилиши; бюджетдан пул маблағлари тушмаганлиги; қарзни ихтиёрий равишда низо иқтисодий иши кўрилаётган кунда тўлиқ ёки қисман тўланганлиги; жавобгар томонидан ижтимоий аҳамиятли вазифалар бажарилганлиги; пул воситаларидан (масалан, қарз шартномаси бўйича фоизлар) фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш бўйича қарздор

мажбурияти мавжудлиги ҳақидаги важлари ўз ўзидан ФКнинг 326-моддасига асосан, неустойкани камайтириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Шартноманинг ФКнинг 326-моддасини қўллашни чеклаш ёки уни қўлламаслик ҳақидаги шарти, шунингдек неустойканинг энг юқори ёки энг паст миқдорий чегарасининг шартномада белгиланиши неустойкани камайтириш ҳақидаги масаланинг иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқилмаслигига асос бўла олмайди.

Судларга тушунтирилсинки, жавобгарнинг мажбурият бузилиш оқибатларига нисбатан неустойка миқдорининг айнан номувофиқлиги ҳақидаги аризаси ўз ўзидан мажбурият бузилиш факти ёки даъвогар олдида қарзи мавжудлигига жавобгарнинг розилиги сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

2. ФКнинг 326-моддасига асосан жавобгарнинг аризасига кўра неустойкани камайтириш ҳақидаги масала кўриб чиқилишида, судлар пул мажбурияти қарздор томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги унга ўзга пул воситаларидан фойдаланиш қонунчиликка мувофиқ руҳсат этилмаслигидан келиб чиқишлари лозим.

Модомики ҳеч ким ўзининг ноқонуний хулқ-атвори билан ўзига имтиёз яратиш ҳуқуқига эга эмас экан, бунда бундай тарзда пул воситаларидан фойдаланиш қарздор учун ҳуқуқий муомала иштирокчилари оладиган (масалан, кредит шартномаси) пул воситаларидан фойдаланишга қараганда фойдалироқ бўлиши мумкин эмас.

Пул мажбуриятининг бузилиши оқибатига нисбатан неустойканинг мувофиқлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиш ва кредитор йўқотишларини қоплаш учун етарли миқдорини белгилаш мақсадида тушунтирилсинки, иқтисодий судлар томонидан мажбурият бузилиши содир бўлган вақтдаги Марказий банк томонидан белгиланган банк фоизининг ҳисоб ставкаси икки баравари миқдорида неустойка белгиланиши мумкин. Шу

билан бирга, мажбурият бузилиши оқибатига мутаносиб бўлган неустойканинг бошқа миқдорини белгилаш учун асос сифатида ҳар бир тараф мажбурият бузилиши даврида мавжуд бўлган Марказий банк томонидан белгиланган фоиз ҳисоб ставкасининг икки бараваридан юқори ёки кам бўлган кредит ташкилотлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисобланадиган тўловларнинг ўртача миқдорини далил сифатида тақдим этиши мумкин. Бунда неустойканинг энг кам миқдори Марказий банк фоизининг ҳисоб ставкасидан кам бўлмаслиги кераклигига судлар эътибори қаратилсин.

Фақат фавқулотда ҳисобланган ҳолатлар, яъни одатда ундириладиган фоизлардан мажбурият (қарз, кредит, тижорат кредити) шартларида кўрсатилган пул воситаларидан фойдаланганлик учун тўлов миқдорининг ошиши ҳисобига кредитор кўрган зарар қопланадиган бўлса, неустойка миқдори жавобгарнинг аризасига кўра банк фоизи ҳисоб ставкасининг бир бараваридан камайтирилишига йўл қўйилиши мумкин.

3. Жавобгар томонидан мажбурият бузилиши оқибатига нисбатан белгиланган неустойка миқдорининг номувофиқлиги ҳақидаги ариза фақат иқтисодий судининг биринчи инстанцияси иш юритиш қоидаларига мувофиқ иш кўриш жараёнида берилиши мумкин.

Агар жавобгарнинг мажбурият бузилиши оқибатига нисбатан неустойка миқдорининг номувофиқлиги ҳақидаги аризаси тақдим этилган далилларга мувофиқ биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқилиб, неустойка миқдори белгиланган бўлса, янги далилларни текшириш ва янги фактларни аниқлаш (Иқтисодий процессуал кодексининг 276-моддаси 1-бандига мувофиқ кейинги ўринларда ИПК) асосида мажбурият бузилиши оқибатларига нисбатан неустойканинг миқдорининг белгиланиши мутаносиблиги ҳақидаги масалани ман-

фаатдор тарафнинг шикояти бўйича апелляция инстанцияси кўриб чиқиши мумкин.

Суднинг кассация инстанцияси мажбурият бузилиши оқибатларига нисбатан белгиланган неустойка миқдори номувофиқлиги мотиви бўйича ФКнинг 326-моддасига асосан неустойканинг камайтирилган миқдорини кўпайтириш ёки ундириш белгиланган неустойка миқдорини камайтиришга, модомики суд томонидан неустойканинг аниқ миқдори белгиланиши ҳуқуқ нормасини қўллаш (ИПК 302-моддаси 2-банди) ҳақидаги хулоса ҳисобланмас экан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарорининг неустойкани камайтириш қисмини ўзгартириш ёки бекор қилиб, янгидан кўриш учун юборишга ҳақли эмас.

Бироқ кассация инстанция суди томонидан кредитор шикоятига кўра агар биринчи инстанция судида ишни кўриш қоидалари бўйича ишни кўришда жавобгар томонидан ариза мавжуд бўлмасдан суднинг ўз ташаббуси билан неустойка миқдори камайтирилган ёки Марказий банк фоизининг ҳисоб ставкаси миқдорининг бир фоизидан кам белгиланган бўлса, биринчи ёки апелляция инстанцияси томонидан ФКнинг 326-моддасида белгиланган қоидалар нотўғри қўлланилганлиги учун неустойкани ундиришни мувофиқлаштириш бўйича қарор қабул қилиниши (ИПК 301-моддаси 1-бандининг 2-қисми) мумкин.

4. Судлар эътибори, ФКнинг 326-моддасига асосан неустойкани камайтириш ҳақидаги мазкур Пленум қарорида берилган тушунтиришлар қонунчилик билан белгиланган (хусусан, темир йўл транспорти Устави ва бошқа қонун ҳужжатлари) неустойкага нисбатан ҳам қўлланилишига қаратилсин.

ФКнинг 263-моддаси 1-бандининг қонун қонуний неустойкани тўлашни талаб қилишга бўлган кредиторнинг ҳуқуқи ҳақидаги қоидалар, агар бошқа шахслар қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ва ҳуқуқларини бузмаса, неустой-

канинг миқдорини камайтириш бўйича тарафлар келишишлари учун тўсқинлик қилмайди.

5. Неустойкани қарздор ҳисобидан ўтказиш бўйича кредитор талабига кўра ҳисобдан чиқариш қарздорни ФКнинг 326-моддаси қоидаларини ҳисобдан чиқарилган неустойкага қўллаш ҳақидаги масалани қўйиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди, масалан, ортиқча тўланган (ФКнинг 1023-моддаси) неустойкани камайтириш ҳақида мустақил талаб билан судга мурожаат қилиш.

Бунда агар қарздор томонидан ўз хоҳишига кўра неустойка ўтказилган бўлса, у ФКнинг 326-моддасига асосан бундай неустойка миқдорини камайтиришни талаб қилишга ҳақли бўлмайди. Шу билан бирга, қарздор неустойканинг ўтказилиши ўз хоҳишига зид равишда, хусусан, янглишиш таъсирида ёки кредитор қарздорнинг оғир ҳолатда эканлигидан фойдаланиб қолиши оқибатида амалга оширилганлигини исботлаб беришга ҳақли бўлади.

6. ФКнинг 259-моддаси билан белгиланган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари рўйхати тугал эмаслигини инобатга олган ҳолда қарздор томонидан мажбурият бузилганида пул эмас, балки қонунчиликка зид бўлмаган бошқа мулкни кредитор фойдасига бериш ҳақида тарафлар ўртасида шартнома (ФКнинг 342-моддаси) тузилиши мумкин.

Қарздор томонидан мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарлик чораси сифатида кредиторга маълум бир турга хос ашёни бериш мажбуриятини олса, суд унинг миқдорини ФКнинг 326-моддасини қўллаб, камайтиришга ҳақли.

7. Судлар эътибори ФКнинг 326-моддасида белгиланган қоидалардан келиб чиққан ҳолда мазкур Пленум қарори билан берилган тушунтиришлар, ФКнинг 312-моддаси 2-қисмида кўрсатилган закалат билан таъминланган шартноманинг бажарилмаганлиги учун белгиланган жавобгарлик чораларига

нисбатан қўлланилиши мумкинлигига (ФКнинг 5-моддаси 1-банди) қаратилсин. Шунингдек, шартномани бажармаганлик учун жавобгар томонидан закалат суммасини икки баравар қилиб ундиришда суд, жавобгарнинг аризасига кўра ФКнинг 326-моддасига мувофиқ кўрсатилган сумманинг миқдорини ярмигача камайтиришга ҳақли.

8. Шунингдек, закалат бериб шартномани бажармаганлиги учун жавобгар бўлган тараф иккинчи тарафга нисбатан ФКнинг 326-моддасида белгиланган қоидаларини закалат суммасига қўллаш, хусусан, унинг ортиқча тўланган (ФКнинг 1023-моддаси) қисмини қайтариш ҳақида мустақил талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

9. Суд мажлисида тарафларнинг келишувига (ИПК 118-моддаси 8-банди) кўра даъвогар неустойканинг ундириш ҳақидаги талаб миқдорини камайтирса, суд талабнинг ушбу қисмига нисбатан тўланган давлат божини тақсимлашни ушбу келишувга мувофиқ ҳал этади.

Агар жавобгарнинг аризасига асосан ФКнинг 326-моддасида белгиланган қоидалардан келиб чиққан ҳолда, ундириш талаб қилинган неустойка миқдори иқтисодий суди томонидан камайтирилган бўлса, неустойканинг камайтирилган миқдорига нисбатан тўланган давлат божи қайтарилмайди.

Даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади (ИПКнинг 118-моддаси 3-банди).

10. Мажбуриятларни бузганлик учун қарздорни жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд бўлмаса, суд ФКнинг 326-моддасига асосан эмас, балки ФКнинг 333-моддасига биноан неустойкани ундириш ҳақидаги талабни рад этади.

Агар мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги иккала тарафнинг ҳам айби билан юзага

келган ёки кредитор қасддан ёхуд эхтиётсизлиги туфайли қилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида неустойканинг миқдори ошишига сабаб бўлган бўлса, суд ФКнинг 326-моддасига асосан эмас, балки ФКнинг 335-моддасига биноан қарздор жавобгарлик миқдорини камайтиришга ҳақли бўлади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 2007 йил 15 июндаги 163-сон қарорининг 4 ва 11-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Олий суд раиси

Олий суд Пленуми котиби,
судья

21-илова

Тадқиқот иши доирасида юристлар ўртасида ўтказилган анкета сўровлари натижалари бўйича
МАЪЛУМОТ

Тадқиқотдан кўзланган мақсад тадқиқот натижасида фуқаролик ҳуқуқи тизимида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашни тартибга солувчи фуқаролик ва тадбиркорлик қонунчилигини ҳамда соҳага оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида 2018 йилнинг 18–30 июнь кунлари малака оширган юрисконсультлар, Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) Марказида 2018 йил 2–31 октябрь кунлари малакасини оширган давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари ҳамда 2019 йил 4–15 ноябрь кунлари Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида малака оширган юрисконсультлар ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимлари 2-гуруҳи фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда тадқиқот иши натижаларини янада ривожлантиришдан иборат.

Умумий маълумот: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган анкета сўровлари Юристлар малакасини ошириш марказида 2018 йил 18-30 июнь кунлари малака оширган Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари, олий ўқув юртлари, пенсия жамғармаси, телевидение, хўжалик бошқарув ва маҳаллий хокимият органлари юрисконсультлари ва Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) Марказида 2018 йил 2–31 октябрь кунлари малакасини оширган давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари ҳамда Юристлар малакасини ошириш марказида 2019 йил 4–15 ноябрь кунлари малака оширган юрисконсультлар ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимлари 2-гуруҳи ўртасида ўтказилди.

Анкета сўровларида Юристлар малакасини ошириш марказида 2018 йил 18–30 июнь кунлари малака оширган юрисконсультлар, Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) Марказида 2018 йил 2–31 октябрь кунлари малакасини оширган давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари ҳамда Юристлар малакасини ошириш марказида 2019 йил 4–15 ноябрь кунлари малака оширган юрисконсультлар ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимлари 2-гуруҳи жами 92 нафар юристлар қатнашган.

21.1-илова. Фуқаролик доктринасига қарздор томонидан олинган мажбуриятлар бажарилмаганда бир нечта таъминлаш усулларини узликсиз кетма-кетликда қўллашни амалга ошириш ҳолатини англатувчи **“Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларининг рецидивлашуви” иборасини киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсизми?** деган савол бўйича ўтказилган сўровда қатнашган **92 та** иштирокчилардан Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш Марказида 2018 йил 18–30 июнь кунлари ўз малакаларини оширган юрисконсультларнинг (кейинги ўринларда “*юрисконсультлар*” деб юритилади) 20 тасидан 14 таси ҳамда Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) Марказида 2018 йил 2–31 октябрь кунлари малакасини оширган давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиларининг (кейинги ўринларда *“ўқитувчилар”* деб юритилади*)* 14 тадан 11 таси ва Юристлар малака ошириш Марказида 2019 йил 4–15 ноябрь кунлари малака оширган юрисконсультларнинг (кейинги ўринларда “*юрисконсультлар-2*” деб юритилади) 32 тадан 25 таси ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимлари 2-гуруҳининг (кейинги ўринларда “*адлия ходимлари*” деб юритилади) 26 тадан 17 таси жами: **67 таси** (***72,8 фоизи***) а**) “Ҳа”** деб жавоб беришган.

*“Юрисконсультлар”*нинг 20 тадан 6 таси б) “Йўқ” деб; *“ўқитувчилар”*нинг 14 тадан 3 таси б) “Йўқ” деб; *“юрисконсультлар-2”*нинг 32 тадан 7 таси б) “Йўқ” деб ва“*адлия ходимлари*”нинг 26 тадан 9 таси жами: 25 таси (*27,1 фоизи*) б) “Йўқ” деб жавоб беришган.

Мажбурият бузилганида таъминлаш усулларининг “хуружи” – РЕЦИДИВЛАШУВИ



21.2-илова. **“Неустойка мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усули сифатида қандай хусусиятга эга деб ҳисоблайсиз?”** деган савол бўйича ўтказилган сўровда қатнашган **92 та** иштирокчилардан “*юрисконсультлар*”нинг 20 тадан 7 таси; *“ўқитувчилар”*нинг14 тадан 2 таси; “*юрисконсультлар-2*” нинг 32 тадан 6 таси ва “*адлия ходимлари*” нинг 26 тадан 15 таси жами: **30 таси “неустойка жавобгарлик - жазолаш хусусиятига эга”** деб жавоб беришган.

*“Юрисконсультлар”*нинг 20 тадан 13 таси; *“ўқитувчилар”*нинг 14 тадан 11 таси; “*юрисконсультлар-2”*нинг 32 тадан 23 таси; “*адлия ходимлари”*нинг 26 тадан 11 таси жами: **58 таси “мажбуриятлар бажарилишни таъминлаш жараёнида рағбатлантириш ва мажбурият бузилганидан кейин жавобгарлик хусусиятини намоён қи-**

лади” деб ҳамда “*юрисконсультлар-2*” дан **2 та** сўровнома иштирокчиси **“таъминлаш-рағбатлантириш хусусиятига эга”** ва **1 та** иштирокчи “**жавоб беришга қийналаман**” деб жавоб беришган.



21.3-илова. **“Суд томонидан неустойкани ундиришдан озод қилиш мумкинми?”** деган саволга жами: 92 та сўровнома иштирокчиларидан:

– *“юрисконсультлар”* нинг 20 тадан 5 таси а) “озод қилиш мумкин”, 3 таси б) “озод қилиш мумкин эмас”, 12 таси в) “фақат камайтириш мумкин”;

– *“ўқитувчилар”нинг* 14 тадан 4 таси а) “озод қилиш мумкин”, 1 таси б) “озод қилиш мумкин эмас”, 9 таси в) “фақат камайтириш мумкин”; *“юрисконсультлар-2”нинг* 32 тадан 5 таси а) “озод қилиш мумкин”, 2 таси б) “озод қилиш мумкин эмас”, 25 таси в) “фақат камайтириш мумкин”; - “*адлия ходимлари*”нинг 26 тадан 19 таси а) “озод қилиш

мумкин”, – 3 таси б) “озод қилиш мумкин эмас”, 4 таси в) “фақат камайтириш мумкин” деб жавоб беришган.

Демак, “**неустойка тўлашдан озод қилиш мумкин**” деган жавоб **33 та**;

“**неустойкани тўлашдан озод қилиш мумкин эмас**” деган жавоб **9 та**; “неустойкани фақат камайтириш мумкин” деган жавоб **50 тани** ташкил қилади.



21.4-илова. **“Неустойкани қўллаш учун қандай асослар бўлиши лозим деб ҳисоблайсиз?”** деган саволга жами: 92 та сўровнома иштирокчиларидан:

-*“юрисконсультлар”*нинг 20 тадан 4 таси а) “айбнинг мавжуд бўлиши (қасддан ёки эҳтиётсизликдан)”, 8 таси б) “мажбуриятни бажаришдан бош тортилиши”, 8 таси в) жавобни танлашган яъни, а) ва б) жавоблар тўғри деб; -*“ўқитувчилар”*нинг 14 тадан 3 таси а) “айбнинг мавжуд бўлиши (қасддан ёки эхтиётсизликдан)”, 11 таси в) жавобни танлашган яъни, а) *(“айбнинг мавжуд бўлиши (қасддан ёки эҳтиётсизликдан)* ва б) (*“мажбуриятни бажаришдан бош тортилиши”*) жавоблар тўғри деб; *“юрисконсультлар-2”нинг* 32 тадан 6 таси а) “айбнинг мавжуд бўлиши (қасддан ёки эҳтиётсизликдан)”, 2 таси б) мажбуриятни бажаришдан бош тортилиши”, 24 таси в) жавобни танлашган яъни, а) *(“айбнинг мавжуд бўлиши (қасддан ёки эҳтиётсизликдан)* ва б) (*“мажбуриятни бажаришдан бош тортилиши”*) жавоблар тўғри деб; -“*адлия ходимлари*”нинг 26 тадан 1 таси а) “айбнинг мавжуд бўлиши (қасддан

ёки эҳтиётсизликдан)", 5 таси б) мажбуриятни бажаришдан бош тортилиши) ва 20 таси в) жавобни танлашган яъни, а) *("айбнинг мавжуд бўлиши (қасддан ёки эҳтиётсизликдан)* ва б) (*"мажбуриятни бажаришдан бош тортилиши"*) жавоблар тўғри деб жавоб беришган.

Демак, а) "айбнинг мавжуд бўлиши (қасддан ёки эҳтиётсизликдан)" деган жавоб 14 та (15.2 фоиз), б) "мажбуриятни бажаришдан бош тортилиши" деган жавоб 15 та (16.3 фоиз), в) жавобни танлашган, яъни а) ***("айбнинг мавжуд бўлиши (қасддан ёки эҳтиётсизликдан)*** **ва** б) **(*"мажбуриятни бажаришдан бош тортилиши"*)** жавоблар тўғри деб жавоб 63 та (**68.4 фоиз**)ни ташкил қилган.

Неустойкани қўллаш асослари

21.5-илова. **“Товар неустойкаси, суғурта, “делькредере” ва факторинг”ни мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари эътироф этасизми?”**деган саволга жами: **92 та** сўровнома иштирокчиларидан: *“юрисконсультлар”*нинг 20 тадан 14 тасиа) “Ҳа”, 6 таси б) “Йўқ” деб; *“ўқитувчилар”*нинг 14 тадан 7 таси а) “Ҳа”, 7 таси б) “Йўқ” деб; *“юрисконсультлар-2”нинг* 32 тадан 23 таси а) “Ҳа”, 5 таси б) “Йўқ”, 4 таси “Жавоб беришга қийналаман” деб; “*адлия ходимлари*”нинг 26 тадан 18 таси а) “Ҳа”, 7 таси б) “Йўқ”, 1 таси “Жавоб беришга қийналаман” деб жавоб беришган.

Демак, “Товар неустойкаси, суғурта, “делькредере” ва факторинг”ни мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари эътироф этасизми?”деган саволга **“Ҳа”** деган 62 та жавоб **(67.3 фоизи)**, “Йўқ” деган 25 та жавоб (27.1 фоизи) ва “Жавоб беришга қийналаман” деган 5 та (5.4 фоизи) жавоб берилган.

• Товар неустойкаси бўйича пул қийматида товар ундирилади. Бунда кредитор пул шаклидаги неустойка ўрнига қарздорнинг маҳсулотини ёки иш натижасининг ортиқчасини олиш ҳуқуқига эга бўлади.
•Суғурта ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш орқали мажбурият бажарилишини таъминлаш ва келтирилган зарарни тўлаш орқали ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули ҳисобланади.
товар неустойкаси
суғурта
делькредере
факторинг
• “делькредере” (италянча *del credere* – ишончга, немисча *delkredere* – кафиллик) воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилиши учун кафолатни ўз зиммасига олиши.
•**Факторинг** (инг. *factoring*, *factor* – воситачи, савдо агенти) – тўловни кечиктириш шароитларида савдо фаолиятининг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва маҳсулот етказиб берувчи-лари учун молиявий хизматлар мажмуаси.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

3. Гражданский Кодекс Республики Узбекистан. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

6. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz

7. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестри тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрир)”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида (янги таҳрири)”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

20. *Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2018 йил 9 январдаги* ЎРҚ-459-сонли қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

22. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни https://www.lex.uz /acts/4704

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли *Фармони.* Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сонли қарори билан тасдиқланган “Контрактларни экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-

4026-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4337-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сон қарори билан тасдиқланган “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низоми. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 155-сонли қарори билан тасдиқланган “Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисида”-

ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сон қарори билан тасдиқланган “Шартномаларни тузишда электрон рақамли имзоларни қўллаш ва электрон ҳужжатларни ҳамда электрон тижоратда қўлланиладиган электрон хабарлардаги мавжуд ахборотни сақлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси молия-хўжалик департаментининг давлат резиденциялари дирекцияси негизида иссиқхона, чорвачилик ва меҳмонхона комплексларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 793-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-сонли қарор билан тасдиқланган “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 396-сонли қарори билан тасдиқланган “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига туман (шаҳар) ҳокимиятлари томонидан кафолатлар бериш ва банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларни қоплаш тартиби ҳақидаги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси//www.lex.uz

38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги 505-сонли қарори билан тасдиқланган “Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжат-

лари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 55-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон буйруғи билан тасдиқланган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низом. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

41. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги Низом”. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

42. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. -Б.229.

43. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 29.12.2020. /https://president.uz/uz/lists/view/4056

44. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида”ги 45-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

45. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 25 январдаги “Хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан

2015, 2016 йиллар ҳамда 2017 йилнинг биринчи ярмида мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларни кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақида”ги РС-02-18-сонли қарори //Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси №2. 2018 (137). 2-3 б.

46. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2021 йил 24 февралда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2-мҳ-сон-буйруғи. /https://lex.uz/docs/5306922.

47. Austria. Allgemeines bürgerliches Gesetzbuch (ABGB-Общий гражданский кодекс) https://www.jusline.at/gesetz /abgb/paragraf/1378

48. Гражданский Кодекс Республики Армения. http:// www.parliament. Am /law_docs/050598HO239rus.html?lang=rus

49. Гражданский Кодекс Республики Беларусь. https:// kodeksy-by.com/ grazhdanskij_kodeks_rb.htm

50. Гражданский Кодекс Грузии. https://matsne.gov.ge/ru/ document /download /31702/75/ru/pdf

51. Гражданский закон Латвийской Республики. http://www.pravo.lv /likumi/05_4_gz.html

52. Гражданский кодекс Республики Молдова. https://www.wipo.int/ edocs/lexdocs/laws/ru/md/md149ru.pdf

53. Гражданский кодекс Азербайджанской Республики. https://www. icnl.org/wp-content/uploads/Azerbaijan_Civil_Code_ RUS.pdf

54. Гражданский Кодекс Российской Федерации. http://base.garant.ru/10164072/dc8ac69baa61b785e8510c75c97 14f10/

55. Гражданский кодекс Туркменистана от 17 июля 1998 года № 294-I (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.12.2012 г.) https://www. wipo.int /edocs/lexdocs/laws/ru/tm/ tm037ru.pdf

56. Гражданский Кодекс Республики Таджикистан. http://minfin.tj/ downloads/009%20grajd_kodeks_rus.pdf

57. Гражданский Кодекс Украины. https://meget.kiev.ua/ kodeks/ grazdanskiy-kodeks/glava-49/

58. Гражданский Кодекс Чешской Республики. http://juristpraha. cz/ru /89_2012_rus

59. Гражданский Кодекс Кыргызской Республики от 8 мая 1996 года №15http://minjust.gov.kg/ru/content/313

60. Гражданский кодекс Республики Казахстан от 27 декабря 1994 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 16.01.2021г.) https://online. zakon.kz /document/ ?doc_id=1006061#pos=3024;-54.

61. Гражданский Кодекс Республики Казахстан (Общая Часть). https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1006061 #pos=5;-106

62. Гражданское уложение Германии (ГГУ) Burgerliches Gesetzbuch Deutschlands mit Einfuhrungsgesetz (1900). http:// oceanlaw.ru/wp-content/uploads/2018/02/1900-Гражданское-уложение-1.pdf

63. California Lemon Law Statute. http:// thelemonlawcalifornia.com/lemon-law-2/ca-lemon-law-statute/

64. Civil Code Brazil /https://archive.org/stream/ civilcodebrazil00whel goog/civilcodebrazil00whelgoog_djvu.txt

65. Civil Code Polish /https://supertrans2014.files. wordpress.com/2014 /06/the-civil-code.pdf

66. German Civil Code BGB (Германия Фуқаролик Кодекси) //https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_bgb/englisch_bgb. pdf

67. Commercial Code Macau. (Макао Тижорат кодекси. http://www.asianlii.org/mo /legis /laws/ cca 60170 0141/

68. Commercial law in Singapore. Ch. 24 Insurance Law. https://www.singaporelawwatch.sg/About-Singapore-Law/ Commercial-Law/ch-24-insurance-law.

69. Commercial law in Singapore. Ch. 23 The Law of Guarantees. https://www.singaporelawwatch.sg/About-Singapore-Law/Commercial-Law/ch-23-the-law-of-guarantees

70. Commercial law in Singapore. Ch. 08 The Law of Contract.https: //www.singaporelawwatch.sg /About-Singapore-Law/Commercial-Law

71. Dutch Civil Code. (Нидерландлар Фуқаролик Кодекси) http://www.dutchcivillaw.com/legislation/dcctitle7777. htm

72. Единого торгового кодекса Соединенных Штатов Америки//https://ru.glosbe.com/en/ru/uniform%20commercial%20code

73. Louisiana Civil Code /https://lcco.law.lsu.edu/?uid=125&ver=en#125

74. The Civil Code of the Islamic Republic of Iran (Эрон Ислом Республикаси Фуқаролик Кодекси) https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ en/ir/ir009en.pdf

75. The Civil Code of the People's Republic of China. https://archive.org/stream/civilcodeofrepub00chin/civilcodeofrepub00chin_djvu.txt

76. Thailand Civil and Commercial code. https://www.samuiforsale.com/ law-texts/thailand-civil-code-part-1.html

77. Thailand Civil and Commercial code (part II). https://www.samuiforsale.com/law-texts/thailand-civil-code-part-2.html

78. Федеральный закон Российской Федерации от 19 июля 2007 г. N 196-ФЗ "О ломбардах". https://rg.ru/2007/07/31/a168535.html

79. French Civil Code. http://www.fd.ulisboa.pt/wp-content/uploads/2014/12/Codigo-Civil-Frances-French-Civil-Code-english-version. pdf

80. French Consumer Code. Book II: formation and execution of contracts (Articles L211-1 to L253-2) https://www.legifrance.gouv.fr/codes/sectionlc/LEGITEXT000006069565/LEGISCTA000032221199/*#LEGISCTA000032227021*

81. Закон О деятельности ломбардов Кыргызской Республики от 22 июня 2016 года №87. http:// base.spinform.ru /show_doc.fwx?rgn=86477

82. Проект Закона України про Ломбарди та ломбардну діяльність. https://buh.ligazakon.net/news/192111_deputaty-vzyalis-za-lombardy-dlya-nikh-napishut-novye-pravila-v-otdelnom-zakone

2. Дарслик, монография, илмий мақола ва илмий тўпламлар:

1. Абаев М.Т. Задаток в приватизационных торгах. //Пробелы в российском законодательстве. №2, 2010.

2. Абдуқодиров А. Фуқаролик кодекси лойиҳасида тадбиркорлар учун қандай муҳим ўзгаришлар бор?// http://hudud24.uz/fu%D2%9Barolik-kodeksi-loyi%D2%B3asida-tadbirkorlar-uchun-%D2%9Banday-mu%D2%B3im-%D1%9Ezgarishlar-bor/

3. Абдулхасанова К.Ш. Қишлоқ хўжалигида шартномавий мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг моддий ва процесс-суал-ҳуқуқий муаммолари. Докторлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. – Т.: 2009.

4. Абдурашитова Н. Современный взгляд. // На посту. 22.10.2018. https://napostu.uz/xabarlar/1062

5. Азия Инвест Банк» финансирует экспорт Узбекистана. https://www.gazeta.uz/ru/2020/01/24/aib/

6. Акатьева М.Д. Неустойка – действенный способ защиты нарушенного права. //Правовое регулирование. №3 (171) 2014. -С.28.

7. Алексанова Ю.А. Правовые проблемы финансирования под уступку денежного требования. Автореф. дисс... к.ю.н. –М.: 2004.-С.8.

8. Аминжонова М.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Ю.ф.н.дисс. –Т., 2004.

9. Баранов С.Ю. Гражданско-правовые средства охраны прав потребителей. – М.: Статут, 2014.

10. Бевзенко Р.С. Борьба за залог: третий этап реформы залогового права России// Вестник гражданского права. 2015. № 2.

11. Бевзенко Р.С. Неустойка, выраженная в неденежной форме //Законодательство. 2006, №6.

12. Бевзенко Р.С. Титульное обеспечение и проблема акцессорности / Р.С.Бевзенко // Об обеспечении обязательств: Сборник статей к юбилею С. В. Сарбаша / сост. и отв. ред. А.В.Егоров. – М.: ИЦЧП им. С.С.Алексеева при Президенте РФ, 2017.– С. 43–69.

13. Белов В.А. Сингулярное правопреемство в обязательстве. -М.: 2000.

14. Белов В.А. Очерки вещного права, научно-полемические заметки. -М.: Юрайт, 2015.

15. Белокопытова Н.Ю., Колесникова В.В. Договор эскроу как новый способ обеспечения исполнения обязательств. // Вестник Омской юридической академии. 2019. Том 16, № 1.

16. Беляева О.А. Альтернативы задатку на торгах // Журнал российского права №11.2011.

17. Берестнев М.А, Пустомолотов И.И. Основные функции способов обеспечения исполнение гражданско-правовых обязательств. // Известия Тульского государственного Университета. Экономические и юридические науки. Выпуск 3, част 11. Тула: Изд.Тул.ГУ.2014.

18. Бобожонов М.Э. Қимматли қоғозлар воситасида тузиладиган репо битимларини қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш масалалари. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. -Т.: 2018.

19. Богданов Д.Е. Возмещение потерь в российском и зарубежном праве//Сравнительное правоведение № 5 (126) май 2017.

20. Бодиловский А.В. Экономика впереди права. Непоименованные способы обеспечения исполнения обязательств // Раскрой свой научный потенциал: сборник научных трудов по материалам I Международной научно-практической молодежной конференции. – Нижний Новгород, 2016.

21. Бондаренко Н.Л, Шкут О.Н. Субъектный состав договора факторинга по законодательству России, Белоруссии, Латвии: сравнительно-правовое исследование //Вестник Пермского Университета 2013 №2(20).

22. Бормотов А.В. Обеспечительная функция договора страхования в российском гражданском праве: дисс. к.ю.н. Пермь, 2011.

23. Бормотов А.В. Страхование ответственности по договору как способ обеспечения исполнения обязательств //Вестник Пермского университета 2010, Выпуск 3(9).

24. Будылин С.Л. Деликт или нарушение договора? Заверения и гарантии в России и за рубежом //Вестник экономического правосудия Российской Федерации. 2016. -№ 3, -№ 4.

25. Буркова А.Ю. Использование конструкции факторинга для обеспечения исполнения обязательств и его государственное регулирование в рамках банковского права. Автореф.дисс.к.ф.н. –М., 2004.

26. Бутова Р.А. Неустойка как мера гражданско-правовой ответственности: отдельные проблемы теории и судебной практики.//Право и политика. №8(152) 2012.

27. Бычков А.И. Делькредере в договоре комиссии // Ленинградский юридический журнал. – 2012. – № 2 (28).

28. Бычков А.И. Практические аспекты использования конструкции “вещная неустойка” //Юрист. 2012.

29. Wang K.H. Chinese Commercial Law.South Melboure.-Australia, 2000.–P.74.

30. Вебер Х. Обеспечение обязательств (Kreditsicherungsrecht) /пер. с нем. Ю.М.Алексеева, О.М.Иванова. -М., 2009.

31. Витрянский В.В. Особенности ответственности за нарушение предпринимательского договора // Журнал российского права. 2008, №1.

32. Воднев А.Н. К вопросу о доктрине эстоппель в российском праве. //Вестник ТвГУ. Серия «Право». 2017. -№ 2.

33. Wood Ph.R. Comparative Law of Security Interests and Title Finance. London, 2007.-P. 94.

34. Wood P.R. Comparative Law of Security Interests and Title Finance. 2nd ed. (The Law and Practice of International Finance Series. Vol. 2). Thomson; Sweet & Maxwell, 2007. -P. 675.

35. Вятчин В.А. О правовой природе товарной неустойки. //Вестник Саратовской государственной юридической академии. -2014. -№ 2.

36. Габараев Э.А. Обеспечительная уступка денежного требования: обеспечительная мера или способ обеспечения испольнения обязательств? // Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА) №2. 2019.

37. Гаева Я.А. Обзор правового регулирования в сфере учета и коммерциализации патентных прав в США// Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА) 2017. №6. -С.79.

38. Галимова Т.А. Теоретические основы факторинга // Проблемы экономики и менеджмента. 2012, -№5 (9).

39. Герценштейн О.В. Договор финансирования под уступку денежного требования. Автореф. дисс... к.ю.н. Томск, 2004.

40. Гизатуллин Ф. Правовые вопросы практического использования банковской гарантии //Хозяйство и право. 2006. №6.

41. Гильмутдинов Д.З. Об ответственности комиссионера за исполнение сделки третьим лицом //Судебная практика. №6 (168) – 2013.

42. Головчанский Н.В. Теоретические и практические аспекты неденежной неустойки // Полиматис, № 6, 2017 | Polymathis Scientific Journal, No.6. 2017.

43. Гонгало Б.М. Учение об обеспечении обязательств. –М.: Статут, 2004. -С.35, 40.

44. Гончаров А.А. Гражданское право (части общая и Особенная): курс лекций /А.А.Гончаров, А.В.Маслова; отв. ред. проф. А.А.Гончаров. –М.: Волтерс Клувер, 2010.

45. Гончарова В.А. Непоименованные способы обеспечения исполнения обязательств. Магистерская диссертация. Томск - 2017. Национальный исследовательский Томский Государственный Университет (НИ ТГУ) -С.4-5.

46. Горячева Е.В. Договор комиссии в гражданском законодательстве Республики Казахстан. // Вестник Института законодательства РК №1 (46) 2017.

47. Гражданский кодекс Латвийской республики. /Научное редактирование и предисловие Н.Э.Лившиц, обзорная статья А.В.Свиб. Перевод с латышского под руководством И.Алфеевой. -СПб.: «Юридический центр Пресс», 2001.

48. Гражданское и торговое право зарубежных государств. Учебник: В 2 т. /Отв. ред. проф. А.С.Комаров, проф. А.А.Костин, проф. О.Н.Зименкова, доц. Е.В.Вершинина. Т. 1: Общая часть. – М.: Статут, 2019.

49. Гражданское право: учебник / под общ. ред. С.С.Алексеева. -М.: Проспект, 2009.

50. Гражданское право: учебник / под ред. А.П.Сергеева, Ю.К. Толстого. 6-е изд., перераб. и доп. -М.: ООО «ТК Велби», 2005.

51. Гражданское право: Учебник. В 2 т. / Под ред. Б.М. Гонгало. Т. 2. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Статут, 2017.

52. Гражданское право: Учебник. В 2 т. Т. II. Полутом 2 / Отв. ред. Е. А. Суханов. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: 2000.

53. Гражданское право: учебник: в 4 т. Т. 3: Обязательственное право / отв. ред. Е.А.Суханов. 3-е изд., перераб. и доп. -М.:Волтерс Клувер, 2006.

54. Гребенкина И.А. Теоретические и практические аспекты наследственного договора в свете текущего реформирования российского гражданского право // Наследственное право 2016. – №4 – С.13.

55. Гринь О.С. Основные подходы к пониманию способов обеспечения исполнения обязательств. /Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА) -№10, 2016.

56. Гринь О.С. Поручительство в механизме обеспечения исполнения обязательств. Автореф. дисс.к.ю.н. –М., 2012. –С.4.

57. Гришин Д. А. Неустойка: теория, практика, законодательство. -М: Статут, 2005. -С.40, 53.

58. Гришин Д.А. Неустойка: вопросы теории и практики. Автореф. дисс. к.ю.н. –М., 2004.

59. Гузеева А.О. Проблемы применения принципа эстоппель в гражданском праве РФ. //Новый юридический вестник № 5 (19), 2020. -С.6.

60. Гущин В.В., Добравинская А.В. Правовое конструкция наследственного договора в России: плюсы и минусы // Наследственное право 2016. – №4. – С.9

61. Даниленко С. Некоторые аспекты залога как вида обеспечения возврата потребительского кредита //Хозяйство и право. -№ 3. март. –М.: 2011 -105 с

62. Данилов Д.В. Обеспечительная купля-продажа как способ обеспечения, не поименованный в законе // Вестник Челябинского государственного университета. 2015. - № 17 (372). Право. Вып. 43. -С.76-81.

63. Демидова Г.С. Отграничение договора страхования от смежных гражданско-правовых обязательств //Российская юстиция. 2003. №8. -С.21.

64. Диаконов В.В. Гражданское право РФ (Обшая часть) Учебное пособие. //Allpravo.ru2003. /http://www.allpravo.ru/ library/doc99pO/instrum959/ item 1291.html.

65. Добродеева А.В. К вопросу о понятии обеспечения исполнения обязательств // Актуальные вопросы юридических наук: материалы III Междунар. науч. конф. (г. Чита, апрель 2017 г.). -Чита: Молодой ученый, -2017.

66. Дубнова Д. К. Правовая природа договора счета эскроу // Юрист. 2018. -№ 2.

67. Deep Shift. Technology Tipping Points and Societal Impact. World Economic Forum. Survey Report. September 2015. P. 24. //Савельев А.И Договорное право 2.0: «умные» контракты как начало конца классического договорного права /Вестник гражданского права.-2016, -N3. -С.32-59.

68. Drobnig U. The law governing credit security // The private law systems in the EU: Discrimination on the ground of nationality and the need for European Civil Code / Christian von Bar (head of team). European Parliament, 2000. -P. 57-82. URL: http:// www.europarl.europa.eu/workingpapers/juri/pdf/103_en.pdf.

69. Евсеева Л.А, Трухан Р.П. Понятие и сущность акцессорных обязательств в гражданском праве Российской Федерации. //Вестник Российского университета кооперации. 2017. № 4(30)

70. Екимова В.С. Залог исключительных прав – возможность для развития. //Право будущего: интеллектуальная собственность, инновации, интернет: Ежегодник. Вып. 1. – М., 2018.-С.120-121.

71. Емелькина И.А. Залог как обеспечительное вещное право //Вестник Омского университета. Серия «Право». 2017. № 1 (50).

72. Еремычева И.И. Банковская гарантия как способ обеспечения исполнения /Права и экономика. 2003. –№10. окт.

73. Ермошкина М.Ф. Задаток: понятие, правовая квалификация, отдельные виды и сфера применения. Авто.реф. дисс. к.ю.н. –М.: 2006.

74. Ерпылева Н.Ю., Клевченкова М.Н. Унификация норм о международной судебной юрисдикции в международном процессуальном праве // Международное право и международные организации. 2013. N 3.

75. Ефимова Л.Г. Банковские сделки. Комментарий законодательства и арбитражной практики. -М.:-2000.

76. Ефимова Л. Правовые особенности сделок в электронной форме в банковской практике//Хозяйство и право. 2012. №7.

77. Ефимова Л.Г. Правовые особенности электронной формы банковских сделок. //Вестник Университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА). 2017. №1.

78. Железный В.Б. Использование прав на РНТД в качестве предметов залога при кредитовании //Финансы, денежное обращение и кредит. -№1 (196) 2018. –С.62.

79. Жигас М.Г. Перспективы развития страхования в условиях кризиса в экономике /М.Г.Жигас // Известия Иркутской государственной экономической академии (Байкальский государственный университет экономики и права). -2015. -Т.6, №1.

80. JonhY. Gotanda. Damagesin Lieu of Performance Because of Breach of Contract // VillanovaUniversity.

81. Judgmenton Cavendish Square Holding BV v Tatal El Makdessi, Parking Eye Limited v Beavis (2015).

82. Завидов Б.Д. Гражданско-правовая ответственность, вытекающая из обязательств: Науч.-практ. и аналитич. Справочник // СПС “Консультант Плюс, 2018”.

83. Закирходжаева Ш.А. Суғурта ташкилотлари ва тижорат банкларининг ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш

истиқболлари //Иқтисод ва молия /Экономика и финансы. 2015, №3 –Б.49.

84. Занковский С.С. Проблемы правового регулирования и судебного толкования поручительства //Труды Института государства и права РАН. 2017. Том 12. № 5. –С.114.

85. Занковский С.С. Проблемы правового регулирования и судебного толкования поручительства //Труды Института государства и права РАН. 2017. Том 12. № 5. –С.121.

86. Зардов Р.С. Задаток: актуальные вопросы //Вестник экономики, права и социологии, 2017, №4. -С.159.

87. Зарипова Г. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси. -2012. -№12. –Б.43;

88. Зарубина Н.П. Частное право Японии: учеб. пособие / Н.П.Зарубина. -Хабаровск: Изд. Тихоокеан. гос. ун-та, 2016. –С.39-40.

89. Зацепин Д.Е. Природа залога обязательственных прав //Научный вестник Омской академии МВД России № 3 (70), 2018.-С.62.

90. Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т.: Адолат, -1996.

91. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм, -Т.: ТДЮИ. 2005.

92. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. –Т.: ТДЮИ, 2009. –Б.71.

93. Иванов А.А., Эриашвили Н.Д. Способы о обеспечения исполнения договорных обязательств в Римском и Российском гражданском праве //Вестник Московского университета МВД России. №6, 2011. –С.150.

94. Иванов А.А., Эриашвили Н.Д. Способы обеспечения исполнения договорных обязательств в римском и российском гражданском праве.//Вестник Московского университета МВД России. №6/2011. -С.148.

95. Иванов Д.А. Общая юридическая характеристика договора лизинга: признаки и существенные условия // Государственная служба и кадры. 2014. –№ 4. -С.57.

96. Иванова Т.Н. Французский астрент на российкий манер: применение и правовое регулирование судебной неустойки в свете нового постановление Пленума Верховного суда Российской Федерации № 7 от 24.03.2016г. “О применении судами некоторых положений Гражданского кодекса Российской Федерации об ответственности за нарушение обязательств” / Т.Н.Иванова, О.В.Монченко // Вестник арбитражной практики. 2016. №2.

97. Имомов Н. Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларига нисбатан янгича ёндашувларнинг таҳлили. //Юридик фанлар ахборотномаси. 2/2020. –Б.43.

98. Имомов Н.Ф. Ипотека кредити шартномаси бўйича мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг фуқаролик ҳуқуқий масалалари. –Т.: ТДЮУ, 2014.

99. Имомов Н. Коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситалари. //Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2019., №9, -83б.

100. Имомов Н. Фуқаролик ҳуқуқида эстоппель ва унинг ифодаланиши //Юридик фанлар ахборотномаси. Махсус сон II қисм. 2021. –Б.46.

101. Ипотека: шарҳлар ва мақолалар тўплами / Муаллифлар: Н.Жўраев ва бошқалар. – Т.: Avto-Nashr, 2008.

102. Исмоилов Н.М. О некоторых проблемах цивилистической науки и законотворческой практики /Материалы международной научно-практической конференции на тему «Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства».-Т.: ТГЮИ, 2005.

103. Исмоилов Н.М. Правовые проблемы залога как способа обеспечения исполнение обязательств: Автореф. дис.к.ю.н. –Т.: 1999.

104. Казаченок О.П. Спорные вопросы применения задатка в качестве способа обеспечения исполнения обязательств по предварительному договору //ISSN 2078-8495. Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруд. 2014. № 4 (25).

105. Калиманов С.С. Некоторые сходства и различия правовых институтов цессии и факторинга в законодательстве России. //Вестник РУДН, сер.юридические науки, 2006.№3(21).

106. Калимов Д. Удержание как новый способ обеспечения кредитов. //Банкаўскі веснік, чэрвень 2002.

107. Карапетов А.Г. Неустойка как средство защиты прав кредитора в российском и зарубежном праве. -М.: Статут, 2005. -С.17-27, 117.

108. Карапетов А.Г. Приостановление исполнения обязательства как способ защиты прав кредитора. -М.: Статут, 2011. -С.236.

109. Карапетов А.Г., Савельев А.И. Свобода заключения непоименованных договоров и ее пределы //Вестник ВАС РФ. 2012.-№4.

110. Касымжанова Д.С. Правовая природа понятия и предмета неустойки. //Вестник Института законодательства Республики Казахстан. №3(23) 2011.

111. Качер О.В. Правовое регулирование договора финансирования подуступку денежного требования. Автореф. дисс... к.ю.н. Санкт-Петербург. 2007.

112. Керимов Г.М. Шариат: Закон жизни мусульман. Ответы Шариата на проблемы современности. - СПб.: «Издательство «ДИЛЯ», 2009.

113. Кибенко Е.Р. История одного дела: залог патентов (имущественных прав на изобретение) в международном частном праве //Право та інновації № 1–2 (5–6) 2014.-С.158

114. Клёмина Ж.В. Соотношение договоров цессии и факторинга в законодательстве России. //Международный научный журнал «Символ Науки», -№8; 2016.

115. Комилов К., Халмирзаев О. Краткая характеристика системы залога в Узбекистане //Вестник Высшего хозяйственного суда. -2010. -№6.-С.75-80.

116. Комментарий к Гражданскому кодеку Российской Федерации (части второй) /Под.ред. С.П. Гришаева, А.М. Эрделевского. -М.: Юристъ, 2006.-С.508.

117. Комиссарова Е.Г., Торкин Д.А. Непоименованные способы обеспечения обязательств в гражданском праве. -М.: Аспект Пресс, 2008. -С.144.

118. Кондратьева Ю.В. Делькредере в гражданском праве // Гражданское право. –2008. –№ 2. –С.36-38.

119. Коновалов А.И. Неустойка в коммерческом обороте. Автореф. дисс.к.ю.н. - Санкт-Петербург. 2003. -С.7.

120. Концепция Стратегии развития Республики Узбекистан до 2035 г. –С.51.https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-RUS.pdf.

121. Коршикова Е.В. Правовая природа удержания как способа обеспечения исполнения обязательств.//Актуальные проблемы Российского права. -2010. -№3.

122. Кругликова Е.В. Титульное обеспечение как способ обеспечения исполнения обязательств. //Российская юстиция в XXI веке: реалии, проблемы, перспективы. - С.414-431. https://cyberleninka.ru/article/n/titulnoe-obespechenie-kak-sposob-obespecheniya-ispolneniya-obyazatelstv/viewer.

123. Кукарская К.В. 9.8. Залог будущего права из существующего или будущего обязательства //Проблемы экономики и юридической практики. -№5. 2017.

124. Куликов Е.С. Соглашение о задатке в гражданском праве России. Автореф. дисс.к.ю.н. –М.: 2009.

125. Куликов Е.С. Соглашение о задатке в гражданском праве России: монография. –М.: Волтерс Клувер, 2011.

126. Christian Di Mauro, Christelle Coslin. Новые итальянские правила, регулирующие финансовые санкции, налагаемые в целях принудительного исполнения судебных решений: Сходства и различия с правовым режимом во Франции //Парижский международный судебный бюллетень. - С.24. //http: //www.sma-nn.ru/redactor/files/6621637f035b973bc4b08cd3c4bde1d6.pdf.

127. Courtney W. The nature of contractual indemnities. -P. 1-18.

128. Ласк Г. Гражданское право США (право торгового оборота). -М.: 1961, -С. 517.

129. Лпач В.А. Когда задаток невозможен... //Законы России. -2006.-№12.-С.63.

130. Латынцев А.В. Система способов обеспечения исполнения договорных обязательств: дисс.к.ю.н. -М.: 2002. -С.220.

131. Ленковская Р.Р. 14. Правовое обеспечение предпринимательской деятельности 14.1. Содержание договора страхования предпринимательских рисков //Проблемы экономикии юридической практики. -2017. -№6. -С.210.

132. Ленковская Р.Р. К вопросу о содержании круга существенных условия в договоре купли-продажи земельных участков // Проблемы экономики и юридической практики. -2015. -№ 3. -С.156-158.

133. Леонова Г.Б. Применение право удержания в тарговом обороте //Вестник Масковского университета. Серия II.Право. 2002. -№1. -С.72.

134. Литаренко Н.В. Изменение подхода к неустойке в Англии. //Актуальные проблемы российского права. 2016. № 11 (72) ноябрь.-С.215.

135. Лукманова И.И. Банковская гарантия в системе способов обеспечения исполнения обязательств. Дисс. на соискание ученой степени к.ю.н. Уфа. 2014. -С.9.

136. Людвиг С.Д. Договор финансирования под уступку денежного требования. Автореф.дисс… к.ю.н. –М.: 2003. -С.6.

137. Мазанов Р.Н., Шахаева А.М. Правовое регулирование неустойки как формы обеспечения испольнения обязательств. // Закон и право -№03.-2019. -С.40.

138. Майдаровский Д.В. Об обеспечении исполнения обязательств, вытекающих из предварительного договора. // Северо-Кавказский юридический вестник, 2009, №1, С-62.

139. Мамаджанов Х.А, Перепечко О.В. Интеллектуальная собственность как предмет залога. Проблемы и предложения. //Экономика и управление народным хозяйством.-№12(195) 2017. –С.21.

140. Мамажанова Р. Гаров-кафиллик мажбуриятлари бажарилишини таъминлашнинг ишончли воситаси //Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Ахборотномаси. 2010, -№ 6, –Б.21.

141. Маноле М.С. Неустойка – как один из видов обеспечения исполнения кредитных обязательств. //Инновационная Наука. -№4. 2018. -С.136.

142. Медведев С.В.Обеспечительный интерес в правовой системе США //https://www.gorodissky.ru/publications/articles /obespechitelnyy-interes-v-pravovoy-sisteme-ssha/

143. Мейер Д.И. Русское гражданское право; В 2 ч.8-е изд. исправ. и доп. 1902. Часть 2. –М.: -Статут. 1997, -С.133.

144. Меликов Г.И. Неустойка: проблемы правовой природы и использования в договорных отношениях в свете реформы гражданского законодательства. Дисс..к.ю.н.-М.: 2019. -С.3,14.

145. Меликов У.А. Правовой режим объектов гражданских прав в интернете. Дисс...д.ю.н. Душанбе, 2018, -С.5.

146. Мельниченко С.В. Проблемы применения банковской гарантии и неустойки в рамках договорного обязательства. //Юридические исследования. -2018. -№1. - С.71-77.

147. Меняйло Л.Н., Тищенко И.В., Иванова Ю.А. К вопросу о гражданско-правовой ответственности поручителя // Вестник экономической безопастности. -№6, 2016, -С.98.

148. Мерзлов В.М. Проблемы исполнения и способы обеспечения кредитных обязательств. // Вестник экономической безопасности. №3. 2019. С.99, 100.

149. Митричев И.А. Правовое регулирование титульного страхования // Бизнес, Менеджмент и Право. 2013. №2. -С.52-54, 86.

150. Мичурина Е.А. Некоторые способы обеспечения исполнения кредитных обязательств. Дисс... к.ю.н. Саратов. 2015. -С.99.

151. Мудунов А.С., К.Н.Цахаева. Кредитование предпринимательства в современных условиях. //Приоритетные направления развития науки и образования: сборник статей XII Международной научно-практической конференции. В 2 ч. Ч. 1. – Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». – 2020. -С.125-126.

152. Музыка Е.И. Залог как способ обеспечения кредитов и инструмент снижения банковских рисков (на примере нефтегазового комплекса). Автореф. дисс. к.э.н. -М.: 2006.

153. Markesinis B., Unberath H., Jonston A. The German law of contract. A comparative treatise. 2nd ed. Oxford and Portlend, Oregon: Hurt Publishing, 2006. -P. 162.

154. McKendrick E. Contract Law. 7th ed. Palgrave Macmillan, 2007. -P. 246.

155. Mitchell A., Sher A.Contractual Estoppel in Mis-Selling Claims // Norton Rose Fulbright - Banking and financedisputes review. 2015. No. 6. P. 3-5.

156. Musulmon huquqi: IIV oliy ta’lim muassasalari uchun darslik / S.A.Isxakov, A.R.Raxmanov. – T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 120 b.

157. Надирова Ш.А. Правовое регулирование залога в Республики Таджикистан: Автореф дис. к.ю.н. –Душамбе. 2003. -11с.

158. Насриев И., Рахмжанова М. Залог как способ обеспечение исполнение обязательств. //Хозяйство и право. - 2004. -№2. –С.77.

159. Нвзгодина Е.Л. Задаток и договоры купли-продажи недвижимого имущества //Юридическая наука и правоохранительная практика. Тюменским институтом повышения квалификации сотрудников МВД России. -Тюмен. -№2 (3) 2007.

160. Нестолий В.Г. Астрент и обязательство // Юрист 2016. – №5. – С.25

161. Нигматулина Л.Б. Поручительство как способ обеспечения исполнения кредитных обязательств //Банковское право, 2000. -№3.

162. Никитин К.В. Использование товарного знака в качестве залога в банковских сделках. // Юридическая работа в кредитной организации № 1 (43). 2015. -С.63.

163. Новак Д.В. Соотношение самозащиты гражданских прав и права удержания. //Хозяйство и право. -2002. -№ 6.

164. Новиков К.А. Понятие способа обеспечения исполнения обязательств в гражданском праве. Автореф.дисс.к.ю.н., -М.: 2012.

165. Новикова А.А. Неденежная неустойка: теоретические и практические проблемы применения //Законы России: опыт, анализ, практика. - 2011. -№2.

166. Новоселова Л.А. Сделки уступки права (требования) в коммерческой практике. Факторинг. - М.: Статут; 2003. -С.375.

167. Новосельцева О.С. Место залога в системе обеспечения исполнения обязательств //Лучшая научная статья 2017: сборник статей XIII Международного научнопрактического конкурса. В 2 ч. Ч. 2. - Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». - 2017. -С.178.

168. Нодирова Ш.А. Правовое регулирование залога в Республике Таджикистан: Автореф. дис.к.ю.н. Душанбе. 2003. -11 с.

169. Nicholas B. The French Law of Contract. Oxford, 2002. – P.236.

170. Овсейко С.В. Обеспечительные сделки в законодательстве США // Юрист, 2006, №10, -с.58

171. Одинаев А. Неустойка ва айбнинг нисбати // Huquq va burch.№6/2020. -Б.40.

172. Одинаев А. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда неустойка қўллашни такомиллаштириш: илмий-назарий таҳлил. //Юридик фанлар ахборотномаси. 2020 йил, махсус сон, -Б.126.

173. Одинаев А.С. Неустойка қўллашга оид фуқаролик-ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштириш //«Молодой учёный». -№ 22 (312). май 2020. -С.667.

174. Одинаев А.С. Неустойкани қўллаш асослари: халқаро тажриба. //Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. “Ёш олимлар минбари”. Илмий-амалий конференция материаллари. II жилд / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. –Т.: “Lessonpress”. 2020. -Б.182.

175. Окюлов О, Имомов Н, Рўзиназаров Ш, Самарходжаев Б, Рустамбеков И, Мехмонов Қ, Мусаев Э, Сайдахмедов У, Тожибоев А, Ибрагимова А, Жумагулов А. Инвестиция ҳуқуқи. – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2019. – 196, 225 б.

176. Омонов А. Неустойка как способ исполнения договорных обязательств // Вестник Высшего хозяйственного суда. 2014. -№9.

177. Останина Е.А. Судьба индемнити при несостоятельности должника. // Закон. №7 июль. 2015. -С.58.

178. Павлович Я.А. Независимость или абстрактность? //ЭЖ-Юрист. 2004.-№24.-С.3

179. Парфенчиков А. Астрент в российском праве /А.Парфенчиков [и др.] //Закон. –2014. –№ 4. –С.35.

180. Пергамент М.Я. Договорная неустойка и интерес в римском и современном гражданском праве. Одесса, 1899, -С.254.

181. Петрова У.А. Залог исключительных прав как способ обеспечения исполнения обязательств. //Вопросы Российской Юстиции. Выпуск 8. 2020. -С.268.

182. Платонова Н.Л. Научно-практический комментарий к Федеральному закону «О концессионных соглашениях». -М.: 2015. -С.9.

183. Полякова А.А., Кожанчикова Н.Ю., Дударева А.Б. Современные тенденции функционирования рынка страховых услуг России //Управленческое консультирование. -№10,-2018. -С.71.

184. Почтарев А.А Страхование как непоименованный в гражданском кодексе РФ способ обеспечения обязательств// Право и политика №3 (183), 2015.-С.408.

185. Почуйкин В.В. Уступка права требования: основные проблемы применения в современном гражданском праве России. -М.: Статут, 2005. -С.127–128.

186. Предеин К.Н. Поручительство в современном гражданском праве. Авторефер.дисс. к.ю.н. -Екатеринбург. 2006.

187. Пугинский Б.И. Энциклопедия юриста.-М.: 2005.

188. Пузырёва Е.Н. 10.2. Правовое регулирование договора международного факторинга. //Бизнес в законе №2. 2014. – С.140.

189. Пуряев А.В. Номинальный счет (счет эскроу) как способ обеспечения исполнения обязательств // Вестник Волжского университета им. В.Н.Татищева. 2010. -№ 72, -С.125.

190. Пшеничников М.А. Правовая природа договора гарантии // Опыты цивилистического исследования: сб. ст. / рук. авт. кол. и отв. ред. А.М. Ширвиндт, Н. Б. Щербаков. – М.: Статут, 2018. – Вып. 2. –С. 343.

191. Principles of European Contract Law. Part I and II. Prepared by the Commision on European Contract Law.Edited by O.Lando and H.Beale// Kluwer Law Int., The Hague, 2000. –P.456.

192. Ражабов И. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари //Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Ахборотномаси. –Тошкент: -2011. -№12. –Б.24.

193. Раздобудько А.Е. Факторинг в целях обеспечения и уступка требования: общее и особенное в правовых конструкциях. //Актуальные проблемы Российского права. 2012. -№3.

194. Рахимов Д. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг янги усули: Фуқаролик кодексидан кутилаётган ўзгаришлар. https://uza.uz/oz/society/mazhburiyatlar-bazharilishini-taminlashning-yangi-usuli-fu-a-05-06-2020.

195. Рахимов Д. Страхование как способ обеспечения исполнения обязательств //Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. –Т.: 2012. -№6.

196. Рахимов Д.Б. Коррупциянинг мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш жараёнига таъсири. //Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ташкил этилган “Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари I-жилд. Тошкент, 2020.

197. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). -Т.: Университет, 2003.

198. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Олди-сотди шартномаси. –Т.: Адолат, 2000.

199. Рахмонқулов Х. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). –Т.: ТДЮИ, 2005.

200. Рахмонкулов Х.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). –Т.: ТДЮИ, 2009.

201. Резина Н.А., Иванова Л.В. Астрент: проблемы применения //Вестник Омской юридической академии. 2016. №1

202. Родин Р.С. Страхование предпринимательского риска //Вестник Московского университета МВД России. №7, 2016.

203. Романова И.Н. Правовые проблемы страховой защиты имущественных интересов субъектов предпринимательства от рисков неисполнения или ненадлежащего исполнения принятых на себя договорных обязательств //Юридическая наука. 2017. №4.

204. Рўзиназаров Ш, Ж.Бабаев, С.Иноятова, М.Нуралиев. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2018.

205. Рўзиназаров Ш.Н. Мажбуриятларни бажаришни таъминлаш усули сифатида мол-мулкни ушлаб қолишнинг аҳамияти. //Иқтисод ва ҳуқуқ. Экономика и право. –2017. –№12.

206. Рўзиназаров Ш.Н. Мажбуриятларни бажаришнинг таъминлаш усули сифатида мол-мулкни ушлаб қолишнинг цивилистик моҳияти // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №5. 2020, -Б.15.

207. Рўзиназаров Ш.Н. Юридик фанларнинг ривожланиши ва замонавий муаммолар.–Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. 2006. –139 б.

208. Рўзиназаров Ш.Н. Рақамли фуқаролик муомаласи: мақсадли ва концептуал илмий-назарий ёндошув// Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences 01/ 2020. -Б.61.

209. Рузиназаров Ш.Н. Ачилова Л.И. Электронные сделки и проблемы их применения в условиях цифрового гражданского оборота. Развитие общества и науки в условиях цифровой экономики: [монография /Ачилова Л.И. и др.]; под общей ред. А.Б.Черемисина. Петрозаводск: МЦНП «Новая наука», 2020. -5 с.

210. Рустамов З. Обеспечение исполнения обязательств. // Вестник Высшего Хозяйственного суда. –Т.: -2016. -№ 12. –С.62

211. Рустамова С.М., Р.А.Давлетханов. Неустойка как санкция за ненадлежащее исполнение обязательств по договору поставки для государственных нужд. //Закон и право. №6, 2019, -С.69.

212. Robert Dankiewicz Insurance in the process of financial risk management in enterprise activity // Insurance Review. Volume 4. 2018.

213. Санникова Л.В. Возмещение потерь в странах общего права и в России.//Вестник Пермского университета. Юридические науки. Вып 34. -2016.

214. Семенов Г.В., Касьянов А.И. Процессуальная ответственность в виде судебной неустойки и судебного штрафа. // Научно-практической юридический журнал. -№3 (44), Воронеж, 2019. – С5.

215. Сидиков А., Раджабов О. Гаров тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим жиҳатлари //Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси, -Т.: -2012, -№ 7. -Б.39;

216. Скворцов В.В. Функции залога и их характеристики //Гражданин и право, 2001, №11.

217. Скороходов С.В. Договор комиссии по законодательству РФ и практика его применения в предпринимательской деятельности. Автореф. дисс. к.ю.н. –Томск. 2003. –С.7-8.

218. Слонимский, Д. Способы обеспечения исполнения обязательств по договору международной купли-продажи / Д. Слонимский // Библиотечка журнала «Юрист». Право и бизнес. – 2015. – № 5. – С. 47–48.

219. Соломкина Д.Я. Задаток по российскому гражданскому праву. Дисс. к.ю.н. Самара, 2007. –С.8.

220. Сорокина Ю.А. Эстоппель и неосуществление права // Юридические исследования. – 2020. – №3. – С.1-10.

221. Сосипатрова Н.Е., Софронова Д.А. Делькредере: правовая природа и вопросы, связанные с квалификацией // Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского. – 2015. – № 4.

222. Степанян И.Г. Заверения, гарантии, обязательства по возмещению потерь (indemnity), опцион и эскроу по праву России, США, Англии в трансграничных коммерческих договорах. Автореф. дисс. к.ю.н. -М.: 2014.

223. Суворов Е.Д. К вопросу о правовой природе поручительства на примере сравнения с солидарными обязательствами //Вестник Университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА), №2. 2019. –С.88.

224. Суюнова Д. Современные способы обеспечения договорных обязательств. //Вестник Высшего Хозяйственного суда Республики Узбекистан. –Т.: 2011. -№3.

225. Суюнова Д.Ж. Современные способы обеспечения договорных обязательств: национально-правовое и международно-правовое регулирование //https://articlekz.com/article/7130

226. Сорочинская Е.А., А.С.Галстян. Условия предоставления услуг кредитными организациями в Российской Федерации //Лучшая научная статья 2017: сборник статей XIII Международного научно практического конкурса. В 2 ч. Ч. 2. - Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». - 2017.

227. School of Law. Public law and Legal Theory Working Paper № 2006-8. July 2006.

228. *Sean Wilken, Karim Ghaly The Law of Waiver, Variation and Estoppel. Third edition, Oxford, 2011. -P. 538.*

229. Silvertown A.H. Law of Lien. London. 1988. -P.1.

230. Тариканов Д.В. Система способов обеспечения исполнения обязательств //Законодательство. 2006. -№5.

231. Темникова Н.А. Соотношение условий о возмещении потерь и делькредере по российскому гражданскому праву. //Вестник Омского университета. Серия «Право». 2019. Т.16, №2. –С.73.

232. Токар Е.Я. Представительство в сфере предпринимательской деятельности: проблемы законодательного регулирования и право применения. Автореф. дисс..д.ю.н.-М.: 2018.

233. Токмаков М.А. Условное депонирование (ЭСКРОУ) в праве России и США. Автореф.дисс.к.ю.н. Самара, 2017.

234. Торкин Д.А. Непоименованные способы обеспечения обязательств. Дисс.к.ю.н.-Тюмень, -2005.-С.182.

235. Thomas William Saunders. A Treatise on the Law of Warranties and Representations Upon the Sale of Personal Chattels. “Law Times” Office, 1874.- P.3.

236. Уметова А.Т. Особенности и нормативно-правовое регулирование ипотеки как способа обеспечения исполнения обязательств в Кыргызской Республике. //Вестник Нациаальной академии наук Республики Казахстан. -2013. -№3.

237. Усманова Е.Р. Титульное обеспечение гражданско-правовых обязательств. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва. 2017.

238. Федоров А.Г., Демина Т.С. Оптимальные способы обеспечения исполнения обязательств от неправомерных действий в сфере договорных отношений: Международный опыт.ART / «Colloquium-journal»#26(50), 2019.

239. Фёдорова Ю.С. Товарная неустойка как непоименованный в законе способ обеспечения исполнения обязательств //Вопросы современной юриспруденции: сб. ст. по матер. XVI междунар.науч.-практ.конф.-Новосибирск: СибАК, 2012.

240. Фогельсон Ю.Б. Страховое право: теоретические основы и практика применения: монография. -М.: Норма, Инфра-М. 2012.

241. Фролкина Е.Н. Ответственность предпринимателей в форме взыскания неустойки за нарушение договорных обязательств: теоретический аспект. //Вестник Университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА), -№1, 2015.

242. Хабриева Т.Я. Право и модернизация экономики //Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. – 2010.– № 1.

243. Харитонова Ю.С. Залог исключительных прав в системе способов обеспечения исполнения обязательств.// Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруд. 2015. № 3 (28). -С.24

244. Hartkamp A.S.,Tillema M.M.M. Contract Law in the Hague,1995.–P.94.

245. Hughes H. Blockchain and the Future of Secured Transactions Law // Stanford Journal of Blockchain Law & Policy. 2020. Vol. 3. №. 1. URL: https://stanford-jblp.pubpub.org/pub/blockchain-secured-transactions

246. Цахариас А.С. К вопросу о допустимости удержания недвижимого имущества. // Юридические науки: проблемы и перспективы: материалы междунар. заоч. науч. конф. (г. Пермь, март 2012 г.). – Пермь: Меркурий, 2012.

247. Christian Di Mauro, Christelle Coslin. Новые итальянские правила, регулирующие финансовые санкции, налагаемые в целях принудительного исполнения судебных решений: Сходства и различия с правовым режимом во Франции //Парижский международный судебный бюллетень. - С. 24. /http://www.sma-nn.ru/redactor/files/6621637f035b973bc4b08cd3c4 bde1d6. pdf

248. Чуб Д.В. Вещные обеспечительные сделки с применением технологии Blockchain //Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА) №8. 2020. -С.100.

249. Шаблова Е.Г. Актуальные проблемы гражданского и предпринимательского права: учеб. Пособие для бакалавриата

и магистратуры /-М.: Изд. Юрайт, 2017, Екатеринбург, Изд. Урал. Ун-та. – С.63.

250. Шевченко Е.Е. Договор финансирования под уступку денежного требования в системе гражданского права России. - М., 2005.

251. Шодманов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Ю.ф.д. дисс. –Т., -2002.

252. Шодмонов Ф., Одинаев А. Фуқаролик қонунчилигида неустойкани қўллашнинг ҳуқуқий асослари: халқаро тажриба //Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси. –2011. –№6.

253. Щербаков А.Б. Договоры комиссии и агентирования сравнительно-правовое исследование, соотношение с договором поручения. Автореф. дисс. ...к.ю.н. Казань – 2007.

254. Эшонқулов С.Ю. Қарз мажбурияти, унинг ижросини таъминлаш усуллари // Ҳуқуқ ва бурч – Тошкент, 2011. -№5, -Б.50.

255. Южанин Н.В. Удержание как способ обеспечения исполнения обязательств //Юрист. 2003. №2.

256. Южанин Н.В. Характер владения вещью при применении права удержания. //Юристъ-Правоведъ, 2016, № 6 (79).

257. Юлдашев О.Т., Мирсултонов М.М. Молиявий рисклар суғуртаси: муаммо ва ечимлар //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019.

258. Якимова А.М. Неденежная неустойка: теоретические и практические аспекты // Современные проблемы правотворчества и правоприменения. – Иркутск, 2016.

259. Яковец А. Профессионально об актуальном: Обеспечение исполнения обязательств. Задаток. https://pravo.by/novosti/novosti-pravo-by/2019/august/39008/

260. Яковлев В.Ф., Талапина Э.В. Роль публичного и частного права в регулировании экономики //Журнал российского

права.–2012.– №2.

261. Якушина Л.Н. Удержание в системе способов обеспечения исполнения обязательств: Автореф. дисс.к.ю.н. -Казань, -2002.

262. Қўлдашев Н.А. Деликт мажбуриятлар ҳақида айрим мулоҳазалар. // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. -2012. -№3.–Б. 46.

263. Қобилов Ш.Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.

264. Ғайбуллаев С. Фуқаролик ҳуқуқида таъминловчи битимлар //Юрист ахборотномаси. – Вестник юриста-Lawyer herald. №4. 2020.

3. Фойдаланилган бошқа адабиётлар:

1. Авеста «Закон против дэвов» (Видевдат). СПб.: Изд-во Политехи, ун-та, 2008. -С.97

2. Black`s Law Dictionary. 5th ed. L., 1979. -P. 692.

3. Вендидад (Vidēvdād) или Законы против демонов Авеста - Священные книги Зороастризм, Книга 3. Перевод Джеймса Дарместетера. Из Священных Книг Востока, Под редакцией Джозефа Х. Петерсона Американское издание, 1898 г. 26, 27, 28 с. http://m-hosseini.ir/zar/articles-1/19.pdf

4. Венской конвенции о международной купле-продаже товаров (CISG).

5. Gorman F. J. Indemnity and Contribution under Maritime Law. -P. 1166.

6. Жиззах вилояти Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 6 мартдаги 4-1304-1901/306-сонли иш.

7. Cases, Materials & Texts on Contract Law (Casebooks on the Common Law of Europe) // Beale H., Kotz H., Hartkamp A., Tallon D. 2002. -P.869.

8. Ежемесячные итоги по электронным государственным закупкам http://xarid.uz/news/details/3

9. Black H.C. Black's Law Dictionary // 4th ed. St. Paul, Minn., West Publishing Co., 1951, -C.28.

10. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Ғ.Ғулом нашриёти, -Т.: 2010. – Б.69.

11. МУХТАСАР (Шариат қонунларига қисқача шарҳ) Убайдуллоҳ Мақсъуд ўғли Масъуд тожушшариат ўғли. -Т.: Чўлпон, 1994, -Б.214-215.

12. Модельных правил Европейского частного права (DCFR).

13. Определение КС РФ от 07.10.1999 №137-О.

14. Определение КС РФ от 21.12.2000 №263-О.

15. Определение Определение КС РФ от 10.01.2002 №11-О.

16. Определение КС РФ от 22.01.2004 №13-О //СПС «Консультант Плюс».

17. Постановление Арбитражного Суда Московского округа от 29.12.2014г. по делу №А40-32495/12 // СПС “Консультант Плюс, 2018”.

18. Постановление Арбитражного суда Уральского округа от 31 августа 2015 г. по делу № Ф09-5885/15.

19. Постановление Пленума Верховного Суда РФ от 24.03.2016 N 7 (ред. от 07.02.2017) «О применении судами некоторых положений Гражданского кодекса Российской Федерации об ответственности за нарушение обязательств» http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_ 195783/

20. Постановление Президиума ВАС РФ от 13.10.2011 №5531/11.

21. Постановление ФАС Западно-Сибирского округа от 13 июля 2004 г. по делу № Ф04/38013-1558/А27-2004.

22. Постановление Федерального арбитражного суда Поволжского округа от 18 сентября 2001г. №3559/01-2. Доступ из справ. Правовой системы “Консультант Плюс”.

23. Постановление Арбитражного суда Уральского округа от 31 августа 2015 г. № Ф09-5885/15 по делу № А07-4379/2014 // СПС «Консультант Плюс».

24. Принципов международных коммерческих договоров УНИДРУА (PICC).

25. Российское гражданское право. Учебник: в 2 т. Т.II: Обязательственное право /Отв. ред. Е.А.Суханов. – 2-е изд., стер. – М.: Статут, 2011.-С.791.

26. Типовой закон ЮНСИТРАЛ «Об электронной торговле» // Model law of electronic commerce the united nations commission on international trade law// Принят в Нью-Йорке 28 мая-14 июня 1996 г. на 29-й сессии ЮНСИТРАЛ, одобрен 16 декабря 1996 г. резолюцией 51/162 на 85 Пленарном заседании Генеральной Ассамблеи ООН// Комиссия ООН по праву международной торговли. Ежегодник Т.: XXXII 1999 г. Нью-Йорк, 1998. -С. 319-333.

27. Тошкент шаҳар хўжалик судининг архив материаллари. 2009. 10-0913/12178-сонли хўжалик иши.

28. Фуқаролик ва оила ҳуқуқи маърузалар курси (Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри) –Т.: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси. 2013.

29. Хўжалик ва ҳуқуқ. -2002. -№ 6.

30. Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги қонунига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ, 2007.

31. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Профессионал шарҳлар. Т 2./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Тошкент: Baktria press, 2013. -Б.688.

32. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т3./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Baktria press, 2013. –Б.100.

33. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ 1-жилд. Х.Р.Рахмонқулов, О.О.Оқюлов таҳрири остида. OSCE Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва ҲМЎМ

ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази (Тошкент ш.).–Т.: VEKTOR-PRESS, 2010, 618 б.

34. Ўзбекистон юридик энциклопедияси /Иккинчи нашр/. -Т.: Адолат, 2011. -Б.130.

35. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий судининг 2019 йил 10 сентябрдаги 4-2304-1902/416-сон иш.

4. Интернет манбаалар:

1. https://ru.qaz.wiki/wiki/Warranty.
2. https://ru.qaz.wiki/wiki/Home_warranty.
3. https://ru.qaz.wiki/wiki/Warranty.
4. https://ru.qaz.wiki/wiki/Lemon_law
5. https://www.cisco.com/web/RU/partners/warrantyprogram.html.
6. https://www.artelgroup.org/guarantee/.
7. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%AD%D1%81%D1%82%D0%BE%D0%BF%D0%BF%D0%B5%D0%BB%D1%8C#cite_ref-c1_1-1.
8. https://kad.arbitr.ru.
9. https://ru. wikipedia. org/wiki/Делькредере.
10. https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/5691-9-ojda-25-mlrd -s-m-su-urta-oplamasi-t-landi.
11. https://nuz.uz/iktisod-va-biznes/46496-zbekinvest-2019-yilda-242-mlrd-sm-suurta-oplamalari-tlab-berdi. html.
12. http://xs.uz/uzkr/post/ozagrosugurta-sugurta-mazhburiyatlarini-tolab-berolyaptimi.
13. Judgment on Cavendish Square Holding BV v Tatal El Makdessi, ParkingEye Limited v Beavis (2015).
14. https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-RUS.pdf.
15. https://www.sgcc.uz/en/news/view/ocik-tanlov-aukcions.

16. http://sud.uz/wp-content/uploads/2019/07/court-dbru.pdf.
17. https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/aybona-uz/.
18. https://ecanet.ru/word/%D0%9F%D0%B5%D0%BD%D1%8F.
19. http://docs.cntd.ru/document/901966877.
20. https://ictnews.uz/04/11/2019/smart-contract/#page/1.
21. https://yuz.uz/news/smart-shartnomalar-haqida-nimalarni-bilasiz.
22. uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti...
23. https://www.raexpert.ru/researches/factoring/factoring_2019.
24. https://trends.rbc.ru/trends/industry/5ddbf53e9a7947d0568ef37c.
25. https://new.standart.uz/upload/file/prochie/01_siyosat.pdf.
26. https://trends.rbc.ru/trends/industry/5ddbf53e9a7947d0568ef37c.
27. http://oceanlaw.ru/wp-content/uploads/2018/02/1900 - Гражданское-уложение -1.pdf.
28. file:///C:/Users/User/Desktop/ГК%20РСФСР%201922%20года% 20901808921. Pdf/.
29. https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin_enc/12882.
30. https://uza.uz/oz/politics/a-olini-uy-zhoy-bilan-taminlash-b-yicha-yangi-tizim-zhoriy-e-28-10-2019.
31. https://www.yellowpages.uz//rubrika/lombardy/tashkent?pagenumber=1
32. https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/intellektual-mulk-hukuqi-uz/
33. https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/qadimgi-yunon-sheriyati/evripid-m-a-480-406/
34. https://www.interbrand.com/best-brands/

35. https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/intellektual-mulk-hukuqi-uz/

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I-боб. ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИСТИК ТАВСИФИ

1.1. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш тушунчаси, цивилистик аҳамияти ва роли

1.2. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларига илмий докторинал ёндошувлар ва турланишининг ўзига хос жиҳатлари

II-боб. МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШДА ҚАРЗДОРНИ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ВА УНИ ЎЗ МАЖБУРИЯТИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ИЖРОСИГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ УСУЛЛАРИ

2.1. Неустойка – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усули сифатида

2.2. Закалат – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усули сифатида

III-боб. ҚАРЗДОР ТОМОНИДАН МАЖБУРИЯТ БУЗИЛГАНИДА КРЕДИТОРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ

3.1. Кафиллик – мажбуриятлар бажарилишининг фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усуллари тизимида тутган ўрни ва асослари

3.2. Кафолат – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усули ва унинг хусусиятлари

IV-боб. МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ УНИВЕРСАЛ ВА БОШҚА УСУЛЛАРИ

4.1. Гаров – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал усули сифатида

4.2. Қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг универсал усули сифатида

4.3. Товар неустойкаси, суғурта, делькредере, факторинг – мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлашнинг усуллари сифатида

4.4. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг замонавий усуллари

4.5. Рақамли реаллик шароитида мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш усулларини такомиллаштиришнинг замонавий истиқболлари

ХУЛОСА

ИЛОВАЛАР

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Анортоев Исмоил Анортоевич
Юридик фанлари номзоди, доцент

Фуқаролик, хўжалик ва тадбиркорлик ҳуқуқига оид бир қатор илмий ишлар муаллифи. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини ишлаб чиқишда ўзининг улкан ҳиссасини қўшган йирик ҳуқуқшунос олим.

Оддий ўқитувчиликдан бошлаб, катта ўқитувчи, доцент илмий унвонига эга бўлиш каби шарафли йўлни босиб ўтган. Тошкент Давлат Университети ҳуқуқшунослик факультети кафедра мудири, факультет декани ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси лавозимларида ишлаб, ҳуқуқшунослик назарияси ҳамда суд амалиётини талабаларга ўргатишда фаол иштирок этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди қошидаги “Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида журнал фаолиятининг ҳамда Олий хўжалик судининг Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоси сифатида судлар фаолиятининг янада такомиллашувига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Илмий нашр

ДОНИЁР БАХТИЁРОВИЧ РАХИМОВ

МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

МОНОГРАФИЯ

Муҳаррир: Илҳом Йўлдошев
Мусаҳҳиҳа: Оқила Бабаева
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
оилавий корхонаси нашриёти
Манзил: Тошкент, Бешқайрағоч кўчаси, 156 уй.
Тел.: 99 847 12 12

Босишга рухсат этилди 21.10.2021
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи 22,0.
Шартли босма табоғи 25,0. Адади 200

«MUMTOZ SO‘Z»
оилавий корхонаси босмахонаси
Манзил: Тошкент, Бешқайрағоч кўчаси, 156 уй.
Тел.: 99 847 12 12